



— Ш.Т. МАХМАРАИМОВА —



ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ





Чулпон номдааги
нашрият-матбаа ижодий уйи

ISBN:978-9943-05-998-6



9 789943 059986

89.2-5

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

Ш.Т. Махмараимова

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ



2290 7349

Чулпон номидаги нашриёт-матбаа маркази ўн

Тошкент – 2017

ALISHEK NAVOIY NOMIDAGI

ToshDOCTAU

AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК 81'271.2(075)

КБК 81.2-5

М 32

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғига асосан нашр қилишга рухсат берилган. Гувоҳнома рақами № 603-274.

Тақризчилар:

Ш.Э. Бобомуродова – филология фанлари номзоди;

У.Д. Қодиров – психология фанлари номзоди

Масъул муҳаррир:

Б.Р. Менглиев – филология фанлари доктори, профессор

Махмараимова Ш. Т.

М 32 Лингвокультурология [Матн]/Ўқув қўлланма/ Ш. Махмараимова – Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017. – 164 б.
ISBN 978-9943-05-998-6

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбек тилшунослиги кафедраси Магистратура босқичи 5A120102 – Лингвистика (узбек тили) мутахассислиги 1-курс магистрантлари учун «Лингвокультурология» курсидан тайёрланган бўлиб, ўзида мазкур фан дастурининг «Тил, маданият ва инсон», «Тил ва маданият», «Маданият ва унинг урганилиши», «Метафора – маданиятнинг кўрсаткичи» бўлимларига доир маълумотлар, фан бўйича ечимини кутаётган, янги-ча ёндашувлар асосида фанни янада чуқурроқ урганишни талаб қиладиган илмий муаммолар асосида тузилган назорат турлари учун топшириқлар; мавзуларни мустақил урганиш бўйича тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Ўқув қўлланма филология факультети талабалари, магистрантлар ҳамда соҳага қизиқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

УЎК 81'271.2(075)
КБК 81.2-5

© Махмараимова Ш. Т., 2017

© Чўлпон номидаги НМИУ, 2017
(Болалар адабиёти нашриёти)

ISBN 978-9943-05-998-6

СУЗ БОШИ

Маълумки, инсон тафаккури ва онги ривожининг маҳсули бўлмиш маданиятнинг лисонга, у орқали эса шахслараро муносабатга таъсирини тадқиқотталаб мавзулардан биридир.

Инсоният аллақачон интеллектуал XXI асрнинг остонасидан ҳатлиб ўтди, зеро ижтимоий масалаларнинг ечими ҳақида бонг урилаётган ушбу даврда ҳам, турли мамлакатлар, халқлар ва маданиятларнинг социал муаммоларига даҳлдор узвий алоқадорлик кўламининг кенгайиши — инсон ва лисон масаласининг атрофлича ўрганилишидан фарқли ўлароқ, унинг ечимига йўлни бир қадар ойдинлаштиради ҳолос.

Ҳолбуки, ижтимоий муносабатлар ўзида нафақат алоқа-аралашув функциясини сақлайди, балки ҳукумат институтлари, ижтимоий гуруҳлар, оммавий ҳаракатлар ҳамда алоҳида олинган мамлакат ва маданиятлар индивидларининг тобора жипслашиб бораётган маданият алмашинуви даражасининг кескин ўсиши билан боғлиқ маданиятлар аралашувини ифодалайди. Бу ҳолат маданий ўзига хослик ва тафовут тўғрисидаги муаммони кескинлаштиради.

Маданий турфалилик ўсиб боргани сайин, уни ташкил этувчи халқлар ўз маданий қиёфаларини сақлаб қолишнинг турли воситаларини қидириб топмоқдалар. Маданий ўзига хосликни сақлаб қолишдан иборат ушбу тенденция инсониятнинг тобора боғлиқ ва яхлит муносабатлараро ўз маданий кенг қирралигини йўқотмай келаётганини исботлайди.

Тилшунослик тарихида инсон ва лисон тушунчаларининг узвий муносабати моҳиятига қаратилган тадқиқотларнинг катта қисмида антропоцентрик ёндашувлар акс этади. Бинобарин, мазкур тадқиқотлар марказида тилнинг систем-структур аспекти эмас, унинг алоқа воситаси сифатидаги функциясини ёритиш, таснифлаш ва тавсиф қилиш туради.

Тилга антропоцентрик ёндашув алоҳида олинган коммуникатив вазиятларда қўлланувчи тил воситаларини, психологик ва аниқ коммуникатив вазиятлардаги миллий-маданий факторларнинг ахборот-алмашинув жараёнидаги таҳлили, комплекс тадқиқини тақозо этади. Бу ҳолат бугунги кунда миллий тил билан уйғунлашган маданият ва менталитет масалаларини жадаллик билан текшираётган лингво-культурология соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади.

Яқин йилларгача лингвокультурология Европа тилшунослигининг янги йўналиши ҳисобланар эди. Бироқ қисқа муддат ичида олимларнинг бу йўналишнинг ўзигагина хос бўлган категория ва тамойилларни ишлаб чиқишлари эвазига, йўналиш шиддат билан шаклланди ҳамда XXI асрнинг бошига келиб, алоҳида соҳа сифатида ривожлана бошлади.

Бир томондан, лингвокультурология ўз тадқиқот предметини мамлакатшуносликнинг ўрганиш объекти негизида ҳосил қилган бўлса, иккинчи томондан, маданиятшуносликнинг алоҳида тармоғини ўзида ифода этадиган бўлди. Қайд этиш лозимки, маданиятни, унинг методологияси ва назарий негизларини ўрганувчи культурология (маданиятшунослик)нинг объекти ва предметига нисбатан тафовутли қарашлар маданият тушунчасининг ниҳоят турлича талқин этилиши билан изоҳлангани каби, лингвистик нуқтаи назардан тил ва маданият муносабатларини ўрганиш, тадқиқ этиш ҳали узоқ давр олимларнинг диққат марказидаги масала бўлиб қолади.

Дунёдаги исталган тил оламни акс эттира олади. Бу тасвирнинг таянч нуқтаси халқнинг нуқтаи назари билан белгиланади. Исталган тилда уни тилда сўзловчиларнинг нуқтаи назари билан бошқариладиган универсал-объектив ҳамда субъектив-миллий аспект акс этади. Бу аспектларнинг иккинчиси бизга тил тўғрисида дунёқараш ёхуд оламнинг лисоний манзараси ҳақида сўзлагандек фикр юритиш имконини беради. Замонавий тилшуносликнинг асосчиси В. Гумбольдт бежизга: «Миллатим тилининг чегаралари менинг дунёқарашим миқёсини билдиради» деб айтмаган.

Ўзбек адабий тилининг бугунги ривожи, Ҳукуматимиз томонидан она тилимизнинг келажак тараққиётига қаратилаётган юксак этиборнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетининг таъсис этилиши ҳамда уни ташкил этиш юзасидан амалга оширилган барча саъйи ҳаракатлар — миллий тилимизнинг порлоқ истиқболи ҳақида шукроналик билан фикр юритишга даъват этади. Бу шукроналик ўз навбатида, тилшунос олимларнинг елкасига эришилаётган ютуқлар билан чегараланиб қолмасдан, илмий-изланиш, тадқиқотчилик, таълим-тарбия соҳаларида, она тилимизни ўқиш-ўрганишга бағишланган жамики фаолиятда тилшуносликка оид фанлар методологиясини чуқур ўзлаштиришни, берилаётган билимларнинг сифатини янада оширишни вазифа қилиб юклайди. Холбуки, она тилимизнинг ривожи миллатлараро тотувликнинг, демакки, жамият маънавий тараққиётининг қулф-калитидир.

Бинобарин, диний бағрикенглик, миллий тотувлик, аҳиллик, бир-димлик тамойилларига амал қилган ҳолда гуллаётган Она Ватани-мизнинг равнақи дастлаб, ижтимоий муносабатлар негизида буй курсатувчи таълим ва фаннинг такомилли, давлат ва жамият, иқтисодиёт, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлашдаги оқилона Давлат сиёсати билан юзага чиқмоқда. Бунинг баробарида, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошаётган ислохотларнинг моҳиятига алоқадор, яшаш ва меҳнат қилиш, ўқиш ва ижод қилиш сингари инсонга хос ақлий ва жисмоний фаолиятга қўйиладиган талаблар ўсмоқда, мазмунан такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан кучга кирган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**нинг Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга бағишланган 4.4-бандида:

– узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

– таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни қуришга мувофиқ тарзда, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанларнинг сифатли ўтилишини таъминлаш, бу борада талабаларга жаҳон илм-фанида рўй бераётган ўзгаришлар, эврилишлар, янгиланишлар тўғрисида кенг ва баҳоли қудрат ўз вақтида батафсил маълумот беришга қаратилган илмий адабиётларни яратиш – бугуннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси. Зеро, бугунги, глобаллашув даврида ўсиб келаётган авлодни оғриқли асоратлар қолдирувчи оммавий маданият ҳамда бошқа турдаги маънавий бўҳронлардан сақлаб, уларни келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишда фидокорона қатнашишга сафарбар этишнинг энг тўғри йўлларида бири – уларга дунё стандартидан кам бўлмаган, айни вақтда, миллий қадриятларимизга уйғун келадиган чуқур, атрофлича пухта ўйланган билимларни беришдир. Унутмаслик керакки, бу йўл мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг буюк келажагимизни қуришга қаратилган ўлмас, эзгу даъватига ҳамоҳангдир.

Мазкур ўқув қўлланмадаги «Тил, маданият ва инсон», «Тил ва маданият», «Маданият ва унинг ўрганилиши», «Метафора — маданиятнинг кўрсаткичи» номли бўлимларга доир маълумотларни беришга ҳаракатлар когнитив тилшунослик ҳамда лингвокультурологиянинг кесишув нуқтасидаги жараёнларни ўзида қамрагани боис, бу борадаги маълумотларни имкон қадар кенгроқ бериш ниятида, жаҳон тилшунослик фанининг йирик намояндаларининг фикрлари ва назарий қарашлари бир қадар муқояса қилинди. Шунингдек, мазкур қўлланма доирасида метафоризация ва унинг инсон онгида содир бўлиш механизмининг табиати Аристотел, Дж. Лакофф, М. Жонсон, Н.Д. Аругюнова сингари жаҳон тилшунослик фанининг кўзга кўринган таниқли вакиллариининг назарий ёндашувлари асосида атрофлича баён қилинди.

Ўйлаймизки, ушбу қўлланма нафақат олий ўқув юртлари филология факультети талабалари, магистрантлар, балки тил ва маданият, тилнинг маданиятда ва маданиятнинг тилда зоҳир бўлиш механизми масаласига, миллатлараро, умуминсоний мулоқот муаммоларига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасини ўзига жалб этади.

Муаллиф

I. ТИЛ, МАДАНИЯТ ВА ИНСОН

1.1 §. Тилшуносликда «парадигма» тушунчаси. Тилшуносликда парадигмаларнинг ўзгариши масаласи. Парадигмаларнинг қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик турлари

РЕЖА:

1.1 §. Тилшуносликда «парадигма» тушунчаси. Тилшуносликда парадигмаларнинг ўзгариши масаласи. Парадигмаларнинг қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик турлари.

1.2 §. Билимларнинг янги антропоцентрик парадигмаси ва унинг лингвокультурологиядаги ўрни.

1.3 §. Лингвокультурологиянинг бошқа фанлар орасидаги мақоми. Лингвокультурологиянинг этнолингвистика, социоллингвистика ва этнопсихоллингвистика билан чамбарчас боғлиқлиги.

Таянч сўзлар: фанда «парадигма» тушунчаси, илмий йўналишлар, қиёсий-тарихий парадигма, систем-структур парадигма, антропоцентрик парадигма, антропоцентрик парадигманинг лингвокультурологиядаги ўрни, лингвокультурологиянинг бошқа ижтимоий фанлар ўртасидаги мақоми ва ўрни.

Тилшуносликда «парадигма» тушунчаси ва илмий йўналишлар. Сунгги йилларда лингвистик адабиётларда «илмий парадигма» атамаси тез-тез тилга олинадиган бўлди. Тилшуносликда илмий парадигма деб тилни ўрганишнинг назарияси, бирор-бир усули ёки ёндашувга айтилади.

Тилшуносликдаги ва умуман, фандаги «парадигма» тушунчасини изоҳлаш учун сўзни қўхна давр ҳамда у орқали ўтган асрлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу борада бизга тилшуносликдаги баъзи илмий муаммоларнинг тарихи қўл келади.

Маълумки, билимлар структурасининг системаси диалектиканинг спиралсимон ривожланиш қонуниятига бўйсунди.

Қадимдан баҳсли ҳисобланган кўплаб илмий муаммоларга нисбатан алломаларнинг билдирган муносабатлари тил ва унинг тараққиётига ҳам алоқадор бўлиб келди. Жумладан, Конфуций (эр. ав. VI–V асрлар): «Агар ном нотўғри берилган бўлса, нутқ унга бўйсунмайди, нутқ бўйсунмаса, фаолият амалга ошмайди. Агар ном тўғри берилган бўлса, нутқ унга итоат этади ва фаолият амалга ошади» дейди.

Платон (эр. ав. V–IV асрлар) ўзининг «Кратил» номли асарига Суқрот номидан қуйидагиларни баён қилади: «Қоидага кўра гапираётган одам тўғри гапираётган бўладими, ёки нутқ ва нутқ воситалари табиатдан берилганми? Агар шундай бўлса, унга омад кулиб боқади ва у

ростдан ҳам гапиради. Агар бунинг тескариси бўлса, у хато қилиб кўяди ва ҳеч нарса содир бўлмайди».

Бу икки алломанинг фикрлари билан фанда мавжуд муаммоларга ёндашувларнинг ўзгарувчан табиатига ишора бериш мумкин. Зеро, тилнинг грамматик қатламидаги айрим қоидаларнинг ҳамиша ҳам рисолага, амалдаги нутққа мос келавермаслиги — табиий ҳолат.

«Табиатдан берилган» ва «инсон томонидан берилган» номга доир фалсафий масала Ўрта асрларга қадар «номиналистлар» ҳамда «реалистлар» баҳси тарзида давом этди.

XIX асрда бу муаммога В. Гумбольдт (*тилнинг ички формаси ва тасаввур сўзининг ибтидоси сифатида*) мурожаат қилган бўлса, рус тилшунослигида бу масалага А.А. Потевня (*сўзининг ички формаси*) кўл урди. XX асрга келиб лингвистикада Ф. де Соссюрнинг лисоний белгининг шартланганлиги ва конвенционаллиги тўғрисидаги концепцияси устувор аҳамият касб этди (*«инсон томонидан берилган»*), номинация масаласининг ўзи эса, лингвистик муаммо бўлиб қолди (фаннинг ономастика соҳаси).

Шунга қарамай, мазкур муаммога фалсафий ёндашувлар кўпайиб, 20-йилларнинг ўрталарида рус файласуфи Густав Шпетнинг «Сўзининг ички формаси. Гумбольдтнинг мавзуларига этюд ва вариациялар» номли китоби чоп этилди. Платоннинг сўзга мансуб ғоялари, шунингдек, С. Булгаков, П. Флоренский, А.А. Лосевнинг қарашларида ўз ифодасини топди.

Юқоридагиларнинг барчаси қадимдан мавжуд бўлиб келган илмий-фалсафий қарашларнинг йуқ бўлиб кетмасдан, «диалектик спирал» қонуниятига кўра, фанда қолиши ёхуд трансформацияланишини исботлайди.

Ҳозирги замон лингвистик парадигмаси ҳақида гап борганда эса, бевосита И.А. Бодуэн де Куртенэнинг «Тилшунослик ёхуд XIX аср лингвистикаси» номли асарида келтирилган қатор фикрларига тўхталиш ўринли. Олим ўз қарашларида кўҳна давр грамматикачиларининг қарашларидан воз кечиш ва бу орқали атамашуносликка ўзгартишлар киритиш, хулосаларни тирик тиллар асосида бериш, имкон даражасида тажрибалардан фойдаланиш, алифбо белгиларини транскрипция элементлари билан алмаштириш, тилшуносликда кўпроқ миқдорий, математик тафаккурни қўллаш, нутққа оид фактларни бегона категорияларга таянмасдан, атрофлича ўрганиш, инсон нутқининг бевосита психологик ва ижтимоийлигини тан олиш, тилни майда элементиғача тадқиқ этиш, «антропоцентризм» деб номланувчи бидъат (улуғлик васвасаси)ни бартараф этиш ва ҳ. Булар қаторида олим тилшуносликнинг XX асрдаги ҳолати ҳақида ҳам ўз фаразларини билдираркан, фаннинг бора-бора аниқ фанлар қаторидан жой оли-

ши, тилшуносликнинг психология, социология, антропология билан ҳамкорликда ривожланиши, этимологик ва семасиологик тадқиқотларнинг психология фанига бутунлай янги хулосалар бериши эҳтимолини билдиради.

Умуман олганда, тилшунослик фанидаги ўзгариш ва эврилишлар, кичифёт даражасидаги назариялар тўғрисида гап борганда, киши онгида олимларнинг номлари ёрлик мисол гавдалана бошлайди: тилнинг ички формаси – Гумболдът, сўзнинг ички формаси – Потенбня, «Ғ» формаси – Фортунатов, гапнинг бир ва икки таркиблиги – Шахматов, тилнинг белгилар назарияси – Соссюр, лисоний шахс – Караулов, фонема – Бодуэн (бу қаторни кўплаб машхур тилшуносларнинг номи эвазига давом эттириш мумкин. Уларнинг барчаси илмий ҳақиқатни англашга бўлган чексиз иштиёқи ва энг аввало, тилга бўлган чегара билмас муҳаббати туфайли тилшуносликнинг у ёки бу қиррасига доир ўз таълимотини яратдилар).

Парадигмаларни илмий йўналишлардан фарқлаш лозим. Е.С. Кубрякова одатда, бундай йўналишларни кичик илмий парадигмалар деб номлашларини ёзади.

Илмий мактаблар эса, йўналишлар орасида ажратилади. Масалан, Ю.М. Лотман раҳбарлигидаги семиотик мактаб, Ю.Д. Апресян бошчилигидаги Москва семантик мактаби, Н.Д. Арутюнованинг етакчилигидаги «Тилнинг мантиқий таҳлили» мактаблари бунга исбот.

Буларнинг барчаси ўз парадигмал хусусиятига эга бўлиб, бунда аввало, парадигманинг методологик асоси (антропоцентризм ёки системоцентризм), аспект таснифи (характеристикаси), яъни тадқиқотнинг ёндашув қирраси (синхрония ёки диахрония), шунингдек, бошқа фанларга нисбатан очиклик ёхуд ёпиқлик хусусиятлари намоён булади.

Фан тараққиётида XVII–XXI асрларда кечган жараёнларни эса, қисқача қуйидаги I-жадвалдан кузатиш мумкин¹.

I-жадвал

Йўналиш (мактаб)	Методологик асос		Ўрганиш аспекти		Бошқа фанлар билан алоқаси	
	Системоцентризм	Антропоцентризм	Синхрония	Диахрония	Очик парадигма	Ёпиқ парадигма
XVII аср универсализми	(+)		(+)		Мантиқ	

¹ Куликова И.С. Современная лингвистика в контексте смены научных парадигм (электронное учебное пособие для студентов 1 к. магистратуры). http://russjaz.narod.ru/Kylik/Kurs_dlya_mag-1_kursa.pdf.

ростдан ҳам гапиради. Агар бунинг тескариси бўлса, у хато қилиб қўяди ва ҳеч нарса содир бўлмайди».

Бу икки алломанинг фикрлари билан фанда мавжуд муаммоларга ёндашувларнинг ўзгарувчан табиатига ишора бериш мумкин. Зеро, тилнинг грамматик қатламидаги айрим қоидаларнинг ҳамиша ҳам рисолага, амалдаги нутққа мос келавермаслиги – табиий ҳолат.

«Табиатдан берилган» ва «инсон томонидан берилган» номга доир фалсафий масала Ўрта асрларга қадар «номиналистлар» ҳамда «реалистлар» баҳси тарзида давом этди.

XIX асрда бу муаммога В. Гумбольдт (*тилнинг ички формаси ва тасаввур сўзнинг ибтидоси сифатида*) мурожаат қилган бўлса, рус тилшунослигида бу масалага А.А. Потенбня (*сўзнинг ички формаси*) қўл урди. XX асрга келиб лингвистикада Ф. де Соссюрнинг лисоний белгининг шарлланглиги ва конвенционалиги тўғрисидаги концепцияси устувор аҳамият касб этди («инсон томонидан берилган»), номинация масаласининг ўзи эса, лингвистик муаммо бўлиб қолди (фanning ономастика соҳаси).

Шунга қарамай, мазкур муаммога фалсафий ёндашувлар кўпайиб, 20-йилларнинг ўрталарида рус файласуфи Густав Шпетнинг «Сўзнинг ички формаси. Гумбольдтнинг мавзуларига этюд ва вариациялар» номли китоби чоп этилди. Платоннинг сўзга мансуб ғоялари, шунингдек, С. Булгаков, П. Флоренский, А.А. Лосевнинг қарашларида ўз ифодасини топди.

Юқоридагиларнинг барчаси қадимдан мавжуд бўлиб келган илмий-фалсафий қарашларнинг йўқ бўлиб кетмасдан, «диалектик спирал» қонуниятига кўра, фанда қолиши ёхуд трансформацияланишини исботлайди.

Ҳозирги замон лингвистик парадигмаси ҳақида гап борганда эса, бевосита И.А. Бодуэн де Куртенэнинг «Тилшунослик ёхуд XIX аср лингвистикаси» номли асарида келтирилган қатор фикрларига тўхталиш ўринли. Олим ўз қарашларида кўҳна давр грамматикачиларининг қарашларидан воз кечиш ва бу орқали атамашуносликка ўзгартишлар киритиш, хулосаларни тирик тиллар асосида бериш, имкон даражасида тажрибалардан фойдаланиш, алифбо белгиларини транскрипция элементлари билан алмаштириш, тилшуносликда кўпроқ миқдорий, математик тафаккурни қўллаш, нутққа оид фактларни бегона категорияларга таянмасдан, атрофлича ўрганиш, инсон нутқининг бевосита психологик ва ижтимоийлигини тан олиш, тилни майда элементигача тадқиқ этиш, «антропоцентризм» деб номланувчи бидъат (улуғлик васвасаси)ни бартараф этиш ва ҳ. Булар қаторида олим тилшуносликнинг XX асрдаги ҳолати ҳақида ҳам ўз фаразларини билдираркан, фanning бора-бора аниқ фанлар қаторидан жой оли-

XVIII аср норматив грамматикалари	(+)		(+)			+
Тарихий-қиёсий тилшунослик (компаративизм)				+		+
Гумбольдтнинг тил фалсафаси	+			+	+	
Мантиқий-грамматик йўналиш	+		(+)	+	+	(Мантиқ)
Психологик йўналиш		+		+		+(Психология)
Младограмматизм		+		+	+	
Харьков мактаби (А.Потебня)	(+)	+		+	+	
Москва лингвистик мактаби	+	(+)	(+)	+	+	
Қозон лингвистик мактаби	+	+	+	+	+	
Сосюрнинг лингвистик концепцияси	+		+			+
структурализм	+		+			+
Прага лингвистик мактаби (функционал лингвистика)	+		+	(+)		+
Дескриптивизм	+		+			+
Глоссематика	+		Пан-хрония	+		
Замонавий тилшунослик						
Типологик тилшунослик	+		+	(+)		+
Этнолингвистика		+	+		+	
Психоллингвистика		+	+		+	
Социоллингвистика		+	+		+	
Функционализм	+	+	+		+	

Дингистик прагматика		+	+		+	
Когнитив лингвистика	+	+	+		+	
Дингвокультурология		+	+		+	

Элатма: (+) белгиси икки ҳодисадан бирининг устуңлигига ишора бериди.

Исталган илмий тадқиқот фанда кузатилган ва айни вақтда воқе бўлиб турган парадигма асосида амалга оширилади, тадқиқотнинг илмий йўналиши ана шу парадигма томонидан «белгиланган» бўлади.

Тил системасининг ҳар бир қатламида алоҳида хусусиятларга эга бўлган парадигмалар мавжуд, бу парадигмалар ўзаро зид ва умумий муносабатни ҳосил қилиш эвазига ички иерархияни вужудга келтирилади. Тилшунос олимлар бу борада «парадигма» тушунчасининг асосий соҳаси сифатида морфологияни қайд этадилар. Р.З. Мурясовнинг фикрича, парадигма тил бирликларининг ўз субстанциясини (моҳиятини) инъико этиш учун ўзаро муносабатга киришиши жараёнида юзага чиқади.

Парадигма (лот. *parādeigma* – *παράδειγμα*, ингл. *paradigm*, нем. *paradigma* – намуна) методологик тушунча сифатида XX асрнинг сўнгги чорагида америкалик файласуф Томас Кун томонидан илмий истезмолга киритилган. Олим ўзининг 1962 йилда чоп этилган «Илмий инқилоблар структураси» номли китобида ушбу атамадан илм-фандаги «сакраш»ларни изоҳлаш мақсадида фойдаланган.

«Парадигма» ҳар бир тилшунос учун аниқ фалсафий, методологик характерли тушунча ҳисобланади. Масалан, Ю.С. Степанов парадигма сифатида «муайян даврда тилга нисбатан фалсафий оқим ва санъатдаги йўналиш билан боелиқ бўлган ҳукмрон қараш»ни тилга оларкан, мазкур атамани «тил фалсафаси» тушунчасига синоним ўрнида ишлатади. Бу қараш олимнинг «Тилнинг уч ўлчамли фазосида» номли асарида ўзининг кенг кўламли изоҳини топган. Бироқ «XX аср охирида тил ва фан» (1995) номли жамоавий монографияда Ю.С. Степанов энди «парадигма» атамасидан воз кечади ҳамда унинг ўрнида «илмий тафаккур услубларининг алмашинуви» деган ифодани қўллайди.

Аслида, «парадигма» атамаси умум томонидан эътироф этилмаган, баҳсли тушунча ҳисобланади. Атама теграида олиб борилган мубоҳасанинг катта залвори Е.С. Кубрякова, Н.Д. Арутюнова, А.В. Бон-

дарко, В.Б. Касевич, Д.И. Руденко, А. Вежбицкаянинг ишларига тегишли.

Хусусан, Д.И. Руденко тилдаги парадигмалар алмашинувини Т. Кун сингари фандаги узилиш ва «сакраш»лар тарзида эмас, аксинча, тилдаги мавжуд объектга (нутқ, нутқий фаолият, тил элементлари) нисбатан нуқтаи назарнинг кенгайиши ёхуд ўзгариши сифатида шарҳлайди. Ҳолбуки, тилдаги илмий парадигма узилишларга эмас, балки объект тўғрисида билимларнинг кенгайишига хизмат қилувчи интеграцион сифатли парадигмадир.

Демак, Т. Кун учун «парадигма» атамаси фандаги кескин ўзгаришларни тушунтириш учун зарур бўлган бўлса, бу атама тилшуносликдаги: XIX аср анъанавий, классик тилшунослигининг структур тилшунослик билан, сўнгра Америка ва Европа тилшунослигида структурализмнинг генератив тилшунослик билан, ниҳоят Фикрловчи Одамга (*Homo Sapiens*) ва Гапирувчи Одамга (*Homo Loevens*) ўтиб бориш жараёнларини изоҳлаш учун керак бўлди.

Хуллас, «парадигма» сўзининг кўп қирралигини эътироф этган ҳолда, қуйидагиларни қайд этиш мумкин. Яъни илмий парадигма умумназарий ва методологик умумийликни тақозо этади ва вариациялишни эҳтимол қилади. Шунга кўра, тилшуносликда катта парадигма (макро, мега, супер), кичик парадигма, устпарадигма, остпарадигма (Е.С. Кубрякова), микропарадигма атамалари учрайди. Ушбу атамалар илмий парадигмага ҳамда тил ярусларига хос парадигмаларга баробар тарзда тегишлидир.

Парадигмага фаннинг фалсафий масалалари юзага келтирган концепт, антик ва ўрға аср фалсафасида эса, моддий ва маънавий оламни характерловчи тушунча сифатида ёндашилади. Грамматикада эса, парадигма – турланиш ва тусланиш намунаси бўлмиш сўз, риторикада тарихан қиёс қилиш мақсадида келтирилган намунадир (Ф.А. Брокгауз, И.А. Ефрон). Д.Н. Ушаков ва бошқа рус олимлари «парадигма»ни грамматик атама сифатида изоҳлайдилар. Яъни, *парадигма* – муайян сўзнинг турланиш ва тусланишли жадвали; ўзаро зид муносабатда жойлашган тил бирликларининг қатори бўлиб, бунда ҳар бир бирлик қатордаги бошқа бирликларга бўлган муносабатига кўра аниқланади. Фаннинг мустақил соҳасига оид аниқ бир давр кесимида илмий ҳамжамият томонидан амалга ошириладиган тадқиқотчилик амалиётини ташкил этувчи асосий тушунчалар, таклифлар, эҳтимоллар, муаммоларнинг компакт (ихчам, содда) структураси, фаннинг предмети, энг муҳим назариялар ва ўзига хос методлари тўғрисидаги тасаввурлардир.

Табиати, қўлланиш соҳасига кўра, «парадигма» тушунчаси «категория», «кўлам», «синф», «тематик қатор», «лексик-семантик гуруҳ»

сувлари билан кесишади. Парадигма таркибан камида икки мустақил элементдан ташкил топади.

Г.С. Кубрякова парадигманинг таркибини қуйидагича дифференцирайди:

- 1) парадигманинг хронотопик чегараси;
- 2) парадигманинг юзага келиш талаб ва шартлари, мотивлари;
- 3) мақсадларнинг қўйилиши;
- 4) парадигма таҳлилининг предметли соҳалари;
- 5) инплантиладиган методикалар;
- 6) эвалютив (баҳоловчи) аспект.

Т. Кун парадигманинг тўртта компонентини ажратади. Булар: 1) илмий ҳамжамият аъзолари томонидан бевосита қўлланадиган ва қонун ўрнида амал қиладиган «символик умумлашмалар»; 2) илмий ҳамжамият аъзоларини умумэтироф этилган ўхшашликлар (аналогиялар), онтологик структуралар билан таъминловчи категориал моделлар, концептуал аналоглар; 3) ўзаро рақобатдаги назарияларнинг бирини танлашда ҳамжамият томонидан қўлланадиган қадриятлар ёки критерийлар, 4) муайян даврдаги илмий ҳамжамият томонидан қабул қилинган муаммолар ечимининг намунаси.

Т. Кун «парадигма»ни «маълум муддат оралиғида ҳамжамиятга муаммони қўйиш ва ҳал этиш шаклини тақдим этувчи, умумэтироф этилган илмий ютуқлар» деб изоҳлайди. У илмий ҳамжамият тушунчасини илмий фаолиятнинг мантиқий субъекти сифатида шарҳлайди.

Т. Кунга кўра, илмий ҳамжамият стандартларнинг ягона тизими — парадигмага эгадир. Парадигмалар қонуниятлар, назариялар, қўллаш усуллари, зарур жиҳозларни ўз ичига олади. Илмий ҳамжамиятнинг формал белгилари сифатида концептуал моделлар, умумий хулосалар, аниқ вазифа ва масалаларнинг намунавий ечимини тилга олиш мумкин. Олим: «Одатда, тилшуносликдаги парадигма сифатида лингвистик ҳамжамиятда тан олинган маълум бир лингвистик изланишнинг ёндашув, назария ва методини тушунадилар. Бироқ, унутмаслик керакки, ҳар бир илмий ҳамжамият ўз тадқиқот предметига эга бўлиб, улар томонидан бир хил предмет ўрганилганда ҳам, ёндашувлар турли, баъзида зиддиятли бўлиши мумкин», дейди ва «парадигма» тушунчасининг 22 усулда қўлланилишини баён этади.

Т. Куннинг аниқ фанларни ижтимоий фанлардан устун қўйиб, ижтимоий фанлар (аниқроғи, тилшунослик) ҳеч бир жиҳатдан аниқ фанларга тенглаша олмайди, деган қараши кескин танқидга учради. Шунга қарамай, унинг тилшунослик фанида ягона парадигманинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосалари асослидир.

Парадигмаларнинг қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентриқ турлари. Тилшунослик полипарадигмалдир. Унинг кўплаб

методологик ва концептуал йўналишлари бир неча ва турли талқинли мураккаб тадқиқот объекти туфайли юзага келган. Бугунги давр глобализацияси бевосита янги интеграл ёндашувнинг шаклланишига олиб келади. Бу ўз навбатида, илмий парадигмаларнинг синтезлашувини келтириб чиқаради. Ушбу ёндашув тилни тўрт тарафлама: онг, тил системаси, маданият ва социумга нисбатан текширишни тақозо этади.

Зотан, XX асрнинг иккинчи ярмига тегишли бўлган тилшуносликнинг «парадигмал» тарихи ҳозирги замон лингвистикасининг шаклланишини келтириб чиқарди. Агар тилни диахрон ва синхрон қўламда тадқиқ этишдаги энг катта тамойиллар эътиборга олинса, кўплаб лингвистик парадигмалар, мактаблар ва йўналишлар учта асосий: *қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик* суперпарадигмаларга алоқадор бўлиб қолади.

Қиёсий-тарихий (генетик, тарихий-эволюцион) суперпарадигма тилшунослик тарихидаги биринчи илмий парадигма ҳисобланади ҳамда ўзида тарихийлик тамойилига асосланиб, тилни унинг қонуниятлари ва қўлланиш шартларига мувофиқ, пайдо бўлиш ва ривожланиш нуқтаи назаридан текширадиган мактаб ва йўналишларни жамлайди. Бутун XIX аср тилшунослиги ушбу парадигма таъсири остида тараққий этди. А.М. Ломтевга кўра, бу парадигма элементар-таксономик характерли эди, холбуки, ушбу парадигма тилнинг асосий бирликларини аниқлади ва таснифлади, тилнинг сатҳлардан иборат моделини ишлаб чиқди.

Бироқ XX аср бошларида парадигманинг таъсирида тил ҳодисалари бир-бирига боғланмаган ҳолда текширилди. Тиллар реконструкциясининг тамойиллари қардош тилларнинг лисоний системасини ишлаб чиқишни тақозо қилди. Шундай қилиб, қиёсий-тарихий парадигмага мансуб кўплаб фараз ва қоидаларнинг тил воқелигини тўлиқ тушунтириб бера олмаслиги аёнлашди ва натижада, илм-фан майдонида систем-структур суперпарадигмага оид дунёқараш юзага келди. Таъкидлаш лозимки, қиёсий-тарихий парадигма бутунича йўқ бўлиб кетмасдан, бугунги кунда ҳам, унинг назарияси остида лингвистиканинг ривожини таъминловчи тадқиқотлар, илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

XIX–XX асрлар сўнгида даврийлик нуқтаи назаридан фарқли равишда, мураккаб лисоний бутунликнинг ички тузилишини, лисоний бирликларнинг намоён бўлиши ва гуруҳларга бўлиниши, уларнинг тизимлашуви ва таснифланиши, бирликларнинг бузилмайдиган ягона тил системасига бирикувини ўрғанадиган *систем-структур* (таксономик, систем, структур) *парадигма* вужудга келди. Мазкур *лингвистик структурализм* деб номланувчи ёндашувнинг асосий методологиясини Ф. де Соссюрнинг «тил ўз ичида ва ўзи учун» деган қарашини

ташқил этади. Энди тил қонуниятлари тил бирликларининг ўзаро алоқидорлиги, тил системаси ва унинг структур соҳалари мисолида ўранила бошланди. Парадигманинг асосини яхлит бутунлик ва системанийлик тамойили ташқил этади. Унга мувофиқ, тил қатъий ўзаро боғлиқ ва ўзаро шартланган дискрет элементлардан иборат структурани имманент бутунликдир. Бу парадигмада ҳеч қандай ўзаро боғлиқ ҳолисалар эҳтимолига йўл қўйилмайди, тил маданият ва шу тилда сузловчи одамлар факторидан (инсонларнинг психик ҳолати, ижтимоий ва маданий аспектлар, коммуникация шарт-шароитлари ва ҳ.) айро ҳолда текширилади.

Таъкидлаш лозимки, систем-структур парадигма қиёсий-тарихий парадигма доирасида дунёга келган эди. Юқорида айтилганидек, кейинги изланишларда қиёсий-тарихий парадигманинг қонуниятлари гунаҳлигича сиқиб чиқарилмаган ҳолда, аксинча, унинг қонуниятлари ш методологиясига амал қилинган ҳолда иш кўрилди.

XX асрнинг 60-йилларига келиб, тилни статистик тасвирлашдан уни динамик тасвирлашга, шунингдек, XIX асрда В. Гумбольдт томонидан илгари сурилган тил тўғрисидаги ғояларга ўтилди. Бу даврга келиб, тил ҳақидаги қарашлар объект чегараларидан ўтиб бориб, инсон, унинг онги, тафаккури, билиш қобилияти, оламини англаши ва бу борада ўзини тилда намоён этиши ҳамда олам манзарасида тилнинг ўрни каби сарҳадларни қамрай бошлади.

Тўғри, систем-структур парадигма ўзининг таъсирини йўқотгани йўқ, унинг тарафдорлари ҳозирда ҳам ўзларининг залворли тадқиқотлари билан тилшуносликнинг ривожига ҳисса қўшиб келмоқдалар. Зеро, тил қурилишига доир адабиётлар, академ грамматикалар, тегишли тематик лугатлар ҳам айнан шу парадигма қонуниятлари асосида яратилади ва нашр этилади.

Парадигмалар тарихига оид қоидага мувофиқ, систем-структур парадигма ҳам ўз навбатида, янги илмий парадигманинг юз очишига шмин яратди. Мавзу доирасида қайд этганимиздек, тилшунослик, лингвистика полипарадигмал хусусиятлидир. Шу сабабли бўлса керак, амалга ошириладиган изланишларда мавжуд илмий парадигмаларнинг барчасига хос методологияни, муаммонинг қўйилиши ва таклиф этилувчи ечим турларини кузатиш мумкин.

Олимлар лингвистика ривожига оид қуйидаги парадигмаларни ятироф этадилар: лингвосинергетик (В.Н. Базилев), лингвориторик (А.А. Ворожбигова), функционал, эмотиологик ва прагматик (В.И. Шаховский), лингвокультурологик (О.И. Авдеева, С.В. Иванова) парадигмалар. Мавжуд ёндашувлар негизидаги текшириш объекти ва методларини таҳлил қилган олимлар ўрганиш объектининг аслида инсон, жамият, маданият, тил ва тарихдан иборат ягона объект

эканини, уни алоқа ва муносабатлар бирлигидаги мажмуавий текшириш лозимлигини тан олдилар. Тил жамият учундир, унинг аҳамияти инсон психикасининг ментал, когнитив жараёнларида қуринди ва ниҳоят, оммавий коммуникацияда тил – восита функциясини бажаради. Шу ва шунга ўхшаш далиллар ХХ аср сўнгида тилшуносликда янги, антропоцентрик парадигманинг ўрнатилишини асослади. Шунга қарамай, бу парадигма билан бир даврда функционал, коммуникатив, когнитив, текстоцентрик, прагматик, этимологик парадигмалари ҳам тилга олинди. Аммо Е.С. Кубрякова, Ю.С. Степанов, Н.Ф. Алефиренко, С.Г. Воркачев, В.И. Поставалова, В.Н. Телия, Д.И. Руденко, В.А. Маслова, Ю.М. Малинович сингари йирик олимлар айнан антропоцентрик парадигмани тан олдилар. Бу даврда антропоцентрик парадигмани ҳатто, суперпарадигма сифатида атаган олимлар ҳам бўлди¹.

1.2 §. Билимларнинг янги антропоцентрик парадигмаси ва унинг лингвокультурологиядаги ўрни

Анъанага қўра, тилшуносликда уч – қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик илмий парадигмалари ажратилади². Қиёсий тарихий парадигма тилни текширишнинг биринчи махсус илмий методи бўлиб, бутун XIX аср тилшунослиги ушбу парадигма таъсирида ривожланди.

Систем-структур йўналишида эса асосий эътибор нарса, предмет, номга қаратилгани боис, унинг диққат марказида сўз туради.

Антропоцентрик парадигма эса, инсонга ҳар нарсага нисбатан асосий мезон сифатида қарайди ҳамда тилни инсон омили негизида, инсонни эса, тил омили асосида текширади.

Антропоцентрик парадигманинг келиб чиқиши В. фон Гумбольдт ва Э. Бенвенистнинг тилни «ташқи олам билан инсон ички олами ўртасидаги олам» сифатида қабул қилиш билан боғлиқ ғояларига тақалади. Ваҳоланки, «одам тил орқали инсон бўлиб етишади» (В. фон Гумбольдт).

Антропоцентризм ХХ–ХХI аср арафасида тилшуносликнинг етакчи тамойилига айланди.

Тил этноснинг доимий фарқлантириб турувчи тавсифий белгиси бўлиб келган. Шунга қўра, тил ва маданият, тил ва инсон масалалари

¹ *Огдогова Ц.Ц.* Научная парадигма как ключевое понятие современной науки о языке. <http://cyberleninka.ru/article/n/nauchnaya-paradigma-kak-klyuchevoye-ponyatie-sovremennoy-nauki-o-yazyke>.

² *Куцева О.Ю.* Антропоцентрическая парадигма в современной лингвистике. <http://www.ireteslaw.ispan.waw.pl/handle/123456789/724>.

И. фон Гумбольдт, Э. Бенвенист, Г. Штейнталь, А. Потебнянинг ҳамма умуман, XIX аср тилшунослигининг марказий масалаларидан бўлиб келган.

Бироқ XX асрнинг биринчи ярмида бу масалага эътибор бироз сувайди, тилга оид масалалар эса, инсон омилини четга суриб қўйган ҳолда, фақатгина тилнинг қобиғида кўриб чиқиладиган бўлди. Ҳолбуки, антропоцентрик парадигма тил ва инсон масалаларини биргаликда текшириш заруратини англаш, тилнинг антропоцентриклигини тушуниш сабабидан замонавий тилшуносликда ўзининг мустақкам ўрнини эгаллади.

Кўйд этиш керакки, илмий объектлар уларнинг инсон ҳаёти ва шаклланиши, шахс сифатида ривождаги ўрнига мувофиқ ўрганилади. Яъни инсонга барча тадқиқотлар ва изланишларнинг таянч нуқтаси сифатида қаралади ва жами таҳлил ва натижавий мақсадлар инсон омили негизда акс этади.

Ушбу парадигмага нисбатан, инсон теварак-оламни ўзликни, оламни назарий ва амалий фаолиятини англаш орқали билади, идрок этади. Табиийки, эгалланган билимлар инсон онгида оламнинг антропоцентрик қийматли, антропоцентрик тартибга солинган манзарасини яратади. Мазкур манзара айни вақтда инсон ички дунёсининг моҳиятини ифода этади.

XX аср тилшунослигининг антропоцентрик парадигмаси тўртта ўшро боғлиқ ва ўзаро тафовутли йўналишларга бўлинади.


Биринчи йўналиш учун оламнинг лисоний манзараси асосий тушунча ҳисобланади, шу сабабли у тилни инсоннинг кўзгуси сифатида ўрганади. Мазкур йўналишнинг бош вазифаси — инсоннинг ўзини тилда қандай ифода этиши, акс эттиришини текшириш.

Парадигманинг иккинчи йўналиши коммуникатив лингвистика бўлиб, у биринчи навбатда, инсоннинг коммуникатив фаолияти, унинг коммуникация жараёнидаги ўрнини ўрганади.

Учинчи йўналиш тилни инсоннинг билиш жараёни, когнитив тушуниши (фаолияти)даги ўрнини бошқа фанларга ёндашган ҳолда ўрганади.

Антропоцентрик лингвистиканинг тўртинчи йўналиши махсус номга эга эмас, унинг мақсади — тилнинг инсонда мавжуд бўлиш сабабларини ўрганиш. Тилшунос олима С.Г. Васильева бу йўналишнинг ички субъектли лингвистика ёхуд тил ташувчининг назарияси деб номлашни таклиф этади. Йўналиш асосчиси сифатида И.А. Бодуэн де Куртенэнинг номи эътироф этилади. Негаки, у «тил индивидуал тарзда фақатгина нутқий жамиятни ташкил этувчи индивидлар ёки шахсларнинг мияларида, руҳларида, психикасида мавжуд бўлади», деб ҳисоблаган.

7849
2290



Ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигма асосида бажарилган тадқиқотларнинг салмоғи XXI асрнинг дастлабки йилларига тўғри келади. Бу ишлар, асосан, қуйидаги йўналишларда амалга оширилди: 1) социолингвистика; 2) когнитив тилшунослик; 3) лингвистик прагматика; 4) психолингвистика; 5) антропоцентрик парадигманинг умумназарий масалалари¹.

Таниқли ўзбек тилшунослари: С.М. Мўминов, Б.Р. Менглиев, Ш. Сафаров, Д.С. Худойберганова, А. Маматов, Н. Маҳмудов, Э. Бегматов, А. Нурмонов, И.А. Азимова, М.Х. Ҳақимов, А. Раҳимовларнинг бу борадаги амалга оширган тадқиқотлари, илмий ишлари ҳамда мақолалари маълум.

Хусусан, А. Раҳимовнинг фикрига кўра, «Тилшунослик фани тарихидаги учинчи макропарадигма антропоцентрик парадигма (коммуникатив ёки номинатив-прагматик парадигма) деб ҳисобланади. Ушбу парадигма тилни қуруқ структура сифатида эмас, балки жонли мулоқот ва коммуникацияга асосланган очиқ система сифатида ўрганувчи, бошқа системалар — жамият, инсон, маданият, руҳият қабилар билан узвий алоқадорликда таҳлил этувчи, инсонни тил ичида ёки тилни инсон ичида таҳлил этишга йўналтирилган қарашлар, ғоялар ва таълимотлар мажмуидир».

А. Раҳимов тил ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ўргасидаги алоқани ёритишда инсон «олтин кўприк» вазифасини ўтайди, деб ҳисоблайди. Тадқиқотчининг фикрича, когнитив, социолингвистик, этнолингвистик, психолингвистик, нейролингвистик, прагматик ва лингвокультурологик парадигмалар антропоцентрик парадигма таркибига кирувчи минипарадигмалар ҳисобланади¹.

Тил мураккаб ва кўп қиррали воқелиқдир. Буни Ю.С. Степанов бир неча образларда ифодалайди: 1) тил индивиднинг тили сифатида, 2) тил тиллар оиласининг аъзоси сифатида, 3) тил структура сифатида, 4) тил система сифатида, 5) тил тип ва характер сифатида, 6) тил компьютер сифатида, 7) тил фикр кенглиги ва «руҳнинг уйи» сифатида.

XX аср сўнгида тилга «маданият маҳсули», маданиятнинг таркибий қисми ва мавжуд бўлиш шарт, маданий кодларнинг шаклланиш фактори сифатида қаралди. Тилни текширишнинг янги мақсадлари ва механизми, асосий тушунчалари ҳамда методикалари пайдо бўлди. Шу тарзда, антропоцентрик парадигманинг шаклланиши тилшунослик масалаларининг инсон омили ва инсоннинг маданиятдаги

¹ Ҳавола қуйидаги манбадан олинди: «Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари» модули бўйича ўқув-услубий мажмуа.// Тузувчилар: Д.Э. Лутфуллаева, Д.С. Худойберганова. — Тошкент, 2016. — 17–23-б.

² Юқоридаги манба. — 23-б.

ўрнги масъаси билан боғланишига олиб келди. Зеро, маданият ва маданий эътиборлар марказида ўз турфа қирраларини намоён этувчи, жисмоний, ижтимоий, интеллектуал, ҳиссий, фикрловчи ва ҳ. хусусиятда лисоний шахс (*языковая личность*)¹ масаласи туради.

Бугун тилшунослик маданий-тарихий мазмун билан суғорилган бўлиб, унинг предмети маданиятнинг маҳсули ва негизи, шарти бўлмиш тил ҳисобланади.

Маданият коммуникатив-амалий, қадриятий-рамзий табиатга эга. Тил у билан шунчаки узвий боғланган эмас, у (тил) маданиятнинг бағрида ўсиб-унади, ривожланади ва уни ифода этади, ҳолбуки ҳар бир халқ тили ноёб ва ўзига хосдир. Ю.К. Волошинни қайд этишича, «маданият ўз-ўзича забонсиздир, бу вазиятда эса, унга тил ёрдам беради».

Тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги гоё лингвистика ва культурологиянинг кесишув нуқтасида вужудга келиб, халқ маданиятининг тилда акс этишини ўрганувчи лингвокультурологияда ўт аксини топди.

Лисоний шахс тушунчаси билан бирга, лингвокультурологияда концепт тушунчасига ҳам асосий тушунчалардан бири сифатида ёндишилади. Чунки концепт инсон онгидаги маданиятнинг йиғиндиси бўлиб, маданият кўринишида инсоннинг ментал оламига кириб боради.

С.Г. Воркачёв концептни ментал тузилишли, лингвомаданий хусусиятга деб баҳолайди ва уни антропоцентрик парадигманинг шаклланишида муҳим қадам деб билади.

Шундай қилиб, антропоцентрик парадигма биринчи ўринга одамни қўяди, тил эса, унинг асосий характеристикаси, таркибининг асосий бирлигидир. Маданият ва тил антропоцентрик моҳиятни ташкил этади. Улар инсондадир, инсонга хизмат қилади ва инсонсиз маънога эга эмас. Табиийки, лингвокультурология тилшуносликдаги антропоцентрик парадигманинг маҳсули ҳисобланади.

Антропоцентрик парадигма лисоний тизимни инсон призмаси орқали ўрғанади. Яъни, тил ўз субъекти, унинг миллий менталитети, миллий маданияти ва бошқа ажралмас хусусиятлари билан бирга тадқиқ этилади. Бунда илмий объектлар биринчи навбатда инсон учун,

¹ Бугунги кунда лисоний шахс атамаси турлича шарҳланади. Бу атама остида инсон, тилни ташувчи, яъни нутқий қобилиятга эга бўлган, шунга кўра, нутқий шахс ҳисобланувчи инсон тушунилади. Шунингдек, атама ўзида тилдан мулоқот воситаси тариқасида фойдаланувчи инсон вербал хатти-ҳаракатлари хусусиятларининг мажмуини ифода этади. Қолаверса, лисоний шахс деганда, лексик системада базавий, муайян тилни ташувчининг миллий-маданий прототиپи тушунилади.

унинг ҳаёт фаолиятида, шахснинг ривожланишидаги аҳамияти нуқтаи назаридан ўрганилади. Зеро, XXI аср тилшунослиги тил ҳодисаларини тавсифлаш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Эндиликда тилни ўрганишда унинг маданият билан муносабатини ёритиш муҳимдир. Антропоцентрик парадигма тармоқларидан бири — лисоний маданиятшунослик ёки лингвокультурологиянинг биринчи вазифаси ҳам айнан шудир. Ушбу йўналиш миллий тафаккур, миллий онг миллий маданият, миллий маънавият, миллий менталитет, миллий характер, умуман, миллий маданиятнинг тил билан муносабатдорлиги масаласини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди¹.

1.3 §. Лингвокультурологиянинг бошқа фанлар орасидаги мақоми. Лингвокультурологиянинг этнолингвистика, социоллингвистика ва этнопсихоллингвистика билан чамбарчас боғлиқлиги

Ўтган асрнинг охирларига келиб, систем-структур парадигма ўрнини антропоцентрик, функционал, когнитив ва динамик парадигмалар эгаллади. Тилга олинганлар қаторидан, антропоцентрик парадигма баъзи тилшунос олимлар томонидан инсоннинг тил орқали таҳлил қилиниши ва бунинг акси — инсон тилининг таҳлили сифатида талқин этилади². Ушбу парадигма теграсида когнитив лингвистика ва лингвокультурология сингари соҳалар шаклланди. Таъкидлаш лозимки, лингвокультурологиянинг фан сифатида юзага чиқишида Вильгельм фон Гумбольдтнинг қарашлари прогрессив таъсирга эга бўлди.

Бинобарин, тил ва маданиятнинг алоқадорлигига доир масалалар илк бор Вильгельм фон Гумбольдт томонидан кўриб чиқилди. У ўз даврида: «Тил — халқ гоёларининг шунчаки ифодачиси эмас, балки халқнинг бир бутун маънавий қувватидир; тилларнинг турфа бўлиши эса битта нарсанинг турлича номланиши бўлмай, шу нарсани турлича тасаввур қилиш, кўришдир. Тил ҳамиша миллатнинг ўзига хослигини ифода этади» деб ёзган эди.

Шунингдек, Гумбольдтнинг «тилнинг ички формаси» ҳақидаги гоёси ҳам миллий тилларнинг ўзига хослигини асослайди. Ўз навбатида, И.Л. Вайсгербер ҳам «тарихий шаклланиш давомида халқ ўз она тилини қурган, унга (тилга) оламни англаш мақсадида, маънавий

¹ Усмонов Ф. Тил ва тафаккур муносабати ва тилшуносликда Антропоцентризм тамойили хусусида. Илмий хабарнома, АДУ, № 2 2015 йил. — 94-б.

² Светоносова Т.А. Когнитивная лингвистика и лингвокультурология: черты и различия // Филологические науки МГИМО: сборник науч. трудов. № 27 (42) / МГИМО(У) МИД России; отв. ред. Г.И. Гладков. — М.: МГИМО-Университет, 2007. — 203 с. — ISBN 978-5-9228-0272-7. —39–46 с. <http://mgimo.ru/files/30737/30737.pdf>

он моддий маданиятнинг равнақ топишида ўзи учун қадрли бўлган тушунчаларни жойлаган», дея хулоса қилади.

И.И. Толстой фикрича, лингвокультурологиянинг фан сифатида шаклланишида ака-ука Гриммларнинг асарлари катта аҳамият касб этган. Кейинчалик, бу таъсир Ф.И. Буслаев, А.Н. Афанасьев ва қисман А.А. Потебня ижодида сезилди. Бундан бир аср ўтгач эса, «Wörter und Sagen» номи билан машҳур Австрия мактаби вакиллари «тил ва маданият» масаласини тадқиқ этувчиларни ўз доирасига бирлаштириди. Бу олимлар асосан, лексикология ва этимологиянинг негизда лингвокультурологияга тегишли долзарб масалаларни ўргана бошладилар.

XIX асрдан бошлаб, тил ва маданият масалалари тилшунослар катори файласуф, маданиятшуносларнинг диққатини жалб эта бошладилар. XX асрга келиб эса, нутқий дискурслар мисолида оламнинг тегишли манзарасини яратишга интилишлар бошланди. Бу кўпроқ, И.И. Гелля ишларида кўринади. Унингча, лингвокультурология ўзга культурологик соҳалардан фарқли равишда, жонли коммуникатив жараёнларни уларнинг муайян маданий даврга таъсир ўтказувчи миллий менталитет билан синхрон алоқасини ўрганмоғи лозим. Бу жараён ўз ўрнида, оламнинг миллий манзараси (образли, модели), лисоний (этномаданий) онг, халқ менталитети вакил тушунчалар (категориялар)нинг изоҳига эҳтиёжни келтириб чиқарди.

Тил ва маданият ўртасида узвий ҳамкорлик мавжуддир. Бу борада И. фон Гумбольдт маданий ривожланиш жараёнининг натижалари маданиятнинг тилга таъсирини текширишдан кўра кўпроқ, тилнинг маданиятга таъсирини текширишга боғлиқ бўлишини ёзади. Мазкур гоя асосида XX асрнинг 90-йилларида В. фон Гумбольдт, Э. Сепир, Б.Л. Уорф, Й.Л. Вайсгербер, А. Вежбицкая, Ю.С. Степанов, И.В. Воробьёв, В.И. Карасик сингари олимларнинг гоялари жамланган ўзига хос ижтимоий фан соҳаси лингвокультурология юзага келди.

Лингвокультурологияда жиддий тадқиқотлар яратган В.А. Маслова ушбу соҳанинг ривожини 3 босқичга ажратади:

- 1) фан шаклланишига туртки бўлган дастлабки тадқиқотларнинг яратилиши (В. фон Гумбольдт, Э. Бенвенист, Л. Вайсгербер, А.А. Потебня, Э. Сепир каби тилшуносларнинг ишлари);
- 2) лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатида ажратилиши;
- 3) лингвокультурологиянинг ривожланиш босқичи¹.

¹ Ҳавола қуйидаги манбадан олинди: «Антропоцентрик тилшунослик йуналишлари» модули бўйича ўқув-услубий мажмуа.// Тузувчилар: Д.Э. Лутфуллаева, Д.С. Худойберганова. — Тошкент, 2016.

Лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти ва методи борасидан аниқ тўхтамлар мавжуд эмас. Умумқарашларга кўра, лингвокультурология тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқликдаги муносабатларини ўрганувчи соҳа ҳисобланади.

Сепир-Уорф назарияси бўйича, лингвокультурология тилда аксланган аниқ вазифага хосланган маданий қадриятлар тизими ва лингвистик нисбийлик назариясига асосан, турли тиллардаги лингвокультурологик соҳаларнинг контрастив таҳлили сифатидаги объектларнинг яхлит назарий-тавсифий тадқиқидир.

Олима В.А. Маслова эса, лингвокультурологияни тилшуносликнинг лингвистика ва культурологиянинг кесишув нуқтасида пайдо бўлган соҳаси ёхуд фаннинг культурология ва тилшуносликдаги, этнолингвистика ва маданий антропологиядаги тадқиқотлар натижасини жамловчи соҳаси деб таърифлайди.

Е.О. Опарина фанни «жонли миллий тилда намоён бўлувчи ва нутқий жараёнда юзага чикувчи моддий ва маънавий маданиятни ўрганувчи гуманитар фан» дея баҳолайди.

Лингвокультурологиянинг илмий соҳа эканлиги тўғрисидаги қарашлар эса, дастлаб, М.М. Покровский, Г.В. Степанов, Д.С. Лихачев, Ю.М. Лотманнинг ишларида учрайди.

В.В. Воробьёв лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объекти ўрнига тил ҳамда маданиятнинг ўзаро алоқаси ва таъсирини уларнинг функцияланиши, шунингдек, бу ўзаро таъсирнинг ягона яхлит тизимдаги интерпретациясини ўрганишни кўяди. Фаннинг ўрганиш предмети сифатида эса, олим жамиятнинг нутқий коммуникациянинг маданий қадриятларга асосланган тизимида ўз ифодасини толувчи кундалик ҳаётнинг миллий шакллари, яъни, «оламнинг лисоний манзараси»ни ташкил этувчи жамики тушунчаларни кўрсатади. Шу ўринда олим томонидан бу объектларни семантика, сигматика, прагматиканинг диалектик боғлиқлиги асосида ўрганиш таклиф этилади.

В.В. Красних лингвокультурологияни маданиятнинг нутқ ва дискурда юзага чиқиши, акс этиши, муҳрланишини текширувчи ҳамда оламнинг миллий манзараси, лисоний онг, ментал-лисоний мажмуанинг хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган фан сифатида белгилайди. Олим коммуникацияга лингво-когнитив ёндашувни қўллашни таклиф қилади. Бироқ у этнопсихоллингвистика ва лингвокультурология ўртасида қатъий чегарани белгиламайди, аксинча, В.В. Красних ҳар икки соҳа ўрганаётган муаммо умумий эканини ҳамда улардаги бу умумийликнинг негизи Сепир-Уорф назариясига тақалишини қайд этади.

Лингвокультурология тўғрисида фикр билдирган Е. И. Зиновьева ва Е.Е. Юркова лингвокультурологияга қуйидагича таъриф бера-

бу «Бил лингвокультурологияни филологик фан деб биламиз. Бу фан у ёки бу тилда сўзловчиларнинг олам тўғрисидаги турли билиш қирраларини тадқиқ этади.

Бунди нутқ эгаларининг онгини ўзда акс эттирувчи: таҳлил амаллаётган бирликларнинг маъноси, уларнинг оттенкалари, коннотациялари ва ассоциацияларни борича изоҳлашга хизмат қилувчи нутқий фаолият, дискурс бирликларини ўрганишга аҳамият берилади».

Лингвокультурологиянинг асосий хусусиятларидан бири шуки, у томоний тилшуносликнинг янги парадигмалари тақозо этаётган ва тилшунослик билан психология, маданиятшуносликнинг умумий методология даражасидаги ўзаро чуқур, имлицит таъсирлашувини таҳлил қилиди. Шунга кўра, ҳали лингвокультурология соҳасининг олам куйидаги муаммолар мавжуд бўлиб турганини тан олиш зарур бўлади. Яъни:

— лингвокультурология ва лингвокогнитологиянинг ўрганиш объектилари умумий характерли эканидан, бугунги кунгача лингвокультурологиянинг тўла шаклланган соҳа эканини эътироф этиб бўлмайди — лингвокультурология ўзининг аниқ тадқиқот параметрларига эга эмас;

— лингвокультурологиянинг ўзга когнитив фанлар: когнитив психология, когнитив тилшуносликдан фарқли ўлароқ, текшириши мумкин ва зарур бўлган масалалар кўлами, назарий асоси, метод ва методологияси белгиланганича йўқ.

Бироқ баъзи тилшуносларнинг Гумбольдт концепциясидан келиб чиқиб, лингвокультурологиянинг объекти сифатида нутқий-дискурсив фаолиятни белгилаши, яна бир қатор олимларнинг эса, тилнинг қадриятли-маъновий кўламини лингвокультурологиянинг предмети сифатида тилга олиши лингвокультурологиянинг тобора аниқ шаклланиб бораётган тадқиқот қирраларини ифодалайди. Уларнинг фикрича, лингвокультурология оламнинг этнолисоний манзарасига доир масалалар, оламнинг тасвири (образи), лисоний онг, тилнинг маданий билишдан иборат кўламларини ўрганиш билан шуғулланади. Демак, лингвокультурология — тилдаги маданий фактлар ва уларнинг маҳсули бўлмиш лингвомаданиятни ўрганувчи фандир.

Жумладан, когнитив психологиянинг мутахассислари инсон миёнасининг тузилиши ва психикаси ҳақидаги маълумотларни турли фанларнинг ўзаро интеграцияси орқали такомиллаштириш мумкинлигини аниқлаганлар. Уларнингча, когнитив психология ҳамда сунъий инфақкур ўртасида ўзаро зич алоқа мавжуд бўлиб, «тафаккур — ахборотни қайта ишлаш воситаси сифатида»ги аксиома ҳам улар томони-

дан шакллантирилган¹. Аммо маълумотни қайта ишлаш оқибатида ахборотнинг маънавий-маъновий, бошқача айтганда, лингвомаданий талқин этилиши ҳамда онгимизда қандай когнитив шаклни касб этишининг механизми тушунтирилиб берилганича йўқ.

Т.П. Зинченко, Дж. Сперлинг, Р. Аткинсонлар бу борада қисқа ва узоқ муддатли хотиранинг ролига урғу берадилар. Яъни инсон фаолиятидаги асосий таянч нуқта – инсон томонидан эгалланган билимлар мажмуи бўлса (У. Найссер, А.А. Залевская), бу борада когнитив тилшунослик маълумотларнинг инсон онгида рўй берадиган ички репрезентацияси (Д.Р. Андерсон, У. Найссер, Р.Л. Солсо таъбирида *ментал репрезентация*) ва оламни талқин этиш усуллари билан боғлиқ муаммоларни бирламчи масалалар қаторида текширади.

Худди шу, лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектини ташкил этувчи ментал репрезентациялар оламнинг лисоний манзарасидаги ўрганишнинг билишга асосланган қадриятлардан иборат сарҳадларини шартлайди.

Унутмаслик керакки, психик тасаввурнинг энг олий даражаси – бу ўзида социум томонидан қабул қилинган ва индивид томонидан ижтимоийлашув оқибатида ўзлаштирилган идеал намуналарга таянувчи когнитив ва рамзий жараёнларни қамровчи инсон онгидир.

Ижтимоийлашув оқибатида инсон муайян маданиятга мослашади. ўзида ижтимоий моҳиятга даҳлдор ҳаётий тажрибани, урф-одатлар қадриятларни таркиб топтиради. Бу жараён аслида, ижтимоийлашув ва этномаданий онгнинг шаклланишида этник тушунчалардан иборат ўзига хос тизимни ўзлаштириш ҳолатини исботлайди.

Маълумки, ижтимоий онг ривожда оламни англашнинг рационал ва маънавий-қадриятли тушунчаларни ифода этувчи моҳиятларни интеграциялашади – уйғунлашади ҳамда бунда рационал билиш маданиятга умуман алоқадор бўлмайди.

Бироқ қайд этиш лозимки, рационал билиш орқали онг ўзининг маъновий-мазмуний таркибига эга бўлиб боради (Л.С. Виготский).

Шундай қилиб, инсон маънавий қадриятлар оламининг асосий бирлиги – рамзий тасаввур ва фундаментал ахлоқий-эстетик қадриятларни тушунишни таъминловчи қадриятли-рамзий интуиция ҳисобланади. Мана шу интуиция (ички сезги) туфайли тасаввур қилинаётган маъжоз – образ идеал маънонинг ишончли тарзда ифода этилишида восита бўлиб хизмат қилади.

¹ Алевфировко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб. пособие / Флинта, Наука; Москва; 2010. Текст предоставлен правообладателем. <http://www.litres.ru>.

Тинчнинг маъновий-қадриятли кўлами негизда алоҳида олинган лингвокультурологик категориялар (қадриятлар) жойлашади.

Лингвокультурология булардан қуйидагиларни эътироф этади:

ҳаётий: *ҳаёт, соғлиқ, турмуш тарзи, табиий муҳит ва б.*;

ижтимоий: *ижтимоий ҳолат, мақом, меҳнатсеварлик, бойлик, дунгар, оила, ирода, жижжаслар тенгелиги ва б.*;

сиёсий: *сўз эркинлиги, фуқаро эркинлиги, қонунийлик, тинчлик ва б.*

маънавий: *эзгулик, фаровонлик, дўстлик, бурч, шаън, интизом, шайхоналик ва б.*;

адабий: *этиқод, иймон ва б.*;

эстетик: *ғўзаллик, идеал, услуб, уйғунлик.*

Ифода этилишига кўра, тилдаги қадриятлар умуминсоний, ижтимоий-синфий, гуруҳли, оилавий, шахсий-индивидуал характерли бўлиши мумкин.

Маданий жиҳатдан тамғамланган (белгиланган) маънавий (қадриятли-маъновий) шаклланиш ўз навбатида, ўрганилаётган тушунманинг типик вазиятларнинг умумлашуви орқали юзага келган этномаданий универсалиялар мисолидаги қиёс қилинишига асосланади. Шунга қарамай, лингвокультурология бундайин шаклланиш жараёнидаги онг ости — эмоционал-аффектив ҳолатларнинг рўй беришини ҳам инкор қилмайди. Чунки бу ҳолатлар тил бирликларининг ички мавҳум белгиларига йўл очиб беради. Булар: эмоционал компонент, ҳиссий компонент, инстинктив-аффектив интуиция.

Лингвокультурология ва этнолингвистика. Фанда *лингвокультурология* билан бир ўринда *этнолингвистика* атамасини ҳам қўллаш ҳолатлари кузатилади; ҳар икки атама ўзининг қамровига кўра бир-бирини тақрорлайди, десак хато бўлмайди. Хусусан, этнолингвистика (يونونча *ethnos* — *халқ, қабила*) тилшуносликнинг тил ва маданиятнинг узвийлигига асосланган масалаларни ўрганувчи соҳаси бўлса, худди лингвокультурология сингари, этнолингвистика ҳам когнитив (лот. *cognitio* — *билиш*) ва коммуникатив (лот. *communicatio* — *мулоқот*) аҳамиятли масалалар ечимини ўз олдига қўяди.

Этнолингвистика «маданий антропология» (лот. *anthropos* — *одам*) деб аталмиш фаннинг мустақил бир йўналиши сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида АҚШда юзага келди. Фаннинг мустақил соҳаси сифатида этнолингвистика «маданият антропологияси» ёки «антропология» (лот. *anthropos* — *инсон*) сифатида вужудга келдики, у ўзининг негизда асосан маданиятни ҳар томонлама ўрганувчи этнографик, лингвистик, археологик методларни шакллантирди. Шу боисданми, Америкада амалга оширилган кўплаб лингвистик тадқи-

қотларда «антропологик лингвистика» деган атама ва тушунча пайдо бўлди. Бироқ бу тадқиқотларда лингвокультурологик изланишлардан фарқли ўлароқ, мулоқотнинг когнитив аспектига, мулоқот муаммоларига тегишли масалалар текширилди.

Этник бирликлар, этник маданият, этник тилшунослик сингари «этнос» (лот. *ethnos* — *халқ, қабила*) сўзи остида бирлашувчи жами илмий-ижтимоий атамалар бирламчи муайян бир миллат, элат, уруғнинг маданиятини текширишда қўлланилади. Уларнинг орасида этнолингвистика эса, бугунги кунда мазкур ижтимоий ҳодисани иккита: «когнитив» (лот. *cognito* — *билиш*) ва «коммуникатив» (лот. *communicatio* — *мулоқот*) деб номланувчи муаммони ечишдек бош мақсадни олдига қўйган ҳолда ривожланмоқда. Бу борада фаннинг мазкур соҳаси психоллингвистика, психология, этнопсихология, антропология, фалсафа, филология, когнитив фанлар тақдим этган далилларга суянади.

Дастлабки даврда этнолингвистика ўз ишини ўз-ўзича эмас, балки, маданият антропологияси кўринишида Америка ҳинду қабилаларининг тилини ўрганишдан бошлаб, бу орқали жаҳон тилларига тасниф беришга ҳаракат қилди. Тўпланган билимларнинг натижаси нечоғлиқ универсал (жаҳон тилларига нисбатан) эканлигини эса, этнолингвистикадаги «лингвистик нисбат» тушунчаси орқали тушунтиришга ҳаракат қилинди.

Лингвистик нисбат ҳақидаги илк фикрлар этнолингвистик йўналишни бошлаб берган америкалик антрополог Франц Боас (1858–1942) ва унинг шогирди Эдвард Сепир ҳамда Сепирнинг шогирди Бенджамин Уорф (1897–1941) тадқиқотларида учрайди.

Содда қилиб тушунтирганда, лингвистик нисбат мулоқот иштирокчиларининг ҳар қайсиси тингловчига нисбатан реал вазиятдан келиб чиқиб эмас, балки ўз конкрет нутқининг алоҳида қаралувчи грамматик ва лексик хусусиятлари билан мурожаат қилишидаги нисбий фарқликларда кўринади. Шунингдек, нисбийлик битта тил ёки нутқ бирлигини унинг турли формасидаги кўриниши билан ҳар хил ифода шаклларда қўллаш хусусиятида ҳам (масалан, биринчи муаллим ва ҳафтанинг биринчи куни каби) кузатилади. Бироқ Уорф, Америка аттек қабиласи хоппи уруғининг тилини ўрганиб, сонга оид сўзларда айнан унинг хусусияти (тартиб, санок, жамловчи ва ҳ.)га қараб, лексик қуршов танлаишини текширди. (Масалан, тартиб сонлар фақат мавҳум отлар (асосан вақт, муддат) билан боғланиб келади (*унинчи кун, еттинчи ой.*))

Қолаверса, миллатлараро муносабатларнинг ахлоқий-эстетик пландаги фарқликлари ҳам мавжудки, мулоқот иштирокчилари уларни назардан четда қолдириб, ўзаро келишувга эриша олмайдилар (маса-


ани, билининг таълим тизимимизда ўқитувчи-талаба ўртасидаги мулоқотда савол-жавоб ва музокарага қанчалар кенг ўрин берилса, Японияда аксинча, талаба ёки ўқувчининг ўқитувчига савол бериши одобсизлик ш тарбиясизликнинг белгиси деб қаралади).

Умуман олганда, этнолингвистик билимларга яқин келиб, уларни баддиқ эгиш қандай самарани тахмин қилади?

Мақсадига қўра, этнолингвистика коммуникация жараёнидаги умуммисърий ва маданий-специфик (хусусий) ҳолатлар ҳақидаги асосий тасаввурларни, мулоқот иштирокчиларига уларнинг нутқий ва коммуникатив хулқига четдан баҳо бера олиш малакасини беради, шунинг мулоқотдаги муваффақиятсизликларни келтириб чиқариш эҳтимоли бўлган потенциал кўламлар ҳақида ишора қилади, қиёсий пландаги миллий ўзига хос лисоний муаммоларнинг ечимига доир чораларни намойиш қилади.

Бугунги глобаллашув жараёнида миллатлараро муносабат маданияти ва унинг этномаданий аспекти масаласи янада долзарб бўлади. Шунга қўра, таълим муассасаларининг талабаларига нутқ маданияти дарслари орқали ва умуман, ижтимоий-гуманитар фанлар доирасидаги барча ўқув курсларининг мазмун-мундарижасидан келиб чиққан ҳолда, ушбу масаланинг моҳияти ва ижобий ечимларига оид билим-малакалар бериб борилса, жамиятда тўлақонли маданият, ривожланиш таъминланади.

Миллатлараро ва умуман, шахслараро муносабатларга бу қадар муҳим аҳамиятнинг берилишини, мулоқотга нисбатан берилган қулайликча схематик тасниф орқали тушунтириш мумкин (1-расм):



1-расм. Шахслараро ва миллатлараро мулоқот хусусиятлари

Қўринадик, прагмалингвистика мулоқотнинг этнолингвистик хусусиятларини очиб берса, психоллингвистика нутқни узатиш ва қабул қилишнинг универсал ва этномаданий психик механизмларини юзга келтиради ҳамда олам манзарасини кодлайди ва декодлаштиради.

қотларда «антропологик лингвистика» деган атама ва тушунча пайдо бўлди. Бироқ бу тадқиқотларда лингвокультурологик изланишлардан фарқли ўлароқ, мулоқотнинг когнитив аспектига, мулоқот муаммоларига тегишли масалалар текширилди.

Этник бирликлар, этник маданият, этник тилшунослик сингари «этнос» (лот. *ethnos* — *халқ, қабила*) сўзи остида бирлашувчи жами илмий-ижтимоий атамалар бирламчи муайян бир миллат, элат, уруннинг маданиятини текширишда қўлланилади. Уларнинг орасида этнолингвистика эса, бугунги кунда мазкур ижтимоий ҳодисани иккита: «когнитив» (лот. *cognito* — *билиш*) ва «коммуникатив» (лот. *communicatio* — *мулоқот*) деб номланувчи муаммони ечишдек бош мақсадни олдиға қўйган ҳолда ривожланмоқда. Бу борада фаннинг мазкур соҳаси психоллингвистика, психология, этнопсихология, антропология, фалсафа, филология, когнитив фанлар тақдим этган далилларға суянади.

Дастлабки даврда этнолингвистика ўз ишини ўз-ўзича эмас, балки, маданият антропологияси кўринишида Америка ҳинду қабилаларининг тилини ўрганишдан бошлаб, бу орқали жаҳон тилларига тасниф беришға ҳаракат қилди. Тўпланган билимларнинг натижаси нечоғлиқ универсал (жаҳон тилларига нисбатан) эканлигини эса, этнолингвистикадаги «лингвистик нисбат» тушунчаси орқали тушунтиришға ҳаракат қилинди.

Лингвистик нисбат ҳақидаги илк фикрлар этнолингвистик йўналишни бошлаб берган америкалик антрополог Франц Боас (1858–1942) ва унинг шогирди Эдвард Сепир ҳамда Сепирнинг шогирди Бенджамин Уорф (1897–1941) тадқиқотларида учрайди.

Содда қилиб тушунтирганда, лингвистик нисбат мулоқот иштирокчиларининг ҳар қайсиси тингловчига нисбатан реал вазиятдан келиб чиқиб эмас, балки ўз конкрет нутқининг алоҳида қаралувчи грамматик ва лексик хусусиятлари билан мурожаат қилишидаги нисбий фарқликларда кўринади. Шунингдек, нисбийлик битта тил ёки нутқ бирлигини унинг турли формасидаги кўриниши билан ҳар хил ифода шаклларда қўллаш хусусиятида ҳам (масалан, биринчи муаллим ва ҳафтанинг биринчи кунини каби) кузатилади. Бироқ Уорф, Америка атцек қабиласи хоппи уруғининг тилини ўрганиб, сонга оид сўзларда айнан унинг хусусияти (тартиб, саноқ, жамловчи ва ҳ.)ға қараб, лексик қуршов танланишини текширди. (Масалан, тартиб сонлар фақат мавҳум отлар (асосан вақт, муддат) билан боғланиб келади (*ўнинчи кун, еттинчи ой.*))

Қолаверса, миллатлараро муносабатларнинг ахлоқий-эстетик пландаги фарқликлари ҳам мавжудки, мулоқот иштирокчилари уларни назардан четда қолдириб, ўзаро келишувға эриша олмайдилар (маса-

лий, билининг таълим тизимимизда ўқитувчи-талаба ўртасидаги мулоқотда савол-жавоб ва музокарага қанчалар кенг ўрин берилса, Японияда аксинча, талаба ёки ўқувчининг ўқитувчига савол бериши одобсизлик ва тарбиясизликнинг белгиси деб қаралади).

Умуман олганда, этнолингвистик билимларга яқин келиб, уларни шакли этиш қандай самарани тахмин қилади?

Миқсадига кўра, этнолингвистика коммуникация жараёнидаги умумий ва маданий-специфик (хусусий) ҳолатлар ҳақидаги асосий тасавурларни, мулоқот иштирокчиларига уларнинг нутқий ва коммуникатив хулқига четдан баҳо бера олиш малакасини беради, уларга мулоқотдаги муваффақиятсизликларни келтириб чиқариш эҳтимоли бўлган потенциал қўламлар ҳақида ишора қилади, қиёсий пландаги миллий ўзига хос лисоний муаммоларнинг ечимига доир чораларни намойиш қилади.

Бугунги глобаллашув жараёнида миллатлараро муносабат маданияти ва унинг этномаданий аспектлари масаласи янада долзарблашди. Шунга кўра, таълим муассасаларининг талабаларига нутқ маданияти дарслари орқали ва умуман, ижтимоий-гуманитар фанлар доирасидаги барча ўқув курсларининг мазмун-мундарижасидан келиб чиққан ҳолда, ушбу масаланинг моҳияти ва ижобий ечимларига оид билим-малакалар бериб борилса, жамиятда тўлақонли маданият, ривожланиш таъминланади.

Миллатлараро ва умуман, шахслараро муносабатларга бу қадар муҳим аҳамиятнинг берилишини, мулоқотга нисбатан берилган қўшимча схематик тасниф орқали тушунтириш мумкин (1-расм):



1-расм. Шахслараро ва миллатлараро мулоқот хусусиятлари

Кўринадики, прагмалингвистика мулоқотнинг этнолингвистик хусусиятларини очиб берса, психоллингвистика нутқни узатиш ва қабул қилишнинг универсал ва этномаданий психик механизмларини юзати келтиради ҳамда олам манзарасини кодлайди ва декодлаштиради.

Бунда социолингвистик таҳлил элементлари лисон эгасининг шакл ланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди ва тилнинг маъна кўламида миллий-маданий компонентнинг яратилишида хизмат қилади.

Тил ва маданият ўртасидаги детерминизм, яъни ўзаро бир-бирини тақозо этиш ҳақиқий «ўзарочилик»дир. Шу сабабли, турли мамлакатлар олимлари томонидан тил ва маданият муносабати масаласи турли йўналишларда ўрганилаётганлиги табиийдир. Бу муаммо тилшунослар (Ю. Сорокин, В. Телия, Е.Верещагин, А. Вежбицкая, В. Костомаров, Д. Олфорд, Д. Хаймс кабилар) билан файласуфларнинг (Г. Брутян, Э. Маркарян, ва бошқалар), психологларнинг (Л. Виготский, А. Леонтьев, В. Петренко, П. Гульвисте) эътиборини торттиб келмоқда. Бу масала нутқ маданиятига оид тадқиқотларда муҳим ўрин эгаллайди. (Ю. Скворцов, Э. Бегматов, А.Маматов, Б. Ўринбоев ва бошқалар). Кейинги йилларда тилшуносликда лингвокультурологиянинг алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида шакл топиши (А. Красних, В. Маслова, Д. Гудков, Д. Ашурова) бу масаланинг долзарблашишига сабаб бўлмоқда¹.

Хусусан, В.Н. Телия лингвокультурологияни этнолингвистиканинг «синхрон алоқадорликдаги тил ва маданиятнинг корреспонденциясини ўрганувчи ва тавсифловчи» бир қисми деб атайди.

Бу қараш ўз навбатида, А.А. Потебня, В.В. Виноградов, М.М. Покровский, Д.С. Лихачев, Ю.М. Лотманнинг концепциялари билан боғлиқ.

XX аср якунида мазкур сооҳалар (этнолингвистика ва лингвокультурология) буйича фаолият юритувчи тўртта мактаб шаклланган бўлиб, бу мактабларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, лингвокультурологиянинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Баён этилган фикрларга хулоса ясаган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда лингвокультурология: **фалсафа, психология, мантӣқ, когнитология, лингвистика билан бир қаторда, психолингвистика, прагматингвистика ҳамда когнитив лингвистика** билан ҳамкорликда ривожланиб тараққий этиб келмоқда.

Лингвокультурология **этнопсихолингвистика** билан ҳам чамбарчас алоқада бўлади. **Этнопсихолингвистика** нутқий фаолиятда муайян анъаналар билан боғлиқ муомала элементларининг қандай пайдо бўлишини, турли тил эгаларининг вербал ва невербал мулоқотидаги фарқларни ўрганади; нутқий этикет ва «дунёнинг рангли манзараси»ни, турли халқлардаги икки тиллилик ва кўп тиллилик ҳодисаларини

¹ Рахмонкулова Д.Э. Инглиз ва ўзбек мақолларида миллий дунё тасвирининг акс этиши. Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2014.

таърихдаги тилди. *Этнопсихоллингвистиканинг* асосий тадқиқот методи *ас-симметричн эксперимент* бўлса, лингвокултурология ўрнига кўра тил-шунохлик ва маданиятшуносликнинг турли методларидан фойдаланилади.

Ўрни билан қайд этиш лозимки, лингвокултурология юқориде тилга олинган фанлар билан алоқадорликда ривожланиб қолмаган, маданиятлараро коммуникация фанининг шаклланишида ҳам асос бўлиб хизмат қилди. Хусусан, 1954 йилда Э. Холл ва Д. Трагернинг «Culture as Communication» номли китоби нашрдан чиқарилиши биланоқ, фанда «маданиятлараро коммуникация» деган атави пайдо бўлди. Кейинчалик, яъни 1959 йилда Э. Холлнинг «The Silent Language» — «Гунг тил» номли асари дунё юзини кўргач, мутахассислар маданият ва коммуникация ўртасидаги зич алоқани йит-боғ қайд эта бошладилар ҳамда 1960 йилдан эътиборан, маданиятлараро коммуникация АҚШ университетларида фан сифатида ўқитилиш бошлади.

Маданиятлараро коммуникация фанининг ўрганиш объекти лингвокултурологиянинг ўрганиш объектидан биров фарқ қилади. Мазлумки, лингвокултурология тилни маданият нуқтаи назардан ўрганиши ҳамда хулосалар умумий-назарий характерга эга бўлади. Маданиятлараро коммуникация фани эса, лингвокултурологиянинг қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, шахслараро, миллатлараро, маданиятлараро мулоқот жараёнида тил тизимидаги энг самарадор вариантларни тўғри қўллаш орқали нутқ жараёнида муваффақиятга эришиши йулларини текширади ва ўрганadi. Шу жиҳатдан, маданиятлараро коммуникация прагматик характерга эгадир. Унинг ўрганиш объекти эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

— фаннинг асосий масалаларини тизимга солиш, асосий тушунча ва итамаларни ўзлаштириш;

— маданий киришимлиликини, турли маданиятларда кузатиладиган аниқ коммуникатив ҳаракатларни тўғри талқин қила олишни ривожлантириш;

— ўзга маданият вакиллари билан мулоқотга киришиш малака ва кўникмасини шакллантириш.

Юқориде лингвокултурология ва унга яқин турувчи фанлар, уларнинг объекти ва предмети тўғрисида бир қадар баҳсли фикрлар баён этилди. Шунга қарамай, қуйида келтириляётган жадвал бугунги кунда лингвистика фанининг негизиде дунёга юз очган янги соҳаларнинг предмети ва объектини аниқлаштиришда ёрдам берибгина қолмай, лингвокултурологиянинг предметиға аниқроқ назар ташлашға ёрдам беради. Таққосланг (2-жадвал):

Лингвистик йўналишлар	Текшириш предмети
Когнитив лингвистика	Тилнинг билув-тасвирий (когнитив) функцияси, унинг оламни концептуаллаштириш ва категориялаштиришдаги ўрни
Лингвистик концептология (лингвоконцептология)	Тилда буюмликни аниқлашчи концептлар
Коммуникатив лингвистика (коммуникация назарияси)	Коммуникация, нутқий фаолият
Функционал грамматика	Ифода мазмунини узатиш нутқий системасининг турли даражали бирликлари билан ўзаро муносабатда иштирок этувчи грамматик бирликларнинг вазифаланиши
Лингвопрагматика (прагматика, лингвистик прагматика), лингвопраксеология	Лисоний бирликлар ва уларнинг муайян коммуникатив-прагматик кўламда ишлатилиш шартлари ўртасидаги муносабат
Суттестив лингвистика	Инсон онгига таъсир этишга мўлжалланган лисоний бирликлар
Рефлексив лингвистика	Тил рефлексиянинг асосий ретранслятори – индивиднинг ментал жараёни сифатида
Эколингвистика (экологическая лингвистика, лингвоэкология)	Тил экосистема сифатида (лисоний, нутқий деградация ва реабилитация)
Сиёсий лингвистика	Сиёсий коммуникация, коммуникатив фаолият жараёнида сиёсий воқеликни қабул қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ барча нарса
Юрлингвистика (лингвокриминалистика, лингвистик экспертиза)	Тил юриспруденция кўламида
Лингвокультурология	Тил ва дискурс маданиятнинг юзага чиқиши ва намоён бўлиши воситалари ўрнида
Этнолингвистика, лингвистик антропология	Этноснинг моддий ва маънавий маданияти, унинг менталитети, тарихини аниқлашчи лисоний бирликлар
Психоллингвистика	Тил психик феномен сифатида
Лингвопалеонтология	Тил тарихи халқ тарихи, унинг моддий ва маънавий маданияти билан алоқадорликда
Гендер лингвистика (лингвистик гендерология, лингвогендерология)	Тил ҳодисалари ҳамда тилни ташувчиларнинг гендер фарқликлари билан ўзаро муносабати

Фонетик ва фонологик тўғривуллик	Ўрганилаётган тил мамлақати халқ маданиятининг миллий хусусиятлари
Фонетикларнинг коммуникация	Турли маданият вакиллари ўртасидаги мулоқот
Тилнинг функционали	Тил бирликларининг инсон яхлит организмнинг функциялари билан ўзаро муносабати
Тилнинг функционали (лингвистик функционали)	Тил ва жамият алоҳида этник тил, атроф-муҳит сифатида
Тилнинг функционали	Тил ва кинесика (мулоқотнинг невербал воситалари)
Фонетик лингвистика	Тил корпуси илмий аппарат билан таъминланган матнларнинг электрон жамланмаси сифатида
Дискурсология (дискурс назарияси)	дискурс муайян замон, макон контекстидаги коммуникатив ҳодиса сифатида
Интернет-лингвистика (Интернет лингвистикаси)	Турли нутқий даражадаги электрон коммуникациянинг лингвистик-релевант хусусиятлари
Ноолингвистика	Инсоният учун ягона ноофер фикр тили нооферани таркиб топширувчи асосий қурол сифатида
Компьютер лингвистикаси (математик, ҳисоблан лингвистикаси)	Компьютер дастурлари, маълумотларни ташкил этиш ва қайта ишлаш технологиялари, лингвистика ва аралаш фанларда тилнинг компьютер шаклларини қўлловчи барча соҳалар

Шундай қилиб, лингвокультурологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлик доирасидаги: психоллингвистика, прагматлингвистика, когнитив лингвистика қаторида маданиятлараро коммуникация фанини ҳам назардан қочирмаслик керак бўлади. Холбуки, ушбу фан лингвокультурология билан узвийликда ривожланаётган соҳа сифатида унинг (лингвокультурологиянинг) алоҳида олинган йўналиши деб эътироф этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Намуна учун саволлар

1. Фанга «парадигма» тушунчасини киритган файласуф олим Т. Кун ҳамда жаҳон фанининг ўзга намоёндаларининг мазкур тушунчага муносабатини шарҳлаш.

2. Тилшуносликда парадигмаларнинг ўзгариши масаласини аниқ далиллар билан изоҳланг.
3. Парадигмаларнинг қийёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик турлари тилшунослик ривож тарихининг қайси даврларига тааллуқли?
4. Билимларнинг янги антропоцентрик парадигмаси ва унинг лингвокультурологиядаги ўрни ҳақида гапиринг.
5. Лингвокультурология фани асосан қайси фанлар билан зич алоқада?
6. Лингвокультурология ва когнитив тилшуносликнинг объекти тўғрисида фикрларингизни баён этинг.

ГЛОССАРИЙ

Парадигма (лот. *paradigma* – *παράδειγμα*, ингл. *paradigm*, нем. *paradigma* – намуна) методологик тушунча сифатида XX асрнинг сўнгги чорагида америкалик файласуф Томас Кун томонидан илмий истеъмолга киритилган. Тилшуносликда катта парадигма (макро, мега, супер), кичик парадигма, устпарадигма, остпарадигма (Е.С. Кубрякова), микропарадигма атамалари учрайди.

Қийёсий-тарихий парадигма – тилшунослик тарихидаги биринчи илмий парадигма. Тарихийлик тамойилига асосланган ҳолда, тилни унинг қонуниятлари шаклланиш шартларига мувофиқ, пайдо бўлиш ва ривожланиш нуқтаи назаридан текширади.

Систем-структур парадигма – XIX–XX асрлар сўнггида даврийлик нуқтаи назаридан фарқи равишда, мураккаб лисоний бутунлиқнинг ички тузилишини, лисоний бирликларнинг намоён бўлиши ва гуруҳларга бўлиниши, уларнинг тилсимлашуви ва таснифланиши, бирликларнинг бузилмайдиган ягона тил системасига бирикувини – тил қонуниятларини тил бирликларининг ўзаро алоқдорлиги, тил системаси ва унинг структур соҳалари мисолида ўрганадиган парадигма. Мазкур *лингвистик структурализм* деб номланувчи ёндашувнинг асосий методологиясини Ф. де Соссюрнинг «тил ўз ичида ва ўзи учун» деган қараш ташкил этади.

Антропоцентрик парадигма – инсонга ҳар нарсага нисбатан асосий мезон сифатида қарайдиган ҳамда тилни инсон омили негизда, инсонни эса тил омили асосида текширувчи парадигма.

АДАБИЁТЛАР

1. *Алефиренко Н.Ф.* Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб. Пособие. – М.: Флинта. Наука, 2010.
2. *Алефиренко Н.Ф.* Парадигмы современной науки о языке // *Современные проблемы науки о языке.* – М.: Флинта. Наука, 2005. – 17–33 с.
3. *Алпатов В.М.* История лингвистических учений. М., 1998.
4. «Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари» модули бўйича ўқув-услубий мажмуа.// Тузувчилар: Д.Э. Лутфуллаева, Д.С. Худойберганова. Тошкент, 2016
5. *Березин Ф.М.* История лингвистических учений. – М., 1984.
6. *Гумбольдт Вильгельм фон.* Избранные труды по языкознанию // Перевод с немецкого языка под редакцией и с предисловием доктора филологических наук

сифр Г.В. Рамишвили // 2-е издание. — М.: Издательская группа «Прогресс»
1991.

7. *Зеленцев В.А.* История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. Ч. 1–2. М., 1960–1965.

8. *Лубкова Л.Г.* Общая теория языка в развитии. — М., 2002.

9. *Лайонз Дж.* Введение в теоретическую лингвистику. — М., 1978.

10. *Маслова В.А.* Современные направления в лингвистике: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. — М.: Академия, 2008.

11. *Рахмонкулова Д.* Э.Инглиз ва ўзбек мақолларида миллий дунё тасвири-
нинг асослари. Маг. Дар. олиш учун ёзилган диссертация. — Т., 2014.

12. *Степанов Ю.С.* В трехмерном пространстве языка: Семиотические пробле-
мы лингвистики, философии, искусства. — М.: Наука, 1985.

13. *Усмонов Ф.* Тил ва тафаккур муносабати ва тилшуносликда Антропоцент-
ризм тамойили хусусида. Илмий хабарнома, АДУ, №2 2015. — 94-б.

14. Язык и наука конца 20 века. // Коллективная монография // Степанов Ю.С.,
Фрумкина Р.М., Руденко Д.И., Прокопенко В.В., Кубрякова Е.С., Демьянков
В.Л., Серно П.П., Постовалова В.И. — М.: Российский государственный гумани-
тарный университет, 1995.

15. *Кубрякова Е.С.* Эволюция лингвистических идей во второй половине XX
века (опыт парадигмального анализа) // Язык и наука конца XX века. — М., 1995.

16. *T. S. Kuhn.* The structure of scientific revolutions. The university of CHICAGO
PRESS Chicago 1970 // Т. Кун. Структура научных революций. С вводящей статьёй
и дополнениями 1969 г. Перевод с английского И. З. НАЛЕТОВА. — М.: Про-
гресс, 1977. — 300 с.

ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР

1. *Куликова И.С.* Современная лингвистика в контексте смены научных пара-
дигм (электронное учебное пособие для студентов 1 к. магистратуры). [http://
www.naod.ru/Kylik/Kurs_dlya_mag-1_kursa.pdf](http://www.naod.ru/Kylik/Kurs_dlya_mag-1_kursa.pdf).

2. *Чурилина Л.Н.* Актуальные проблемы современной лингвистики. Учебное
пособие: Флинта, Наука; Москва; 2012. [http://www.litres.ru/pages/biblio_book/
?art=3459005](http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=3459005).

3. *Кущева О. Ю.* Антропоцентрическая парадигма в современной лингви-
стике. <http://www.ireteslaw.ispan.waw.pl/handle/123456789/724>.

4. *Огдонова Ц.Ц.* Научная парадигма как ключевое понятие современной на-
уки о языке. [http://cyberleninka.ru/article/n/nauchnaya-paradigma-kak-klyuchevoe-
ponyatiye-sovremennoy-nauki-o-yazyke](http://cyberleninka.ru/article/n/nauchnaya-paradigma-kak-klyuchevoe-
ponyatiye-sovremennoy-nauki-o-yazyke).

5. *Сабитова З. К.* Новые лингвистические направления XX–XXI вв. www.ejournals.eu/pliki/art/3970/.

6. *Светоносова Т.А.* Когнитивная лингвистика и лингвокультурология: чер-
ты и различия // Филологические науки в МГИМО: сборник науч. трудов. № 27
(42) / МГИМО(У) МИД России; отв. ред. Г.И. Гладков. — М.: МГИМО-Универ-
ситет, 2007. — 203 с. <http://mgimo.ru/files/30737/30737.pdf>.

7. [http://www.krugosvet.ru/enc/gumanitarnye_nauki/lingvistika/
GUMBOLDT_VILGELM_FON.html](http://www.krugosvet.ru/enc/gumanitarnye_nauki/lingvistika/GUMBOLDT_VILGELM_FON.html).

II. ТИЛ ВА МАДАНИЯТ

II.1 §. Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси. Маданият ҳақидаги тасаввурларнинг тилда намоён бўлиш усуллари

РЕЖА:

II. 1 §. *Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси. Маданият ҳақидаги тасаввурларнинг тилда намоён бўлиш усуллари.*

II. 2 §. *Фанда «тил-маданият» масаласининг ўрганилиши: В. фон Гумбольдтнинг «тил-маданият» ҳақидаги лингвистик таълимоти.*

II. 3 §. *Э. Сепир, Б. Уорф, К. Фосслер, Ф. де Соссюрларнинг тил ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги хусусидаги қарашлари.*

II. 4 §. *Оламнинг лисоний манзараси.*

II. 5 §. *Оламнинг концептуал манзараси.*

II. 6 §. *«Гештальт» тушунчаси.*

Таянч сўзлар: Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси. Тил ва маданият қиёсига ёндашувнинг турлари, Тил ва этник тегишлилик, Э. Сепир ва Б. Уорфнинг лисоний нисбат тўғрисидаги фарази, К. Фосслер – эстетик идеализмнинг ёрқин вакили, Ф. Соссюр – тилшуносликда социологик мактаб ва структур тилшуносликнинг асосчиси, «Оламнинг манзараси» атамаси, Оламнинг манзараси ва оламнинг образи атамалари, Оламнинг лисоний манзараси, Оламнинг лисоний манзараси ва воқеликни концептуаллаштириши, Концепт тушунчаси ва унга олимларнинг таърифлари, Концептларнинг табиати ва моҳияти, Гештальтнинг рамздан фарқи.

Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси. Лингвокультурологияда тил ва маданият қиёси мавзуси ўзига хос аҳамият касб этувчи масаладир. Е.М. Верещагин, В.Г. Костомаровлар қайд этганидек, тил ва маданият ўзаро чамбарчас, бу – *sententia communis*. Ҳолбуки, бу борадаги қарашлар антик даврлардан маълум. «Тилнинг маъновий кўлами оламнинг миллий манзарасидан келиб чиқишига ҳеч ким шубҳа қилмас керак, – деб ёзганди олимлар. – Ваҳоланки, тил ҳам ўз навбатида маданиятга таъсир кўрсата олади. Демак тил маданиятдан айро, маданият эса тилдан ташқарида мавжуд эмас»¹.

Ҳинд-Европа, фин-угор, туркий, Африканинг баъзи тил оилаларида кузагилгани буйича, азал-азалдан «халқ» ва «тил» тушунчаларининг муштараклиги муаммоси алломаларнинг доимий диққат маркази бўлган.

¹ *Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. Три лингвострановедческие концепции: лексического фона, рече-поведенческих тактик и сапиентемы / Под редакцией и с послесловием академика Ю.С. Степанова. – М.: «Индрик», 2005. – 1040 с.*

тида турувчи жиҳатлардан бири бўлган. Чунончи, халқ дейилганда бир неча тилларда сўзловчи кишилар жамоаси тушунилган бўлса, тил деганда халқ истемолида мавжуд бўлган тил эътиборга олинади. Муайян тил битта халқнинг миллий хусусиятларини ўзга халқдан фарқлаштириб туради. Аҳолининг этник ва лисоний хусусиятлари ўзаро боғлиқ хусусиятларга эгадир. Улардаги тўлақонли, ҳар гомонлама мунофиқлик ва ўхшашлик айниқса, ибтидоий даврларда равшан намоён бўлувчи характерга эга бўлган.

Секин-аста қабилачилик бирликлари йириқдан кичикка ва акси кичикдан йирик жамоаларга айлана боргани сайин, жамоаларнинг этник ва лисоний ўзига хосликлари шунга мос тарзда ўзгариб борган.

Лисоний жамоаларнинг ўсиб бориш ҳолатидан фарқли равишда, тилларнинг қардошлашуви (конвергенция) жараёни сустроқ кечган.

Битта халқнинг бир неча тилларда ёки турли тилларда сўзлашуви табиий ҳолат, бироқ шундай халқлар борки, уларнинг барчаси ягона тилда алоқа-аралашув муносабатига киришадилар.

Мисолан, ўзбек халқининг давлат тили ўзбек тили бўлгани ҳолда, сабабини ташкил этиб турган 120 дан ортиқ миллат вакиллари асосан: рус, тожик, туркман, татар, корейс, озарбайжон тилларида сўзлашадилар. Шунингдек, Швейцария швед миллатининг давлати ҳисобланади. Бу мамалакатда аҳоли асосан: немис, француз, итальян ва ретороман тилларида мулоқот қилади.

Тил ва маданият қиёсига нисбатан ассиметрия ҳолати ҳам мавжуд дунёда мавжуд кўплаб мамлакатлар ягона тилда алоқа-аралашув жараёнини амалга оширади. Мисол учун, немис тилидан немислар ва австрияликлар, португал тилида португалияликлар, бразилияликлар ҳамда Африкадаги 5 та мамлакат аҳолиси, испан тилида испанлар ва Латин Америкасидаги 20 та давлат фуқаролари, инглиз тилидан биз билган инглизлар, америкаликлар, канадаликлар, австралияликларгина эмис, Жанубий Африка давлатларининг катта қисми фойдаланади. Ауниндан, Африкада жойлашган 19 давлат фуқароси расман эътироф этилган инглиз тилида сўзлашади. Худди шундай, ҳинд халқи ҳам расман инглиз тилида (ҳинд тилидан сўнг) сўзлашади.

Мутахассислар Ер юзида мавжуд халқларга нисбатан тилларнинг бўлишини қайд этадилар¹.

¹ «Дунё халқларининг харитаси» (— М., 1961), «Дунё халқларининг сони ва жойлашуви» (— М., 1962), «Дунё халқларининг атласи» (— М., 1964), «Дунё аҳолиси» (— М., 1965) сингари нашрларда дунё халқларининг сони — 800 дан 2 минггача деб кўрсатилади. Халқларнинг тақсимланиши ва тарқалиши, жойлашуви турлича бўлиши мумкин: Африка қитъасида 1000 дан ортиқ тиллар мавжуд. Хозирги пайтда дунёда 6500 га яқин тил мавжуд. Бироқ улардан 2000 таси йўқ бўлиш арасида. Уларнинг ҳар бирида 1000 тадан кам одам сўзлашади. Энг кўп

Таниқли ўзбек тилшунос олими, профессор Б.Р. Менглиев ушбу масалага доир қуйидагиларни қайд этади: «Дунёда тахминан 3000 дан (баъзи манбада келтирилишича, улар 7000 мингга яқин) ортиқ тил бор. БМТ расман 2976 тилни қайд этган. Тилларнинг айримида бир неча ўн, ҳатто юз миллионлаб киши гаплашса, баъзисида бир неча минг, юз, ҳатто санокди кишигина гаплашади. Масалан, Конгода аҳоли 500 тилда, Индонезияда 250 тилда, Суданда 117 тилда гаплашади. Хитой тилида ҳозирги кунда бир миллиардга яқин киши сўзлашса, чуқот ва веле тилида бор-йўғи бир неча юз минг киши мулоқот қилади, холос. Ёки Доғистонда 1 млн. дан ортиқ киши бўлиб, улар 40 га яқин тилда гаплашади. 2002 йилда Россияда ўтказилган аҳоли рўйхати натижасига кўра, Доғистондаги багулал тилида 40 киши, чамала тилида 12 киши, кайтагс тилида эса 5 киши гаплашиши аниқланган. Янги Гвинеяда деярли ҳар бир қишлоқ ўз тилига эга»¹.

Кўринадики, бу нисбат тилнинг миллий ўзликни юзага чиқаришда асосий омил эмаслигини исботламоқда. Миллий ўзликни англаш туйғуси билан тил муносабати орасида яна диний мансублик деган омил ҳам борки, муайян динга эътиқод қилишнинг ўзи ҳам аниқ бир халқнинг миллий хусусиятларини равшанлаштириши мумкин. Бироқ унутмаслик керакки, бир миллат вакиллари эътиқод қиладиган динлар (масалан, япон синтоизми, арман-григорян черковлари) дан фарқли ўлароқ, айниқса, Ислом динининг шаърий қонун-қоидалари бир-бирига қардош бўлмаган турли миллат вакилларининг ўзлик туйғусини бир-бирига яқинлаштиради. Мусулмонга хос бўлган энг олий фазилатлар керак бўлса, миллий маънавият мезонларини ташкил этади.

Хусусан, инсонийлик, адолат, ҳалоллик, бағрикенглик сингари тушунчалар ўзбек халқининг миллий ўзлигини ташкил этибгина қолмай, унинг маънавий негизларига ҳам дахл қилган олий кадриятларнинг биридир.

Н.Б. Мечковскаянинг фикрича, тил ва маданият қиёси доирасида улар ўртасидаги ўзаро боғлиқ детерминизм тўғрисида гапириш лозим. Яъни, тил ва маданият қуйидагича ўзаро боғлиқдир:

1) коммуникатив жараёнларда; 2) онтогенез (инсон нутқий қобилиятининг шаклланиши)да; 3) филогенез (ижтимоий одамнинг шаклланиши)да.

тиллар асосан Осиё ва Африкада. Йўқолиб бораётган тилга ёрқин мисол – бикиа тилидир. Унда 1 киши гапиради (Африка). http://fikr.uz/blog/ICT_for_English_teachers/11331.html.

¹ Тил – миллат тимсоли, халқ гурури. Тилшунос олим Бахтиёр Менглиев билан суҳбат. //Хуррият, 2009. Манба: <http://www.kh-davron.uz>. 20/10/2015.

Таниқли ўзбек тилшуноси, проф. А. Нурмонов эса ўз мақоласида лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақидаги мулоҳазаларини баён этар экан, тил ва маданият алоқасига оид муносабатини ҳам билдириб ўтади.

Олим лингвистик нисбийлик назарияси асосчилари Б. Уорф ва Э. Сепирнинг тил ва тафаккурнинг маданият шакли эканлиги ҳақидаги фикрларини эътироф этиш билан бирга тиллар ўртасида умумий томонлар ҳам бор эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади: «Ҳар бир тилда халқнинг руҳи, миллий маданияти, ўзига хос дунёни кўриш, идрок этиш тарзи намоён бўлиш билан бирга, тиллар ўртасида образ яратилиши шундай умумий жиҳатлар борки, булар умуминсоний тафаккур маҳсули сифатида юзага чиқади»¹.

Проф. А. Нурмоновнинг фикрига кўра, тил ва маданият ўртасида алоқани тадқиқ этган олимлар 3 та гуруҳга бўлинади: «Биринчи йўналиш В. Гумбольдт, Э. Сепир ва Б. Уорф номлари билан боғлиқ бўлиб, улар тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабатида тилни белгиловчи куч деб ҳисоблайдилар». 2. Олим бу қарашни бирёқлама деб ҳисоблайди. Жумладан, у шундай деб ёзади: «... номинацияга асос бўлган образ марказини идрок қилишда турли типдаги тилларда ўзига хос умумий жиҳатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу ҳам лингвистик нисбийлик назариясининг олами идрок қилишда тилнинг роли уссувор эканлиги ҳақидаги хулосаси бирёқлама эканлигидан далолат беради»².

А. Нурмоновнинг фикрича, тил ва маданият муносабати ҳақидаги иккинчи нуқтаи назарда бу икки ҳодиса ўртасидаги алоқа тамоман илкор этилади. Олимнинг қарашига кўра, ушбу масала ҳақидаги учинчи нуқтаи назарда юқоридаги икки қарама-қарши фикрлар ўзаро синтезланади. Жумладан: «...тил ва маданият ўзаро боғлиқ ва айни пайтда фарқли ҳодисалардир. Тил ва маданият муносабатида тилнинг роли катта. Ҳар бир халқнинг ўзига хос этномаданияти унинг тили орқали ифодланади. Лекин объектив борлиқда ана шу этномаданият мавқулиги учун у тилда ўз ифодасини топади»³.

Лисоний менталлик ондан фарқли равишда, индивиддаги ташқи оламнинг ҳақиқий манзараларини шунчаки акс эттирибгина қолмасдан, ушбу тасвирларни когнитив база билан боғлайди ва конкрет индивидий-лингвал (лисоний) жамоат учун ҳар бир алоҳида олинган вақт momentiдаги аниқ вазиятда долзарб бўлган мазкур концептуал маз-

¹ Ҳавола куйидаги манбадан олинди: Антропоцентриқ тилшунослик йўналишлари» модули бўйича ўқув-услубий мажмуа.// Тузувчилар: Д.Э. Лутфуллаева, Д.С. Худойберганова. Тошкент, 2016. – 21-б.

² Юқорида кўрсатилган манба. – 21-б.

³ Юқорида кўрсатилган манба. – 22-б.

мунни ментал лугат таркибининг структуралари орқали юзага чиқаради.

Менталлик моҳиятини тушуниш баробарида, тил, маданият, менталлик, этнос ўртасидаги алоқадорликни назардан қочирмаслик лозим. Маданият «фаолиятнинг тарихан ишлаб чиқилган усули» сифатида биологик бўлмаган, ижтимоий кўчиб юрувчи билимлар ва муносабатлар, хатти-ҳаракат стереотиплари, белгилар ва маънолар тизимидан иборат мураккаб комплексни ифода этувчи онг билан боғлиқдир, у шахсга маъно, моҳият бахш этади. Этнос эса маданий парадигмалар комплекси, тегишли этноснинг алоҳида олинган белгилари вазиятлардаги хулқининг ўзаро мувофиқлигини таъминловчи маданий ядрони ташувчи ҳисобланади.

Тил ва маданиятнинг умумий ва хусусий ҳолатлар кесимидаги қиёсида улар (тил ва маданият) структурасидаги изоморфизмни кузатиш мумкин. Бу жиҳат мазкур структуралардаги ички иерархик қурилишга ҳам ҳосдир. Хусусан, нутқ маданияти тушунчаси ўз теграсида ўзбек адабий тили меъёрларинигина эмас, балки, умуммиллий тил меъёрларини ҳам назарда тутати¹, бу меъёрлар сирасида шева, лаҳжа, диалектларнинг ўзига хос меъёрлари ҳам кўзда тутилади.

Бинобарин, юқоридаги изоморфизм тушунчасига яқин келиб, Н.И. Толстой ўзининг қуйидаги таснифини келтиради: а) элита қатлам маданияти, б) халқ маданияти, в) оралиқ маданият, г) анъанавий-касбий маданият (асаларичилик, подачилик, савдо-хунармандчилик). Мазкур таснифга асосан, олим тил ва маданият қиёсига доир қуйидаги қаторни тузади:

- адабий тил — *элитар маданият*;
- оддий сўзлашув — *«учинчи маданият»*;
- шева, лаҳжалар — *халқ маданияти*;
- арго — анъанавий — *касбий маданият*.

Тил ва маданият ўртасидаги ўзаро шартланган иккиёқламаликни эътироф этиш лозим. Тил лингвокультурологик феномен сифатида маданий бойликларни ўзида жамлайди, у сингари исталган миллий маданиятнинг ривожига эса, бир вақтнинг ўзида, аниқ бир тилнинг специфик характериға боғлиқ бўлади. Айни вақтда, тил ўзи билан бутун оламни намоян эта олади, у серқирра маданиятни, серқатлам жамиятни лексик-семантик томондан қамрай олади.

Лингвокультурологиянинг олдиға ечимини топиши лозим бўлган қуйидаги саволларни қўйиш мумкин:

- 1) лисоний концептларнинг шаклланишида маданиятнинг ўрни;
- 2) лисоний белгининг қайси қисмиға «маданий маъно» бирикади,

¹ Кунгуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. — Т.: Ўқитувчи, 1992.

3) ушбу маънолар сўзловчи ва тингловчи томонидан англандими ни улар нутқий стратегияга нечоғлик таъсир кўрсатади;

4) тил эгасининг маданий-лисоний компетенцияси мавжуд ҳодини

3) тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси негизида шаклланувчи муайян лисоний белгиларнинг маданий семантикаси, кўплаб маданиятлар (универсалиялар), битта маданият эгаларининг репрезентациясига йуналган маданият дискурслари ва концептосфера қандай даражада эга;

б) мазкур фан соҳасининг асосий тушунчаларини, яъни тушунчалар аппаратини қандай тизимлаштириш лозим¹.

Тил ва маданият қиёсига ёндашувнинг турлари. Тил ва маданият ўқийлигига ёндашувнинг икки асосий: концептуал ва лисоний мамлакатшунослик — лингвомамлакатшунослик (*лингвострановедческий*) турлари ажратилади. Лисоний мамлакатшунослик прецедентли матнлар (лингвомаданий ҳамжамият вакилларига мазмуни жуда яхши таниш бўлган, улар томонидан қайта-қайта мурожаат қилинадиган, интерсектуал матн таркибида асл шаклида ёки айрим ўзгаришлар билан қўлланувчи матн), аллюзиялар (лот. *allisio* — *ишора*; *ҳазил*), лакун (фран. — *бушлиқ*; *чуқурлик*; Ж.П. Вине ва Ж. Дарбелен термини)², мислоси ўз она тилида сўзлашувчилар учунгина маълум бўлган коннотацияларни изоҳлайди.

Юқорида шарҳланган ёндашув кўпинча лингвомаданий ёндашув деб ҳам аталади. Бу ёндашув доирасида тилшунослар лисон қобиғини тилшқарига чиқиб, лингвокультурема номили атамани ҳам қўллаётдилар. Баъзи тилшунос олимлар бу атамани «шаклий жиҳатдан нутқий маъно ва белги яхлитлигидан, мазмуний томондан лисоний маъно ва маданий тушунча бирлигидан иборат бирликлараро комплекс пўтуилик» сифатида изоҳлайдилар. Бироқ сўнгги йилларда мазкур атаманига конкрет тилнинг этноспецифик, ижтимоий-гуруҳий ҳамда индивидуал таснифлаш ҳамда нутқ эгасини моделлаштиришни назарда туғувчи концептуал ёндашув сифатида кенг ўрин берилмоқда.

Бирламчи, лингвокультурема — лингвокультурологиянинг бирингидир.

У маданиятга дахлдор барча тушунча ва нарсаларни — артефактлар (лот. *arte* *сунъий*, *factus* *тайёрланган*) ни белгилаб, аниқлайди. Бу: сунъий ясалган предметлар, вазифалар, одатлар, нутқий фаолиятли тактикалар, этно-маданий-прагматик вазиятлар ва б. Культуремаларнинг

¹ *Маслова В.А.* М 31 Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.

² *Худойберганова Д.* Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли кўрсати. — Т.: «Турон замин зиё». 2015, — 25-б.

фарқли хоссалари — структур ассиметриясини, айниқса, бир-бирига яқин лингвомаданиятлар мисолида кузатиш мумкин.

Масалан, ўзбек тилида ўзига бино қўйган одамни *манман*, *кибрли* деб атасалар, туркманлар *улумсьлк* деб номлайдилар.

Тил инсон тажрибасини шакллантирувчи ижтимоий маданий фактор сифатида худди маданият сингари умумқабул қилинган, умуммаъқулланган тушунчаларни ишлаб чиқаради (ишлаб чиқади). Зотан, алоқа-аралашув (коммуникация) ўзаро тушунарли тушунчаларнинг мавжудлиги ва уларнинг коммуникация иштирокчиларига тушунарлилиги эвазига таъминланади. Мутахассислар умумтушунарли бўлган бундайин бирликлар фақат бир тилда сўзловчилар нутқида хос деб ҳисоблайдилар ва бу билан этник жамоа, ижтимоий гуруҳ орасидаги маълум одамларнинг идентификациясини ҳам инкор этмайдилар.

Бироқ тилда мавжуд бўлган бирликлар орасида агнонимлар ҳам учрайдики, улар ҳақида тилшунос олим М. Йўлдошев шундай дейди: «Агноним атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, билинмаган, тушунарсиз, номаълум ном деган маънони билдиради. Муайян тилда мулоқот қилувчилар учун ўша тилдаги номаълум, нотаниш, тушунарсиз ёки кам тушунарли бўлган сўзлар агнонимлар деган ном билан умумлаштирилади. Агнонимлар лингвоцентрик эмас, балки антропоцентрик ҳодиса ҳисобланади. Яъни, буни тилдан фойдаланувчининг лисоний лаёқати билан боғлиқ ҳодиса деб қабул қилиш мумкин. Мутахассислар маълум лексик-фразеологик бирлик агноним сифатида қабул қилиниши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак, деб ҳисобланади: 1. Бир тилда сўзлашувчиларга бутунлай тушунарсиз бўлгани ҳолда истемолда қайсидир даражада мавжуд бўлса: *жўм иш (жўмиш ўкириб бийик бўлмас, эчки югуриб-кийик)*, *олатўғаноқ (олатўғаноқ олғир бўлса ҳам, қарчиғайдек бўлмас)*. 2. Бир тилда сўзлашувчилар томонидан эшитилган, лекин тўлиқ анланмаган бўлса: квалификация, бакалавр, фауна, файл, эмиссия, эмбарго, рокировка каби. 3. Тил эгаси муайян сўзни қайсидир соҳага тегишли эканлигидан хабардор, «буни фақат маълум бир соҳа эгаларигина билади» деган фикрда, лекин аниқ айтиб бера олмаган бўлса: гистология, цисталогия, аксиология, фалаж, эсперанто, этнография, анемия каби. 4. Тил эгаси муайян сўзнинг қандайдир предмет эканлигини билгани ҳолда унинг айнан нима эканлигини айтиб бера олмаса: хантал, ангиз, тувоқ, кошин, кофеин, эскорт каби. 5. Тил эгаси муайян сўзнинг энг умумий бўлган томонини билгани ҳолда, унинг хусусий томонларини айтиб бера олмаса.

Сакура — дарахт, лекин қандай дарахт, қаерларда ўсади, шакл-шамойили қандай? Сугур — ҳайвон, лекин қандай ҳайвон? Авакадо — мева, лекин қандай мева? Шунингдек, тилдан фойдаланувчи муайян

сўни нутқ жараёнида кўп ва ўринли қўллагани ҳолда, маъносини билмаса ёки тушунтириб бера олмаса ҳам мазкур бирлик агноним қисобланади: маънавийят, анқов, ақида, ғоя, қадрият, ҳамият, мижоз каби. Бадий адабиётда агнонимлар алоҳида эстетик вазифа бажарилган. Худди шунингдек, тилшунос олим: «Агнонимларнинг бадий маънада услубий мақсад билан қўлланилиш ҳодисасини *агномазия* деб аташ мумкин. Агномазияга юкланадиган вазифалар сирасига қаҳрамонлар дунёқарашини акс эттириш, уларнинг нутқини индивидуаллаштириш ҳамда иллюстратив функция бажариш кабиларни киритиш мумкин. Китобхон учун бу сўзларнинг англиши у даражада муҳим эмас»¹, дея таъкидлайди.

Лингвокультурология соҳасининг кўлами негизда лисоний хосларни текширишга бағишланган жуда кўп изланишлар амалга оширилган. Айниқса, Е.М. Верещагин ва В.Г. Костомаровнинг хорижий тилларни ўрганишда миллий маданиятларга эътибор қаратиш борасидаги изланишлари эътиборга моликдир. Улар томонидан нашр этирилган «Сўзнинг лингвомамлакатшунослик назарияси» ушбу йўналишда амалга оширилган жиддий тадқиқотлар сирасига киради. Жумладан, тилшуносларнинг хулосасига кўра, хорижий тилни ўрганишдан аввал, шу тилда сўзлашувчи миллат, мамлакатни биргаликда ўрганмоқ зарур.

Тилнинг лугавий маънони ифодалашга хосланган бирликларини назорат номинатив бирликлар деб қарасак, аниқланадики, уларнинг нутқ жараёнидаги референтлик даражаси, бевосита ушбу бирликларнинг лисоний, когнитив ва маданий белгиларни ўзида акслантириб келиши ҳамда шу белгиларнинг муайян тилдан фойдаланувчилар томонидан маъқулланган(танланган)лик даражаси билан тенг келиши билан ўлчанади. Уларнинг когнитив ўзига хослигини эса: а) билимларни сақлаш ва кодлаш, б) ахборотни трансформациялаш, интерпретациялаш ҳамда бойитишдан иборат герменевтик функция, в) вербал оламни концептуаллаштириш ва категориялаштириш сингарилар белгилайди.

Тил ва этник тегишллик. Одамлар ва кишилик жамоалари турли маъно ва белгиларига кўра фарқланадилар. Уларнинг айримлари одамнинг ирсиятида мавжуд: улар туғма бўлади ва одамларнинг хоҳиш-проҳисига боғлиқ бўлмайди. Масалан, булар – жинс, ирк, руҳий хусусиятлар, қобилиятдир. Қолган белгилар ижтимоий шартланган бўлиб, бу фуқаролик, маълумот, касб, ижтимоий-мулкий мақом, конфес-

¹ *Йўлдошев Маъруфжон.* Бадий матннинг лисоний таҳлили: Методик қўлланма / М. Йўлдошев, З. Исақов, Ш. Хайдаров; масъул муҳаррир Н.М. Маҳмудов.

Т. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. 44 бет.

сионал¹ тегишлилик (ёки конфессионал тегишли бўлмаслик) кабилардир.

Ўрни билан қайд этиш лозимки, алоҳида олинган индивиднинг ижтимоий хусусиятлари унинг ёхуд ўзга кишиларнинг, ташкилотларнинг иродасига турли хилда боғлиқ бўлади. Масалан, одам ўз фуқаролигини танлай олмайди, бироқ шундай «автоматик» вазиятлар (масалан, «фуқароликни ўзгартириш», «фуқаролиги йўқ шахслар», «икки фуқаролик», «фуқароликдан маҳрум қилиш» сингари) бўладики, унда кишининг шахсий иродавий қарори ва танлови катта аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Баъзи ижтимоий қирралар мерос бўлиб берилиши ҳам мумкин: феодализм тузуми даврида муайян шахсга унинг ота-онаси мансуб бўлган ижтимоий мақомнинг ўтиши табиий ҳол бўлган.

Инсониятнинг этник тегишлилик хусусияти ибтидоий-жамоа тузумида уруф ёки қабила таркибидаги қондошлик ришталарига асосланган. Сўнгги даврларга келиб эса, этник тегишлилик (миллийлик) киши ва кишилик жамиятининг ижтимоий ўлчов мезонига айланиб бормоқда². Шунингдек, кишининг қайси миллатга мансублигини шахсан ўзи белгилаши ҳам унинг шахсий иши ҳисобланади.

Машҳур тилшунос олим И.А. Бодуэн де Куртенэ 1913 йилдаёқ: «Миллий мансублик масаласи ҳар бир онгли одам томонидан ҳал этилади. Ҳеч ким уни унинг шахсий онгли қарорисиз у ёки бу миллатга мансуб қилишга ҳақи йўқ» деб ёзганди. Бинобарин, миллий-мансублик масаласи илк бор 1920 йил Югославия, Руминия, Шри-Ланка ва Россияда кўтарилди.

Шу қаторда, бир қатор полиэтник мамлакатлар (Финляндия, Бельгия, Швейцария, Австрия, Испания, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Канада, Мексика, Гватемала)да она тилига оид масала бир қадар чекловларга эгалиги инобатга олинса, билдирилган фикрларнинг барчаси шунга аңглатадики, она тили инсон томонидан танланмайди, бу — инсонни баҳолашнинг асосий мезонларидан бири.

Бу борада *тил ва маданиятнинг уйғунлиги* масаласига тўхталиш керак бўлади. Э. Сепир ва Б. Уорфлар ўз фаразларида тил ва маданият уйғунлашуви тўғрисидаги ғояни илгари сурган ҳолда, тил — маданият маҳсули ва шу билан бирга маданиятни шакллантирувчи омил деб талқин этадилар. Зеро, ҳар қандай маданият тилда намоён бўлади,

¹ Бунда: *confessio* (лат. *confessio* — *эътиқод*) — диний эътиқод маъносига; эътиқод қилувчиларнинг ўз расм-русуми, диний таълимотига эга диний бир-лашмаси.

² Ривожланган либерал-демократик жамиятларда давлат томонидан фуқаронинг ҳужжатида миллатини қайд қилиш талаб қилинмайди (баъзи мамлакатларда эса фуқароликни тасдиқловчи ҳужжатнинг (паспортнинг) узи йўқ).

тилда ўзининг моддий қобилини топиш билан бирга, атроф-муҳит таъсирида тараққий қилиб, ўзгариб боради. Турли миллатлар маданияти бир-биридан воқеликни моддий ва маънавий ўзлаштиришдаги фарқи жиҳатидан ажралиб туради.

Россиялик филолог Тер-Минасова тилни маданият сақланадиган ҳазинага қийслади. Унинг таъбирича, тил маданий қадриятларни ўз таркибидаги лексика, грамматика, идиоматикада, мақолларда, халқ оғзаки ижодида, бадиий ва илмий адабиётларда, қолаверса, оғзаки ва ёзма нутқда сақлаб келади. Агар тилни унинг тузилиши, ифодаланиши ва уни эгаллаш услублари нуқтаи назаридан кузатилса, унда ижтимоий-маданий (социомаданий) қатлам ёки маданиятнинг компоненти тилнинг бир қисми ёки унинг борлигининг асоси сифатида шомоён бўлади. Шунингдек, машҳур тилшунос А. Вежицкая хулосаларига кўра, тил антропоцентриkdir, у инсон учун мўлжалланган. Шундай экан, ташқи олам объектлари ва ҳодисаларини категориялаштиришда инсон бош мезон ҳисобланади. Бу — барча тилларнинг умумий хусусияти. Иккинчидан, тил миллий хослангандир. Масалан, эскимос тилида қорни номловчи, араб тилида туяни атовчи, хитой тилида гуручни номлаш учун ишлатилувчи қагор сўзлар мавжуд. Тиллар шунингдек, каузация, агентивлик, ҳиссий-эмоционал соҳа сингари абстракт семантик кўламлارнинг пухта ишланиш даражаси билан фарқ қилади. Тилда ташқи оламнинг у ёки бу концептуализацияси зоҳир бўлади. Бу концептуализациялар ўртасидаги тафовутни эса, фақат миллий характергина тушунтириб бера олади.

11.2 §. Фанда «тил-маданият» масаласининг ўрганилиши: В. фон Гумбольдтнинг «тил-маданият» ҳақидаги лингвистик таълимоти

Узоқ йиллар давомида тилшунослик фани тилни унга инсоннинг дахли (инсондаги алоқа воситасини ташувчилик хусусиятини инобатга олиш эвазига) ҳамда ундан фойдаланиш шартлари ва коммуникатив вазифа билан муносабати масаласига эътибор қаратмасдан ўрганди. Ушбу тенденция структур тилшуносликда яққол кўзга ташланиб, бунда яхлит системани ташкил этувчи лисоний бирликларга катта эътибор қаратилди.

Г.В. Колшанский таъбирича, структур лингвистика «тилнинг ҳар битта бирлигини мавҳумлаштиради ва уни тегишли бирликнинг коммуникатив вазифаси ёрдамида эмас, унинг барча ички трансформацион имкониятлари (потенциали) орқали қайта шаклландиган мусгақил моделга айлантиради»¹.

¹ Фисенко И.Е. Коммуникемы русского языка в аспекте речевого воздействия. Дисс. на соискание ученой степени кан. фил. наук. Ростов-на-Дону —

Мавҳум (абстракт) қурилишли бундай тизим ёки микротизим (масалан, ядролари гаплар тизими) ўзида коммуникатив система сифатидаги тил қонуниятларини эмас, маълум модел талқини (изоҳи)нинг имманент қоидаларга бўйсунувчи конструкциялар – трансформаларнинг ўзига хос жиҳатларини жамлайди¹.

Тилшунос олимларнинг узоқ муддат мавжуд бўлиб келган «инсон ва лисон» муаммосига бу тариқа ёндашувини О.Г. Почепцов лингвоцентризм деб атайди ва «лингвоцентризм лисонни унинг демиурги² – инсондан ажратади», дея таъкидлайди.

Тилшуносликда тилга нисбатан турғунлашиб қолган ушбу муносабат В. фон Гумбольдт (Humboldt, Wilhelm von – 1767–1835) нинг тил (Гумбольдт таъбирича, умумхалқ маънавий қуввати) ҳақидаги: «Инсон ўз лисонининг қўламига сиғмайди (буни сўзлар мисолида кўриш мумкин); бироқ у ўзининг тизгинсиз руҳини – нима биландир жиловлаш ҳамда сўзни бирор нимани чегарада ушлаб турувчи мезон сифатидаги сўзларга сиғдиришига тўғри келади» деган қарашлари туфайли ўзгаришларга юз тутди³.

Тил ва инсон муносабатига доир илмий фаразлар, қарашлар орасида айниқса, Гумбольдтнинг хулосалари залворли бўлди.

XVIII аср Европа тиллари грамматикаси тилнинг табиатини тўшунтира олмаганлиги сабабли, Гумбольдт уларни «илмий таҳлилнинг ўлик маҳсулоти», «хотирани қийинлаштирувчи лаш-луш» деб атади.

Бу танқид тилшуноснинг тилларни назарий ўрганишда «хусусий» ҳамда «умумий»ни ажаратишга бўлган иштиёқи туфайли билдирилган эди.

Шунга қарамай, бошқа бир ўринда В. фон Гумбольдт грамматиканинг ўрнига юқори баҳо бераркан, «халқ ижодининг маҳсули бўлган тил маданиятнинг маълум бир тараққиёт даражасида грамматикачиларнинг қўлига келиб тушади. Грамматикачилар ниҳоясига етган ли-

2005. <http://31f.ru/dissertation/89-dissertaciya-kommunikemy-russkogo-yazyka-v-aspekte-rechevogo-vozdjestviya.html>.

¹ Қаранг: юқоридаги манба.

² Демиург (يونون. δημιουργός, – халқ учун буюмлар ясовчи ҳунарманд, уста, дўғмос – дан халқ ва еруос – иш). Дастлаб демиург деб одамлар учун хизмат қиладиган барча кишиларга (ҳунарманд, хизматчи, мансабдор ва ҳ.), кейинчалик эса ўз ишининг маҳоратли эгасига нисбатан айтила бошлаган. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Демиург>.

³ Фисенко И.Е. Коммуникемы русского языка в аспекте речевого воздействия. Дисс. на соискание ученой степени кан. фил. наук. Ростов-на-Дону – 2005. <http://31f.ru/dissertation/89-dissertaciya-kommunikemy-russkogo-yazyka-v-aspekte-rechevogo-vozdjestviya.html>.

соний манзарага сўнгги штрихни қўя туриб, ортиқча нарсаларни чиқариб ташлайдилар ва бўшлиқларни тўлдирадидилар¹», дейди.

Аmmo бу фикр нотўғри хулосага олиб келмаслиги лозим: грамматикчилар тилни яратмайди, «ижод» — уларнинг вазифаси эмас. Улар тилни жадваллаштиради. Ҳолбуки, инсон нутқи чегара билмайди ва уни қисмларга бўлиб, жадваллаштириш мумкин эмас.

Гумбольдтнинг лингвофалсафий мулоҳазалари объектини тилнинг ҳисоти ташкил қилади. Олимнинг грамматика билан қизиқишининг асосий сабаби ҳам шунда: у тиллар грамматик қурилишидаги фарқликларни тил тараққиёти, халқнинг руҳи сифатида намоён бўлувчи тил характери ва лисоний тафаккур босқичларини аниқлаш мақсадида ўрганди.

Гумбольдтнинг фалсафий концепцияси унинг «Инсон тилларининг қурилишидаги фарқ ва унинг инсон зотининг маънавий ривожига таъсири» номли ишида ўз аксини топган. Бунда қуйидагилар: *турмуш, онг, тафаккур, руҳ (қалб), озодлик, бирлик, ҳақиқат, баҳо, қонун, ибтидо, принцип* ва б. умумфалсафий тушунчалар уйғунлаштирилган.

Унинг қатъий хулосаларидан бири бу — тил фаолият маҳсули эмас (*Ergebnis*), балки фаолиятнинг ўзи (*Energeia*); тил руҳий қувватни доимий фаолиятга уйғунлаштирувчи ҳодисалардан бири; тил ўзининг ботиний ва тушунтириб бериш мумкин бўлмаган усуллари билан кўпроқ санъатни эслатади.

Гумбольдтнинг ишларида *форма* сўзи тез-тез тилга олинади. Мазкур сўзнинг талқини бирламчи *тиллар формасига* бориб тақалади ва бунда мантқан, дунёқарашнинг усуллари тушунилади. Бу терминологик тўплам ўз ичига: *ҳис этиш, дунёқараш, оламни ўзлаштириш, оламни ҳис этиш, оламни тушуниш* сингари тушунчаларни жамлайди. Мазкур лисоний форма тўғрисидаги қараш Гумбольдт концепциясида тилнинг системавийлиги билан уйғунлаштирилади. Соссюрдан фарқли, Гумбольдт системавийлик остида Соссюр сингари структурвийликни эмас, аксинча, яхлитликни тушунади. Масалан, умумийлик, система, бутунлик, организм, яхлитлик, элемент, тўқима (метафора) сингарилар. Булар қаторида олим метафорани тафаккур оригиналлиги билан тенглаштиради.

Шундай қилиб, Гумбольдтнинг тил фалсафаси инсоният, индид ва миллат тилини тафаккур фаолияти ҳамда ривожидан айро бўлмаган, шунингдек тил тараққиётининг манбаи бўлиб, тилнинг ички

¹ Куликова И.С. Современная лингвистика в контексте смены научных парадигм (электронное учебное пособие для студентов I к. магистратуры). http://russjaz.narod.ru/Kylik/Kurs_dlya_mag-1_kursa.pdf.

формаси, характери, умумийлик ва бутунлигини олдиндан белгилаб берувчи руҳ фаолияти сифатида текширади.

Гумбольдтнинг лингвистик концепцияси тилнинг 17–18-асрга таалуқли антитарихий ва механик концепциясига нисбатан бир муносабат эди. Бу концепция асосан, И. Гердер, А.В. Шлегель ва Ф. Шлегелнинг тилнинг келиб чиқиши ва табиати, тилнинг тафаккур ва «халқ руҳи» билан боғлиқлиги, тиллар таснифига доир, шунингдек И. Кант, Г.В.Ф. Гегель, Ф. Шиллер, Ф.В. Шеллинг, Ф.Г. Якоби ғояларининг ифодаси эди, дейилса, хато бўлмайди.

В. фон Гумбольдт концепциясининг етакчи назарий ва методологик тамойиллари қуйидагилар:

1) натуралистик ва амалий ёндашув синтези (тил руҳ вужуди ва фаолияти сифатида);

2) қарама-қарши хусусиятли ибтидо (келиб чиқиш)нинг диалектик қиёси (антиномиялар шаклида);

3) тилга нисбатан системавий яхлит назар;

4) динамик, процессуал-генетик ёндашувнинг структур-статистик ёндашувдан устун қўйилиши;

5) тилни ўз-ўзини келтириб чиқарувчи организм сифатида талқин этиш;

6) тилга нисбатан панхроник ёки ахроник (вақтдан ташқарида) ёндашувнинг тилнинг муайян давр кесимидаги ўзгаришининг тарихий таҳлилидан устун қўйилиши;

7) жонли нутқни ўрганишнинг лисоний организмнинг тасвиридан устун қўйилиши;

9) тил ва мавжуд тилларнинг реал хилма-хиллигига инсониятнинг умумий мулкига бўлгандек қизиқишнинг уйғунлашуви;

9) тилларни тилнинг мавжуд мукамал тараққиётининг босқичлари сифатида талқин қилиш; тилни ўз ичида, инсон фаолиятининг бошқа кўринишларидан айро тарзда тасвирлашдан воз кечиш;

10) тилни қатъий илмий жиҳатдан тадқиқ этишни фалсафага эврилган ёндашув билан уйғунлаштириш.

Ҳинд-Европа оиласига мансуб тиллардан фарқли, испан баскларининг тилини ўрганган олим турли тиллар – бу нафақат умуминсоний онгнинг турфа қобиғи, балки дунёни турлича кўриш, англаш ҳамдир, – деган хулосага келди.

Ўзининг «Инсон тилининг қурилишидаги фарқлар ва унинг инсоният маънавияти ривожига таъсири» номли асарида Гумбольдт қуйидагиларни қайд этган эди: «Ҳар бир тилда ўзига хос дунёни англаш кузатилади. Худди нарса ва одам ўртасидаги товуш сингари, тил ҳам умумий ҳолда, инсон ва табиат муносабатида намоён бўлиб, унга (инсонга) ичдан ва сирдан таъсир ўтказиб туради. Ҳамда ҳар бир тил

муайян одамни у мансуб бўлган миллий тил доирасида, токи у ўзга тил доирасига ўтмагунча, тасвирлайди»¹. Шунингдек, у тилни «моҳиятга кўра фаолият (*Taiigkeii*), қувват (*Eiieegeia*), аниқроғи руҳий фаолият, руҳий қувват, тузилишига кўра бугунлик, тизим (система)дир» деб атайди². Унинг кўрсатишича, «ҳар қайси тил (ёки тил оиласи)нинг ўз тузилиши (структураси), системаси бор, негаки халқ тили унинг руҳияти, халқ руҳияти унинг тили демакдир. Шу билан бирга, тунчи ва грамматикачилар тилга сайқал бериб уни халқнинг ўзига қайтаради»³.

В. фон Гумбольдтнинг «нисбий антропология» тўғрисидаги ғояси шундан ўтиб, унинг томонидан илгари сурилган тил назариясининг кенг ётаётган йўналиши ва мазмунига айланди. 1804 йилда Гумбольдт Ф. Вольфга ёзган хатида: «Мен тил орқали оламнинг кўплаб юксак ва тенгсиз фарқларини қамраб олиш мумкинлигини кашф этдим ва бу фикр борган сари мени ўзига жалб қилмоқда», дейди⁴.

Умуман олганда, олимнинг узоқ йиллик тадқиқотлари унинг дунё халқларини тарихий, антропологик, этнопсихологик жиҳатдан ўрганишга боғлиқ далиллари асосида олиб борилди. Олимнинг «соф ва юксак инсонпарварлик»ни аниқлаш мақсади ушбу тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилди: «Энг муҳими, — деган эди у, — тилга ва унинг чуқур илдизларига ҳамда унинг кенг кўламли фаолият соҳаларига нисбатан муносиб ва тўғри муносабат билдиришдир». Бу фикр шуни ифодалайдики, тилни нафақат унинг нутққа бўлган муносабати билан боғлиқ жаҳатларда, аксинча, тилнинг фикрлаш фаолияти ва ҳиссий сезишга бўлган энг чексиз сарҳадларидаги вазифаларини текшириш лозим.

Вилгельм фон Гумбольдтнинг фикрича, инсон сир-асрорлари ва халқларнинг ўзига хослигини англашдек вазифани ҳеч нарса уларнинг тилидек мукамал бажаришга қодир эмас. Шундай экан, турли тилларнинг ўзига хос томонлари, улар ўртасидаги фарқларни тушунтиришда бу фарқларнинг асосида ётувчи энг олий принципни белгилаб олиш лозим. Гумбольдтнинг тилларни таснифлаш мақсадида қийсий тишуносликка киритган «халқ руҳи» тушунчаси ана шу олий принципни ифодалайди. У «халқ руҳи» атамаси остида халқнинг руҳий

¹ Алпатов В. М. О языковой картине мира японцев. Журнал: Историческая психология и социология истории. Номер 1(1) / 2008. <http://www.socionauki.ru/journal/articles/129637/>

² Юқоридаги манба.

³ Юқоридаги манба.

⁴ Гумбольдт В. фон Г. 94 Избранные труды по языкознанию: Пер. с нем. / Общ. ред. Г.В. Рамишвили; Послесл. А.В. Гулыги и В.А. Звегинцева. — М.: ОАО ИГ «Прогресс», 2000. — 6–7 с.

Ўзига хослиги, интеллектуал қадриятлар, миллий маданият тушунчаларини назарда тутиб, моддий ва маънавий маданиятнинг тилда муҳассамланишини, ҳар қандай маданият «халқ руҳи»ни акс эттиришини, тил билан «халқ руҳи»нинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ҳатто уларнинг тенглигини, тилнинг моҳиятига шундай ёндашувгина тиллар фарқланишини тушунтириши мумкинлигини таъкидлайди. Гумбольдт тилни «интеллектуал инстинкт» (intellectueller Instinct) деб атаган ҳолда, унинг антропологик феномен сифатида ўзига хослигига эътибор қаратади. Унинг қайд этишича, тил «оламни фикрга айланатириши» нуқтаи назаридан ўта интеллектуал фаол феномен сифатида намоён бўлади. Чунки у «авлодлар руҳида ўлик масса сифатида ётмайди, у инсон тафаккур жараёнлари учун қомус бўлиб хизмат қилади»¹.

Гумбольдт тил — инсоннинг интеллектуал фаолияти маҳсули, тил ва «халқ руҳи» алоҳида-алоҳида эмас, кетма-кет эмас, бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда тенг ривожланади, деб ҳисоблайди. Бинобарин, «халқнинг руҳи» унинг тили орқали воқеланади, бир вақтнинг ўзида тил «халқ руҳи»нинг меъмори ҳамдир. Шундай қилиб, «халқ руҳи»ни шакллантирган нарса унинг тили экан, тил қурилиши шу миллатнинг бутун маънавий борлиғидир. Тил ўзи мансуб бўлган халқни «сехрли ҳалқа»га ўраб олади. Бу ҳалқадан фақат яна бир бошқа ҳалқага ўтибгина чиқиш мумкин.

Олим сўзнинг белгилик табиатига қўшилади, аммо таъкидлайдики, бу борада эҳтиёткор бўлиш керак, зеро тилга белгилар системаси деб ёндашиш унинг барча «жонли» ва «руҳий» томонларини «ўлимга маҳқум этади»². Шунинг учун ҳам, муайян сўз аниқ нарса ва тушунчага ишора қилган вақтдагина белги ҳисобланади. Барча сўзлар йиғиндиси — тил эса объектив олам ва инсон оралиғидаги оламдир. Шундай қилиб, Гумбольдтнинг бу фикрлари тилнинг нарса номлари номенклатураси сифатида талқин этилишига йўл қўймайди³.

Гумбольдтнинг бу қарашларини XIX асрнинг рус тилшунос олими А.А. Потебня (1835—1891) давом эттирди ва ривожлантирди.

Шунга кўра, XIX аср илм эгалари тилни миллат маънавиятини шакллантирувчи маънавий озиқ сифатида ўргандилар.

¹ *Ерофеева Л.А.* Метафорические репрезентации доминантных концептов в поэтической картине мира Р.М. Рильке. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. <http://www.allbest.ru/>.

² *Ерофеева Л.А.* Метафорические репрезентации доминантных концептов в поэтической картине мира Р.М. Рильке. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. <http://www.allbest.ru/>.

³ *Усмонов Ф.* Тил ва тафаккур муносабати ва тилшуносликда антропоцентризм тамойили ҳусусида. Илмий хабарнома, АДУ, №2 2015 йил. — 94-б.

Хусусан, тилга оид юқоридаги сингари тадқиқотларда «инсон фактори»га мурожаат қилиш асос бўлиб хизмат қилган бўлса, бу илк билашув немис олими Й. Вейсгербер, рус тилшунослигида эса тил шисини икки йўл — муаллиф шахсияти ва қаҳрамон шахсияти орқали тадқиқ этган В.В. Виноградов томонидан амалга оширилди. Кенчалик эса, А.А. Леонтьев сўзловчи шахсни руҳшунослик доирасини ўрганди¹.

Бироқ таъкидлаш лозимки, Й. Вейсгербер XIX асрнинг учинчи чорагида тилшуносликда ўзларининг жиддий тадқиқотларини амалга оширган: Г. Штейнтал, Л. Гайгер, М. Мюллер, Г. Паул, Г. фон Габеленц, В. Вундт, Б. Дельбрюк, Л. Зюттерлин, Э. Гуссерл, Фр. Маутнер, О. Диттрих, Й. ван Гиннекен, А. Марти, К. Фосслер, Ф. де Соссюр, Ж. Вандриес, Йоз. Схрейнен, О. Есперсен, Ш. Балли, Х. Делакура, Э. Отто, Фр. Шюрр, Х. Амманн, Х. Гюнтерт, Г. Шухардт, Э. Кассирерларнинг ишларини ўрни билан юқори баҳолаб, ўрни билан танқид қиларкан, бу тадқиқотларнинг бирортасида тилнинг инсон ҳаётидаги ўрнини аниқлаш ва бу орқали тил билан боғлиқ барча муаммоларнинг ягона негизини яратишга доир масалалар қўрилмайди, деб ёзади. У ўз навбатида, В. фон Гумбольдтнинг қарашларини қувватлайди ва жумладан, қуйидагиларни қайд этади: «Фақат она тили (Muttersprache) ҳар бир одам ҳамда халқ қаршисида ўзининг бугун имкониятларини оча олади. Конкрет одамнинг ўз она тилига ва халқнинг ўз тилига муносабатигагина лисоний ҳодисаларнинг ҳаққоний баҳосини намоён эта олади. Бу муносабатлар қолган барчасини шартлайди»².

Й. Вейсгербернинг тилшунослик ривожини учун қўшган ҳиссаси шаклар улкан бўлмасин, тилшунослик ва умуман, инсониятнинг фалсафий қарашлар тарихида фундаментал бурилиш ясаган В. фон Гумбольдтнинг номи беназир олим сифатида тилга олинади ҳамда чуқур эҳтироф қилинади.

Таъкидлаш лозимки, замонавий тилшунослик В. фон Гумбольдтнинг том маънода миннатдор бўлиши лозим. Унинг тадқиқотлари бир неча авлод олимларининг қарашларига замин бўлиб хизмат қилди. А.А. Потембин, Г. Штайнталь, М. Лацарус, Б. Дельбрюк и Г. Габеленц, К. Фосслер ва Э. Кассирерлар унинг номини чуқур эҳтиром билан тилга олган бўлсалар, О. Есперсен, В. Матезиус, Л. Вайсгерберлар Гумбольдтни ўзларига кумир деб билганлар. Ҳатто, унинг ил-

¹ Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. Учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2001. — 42 с.

² Weisgerber Johann Leo. Muttersprache und geistesbildung. // Вайсгербер Йохан Лео. Родной язык и формирование духа / Пер. с нем., вступ. ст. и коммент. О.А. Радченко. Изд. 2-е, испр. и доп. — М.: Едиториал УРСС, 2004.

мий фаолиятига бағишланган «Тил организми» (Карл Беккер, 1828) унинг ҳаётлиги даврида чоп этилган.

11.3 §. Э. Сепир, Б. Уорф, К. Фосслер, Ф. де Соссюрларнинг тил ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги хусусидаги қарашлари

Э. Сепир ва Б. Уорфнинг лисоний нисбат тўғрисидаги фарази. Эдвард Сепир (1884–1939) ва Бенджамин Ли Уорф (1897–1941) томонидан илгари сурилиб, кейинчалик О.Г. Почепцов томонидан кам аҳамиятли лингвоцентризм (ўша вақтда тилга нисбатан тўлақонли тизим деб қаралгани инобатга олинмоқда: бунда инсон тилга эмас, тил инсонга ўз таъсирини ўтказди, деб хулоса қилинарди) дея аталган лисоний нисбат тўғрисидаги фараз тилнинг фикрлаш жараёни, билиш меъёрлари, инсоннинг ижтимоий хулқига таъсири ҳамда лисонни инсон билан боғлашга уриниш қабилда юзага чиқди. Одамларнинг ўз она тиллари призмаси орқали оламни турлича кўришлари, қабул қилишлари «лисоний нисбат» назариясининг негизини ташкил этади. Назария эгалари «Ўрта Еуропа» (Farb) маданияти билан ўзга маданиятлар олами (хусусан, Шимолий Америка ҳиндуларининг маданияти) ўртасидаги фарқни тиллардаги тафовут билан тушунтирдилар.

Бинобарин, XX асрнинг 60-йилларида фаразга доир кўплаб тажрибалар олиб борилди. Масалан, агар муайян тилда сарғимтир-яшил рангни ифодаловчи сўз бўлса (айтайлик, Родезиянинг шон тилида мазкур ранг сисепа дейилади), ундан фарқли бошқа (рус, инглиз, немис) тилларда бу ранг юқоридаги номланишга эга эмас. Демак, шон тилида сўзловчи бу рангнинг (тил томонидан «айтиб берилган») номини ўзга тил эгаларига нисбатан тезроқ, аниқроқ ифодалайдими?

Тажрибачи-психологлар бу ва бу каби саволларга ижобий жавоб бермадилар.

Умумий ҳолда, мазкур тажрибалар инсоннинг билиш жараёни тилнинг лексик-грамматик структурасига боғлиқлигини исботламади.

Сепир-Уорф фаразининг: «алоҳида олинган тил эгаларига маълум нарсалар тўғрисида фикрлаш ва сўзлаш осон кечди, чунки тилнинг ўзи бунга имкон яратади»¹ деган жиҳатигина бир қадар аҳамиятли деб топилди. Аммо, бошқа тажрибаларда бу боғлиқлик ҳам ўз исботини топмади.

Психологлар инсоннинг билиш жараёнидаги лисон ва тафаккур ўртасидаги муносабатларда билишга интилаётган одамнинг фаоллиги бош омил бўлиб хизмат қилади, деган хулосага келишарди.

¹ Слобин Д., Грин Дж. Психоллингвистика. – М.: Прогресс, 1976. – 203–204 с.

Тажрибалар давомида Сепир-Уорф фарази умумфалсафий ишонч-лиликни йўқотди. Энди гап турли тиллар призмасидан туриб қаралган олам лисоний манзаралари тўғрисида эмас, балки тилнинг қабул қилиш, ёдлаш, қайта тиклаш жараёнидаги иштироки ҳақида олиб борилди.

Э. Сепир ва Б.Л. Уорфнинг лисоний нисбийлик концепциясига нисосан, ҳаққоний олам бевосита, муайян жамиятнинг тил меъёрлари нисосида қурилади. Бу концепциянинг моҳиятига кўра, дунёда бир хил ижтимоий воқеликни характерловчи иккита тилни топиб бўлмайди. Турли жамиятлар мавжуд бўлган оламлар — битта эмас, аслидаги турли тиллардан фойдаланувчи ҳар хил оламлардир.

Сепир-Уорф фаразидаги **биринчи ҳолат**: оламни ҳис этиш тил томонидан белгиланади.

Иккинчи ҳолат: тил маданиятга ўз аксини солади (умумий ҳолатда, Б. Уорф маданиятга у қадар эътибор қаратмайди).

«Нима бирламчи: тил меъёрими ёки маданият меъёри?» деган саволга Б. Уорф ўйлаб ўтирмасдан, тил ва у вужудга келтирувчи лингвистик боғланган фикрий олам деб жавоб беради.

В.А. Звегинцев фикрича, Уорфнинг хатоси — унинг томонидан тил, онг ва воқелик ўртасидаги реал боғлиқликнинг бузиб кўрсатилишида. Бу хатони бартараф этиш эса, Сепир-Уорф фаразининг барбод бўлиши билан баробар.

Зеро, Уорф ўзининг «Тил» номли китобида «Мен тил ва маданият ўртасидаги сабабий алоқани тан олмайман. Муайян жамиятнинг амалга ошираётгани ва ўйлаётгани — маданият. Қандай ўйлаётгани эса — тил», деб ёзганди.

Сепир-Уорф фарази фалсафа (Брутян), тилшунослик (Звегинцев, Панфилов, Верешагин, Костомаров, Блэр)да қаттиқ танқидга учради.

Қолаверса, Сепир-Уорф назарияси А. Вежбицкая томонидан ҳам таҳрир қилинди. Хусусан, олима турли тиллар орқали тақдим этилувчи дунёқараш системалари таққос қилинмайди, деб бўлмайди. Миллий хосланган концептларни семантик примитивлар тилига ўгириш мумкин бўлгани ҳолда, уларни чоғиштириш мумкин, дейди. А. Вежбицкаянинг фикрича, ҳар бир тил ўз «семантик коиноти»ни ҳосил қилади. Яъни, «ўзга нарса ўзга тилда фикрланмайди» — ҳис-туйғулар ўзга тилда, она тилида бўлганидек, ҳис этилмайди.

Шунга қарамай, Уорфдан фарқли, Э. Сепирнинг хулосалари XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида қайта тилга олиниб эътироф қилинди. Бинобарин, бу илмий хулосалар марказидан «оламнинг лисоний манзараси» тушунчаси ўрин олди.

Шундай қилиб, ўз она тилида сўзлаётган шахс учун оламнинг лисоний манзараси оламни ўзгача кўриш ва идрок этишда тўсиқ бўла олмайди: инсон ўзга (м., фалсафий, биологик ёки физик) «олам ман-

заралари»ни кура олади ҳамда бир тилдаги матнни бошқа тилга етар-лича, ҳатто матнлар орасида кўплаб юз йилликлар турган бўлса-да, ишонч билан таржима қила олади. Тил эмас халқ маданиятни шакл-лантиради.

Мартин Хайдеггер, таърифича, инсон учун она тилининг олами — унинг «уйи», «энг яқин маданият манбаи». Бу унинг (одамнинг) табиий психологик «истиқомат муҳити», нафас олувчи, онги яшовчи образли ва идрок қилувчи «ҳаво»дир¹.

К. Фосслер — эстетик идеализмнинг ёрқин вакили. Эстетик идеализм тилшуносликдаги идеалистик неофалсафа бўлиб, Фарбий Евро-па тилшунослигида ХХ асрнинг бошларида вужудга келган.

К. Фосслернинг «Тилшуносликдаги позитивизм ва идеализм» (1904), «Тил ижод ва ривожланиш сифатида» (1905; 1950), «Тил фалсафаси бўйича танланган мақолалар» (1923), «Тилдаги маданият ва руҳ» (1925) сингари китоблари шу йўналишда яратилган машҳур асарлардир. Фосслердаги тилнинг эстетик назарияси В. фон Гумбольдтнинг лингвистик концепцияси ҳамда Б. Кроченинг фалсафий қарашлари тизими таъсирида шаклланди.

Младограмматикачиларни² ҳодисалар ўргасидаги «сабабий боғланишлар»ни эътиборга олмаслик, моҳиятдаги механицизми учун кескин танқид қилган Фосслер младограмматизмни тилга нисбатан позитивизм, «инсон тафаккурининг ўлими», «фалсафанинг якуни» деб номлади.

Фосслер ўзининг «идеализм» деб ном олган тил назариясини младограмматикачиларнинг назариясига қарши қўйди. Худди Гумбольдт каби, К. Фосслер ҳам тилни узлуксиз маънавий-ижодий фаолият деб баҳолади ва тилни халқ маънавияти ва интеллектуал тарихи билан боғлиқ ҳодиса сифатида таърифлади.

Фосслернинг младограмматикачиларни танқид қилишида жон бор: унингча, младограмматикачилар «берилган ва якунига етказилган»

¹ Мечковская Н. Б. Язык и религия: Пособие для студентов гуманитарных вузов. — М.: Агентство «ФАИР», 1998. — 37–39 с.

² Младограмматизм йўналиши тилга индивидуал психофизик фаолият сифатида ёндашади. Барча лисоний ўзгаришлар ҳам индивидуалнинг нутқий фаолияти туфайли содир бўлади. Шунга кўра, ушбу йўналиш вакиллари учун ўлик тилларга нисбатан тирик тилларни тадқиқ этиш осонроқ. Бу борада тадқиқотчиларнинг эътибори лисоний қонуниятларни шакллантиришга қаратилган эди. Йўналишнинг машҳур намоёндалари: А. Лескин, К. Бругман, Г. Пауль, Б. Дельбрюк ва бошқалар. Таниқли тилшунос олимлар — Ф.Ф. Фортунатов, И.А. Бодуэн де Куртене, В.А. Богородицкийлар ҳам ўз қарашларида қайсидир маънода младограмматикачиларга яқин турганлар. Қаранг: Младограмматическое направление в языкознании. <https://sites.google.com/site/yazyk13/podgotovka-k-ckzamenu/mladogrammaticeskoe-napravlenie-v-azykoznanii>.

тилнинг устида анатомик операция ўтказиб, уни механик тарзда фонетика, морфология ва синтаксисга, ниҳоят, алоҳида олинган товушларга қадар бўлдилар. Ваҳоланки, тил ўзаро боғлиқ ва бир бутун ҳодиса. Худди шу табиати билан у услубиятда буй кўрсатади. Фосслер шу ўринда услубиятга юқори баҳо беради ва унинг тилшуносликдаги энг етакчи соҳа бўлиши лозимлигини қайд этади¹.

Фосслер тадқиқотининг текшириш объекти – индивиднинг маънавий ижод маҳсули ва унинг интуицияси билан фантазиясини ифода этиш воситаси бўлган нутқдир. Олим ҳамиша тил ифода воситаси, мулоқот воситаси эмас, деган хулосада бўлган.

Фосслер Гумбольдт назариясини бир томонлама қабул қилган. Унинг томонидан диалектик ёндашув назардан соқит қилинган эди. Ҳолбуки, диалектик ёндашувда тил нафақат фаолият ва ифода воситаси, балки тайёр материал сифатида таснифланади, ўрганилади. Бундан фақат якка нутқ эмас, умумий тил – халқ тили ҳам сўзсиз инobat-ги олинади.

Кроме фалсафасининг таъсири К. Фосслерда нутқий актни ижодий акт – санъатга тенглаштиришга доир қарашларни келтириб чиқарди. Шунинг учун у ўзининг қайдларида: «Тил ҳақиқати – бадий ҳақиқат, англаган гўзалликдир», деб ёзди. Демак, грамматикадаги пйрим тушунмовчиликларга мансуб масалалар бадий лаёқат, дид-синияга асосланиб, ҳал этилиши лозим.

Фосслернинг фан олдидаги хизматлари шу билангина чегараланмайди. У тил ва маданият ўртасидаги алоқадорликни тегишли даврлар мисолида текширди. У тилни дин, фан, шеърийят, турли нутқий жамоалардаги тилнинг вазифаси тарзда ўрганди («Тилдаги руҳ ва маданият»).

Фосслер тилдаги эстетик идеализм таълимоти юзасидан: Л. Шпитцер, Х. Хауфелд, Э. Лерх, Л. Олишки, В. Клемперер сингари олимларни ўзига эргаштирди. Хусусан, Л. Шпитцер ўз даврида «нутқ услубида шахс услуби» номли методни жорий қилди. Бу усул келажакда услубиятдаги индуктив-дедуктив усул деб атала бошлади. Шпитцер кейинчалик ҳам гуманитар фанларни антиментализм, механицизмдан ҳимоя қилишга багишланган тадқиқот ишларини амалга оширди.

Фосслер ва унинг сафдошлари илмий муаммоларни тилнинг экспрессив-эстетик функциясини биринчи ўринга қўйиш орқали ҳал қилишга интилдилар.

Тилни тарихий-маданий ҳодиса сифатида текширишда тилни тарих ва маданиятдан айро ўрганиш мумкин эмас, деган қарашни олға сурган эстетик идеалистлар тил тўғрисидаги фаннинг мавзу кўлами-

¹ Эстетический идеализм. tapemark.narod.ru/les/594b.html.

ни лингвистик услубиятни шаклантириш, адиб тилининг халқ тили билан муносабати, адабий тилнинг ривожда бадий адабиётнинг ўрни сингари масалалар эвазига ниҳоят даражада кенгайтириб юбордилар.

Ф. Соссюр — тилшуносликда социологик мактаб ва структур тилшуносликнинг асосчиси. Аслида Гумбольдт ва Соссюрнинг ҳар иккиси ҳам тилни антиномия усулида текширганлар. Бироқ Соссюрнинг тига ёндашуви Гумбольдтдан ўзининг прагматиклиги, қатъий мантиққа амал қилинганлиги билан фарқ қилади. Гумбольдт Гегелга эргашган ҳолда, тил қонуниятларини унинг ички негизларига чуқур назар ташлаб ўрганишга интилган бўлса, Соссюр бутун фаолиятини лингвистиканинг предметини аниқлашга бағишлади.

Фердинанд де Соссюр (1857–1913) — йирик назарийчи лингвист, Женева университети профессори, Женева тилшунослик мактаби раҳбари, «Умумий тилшунослик курси» (1916) китобининг муаллифи. Лекин, фанда бу китобнинг Соссюр томонидан ёзилмаганлиги маълум. Ҳақиқатда, бу китобнинг Женева тилшунослик мактаби аъзолари бўлмиш Ш. Балли ва А. Сеше томонидан яратилгани маълум. Китоб жами 600 саҳифадан иборат бўлиб, у мазмунан Соссюрнинг 1907–1910 йиллар ораллигида Женева университетига ўқиган маърузаларини жамлайди.

Соссюрнинг тилшунослик фани олдидаги катта хизматларидан бири — фонема тўғрисидаги таълимот бўлиб, бу таълимот тил ва нутқ ҳодисаларини ажратишдаги биринчи қадам бўлди. Бу таълимотни, тўғрироғи, Ҳинд-Европа тилларидаги унлилар системасини тадқиқ этишга бағишланган илмий кашфиётни Соссюр 21 ёшида амалга оширган. Бу янгилик фан олдида унлилар таснифи орқали бобо тилга чиқиб борган олимнинг теран мушоҳадалари нақадар тўғри эканини намоён этди. Аммо, фонемани товушдан ажратиб берган Бодуэн де Куртенедан фарқли равишда, Соссюр фонемага товушга нисбат бергандек, тил ва нутққа баробар тааллуқли унсур деб қаради.

Фердинанд де Соссюр тил масалаларига синхрон ёндашди.

Ўз қарашларида у ёки бу тилшуносни истехзо билан тилга олувчи замондошларидан фарқли, Соссюр илм аҳли вакилларида бирортасининг ҳам назариясини танқид қилмади, илмий қийматини ерга урмади. Ваҳоланки, олимнинг фаразлари ўз-ўзидан, мантиқий раволиги билан шухрат қозонди.

Олим тилнинг тарих, дин, таълим, географик жойлашув билан боғлиқлигини инкор этмади, лекин унинг учун соф лингвистиканинг объекти ва предметини аниқлаш муҳимроқ эди.

Соссюр ҳам Гумбольдт сингари *форма (шакл)* сўзидан унумли фойдаланиб, унга тез-тез мурожаат қилган ва уни ўз концепциясининг марказига қўйган. Аммо Соссюр учун *форма* том маънода тилга

ни унинг системасига тегишли моҳият бўлиб, олим уни шаклий мазмун, яъни, тилнинг ички қурилишига доир *соф маънолар системаси* деган тушунча билан тўлдиради.

Соссюрнинг қатъий хулосасига кўра, тилшунос на тилнинг аҳамияти (концептуал субстанция)га доир таҳлилга, на товуш материяси (материал субстанция) таҳлиliga берилиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда, ёки соф психология ёхуд соф фонетикага (Соссюр таъбирича, фонологияга) кириб кетиш эҳтимоли бор.

Соссюр таълимотининг асосий жиҳатлари эса, қуйидагилардир:

1. Соссюр тилни яхлит система сифатида текширади. Бу ёндашув ўз даврида семиотика фанининг юзага келишида жиддий туртки бўлди ҳамда бу ўринда Соссюрни ҳақли равишда семиотиканинг асосчиси дейиш мумкин.

2. Соссюр тил ва нутқ ҳодисаларини ажратди. Унингча, лингвистика фақат тил ҳодисаларини текшириши керак. Нутқ эса — нолингвистик соҳалар ўрганадиган ҳодиса.

3. Соссюрча тил ҳодисалари фақат диахрон аспектда ўрганиларди. Олим бу аспектга иккинчи ёндашувни — синхрон текширишни ҳам қўшиш эвазига, тил қурилишини теранроқ англаш мумкин деган хулосаларга келди.

II.4 §. Оламнинг лисоний манзараси

«*Оламнинг манзараси*» *атамаси*. Ушбу атама физик олим Г. Герц томонидан фанга киритилган бўлиб, Г. Герц ташқи объектларнинг ҳапти-ҳаракатлари тўғрисида мантиқий ҳукм чиқаришга хизмат қилувчи ички образларни оламнинг манзараси сифатида аниқлайди. Вақт ўтиб, атама ўз қўлланилиш қўламини кенгайтиради ҳамда К. Ясперс, Л. Витгенштейн, Л. Вайсгербер сингари олимларнинг изланишлари ўзароқ, гуманитар фанлар миқёсида ўрганила бошлайди¹.

Оламнинг манзараси тўғрисидаги концепция ва у билан боғлиқ илк тахминлар, ҳатто антик давр тилшунослик назариясида мавжуд бўлган. Бунда: В. фон Гумбольдт, Э. Сепир, Б.Л. Уорф, А.А. Потебня, Г. Гердер, Я. Гримм, Ф. Шлегел, Ф.И. Буслаев, Ф.Ф. Фортунатов, Г.А. Брутян, Г.В. Колшанский, Р.Й. Павленис сингари олимларнинг қарашлари мазкур концепциянинг ниҳоят юзага чиқишига замин яратди.

Одатда, атама *инсон дунёқараши негизидagi оламнинг хусусиятларини ташувчилар томонидан шу хусусиятларни репрезентацияловчи ва*

¹ Пименова М. В., Кондратьева О. Н. Концептуальные исследования. Введение: учеб. пособие. — М.: Флинта, Наука, 2011. http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=635285.

инсон маънавий фаоллигининг натижаси бўлган оламнинг глобал образи сифатида изоҳланади. Бинобарин, оламнинг манзараси объектив воқеликнинг субъектив образидир. Бу образ ўз-ўзидан идеалдир, зеро воқеликнинг образи бўлиш билан бирга, белги англатувчи шакллар ёрдамида ашёвий хусусиятга эга бўлиб боради. Бироқ олам манзараси бу шаклларнинг бирортасида ҳам ўзининг тўлиқ ифодасини топмайди.

Оламнинг яхлит манзараси билишнинг: назарий (фалсафий-илмий), назарий бўлмаган (диний-бадий) ҳамда илмгача бўлган шаклларининг йигиндисидан иборат бўлади.

Оламнинг манзараси ҳақидаги баҳслар XX асрда ўзининг қизғин палласига етиб, бу вақтда тушунчага доир иккита нуқтайи назар илгари сурилди. Уларнинг биринчиси — *тил оламнинг кўзгусидир*. Иккинчи нуқтайи назарнинг тарафдорлари эса, бу қарашни қатъий танқид қиладилар ва шундай дейдилар: «... тилни оламнинг кўзгуси деб таъкидлаш — тушунмовчиликдир. Сўзни ҳосил қилувчи товушлар комплекси оламни акс эттириш қобилиятига эга эмас. Ҳақиқатда акс эттирувчилар эса, концепт ва тушунчалардир. Тил воқелик билан белгили нисбийлик орқали боғланади. Демак, тил воқеликни акс эттирмайди, балки уни белгили усулда ифода этади» (А.Б. Серебрянников).

Лингвокультурологиянинг базавий тушунчаларидан бири бу «оламнинг манзараси» тушунчасидир. Ушбу тушунча инсон концептуал аппаратида юзага келиб, объектив дунёдаги ҳақиқий борлиқни ўзида акс эттиради. Табиийки, дунё тасвири тушунчаси категориал маънога эга бўлиши, маълум тарихий даврдаги инсон билимлари йигиндиси билан мос келиши, ҳамда фан-техника ва инсон имкониятларининг бепоян ривожланиш йўлида инсоннинг дунёни билиш жараёнларини маълум этап сифатида ўрганиши лозим. Дунё тасвирини нисбатан чегараланган ҳолда тушуниш (яъни айрим инсон, айрим социум, коллектив, синф, халқ ва ҳ.к.) бутуннинг айрим қисми сифатидагина қаралиши мумкин.

Оламнинг манзараси инсон дунёқарашининг ядросини ташкил этиб, унинг турмуш тарзининг асосий ва ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шу ўринда, тил дунё тасвири билан боғлиқ иккита жараёнда бевосита иштирок этади. Биринчидан, индивиддаги олам тасвирининг энг чуқур қатламларидан бўлган оламнинг лисоний тасвири айнан тил доирасида шаклланади. Иккинчидан, тил инсон онгида мавжуд бўлган оламнинг барча тасвирларини рўёбга чиқаради ҳамда тушуниш (талқин қилиш)га ёрдам беради.

Бу борада фанда Ю.Д. Апресян, Г.В. Колшанский, В.А. Маслова, В.И. Постовалова, Е.С. Кубрякова, А. Вежбицкая, В.Г. Гак,

1. Санников, Е.С. Яковлеваларнинг тадқиқотлари кенг эътироф олинди.

Муночи, оламни ифода этиш, талқин қилиш борасида турфа ёндашулар фарқланади. Масалан, инсон ўзини қуршаб турган оламни турли усуллар ёрдамида турлича акс эттиради. Натижада, жамият онгига оламнинг ранго-ранг манзараси пайдо бўлади. *Оламнинг диний манзараси ёхуд оламнинг мифологик-диний манзараси* (ОДМ), *оламнинг афсонавий манзараси* (ОАМ), *оламнинг бадиий манзараси* (ОБМ), *оламнинг илмий манзараси* (ОИМ), *оламнинг физик манзараси* (ОФМ), *оламнинг лисоний манзараси* (ОЛМ) ва б. ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, олимлардан Мартин Хайдеггер ўзининг 1950 йилда топ этилган «Олам манзарасининг даври» номли мақоласида олам манзарасига «мавжудликнинг яхлит тасвири» деб изоҳ берган ҳамда олам манзараси космос ва табиат билан чегараланмайди», дея эътироф этган. Унингча, тарих ҳам олам манзарасига мансуб.

Оламнинг манзараси ҳақидаги концепция Роберт Редфильд томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, муаллиф «оламнинг манзараси» тушунчаси остида алоҳида олинган халқнинг оламни англашдаги муносабати (ҳиссиёти), шунингдек, жамият аъзоларининг ўзи ва шахсий хатти-ҳаракатлари, оламдаги фаолликлари (фаолиятлари, мавжудликлари) тўғрисидаги тасаввурларини жамлайди. Атама фалсафа фани тадқиқотлари негизда туғилган бўлса-да, вақт ўтиб, инсоннинг ижтимоий ҳаёти, мавжудлигини ўрганадиган қатор илмий йўналишларнинг тадқиқ объектига айланди.

Оламнинг манзараси юқорида саналган тушунчалар орасида инсоннинг ташқи олам билан муносабатини ўрганувчи асосий тушунча ҳисобланади ва айни вақтда инсон дунёқарашининг таркибий компоненти сифатида умуминсоний индивидуал билимларининг йиғиндисини ҳисобланади.

Умуминсоний олам манзараси эмпирик ва назарий материал, тургун фалсафий қарашлар, қабул қилинган билимлар тизимига таънади.

Индивидуал олам манзараси инсон томонидан олам ҳақидаги билимларнинг эгалланиши, индивидуал тажрибанинг тўпланиши эвазига шаклланади ва у турли таъсирларнинг натижаси ҳисобланади.

Оламнинг кундалик манзараси умумий ва хусусий тавсифлидир. У табиат, теварак-атроф, инсон ва жамият тўғрисидаги табиий, ижтимоий-гуманитар билимлар тизимини ўзида акс эттиради ҳамда бу тизим ўзига тегишли унсурни ўзига хос усул ва йўллар билан ифода этади. Қолаверса, оламнинг манзараси: коммуникатив, когнитив, прагматик ижтимоий-маданий хусусиятли турли экстралингвистик омиллар негизда шаклланиб боради.

Оламнинг манзараси ва оламнинг образи атамалари. Оламнинг манзарасига ёндош ҳолда оламнинг модели деган ифоданинг қўйилиши юқорида айтилди. Ҳар икки ифода ҳам тилшунос олим А.Н. Леонтьев истеъмолга киритган *оламнинг образи* деган атама билан таққосланади. Оламнинг образи — ўзаро боғлиқ алоқадаги предметли тасаввурларнинг инсон психикасида аскланиши. А.Н. Леонтьевдан фарқли равишда, тилшунос олима В.И. Постовалова ўз қарашларида олам манзараси билан олам образи тушунчаларини кескин равишда ажаратмайди ҳамда: «инсон оламини ҳис этади, уни (оламини) кузатади ва мушоҳада юритади, англайди, тушуниб этади, талқин қилади, акс эттиради, инъико этади, бу оламда яшайди ва ўзида тасаввурига монанд оламларни гавдалантиради» — дейди¹.

А.А. Залевская эса, бунга қарши, олам образини оламнинг манзараси билан тенглаштириб бўлмайди, дея ҳисобларкан, оламнинг образи билим, ички кечинмалар уйғунлиги остида мавжуд бўлишини ҳамда қисман вербал ифода имконига эгаллигини қайд этади².

Н.Ф. Алефиренко олам манзараси тушунчасининг олам образи тушунчасидан кенглигини қуйидагича тушунтиради: оламнинг модели ўзида олам манзарасининг мазмунини ифода қилади. Оламнинг образи эса фаол ҳолатдаги онг туфайли ўз лавҳаларини доимий тарзда ўзгартириб туради. Бу лавҳаларнинг вазиятга кўра чапишиб кетиши натижасида янги, қутилмаган ассоциациялар юзага келади. Оқибатда, олам образининг рельефи ўзгариб боради, олам манзараси эса, ўз навбатида кенгайди. Шунга кўра, унинг каркаси (асоси), модели (шакли) ўзгаради³.

Олам образининг асосини оламнинг илмий манзараси (ОИМ) ташкил этади. Когнитив лингвокультурология эса, олам образининг ядроси (асоси)ни этномаданий ҳамжамият учун умумий бўлган лисоний маънолар ташкил этишини эътироф қилади. Инсон томонидан унинг болалик даврлариданоқ эгаллаб бориладиган она тилининг семантик кўламида этномаданиятнинг яхлит образи акс эттирилади. У ўз навбатида, ҳиссий образлардан ташкил топувчи ижтимоий-ҳаётий ҳамда кундалик предметли фаолиятни намоён этувчи икки қатламдан иборат.

¹ *Алефиренко Н.Ф.* Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. Флинта, Наука; Москва; 2010. <http://www.iitres.ru>.

² *Залевская А.А.* Национально-культурная специфика картины мира и различные подходы к ее исследованию // Языковое сознание и образ мира: Сб. ст. /— М., 2000.

³ *Алефиренко Н.Ф.* Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. Флинта, Наука; Москва; 2010. <http://www.iitres.ru>.

Оламнинг шакли ҳақидаги тасаввурлар, олам манзарасининг тасвири, олам образининг акси алоҳида олинган индивид ёхуд муайян ҳамжамият томонидан тургун белгиланиб, хотирага олинган ва тилда ўз инъикосини топган билимларга боғлиқ тарзда қарор топади.

Умумий ҳолатда, Е.С. Кубрякова, А. Киклевичлар ҳам бу борада муайян қарашларни илгари сурадилар ва тил эгасининг тилнинг номинатив, грамматик, функционал бирликлари орқали оламни англаш йулидаги ҳаракатлари, ўзига хос интерпретацияларини динамик ретроспектива мисолида текширадилар.

Оламнинг лисоний манзараси атроф-муҳитга тегишли нарсалар ва ҳодисалар тўғрисидаги тасвирларни тил ёрдамида ифода этади.

Мазкур, **оламнинг лисоний манзараси** тушунчаси лингвистик истеъмолга В. фон Гумбольдт томонидан киритилган бўлса-да, бугунга қадар унинг аниқ атама(термин)га тенглашган шакли мавжуд эмас. Тилшуносларнинг фикрича, «**оламнинг лисоний манзараси**» тушунчаси соф терминологик маънога эга бўлмай, метафорик характерни ифода этади. Қолаверса, тушунчанинг ўзини ҳам «**оламнинг модели**» деган ёндош категориялардан чегаралаб олиш лозим бўлади (аммо қатор илмий манбаларда «оламнинг лисоний манзараси» ва «оламнинг лисоний модели» тушунчалари маъновий томондан тенг қўйилади ва бир-бирига синоним сифатида қабул қилинади. Хусусан, модел моҳиятан мавжуд нарса-предметларнинг кичрайтирилган (катталаштирилган) нусхаси бўлиб, у намунага олинган объектнинг кичик унсурларини-да ўзида акслантириш хусусиятига эга. Шу сабабдан, модел манзарадан фарқли ўлароқ, маъновий жиҳатдан уни ташкил этувчи унсурларнинг яхлит тизимига ишора қилади ҳамда оламнинг қисмлардан ташкил топган умумийлик эканини аниқроқ кўрсата олади).

Мазкур манзара таркибан ҳосланган унсурларнинг турли вазиятлардаги ва турли вазиятлар орқали юзага келувчи ўзаро алоқадорлигидан ташкил топадиган манзарачаларнинг яхлитлигидан иборат.

Ўз навбатида, оламнинг манзараси оламнинг лисоний моделидан фарқли тарзда, олам ҳақидаги содда, жўн билимлар мажмуидир. Бу ҳолат оламни этнолисоний жиҳатдан концептуаллаштириш натижасида шаклланади. Худди шу – у ёки бу маданиятга мансуб этнолисоний онгнинг инвариант концептларини ўрганиш муаммоси лингвокультурологиянинг долзарб масалалари сирасига киради. Жумладан, Ю.С. Степанова: *тинчлик* (мир), *ўзимизники ва бегоналар* (свои и чужие), *Русь (Русь)*, *Она замин* (родная земля), *вақт* (время), *олов ва сув* (*огонь и вода*), *нон* (*хлеб*), *арақ ва ичкиликбозлик* (водка и пьянство), *сўз* (слово), *ишонч* (вера), *муҳаббат* (любовь), *ҳақиқат ва адолат* (правда и истина), *қонун* (закон), *виждон* (совесть), *оталар ва болалар* (отцы и дети), *уй* (дом), *абадийлик* (вечность), *кўрқув* (страх), *соғинч* (тоска),

гуноҳ (грех), қайғу (печаль) ... сингариларни рус маданияти учун хосланган константалар¹ деб олади. А. Вежбицкая: қалб (душа), тақдир (судьба), соғинч (тоска)ни рус маданияти учун асосий деб билса, А.Д. Шмелев бу қаторга: кенгликлар (простор), узоқлик (даль), кенглик (ширь)... кабиларни қўяди. Шу қаторда тилшунослар Англия маданияти учун: босиқлик, ёпиқлик константаларини ҳам кўрсатадилар².

Оламнинг модели ўзида маданий дунёқараш категорияларининг концептуаллашиши натижаларини намоён қилади. Шу томондан олам модели ўзида ўзига хос абстракция³ни ифода этади. Оламнинг лисоний модели эса, ана шу абстракцияни ўзида жамлайди. Жумладан, оламнинг модели культурология ва фалсафанинг ўрганиш объекти бўлса, лингвокультурологлар оламнинг лисоний моделини, олам модели лисоний эврилишларининг хусусиятларини ўрганадилар.

Оламнинг лисоний манзараси лисоний материалнинг таҳлили негизида яратилади.

В.И. Карасик оламнинг лисоний манзараси билан ёндош ҳолда, оламнинг қадриятли манзараси ҳам ажратилишини таъкидлайди. Лингвокультурология эса, оламнинг лисоний манзараси тўғрисидаги маълумотларни лингвистикадан олади.

Кенг маънода оламнинг модели тушунтирувчи хусусиятга эгадир, оламнинг манзараси эса, тасвирий, уқтирувчи ҳамда таъкидловчи характерга эга. Ҳар икки ҳолатда ҳам, тушунтириш ва тасвиришнинг асосий бирлиги — концептдир.

Этник мансублик ва оламнинг лисоний манзараси. Инсоннинг нутқий хусусияти икки хилдир: у туғма (ирсий) ҳамда орттирилган бўлиши мумкин. Айнан нутқий қобилиятда акс этувчи миллий-этник (юнон. ethnos — қabila, халқ) хусусиятлар ҳам инсон ҳаётининг илк йиллариданоқ секин-аста забон орқали юзага чиқа бошлайди. Бироқ гўдакнинг айнан қайси миллий тилни эгаллаши ирсият билан изоҳланмайди. Аксинча, бу танлов ижтимоий факторларга боғлиқ равишда келиб чиқади. Шундай қилиб, она тили деганда, илк ҳаёт йилларида эгалланган тилга айтилади ва у ўзида ижтимоий-психологик характерни намоён этади. Ўз-ўзидан маълум бўлади-

¹ *Маданият константалари* — қадимийликда намоён бўлган ҳамда ҳозирги кунгача мутафаккир, ёзувчи, тилнинг оддий эгалари қарашлари орқали бугунги кунгача намоён бўладиган концептлардир. Маданият константалари — бу маданиятнинг доимий тамойилидир, улар қаторига сон, ҳисоб, ёзув, алифбо ва шу кабилар киратилади.

² *Алефиренко Н.Ф.* Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. Флинта, Наука; Москва; 2010. <http://www.iitres.ru>.

³ *Абстракция* (мавҳумийлик) нарсаларнинг ўзига хос белги ва хусусиятларини, улар ўртасидаги боғлиқларни предметларнинг муҳим бўлмаган белги ва хусусиятларидан ажратиб олишга қаратилган фикрлаш.

ки, инсон она тилини худди ватанини танлай олмагани сингари тан-
ши олмайди.

Социум ва инсон ўртасидаги узвийлик ёхуд ҳар иккисига тегиш-
ли бўлган асосий мезонлар учта. Булар: тил, муайян миллатга мансуб-
лик ва конфессионал диний мансублик. Ушбу жиҳатлар миллат мада-
нияти, менталитети, хатти-ҳаракатлари мажмуи ҳамда дунёқараши-
нинг негизини ташкил қилади.

Шунга қарамай, дунё харитасида (ҳатто дунёнинг сиёсий харита-
сида ҳам) у ёки бу миллатнинг ўзига хосликлари бўйича қатъий чега-
рлар белгиланмайди ва ушбу мезонлар аниқ принципиал дифферен-
цияловчилар (ажратувчилар) ҳисобланмайди.

XVIII асрнинг 70–80-йилларида Янги Гвинеяга сафар қилган
Н.Н. Миклухо-Маклай бир-бирига қардош тиллардан иборат лисо-
ний континуум (лот. continuum — «узлуксиз», «яхлит» маъносини англ-
латади: жумлага нисбатан — *лисоний узлуксизлик*)дан иборат лисоний
ландшафтга дуч келади. Бу борада континуум атамаси ўзига хос ту-
шунчалар ўртасидаги иерархик, погонали фарқларга ишора беради.
Бунда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат шундан иборатки,
икки ўзаро яқин тиллар ўртасида битта, баъзи ҳолларда икки бегона
тилнинг жойлашуви ҳодисаси мазкур ҳолатни изоҳлай олади.

«Океан соҳилларида жойлашган деярли ҳар бир қишлоқнинг аҳолиси
ўз лаҳжасига эга. Чорак соатлик масофа оралиғида жойлашган қиш-
лоқларда битта предметнинг турлича ном билан аталгани кузатилади.
Оралиғи бир соатлик масофада жойлашган ҳудудлар аҳолиси эса бир-
бирини деярли тушунмайдиган лаҳжаларда сўзлашадилар. Бир кун-
дан кўпроқ давом этадиган экскурсияларим даврида эса, менга ҳатто
икки-уч таржимоннинг кўмаги зарур бўлди», — деб ёзди кейинчалик
олим¹.

XIX асрга бориб, лисоний манзарадаги тафовутлар Африка, Авс-
тралия, Океанияга доир тадқиқотларда яққол кўзга ташланиб қолди.
Масалан, 300 минг абориген Австралия тиллар оиласига мансуб 500
тилда мулоқот қиларкан. Саҳрои Кабирнинг жанубида ҳар 600–700
кишига 2 минг тил тўғри келаркан. Буларнинг барчасига ибтидоий
тузум асоратларини сабаб сифатида келтириш мумкин. Хусусан, ёзув
маданияти шаклланмаган кўҳна даврларда диалект, лаҳжалар тарақ-
қиёти шиддат билан кечган. Бу диалектларнинг умри уйғун харак-
терга эга бўлмаган: қабилалараро курашларда лаҳжа, бошқача айтган-
да, этник тилнинг галабаси масаласи ҳеч кимни ташвишга солмаган;
ғолибларнинг айрим ҳолларда маҳаллий тилни эгаллашга бўлган ҳара-

¹ Мечковская Н. Б. Язык и религия: Пособие для студентов гуманитарных
вузов. — М.: Агентство «ФАИР», 1998. Бунда қаранг: Миклухо-Маклай Н.Н. Пу-
тешествия. — М.; — Л.: Изд-во АН СССР, 1940. Т. 1. — 243 с.

кати оқибатида гибрид тиллар шакллана бошлаган. Шундай қилиб, оламнинг лисоний манзараси – муайян маданиятда кузатиладиган маъжозларнинг (тасаввурларнинг) ўзига хослиги. Инсоннинг ташқи олам билан муносабати давомида шу олам ҳақидаги тасаввурлари шаклланади. Натижада, унда (одамда) оламнинг ўзга хос модели (ўзгача таърифлаганда, оламнинг манзараси) ҳақидаги қарашлар тараққий қилади.

II.5 §. Оламнинг концептуал манзараси

Кўплаб тадқиқотчиларнинг тушунчасида тил – инсон томонидан оламни концептуаллаштириш воситаси, қуроли. Демак, бу ўринда инсон онги ва тилида оламнинг нисбати, унинг образининг мавжудлиги ҳақидаги саволлар юзага келади.

Бунинг натижасида, XX аср ўрталарида олам манзарасининг икки шакли ажратила бошланди:

- *оламнинг концептуал (баъзи тадқиқотларда когнитив) манзараси,*
- *оламнинг лисоний манзараси.*

Бу икки турдаги манзараларни илк бор таснифлаб берган Г.А. Брутян оламнинг концептуал манзарасини нафақат воқелик фикрий ифодасининг, балки ҳиссий билишнинг ҳам натижаси сифатида аниқлайди. Оламнинг манзараси – жонли тилларнинг воситалари ёрдамида ташқи ва ички олам тўғрисида муҳрланган барча маълумотлардир.

Г.А. Брутян оламнинг лисоний манзарасини унинг концептуал манзарасидан кенгроқ деб билади.

Бироқ, бунга қарши, Г.Г. Почепцов, З.Д. Попова, И.А. Стернин, А.Б. Серебренников, В.Н. Телиялар оламнинг концептуал манзараси кўлам жиҳатдан лисоний манзарадан каттадир, дея таъкидлайдилар. Зеро, лисоний манзара ўзининг аниқ чегараларига эга эмас, бинобарин, унинг оламнинг концептуал манзарасига нисбатан ўрни периферия сифатида баҳоланмаслиги лозим (В.Н. Телия).

Шунингдек, тилда концептосферанинг барча мазмуний ифодаси иштирок этавермайди ва ҳамма концептлар ўзининг нутқий ифодасига эга эмас (З.Д. Поповой и И.А. Стернин).

Бугунги кунда лисоний олам концептуал оламнинг репрезентанти деб ҳисобланади. Холбуки, бу ўринда ҳам репрезентацияланувчи объект олам тилда ўзининг тўлиқ ва мукамал ифодасини топа олмайди.

Оламнинг концептуал манзараси (концептуал олам) ва оламнинг лисоний манзараси эса, ўз навбатида қуйидаги фарқлар асосида тафовут қилинади:

1. Воқеликка муносабати билан: концептуал манзара лисоний манзарадан фарқли ўлароқ, воқеликка яқинроқ образ ҳисобланади.

2. Воқеликни ўзлаштириш, қабул қилиш характерига кўра: концептуал манзаранинг шаклланишида воқеликни бевосита қабул қилиш ҳамда лисоний манзаранинг шаклланишида лисоний белгиларнинг билвосита ишга туширилиши.

3. Ҳар бир манзаранинг шаклланишида алоҳида олинган фикрлаш типларининг иштирок этиши: лисоний манзарадан фарқли, концептуал манзаранинг шаклланишида фикрлашнинг турли типлари қаторида новербал типлари ҳам иштирок этади.

4. Асосий бирликлар (структуравий таркиб). Ҳар бир манзара ўзининг структуравий элементларига эга, хусусан, ОКМнинг марказий бирлиги — тушунчалар орқали узатилувчи маълумот, ОЛМнинг асосий бирлиги эса, аниқ жонли тиллардаги сўзлар ва сўз бирикмаларига муҳрланган билимдир.

У.С. Кубрякова оламнинг лисоний манзараси тил қонуниятлари асосида, оламнинг концептуал манзараси эса, физика қонуниятлари асосида ташкил этилиши лозим, деб ҳисоблайди.

З.Д. Попова ва И.А. Стернинлар ҳам ушбу қарашни ривожлангирган ҳолда, оламнинг концептуал манзараси халқнинг концептосферасини ташкил қилувчи концептлардан, оламнинг лисоний манзараси эса, «тилнинг семантик кўлами»ни ташкил қилувчи лисоний белгиларнинг маъноларидан иборат бўлади, деб таъкидлайдилар.

5. Ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик даражаси: концептуал манзара доимий равишда янгиланиб, қайта тасвирланиб туради. Оламнинг лисоний манзараси бундай ўзгарувчанликка эга бўлмасдан, стабил ҳолатда онгда содир бўлувчи ўзгаришлардан секинлик билан таъсирланади.

Н.С. Новикова ва Н.В. Черемисиналар лисоний манзарани узоқ янновчан, мустаҳкам ва кўп жиҳатдан стандарт манзара сифатида аниқлайдилар (*лисоний бирликлар ўз-ўзидан стандарт хусусиятли бўлганидан, тилга нисбатан аввалдан тайёр ҳамда умуммажбурий структуравий ҳодиса деб қаралади* — М.Ш.).

Юқоридагиларга кўра, ОКМ ва ОЛМ ўзаро бирламчи ва иккиламчининг боғлиқлиги бўлиб, ментал ҳодиса ва унинг вербал инъикосини ўзида акс эттиради. Бироқ шунда ҳам, ОЛМ ўз воситалари билан ОКМни тўлиқ ифода этиб бера олмайди.

Олам лисоний манзарасининг этномаданий хусусиятини ёритишда битта тилнинг мисолида келтирилган материаллар кифоя қилмайди ва бу материаллар исботловчи база бўла олмайди. Концептнинг кўп қиррали эканлиги, шунингдек, унинг когнитив психологияда кўп талқинга эга эканлиги — лингвокультурологиянинг нозик жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Концепт — менталликнинг сўз ва фразеологизм (ибора) билан ифода этилувчи оператив бирлиги саналади. У олам манзарасининг қурилишида асос бирлик вазифасини бажаради.

Лингвокультурология учун концепт абстракт хусусиятли образ эмас.

Маданий концептни кенг маънода тушуниб етишгина, онг, тафаккур, маданият ва тилнинг ўзаро ҳамкорлик назариясини ривожлантириб қолмай, лисоний белги¹ семантикасидаги миллий-маданий компонентларнинг юзага келишининг когнитив-дискурсив муаммоларини ҳал этишга кўмак беради.

Шу зайлда, олам манзарасининг лингвистик қурилишида когнитив-дискурсив характердаги қуйидаги синергетик пирамида юзага келади:

ОФМ — типик вазият (этномикроолам) — оламнинг манзараси — дискурс — культура — концепт — лисоний онг (ЛО) — оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)².



2-расм. Олам манзарасининг қурилиши

Таъкидлаш лозимки, у ёки бу жамиятнинг лингвомаданий ўзига хослигини моделлаштиришда оламнинг лисоний манзараси энг йирик ахборот ташувчи сифатида хизмат қилади.

Шундай қилиб, оламнинг лисоний манзараси — муайян маданиятда кузатиладиган маъжозларнинг (тасаввурларнинг) ўзига хослиги. Инсоннинг ташқи олам билан муносабати давомида шу олам ҳақидаги тасаввурлари шаклланади. Натижада, унда (одамда) оламнинг ўзига

¹ *Систем* — структур тилшуносликда борлиқ ҳақида муайян ахборот ташувчи воситалар белги саналади. Тил белгилар системаси ҳисобланади, унинг белгилар системасидан иборатлиги жуда оз бирликлар воситасида чексиз ахборот бериш имкониятига йўл очади. *Қаранг:* Йигиталиев У.С. Олам, тафаккур ва лингвистик муносабатлар интеграциясида ташкил этувчи муаммоси (концептуал таҳлил аспекти). //The scientific world of Kazakhstan. №4 (38) 2011. — 52-б.

² *Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб. пособие/Н.Ф. Алефиренко.:* Флинта, Наука; Москва; 2010. ISBN 978-5-9765-0813-2, 978-5-02-034839-4. — 99 с.

хос модели (ўзгача таърифлаганда, оламнинг манзараси) ҳақидаги қарашлар тараққий қилади.

Маъжозлар (образлар) олам манзарасининг муҳим элементлари, унсурлари ҳисобланади. Психологлар ўз навбатида, образларни онгда шаклланган манзаралар деб ҳисоблайдилар. Бу ерда манзара сўзи бир-мунча кенг маънога эга бўлиб, ўзида исталган перцептив, объектив ёки ўйлаб топилган психик ибтидони мужассам қилади. Бу: кўрув, ишитаиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери орқали ҳис этиш орқали солир бўладиган тасаввурлар бўлиши мумкин. Образлар аниқ ва ноаниқ ифодага эга бўлади. Олам манзараси, шу сингари, вертикал, горизонтал, Фарб-Шарқ, узоқ-яқин, унғ-сўл каби фазовий, кун-тун, ёз-қиш қабилидаги даврий, миқдорий, этник ва бошқа қатор йўналишлардан иборат параметрлардан таркиб топади.

Унинг қарор топишида нутқ, анъаналар, табиат, ландшафт, таълим-тарбиядек ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади. Оламнинг манзараси улкан ва серқиррали бўлиб, инсоннинг ҳар хил воқелик мисолидаги тасаввурларини жамлайди.

Оламнинг лисоний манзараси ва воқеликни концептуаллаштириш. Маълумки, лингвокультурология ва когнитив лингвистиканинг кешишув нуқтасида лисоний онг деган тушунча ётади.

Когнитив тилшунослик¹ тилни трансформацияловчи ва кодлаш жараёнида муҳим ўрин тутувчи когнитив механизм сифатида тек-

¹ Когнитив лингвистиканинг шаклланиш босқичлари қуйидагичадир: 1975 йилда «когнитив грамматика» атамаси илк бор Ж. Лакофф ва Г. Томпсоннинг «Когнитив грамматикани тақдим этамиз» деб номланган мақоласида қўлланди. 1985 йилда В.И. Герасимов томонидан Россияда когнитив грамматика киритилди. Худди шу пайтда Ж. Фоконьенинг «Ментал маконлар» асарининг инглиз тилидаги илк наشري чиқди, француз наشري ундан бир йил олдин чоп этилган эди. Бу асар анъанавий мантиқий амалий муаммоларни когнитив муҳитга ўтказди. 1987 йили Р. Лангакернинг «Когнитив граммагика асослари» асарининг 1-жилди нашр этилди (2-чиси 1991 йилда). Бундан ташқари, мазкур йўналиш учун жуда аҳамиятли бўлган Дж. Лакоффнинг «Аёллар, олов ва хавfli буюмлар» ҳамда М. Жонсоннинг «Гафаккурдаги тана» асарлари нашр этилди. Бундан ташқари, Р. Жэкендоффнинг монографияларининг бир қаторига асос солган бу муаллифнинг «Онғ ва ҳисоб тафаккури» деб номланган асари чоп этилди. 1988 йилда Россияда «Хорижий тилшуносликдаги янгилликлар» сериясида тилнинг когнитив жабҳаларига бағишланган 23 жилд чоп этилади. 1990 йилларнинг бошларигача когнитив лингвистика ўзаро кучсиз боғлиқ ёки умуман боғлиқ бўлмаган хусусий, тадқиқий дастурларнинг мажмуаси эди. Уларни айтиб ўтиш жуда ҳам осон: бу Ж. Лакофф, Р. Лэнакер, Л. Талми, У. Чейф, Р. Жэкендофф, Ч. Филлморларнинг тадқиқий дастурлари. Улар билан лингвистик тадқиқотлар дастурининг яна бир қатори яқиндир, бу дастурларнинг муаллифлари когнитивист бўлмасаларда, когнитив лингвистиканинг баъзи бир жабҳаларини қабул қилдилар: булар Тван Дейк, Ж. Хэйман, Г. Гиванлардир. шу билан бирга 1990 йилларда аста-секин тадқиқий дастурларнинг барчаси ёки аксарияти томонидан у ёки бу даражада ва у ёки бу

ширади. Когнитив тилшуносликнинг бош мақсади — инсон томонидан оламни англаш, категориялаштириш, таснифлаш ва идрок этиш жараёнларини ҳамда билимларнинг тўпланиши ва ахборот билан ишлашнинг турли тизимларини тушуниш, тушунтириб беришди¹, «когнитив тилшунослик... инсон томонидан тил тизими ва ушбу тизимни ҳаракатга келтирувчи омилларни ўзлаштирилиши ва улардан фойдаланиш қоидаларини қай йўсинда тартибга солиниши каби масалалар билан шуғулланади. Когнитивист тилшунос лисоний ҳодисаларнинг тафаккур фаолиятидаги ўрни, бажарадиган вазифалари билан қизиқади. У (когнитивист) лисоний ва тафаккур фаолиятлари муносабатларининг юзага келтирувчи сабабларини қидиради ва бу сабаблар оқибати бўлган мулоқот матн-

шаклда тадқиқ этиладиган тил ҳодисаларининг доираси ҳам намоён бўлди. Бундан ташқари, олинган натижаларнинг мажмуалари ҳам кўрсатилди. Аввалига фақат идрок *этувчи* жабҳаси ҳамда фикрлаш, тафаккур тоифаларига мурожаат этишнинг тушунтирувчи кучи ҳақидаги бошланғич гипотеза билан бирлаштирилган когнитив лингвистика ўзининг предмети, ўз ички тузилмаси ва ўз категориал аппаратига бўлинган. Бунда қаранг: Турабеков Д. Х. «Хитой тилида оммабоп ибораларнинг лингво-когнитив таҳлили» Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент — 2011;

когнитив тилшунослик — (cognitive linguistics; cognitive Linguistik; linguistique cognitive) — лингвистиканинг тилни ахборотни трансформацияловчи ва репрезентациясида муҳим роль ўйнаовчи когнитив механизм ва белгилар тизимининг когнитив қуроли сифатида қабул қилувчи йўналиши. Бу тизим субъект учун ички ва ташқи аҳамиятлидир... когнитив тилшунослик йўналишида бажарилган тадқиқотлар инсон когницияси, шунингдек, концептуаллаштириш ва категориялаштириш механизмларини тушунтириб беришга йўл очади. К. Т.да когнитив циклдаги ўзга соҳалардан фарқи, инсонга homo loquens сифатида маълум бўлган ва инсон томонидан тилнинг ўзлаштирилиш механизми ҳамда бу механизмларнинг структурланиш тамойилларидан иборат когнитив структура ва жараёнлар текширилади. *Қаранг:* Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. Филологический факультет МГУ им. М.В. Ломоносова. 1997. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, қай даражалигидан қатъи назар, тил ва тафаккур муносабати масаласининг фалсафа, тилшунослик ва психология фанлари доирасида анча батафсил муҳокама қилиниши когнитив тилшунослик тараққиёти учун мустақкам замин яратди. Когнитив тилшунослик мажмуавий тадқиқот йўналиши (соҳаси) бўлиб, у тилшунослик ва психологиядан ташқари, сунъий интеллект назарияси, психолингвистика, нейролингвистика каби фан соҳаларига оид илмий ёндашувларни ҳам умумлаштиради. *Қаранг:* Краткий словарь когнитивных терминов. Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю.Г. Панкрац, Л.Г. Лузина. Под общей редакцией Е.С. Кубряковой. Филологический факультет МГУ им. М.В. Ломоносова, 1997; <http://majmua.tdpu.uz/shaxsiyreja.views/majmua/files>.

¹ *Светаносова Т.А.* Когнитивная лингвистика и лингвокультурология: черты и различия // Филологические науки МГИМО: сборник науч. трудов. № 27 (42) / МГИМО(У) МИД России; отв. ред. Г.И. Гладков. — М.: МГИМО-Университет, 2007. — 203 с. — ISBN 978-5-9228-0272-7. — 39–46 с. <http://mgimo.ru/files/30737/30737.pdf>.

лари — лисоний тузилмаларни таркибан ва мазмунан англашга, таҳлил қилишга ҳаракат қилади»¹.

Фан сифатида когнитив тилшунослик илк бор 1956 йилда Массачусет университетидега ўтказилган илмий симпозиумда ўз тараққиёти-ни бошлаган фан деб эътироф этилди. Шунга кўра, когнитив тилшуносликнинг истиқболидаги: математика, мантиқ, фалсафа, антропология ва тилшунослик фанлари билан ҳамкорлик унинг ривожини белгилловчи муҳим омилга айланди.

Профессор Д. Ашурова ўз мақоласида когнитив тилшуносликнинг мақсад ва вазифалари, ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларини кўрсатиб ўтади. Жумладан, ҳозирги даврда шаклланиб бораётган когнитив тилшуносликнинг когнитив фонология, когнитив грамматика, когнитив лексикология, когнитив семантика каби янги йўналишлари вужудга келганлиги таъкидланади. Когнитив ёндашув асосида сўз туркумлари, тил бирликларининг категорияларга бўлиниши ва концептуализациялашуви, тил ва дунёни билиш каби тушунчалар янги талқинларга эга бўлади. Когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчалари тизимидан фрейм, сценарий, скрипт, категориялаштириш, концепт, концептуализация, когнитив структура, когнитив метафора кабилар ўрин олмоқда. Мазкур йўналишнинг асосий тадқиқ методларига фреймлар асосида таҳлил қилиш, моделлаштириш (когнитив харитасини яратиш), концептуал таҳлил сингарилар киради².

Ҳар икки соҳа — когнитив тилшунослик ва лингвокультурология учун «лисон-одам», тилни ўрганишга интегратив ёндашув ҳамда «концепт» ва «олам манзараси» деган диадалар³ хос.

Категориялаштириш ва концептуаллаштириш тилшуносликка оид қарашлар тарихидаги параллел деб ҳисобланган икки жараён-дир. Категоризация қатъий тартибланишга бўйсунди ва аниқ тушунчалар (шакл, маъно) орқали талқин этилади. Концептуализация ҳам тизимлидир, бироқ, бу тизимлилиқ қатъийлик характери-га эга эмас, талқин этилувчи қатор компонентлар эса, ноаниқ тавсифлидир⁴.

¹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. — Жиззах: Сангзор, 2006. — 27-б.

² Арслонов З. Когнитив лингвистика тўғрисида. http://arslonov.blogspot.com/2012/01/blog-post_12.html.

³ Диада — (юнон. dias — иккилик) — пифагорчилар ва платончилар атамаси. Пифагор фалсафасида 4 турдаги категория ажратилади: 1) монада — ибтидо, эфир, нус; 2) диада, бирламчи материя, ноаниқкилик, апейрон; 3) хронос, вақт; 4) фазо, чексизлик — жисмсиз ва тубсиз мавжудот. Дидада зоҳирий дунёни акс эттиради.

⁴ Шибкова О.С. Когниолингвистическая концепция категории Качество: диссертация... д-ра филол. наук: 10.02.19 Ставрополь, 2006.

Концептуаллаштириш – инсон томонидан қабул қилинадиган ахборотни англашдан иборат бўлган ҳамда инсон онги ва руҳида концепт, концептуал тузилма ва бугун концептуал тизимнинг пайдо бўлишига олиб келувчи инсон идрок этиш фаолиятининг муҳим жараёнларидир. Дунёни идрок этаётганда инсон ўзи учун долзарб бўлган унсурларни ажратади, уни маълум қисмларга бўлади, кейин эса бу қисмлар билан воқеликни идрок этади.

Замонавий лингвистикада концептуаллаштириш билимларни тизимлаштириш жараёнини идрок этишнинг турли шакллари ҳамда қандайдир жуда кичик минимал концептуал birlikлардан билимларни намоён этишнинг турли тузилмалари пайдо бўлишининг бирлиги сифатида талқин қилинади.

Категориялаштириш – воқеликни когнитив тарзда бўлиб ташлашдир. Унинг моҳияти бугун онтологик маконни турли категориал соҳаларга бўлишдан иборатдир, яъни бу дунёни тузилмалаштириш, сўз-объектни у ёки бу гуруҳга мансублаштириш акти бўлиб, «синф-синф аъзоси» туридаги иерархик муносабатларни ўрнатиш услуги. Категориялашда ўхшаш ҳодисаларнинг моҳиятли хусусиятлари ҳисобга олинади.

Тилнинг маъно қўлами когнитив лингвокультурологияда концептосфера орқали тушунтирилади.

Олам манзарасининг ўзига хослиги унинг реал оламни акс этириши билан белгиланади. Табиийки, оламнинг манзараси ўта субъектив ва индивидуалдир, зеро у ҳар бир одамда болалик давридан бошлаб юзага келади ва доимий равишда ўзгариб туради. Оламнинг манзараси архаик, цивилизацион, илмий, кундалик ва бошқа турларга бўлинишидан қатъи назар, битта маданият ва жамият аъзолари учун оламнинг манзараси ягона характерга эгадир. Шундай бўлмаганда, инсонлараро мулоқот ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлар эди.

Ю.Д. Апресян оламнинг манзараси ҳақида қуйидагиларни қайд этади:

1. Ҳар бир тил оламни идрок этиш – концептуаллаштиришнинг ўзига яраша усулини намоён қилади. Тилнинг асосий концептлари муносабатларнинг (қарашларнинг) ягона тизимига йиғилади ҳамда ўзига хос жамоавий фалсафани ташкил қилади. Давр ўтиб, бу лисоний фалсафага эргashiш ва амал қилиш шу тилда сўзловчилар учун мажбурий бўлиб қолади.

2. Оламни концептуаллаштириш усули ўзича универсал бўлиш билан бирга, миллий хосланган ҳамдир. Шу сабабли, одамлар оламни ўзлари мулоқотда бўлувчи тиллари, она тилининг призмаси орқали англайдилар.

3. Оламини концептуаллаштириш усули ўз табиатига кўра содда, жўндир. Бу томони билан у оламнинг илмий манзарасидан фарқ қилади. Шунга қарамай, бу жўн, содда усулни примитив деб бўлмади. Мисалан, инсон ички олами ҳақидаги қарашлар содда бўлгани билан, ўшлаб авлодларнинг тажрибасидан иборат бўлади ҳамда оламини идрок этишда йўлчи чироқ ҳисобланади.

Инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурлари, ахборотлар тизими оламнинг концептуал манзарасини ташкил этади. Оламнинг концептуал манзараси (ОКМ) — бирор-бир белги шакли-шамойилини олмаган олам образидир. У тушунчалар ва тасаввурлар кўринишида инсон онгида яшайди. ОКМ унсурларини белгилашда тил воситаларидан фойдаланилади. Шу зайл, оламнинг лисоний манзараси ОКМнинг репрезентациясида муҳим ўрин тутади.

ОКМ оламнинг лисоний манзарасидан кенгроқ тушунчадир. ОЛМ оламнинг концептуал манзарасининг бир қисмини ташкил этади, холос.

В.А. Маслова фикрича, ОЛМ инсон онгидаги олам тасаввурининг логик аксига тўла мос келади. Зеро, инсон онгининг умумий биологик хусусияти, тафаккур жараёнининг ягона универсал абстракт табиати бунга имкон туғдиради. Мазкур манзара инсоннинг билиш фаолияти негизда шаклланишини инобатга олсак, турли ижтимоий гуруҳлар, инсоний жамоаларнинг тарихий, географик, маданий ва бошқа турдаги омиллари туфайли, ОЛМда тегишли перифериялар сақланади. Ушбу перифериялар оламнинг умумий манзарасини тўлдирувчи ва тавсифловчи ҳамда бир тилдан иккинчи тилга вариацияланувчи ахборотга йўналтирилган бўлади.

ОЛМдан фарқли, ОКМ ўзгарувчан, вариатив ва нотургундир. Тил инсон тажрибасини, малака ва кўникмасини озиқлантириш билан бирга, индивиднинг тажрибасини жамоанинг мулкига айлантиради. Шу зайлда бутун инсоният тарихига тегишли тажриба битта тилда жамланади, дунёда бирон-бир соф тилнинг мавжуд эмаслиги ҳодисаси эса, қатор манзараларнинг интеграциясига сабаб бўлади.

Олам манзарасининг асосий элементи — лисоний компонентдир. Оламнинг лисоний манзарасидаги тил birlikларига муҳрланган ментал тасаввурлар (концептлар) эса, кўпқиррали шаклланиш хусусиятига эга. Оламнинг лисоний манзараси воқеликдан нусха кўчирмайди, аксинча, унга яқин образини, интерпретацияси (талқини)ни яратади.

Табиийки, олам манзараси ҳар бир миллат, халқнинг турмуш тарзи, маънавияти, миллий дунёқарashi боис турли вариацияларга эга

¹ *Концепт* (лот. *Conceptus* — фикр, тушунча) — исм (белги)нинг мазмуний маъноси, яъни объекти мазкур номнинг предмети (денотати) бўлган тушунчанинг мазмуни (масалан, ой номининг мазмуний маъноси — ернинг табиий йўлдоши).

бўлади. Воқеликнинг концептуализацияси ҳам шунга кўра ранг-баранг бўлади.

Воқеликнинг турли лавҳалари вариатив характерга эга. Воқеликнинг баъзи ҳодисалари деталли ва бир сўздан ҳосил бўлган турлича номга эга бўлади. Бунда тегишли концептларнинг лексик ва фразеологик ифодалари орасида ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқловчи тизимли алоқа ўрнатилади. Ўзга турдаги ҳодисаларда эса, бу сингари хусусиятлар кузатилмайди — улар умумий ҳолда, дифференциалланмаган (ажратилмаган) белгилар орқали тавсифланади. Жумладан, рус тилида род категорияси инглиз тилидаги *he, she, it* сўzlари сингари, *он, она, оно* сўzlари орқали шунга мос жинс тушунчаларни англатиб келади. Ҳолбуки, ўзбек тилида эркак, аёл ва предмет маъносини ифода этувчи род тушунчаси мавжуд эмас.


Концепт тушунчаси ва унга олимларнинг таърифлари. Тилнинг семантик кўлами унинг асосий бирлиги — маънони тадқиқ этиш орқали ўз шарҳини топади. Когнитив лингвокультурологияда бу бевоқифа концептлар кўламига дахлдор масала ҳисобланади. Ўз навбатида, концептлар кўламининг асосий унсури — концептни ўрганиш орқалигина мазкур масалани ижобий ҳал этиш мумкин бўлади.

Бунда тушунча ва концепт ҳодисаларини фарқлаш, фарқлаганда ҳам, уларнинг бир тартибли, қиёсий характерли, бироқ турли маъноли бирликлар эканини англаш лозим. Бу таққос юзасидан ўзбек тилида мавжуд бўлган «*андиша*» ва «*фаросат*» сўzlари ва у билан боғлиқ тушунча ва концептни мисол қилиш мумкин. Негаки, ўзбек маданиятига хос бўлган қадриятни ифода этувчи бу сўzlар том маънода ментал тушунча бўлиб, у айни вақтнинг ўзида маданий концепт ҳамдир. Унда нафақат тушуниш, балки уни (концептнинг) унинг бўлиши талаб этиладиган ҳаётий вазиятларда ҳис этиш, аслида ҳам изоҳга «бўйин бермайдиган» тушунчанинг ўрнини босиш имконияти бор.

Умуман олганда, тушунча ва концептга илмий ёндашувлар сиразидаги қуйидаги муносабатни ҳам тилга олиш мумкин: «Тушунча — ментал тузилма, у ақлий фаолиятнинг ўзига хос шакли (тури)дир. Тушунча «қандайдир бир синфга кирувчи предметларни умумлаштириш ва ушбу синфни унга кирувчи предметларнинг умумий ва фарқловчи белгилари мажмуасига нисбаган ажратувчи мантиқий фаолият натижасида ҳосил бўлади» (Е.К. Войшвилло). Мантиқий фаолият ҳосиласи бўлган «тушунча» ва когнитив тилшуносликда кенг миқёсда қўлланилаётган «концепт» атамаларини бир хил мазмунда қўллаш мумкинми? Сўзсиз, бу иккала ҳодиса ҳам тафаккур бирлиги сифатида намоён бўлади. Буларнинг иккаласининг ҳам бошланғич нуқтаси воқеликдаги предмет — ҳодисанинг ҳис қилиниши ва образли тасаввур қилиниши билан боғлиқ. Пайдо бўлган ҳиссий образ дастлаб ҳар

бир шахсда алоҳида, индивидуал кўринишда бўлади. Масалан, «гул» бир киши учун «атиргул» бўлса, бошқаси учун «райҳон», яна бири учун «лола». Ҳиссиёт ва тафаккур фаолиятининг юқори босқичларида индивидуал образ аниқ предметдан узоқлашиб боради ва асл мантиқий (ақлий) ҳодисага айланади. Воқеликнинг бир хилда бундай тафаккур ва ҳис этилиши, умумлашган ҳамда қисман мавҳумлашган образнинг юзага келиши барча учун бир хил код – рамзий белги ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бу хилда пайдо бўладиган мантиқий тузилмани психолог Н.И. Жинкин «универсал предмет коди – УПК» деб аташни таклиф қилади.»¹

Шунингдек, жўн қилиб изоҳлаганда, тушунча илмий баёнда ўзининг ифодасини топиши мумкин бўлгани ҳолда, концепт аниқланган маънони оддий илмий тил билан баён этиш қийин.



3-расм. Лингвомаданий концептнинг таснифи

Яъни, лингвомаданий концептларнинг таснифи қуйидагича (3-расм):

1. **Табиатнинг мажмуавий характери.** Муайян концептнинг юзага чиқишига сабаб туғдирувчи тил кўламидан ташқари: тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир; шунингдек, мусиқа, театр ва кинематография сингари соҳаларда тегишлича шакл-шамойил касб этиш (предметлиликни аниқлаш) ҳодисаси.

¹ <http://majmua.tdpu.uz/shaxsiyreja.views/majmua/files>. Манбадаги фикрларда маъно манба келтирилган: Войшвилло 1989: 91.

2. **Ментал табиат.** Концепт онгда мавжуд бўлади. Онгда эса тил ва маданиятнинг ўзаро зич алоқаси содир бўлади. Шунга кўра, ҳар қандай лингвокультурологик тадқиқот аини вақтда когнитив изла-ниш ҳамдир.

3. **Қадриятлилик.** Лингвомаданий концепт фаннинг турли соҳа-ларида қўлланувчи ўзга ментал бирликлардан (масалан: когнитив кон-цепт, фрейм, сценарий, скрипт, тушунча, образ, архетип, гештальт, мнема, стереотип) ўзида қадриятий унсурни яққолроқ намоён этиши билан фарқланади.

4. **Шартлилик ва ноаниқлик.** Концепт ўзининг аниқ чегарасига эга эмас. Тил эгалари учун нисбатан аҳамиятли деб қаралган ассоциа-циялар концептнинг ядросини ташкил этади.

5. **Ўзгарувчанлик.** Давр ўтиши билан концептларнинг аҳамияти ўзгариши мумкин. Ҳатто, баҳолаш белгиси (оценочный знак) сал-бийдан ижобийга, ижобийдан салбийга қадар ўзгариши кузатилади.

6. **Он тараққиётига монанд чегараланганлик.** Лингвомаданий концепт индивидуал ва жамоавий онгда мавжуд бўлади. Шунга асо-сан, индивидуал, жамоавий (социомаданий), этномаданий ва умун-минсоний концептлар ажаратилади. Индивидуал концептлар жамоа-вий турдаги ўзга концептларга нисбатан турфа ва ранг-баранг хусу-сиятлидир.

7. **Ўқўлчамлилик.** Лингвомаданий концепт таркибида қадриятий, маъжозий (образли — перцептив ва образли — метафорик) ҳамда ту-шунчавий (фактуал) компонентлар ажратилади.

8. **Кўплаб мурожаат қилинувчи (полиапелляцияланувчи).** Истал-ган лингвомаданий концептга лисоний мурожаатнинг турли хил усул-лари мавжуд. Жумладан, битта концептнинг ўзига тилнинг ҳар хил сатҳига тегишли бирликлар: лексемалар, фразеологизмлар, эркин сўз бирикмалари, гап орқали мурожаат қилиш мумкин. Бу мурожаатлар вербал ва новербал характерга эга бўлиши табиийдир. Баъзан битта бирлик орқали кўплаб концептларга мурожаат қилиш кузатилади. Шу ва шу сингари ҳолатлар маданиятлараро коммуникацияда тегиш-лича мураккабликлар туғдиради.

9. **Кўпўлчамлилик.** Лингвомаданий концепт кўпўлчамлидир. Ко-гнитив фанларнинг анъанавий бирликлари (фрейм, сценарий, скрипт ва ҳ.) концептга нисбатан аниқ таркибли бўлгани сабабли, тадқиқот-чилар концептни шарҳлашда мазкур бирликлардан унумли фойдала-надилар.

10. **Методологик очиқлик ва кўптаснифлилик.** Лингвокультуроло-гия — фанлараро хусусиятли илмий соҳа ҳисобланади. Шунга кўра, унинг доирасида лингвистик ва нолингвистик методларнинг қўлла-нилиши табиий ҳол саналади. Лингвомаданий концептлар турли асос-

лар, масалан, тематикаси, дискурснинг типи унинг (концептнинг) эгасига кўра таснифланади¹.

Концепт тушунчаси инсон тафаккур жараёнларида қўллайдиган ва тажриба, билим мазмунини акс этувчи бутун инсон фаолияти натижалари ҳамда идрок этиш жараёнларининг мазмунини билимнинг ўзига хос «квант»ларида акс этувчи мазмунлар ҳақидаги тасаввурига мувофиқдир. Ҳозирги пайтда лингвистик фанда умумий асосга, яъни **концепт** — бу тушунча мазмунини номловчи, маъно синонимидир, деган асосга таянган концепт тушунчасига бўлган 3 асосий ёндашувни белгилаш мумкин².

Биринчи ёндашув концептни ўрганишда маданий жабҳага кўпроқ эътиборни қаратади ва бунда маданият концептларнинг мажмуаси ва улар ўртасидаги муносабатларнинг мувофиқлиги сифатида тушунилади. Бу ёндашувнинг вакили Ю.С. Степанов. Унинг фикрича, концепт инсоннинг ментал дунёсидаги маданиятнинг асосий уяси (ячейка)дир. «Концепт» атамасининг бундайин талқинида тилнинг вазифаси иккиламчи бўлиб қолади, у фақатгина маданият, концепт мажмуасини забонлашлаштириш шакли — ёрдамчи воситасига айланиб қолади.

Иккинчи ёндашув когнитив лингвистикада тил белгиси семантикасини жалб этишни концепт мазмунини шакллантиришининг ягона воситаси деб ҳисоблайди. Н.Д. Арутюнова ва унинг мактаби, Т.В. Булигина, А.Д. Шмелов шундай фикрдадирлар. Н. Алефиренко ҳам ўхшаш нуқтаи назардан ёндашади: у концептни когнитив семантиканинг бирлиги деб тушуниб, концептга нисбатан семантик ёндашувни олға суради.

Учинчи ёндашув тарафдорлари Д.С. Лихачёв, Е.С. Кубрякова ва бошқалардир. Уларнинг фикрича, концепт сўз маъносидан бевосита пайдо бўлмайди. У сўз маъносини инсоннинг шахсий ва халқ тажрибаси билан тўқнашувининг натижасидир, яъни концепт сўз ва воқеъийлилик ўртасидаги воситачидир³.

Концепт — тушунча эмас, тушунчанинг моҳияти. Ушбу фикрни илгари сурган тилшунос олим В.В. Колесов концептнинг тушунчанинг шаклланишига кўмак берувчи, унинг (тушунчанинг) шаклланишига қадар юзага келган предметли-образли босқич эканини таъкидлайди ва баъзи ҳолларда, концепт аниқ тушунчани ифодалаб белгига айланиши ҳам мумкин, деб айтади.

¹ Антология концептов. Под ред. В.И. Карасика, И.А. Стершина. Том 1. Волгоград: Парадигма, 2005. — 352 С.

² Турабеков Д. Х. «Хитой тилида оммабоп ибораларнинг лингво-когнитив таҳлили» Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т., 2011.

³ Юқоридаги манба.

Кўплаб олимлар концептни кенг маънода тушунган бўлиб, бугунги кунда Р. Жэкондоффнинг нуқтаи назарига қўшиладилар. Бу олимнинг фикрича, концептуал тизимнинг асосий конституентлари «нутқнинг семантик қисмларига» яқин концептлардир, яъни булар объект ва унинг қисмлари, ҳаракат, амал, ўрин ёки макон, вақт, пайт, белги концептларидир. Бу ёндашувлар учун умумийлик — тил ва маданиятнинг сўзсиз алоқаси мавжудлиги ҳақидаги фикрдир. Келишмовчилик эса концептнинг шаклланишида тил родини турлича тушуниш билан шартланган. Дунёнинг объектлари улар ҳақидаги тасаввурларнинг этнотил тафаккури томонидан билимнинг маълум «квантлари» сифатида, яъни концептлар сифатида тузилмалаштирилганида «маданий объектларга айланадилар»¹.

О. Есперсен, А.П. Бабушкин, В.З. Демьянков, Ш. Сафаровлар структуранинг таркибий қисмида элемент, яъни ташкил этувчи тушунчаси ўрнида концептни қабул қиладилар.

Фанда шунингдек, тилнинг айнан концеплар кўлами олам лисоний манзарасининг хоссаларини очиб беради: концептлар — жамоавий онгдаги кўп мезонли маъновий шаклланишлар бўлиб, ўзининг лисоний қобилигига эга, деган қараш ҳам мавжуд.

Бу қараш умумий ҳолатда, концептлар назарияси сифатида Вильгельм фон Гумбольдт, А. Вежбицкая, С.Г. Воркачев, Т.В. Евсюкова, В.И. Карасик, Н.А. Красавский, С.Х. Ляпин, В.А. Маслова, В.П. Нерознак, Г.Г. Слишкин, Ю.С. Степанов Ю.Д. Апресян, Н.Д. Арутюнова, Г.В. Колшанский, Е.С. Кубрякова, Д.С. Лихачев, С.Е. Никитин, В.И. Постовалова, Б.А. Серебренников, В.Н. Телия, С.Г. Тер-Минасова, М. Жонсон (М. Johnson), Ж. Лакофф (G. Lakoff) каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўзининг ифодасини топди. Бугунги кунга келиб, концептларни асосан когнитив ва лингвокультурологик жиҳатдан текшириш устувор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Когнитив тилшунослиқда концепт «инсон психикасида ўз аксини топган хотиранинг, ментал лексик таркибнинг, мия ва тилнинг концептуал тизими (*lingua mentalis*)нинг, бугун олам манзарасининг мазмуний оператив бирлиги» сифатида тушунтирилади².

Концептлар, шунингдек, инсон билимларини сақловчи бирликлар ҳисобланади. Ўз навбатида, концептлар ўзга турдаги ментал репрезентациялар — образлар, суратлар, схемалар ва ҳ.лар билан боғлиқликда яшайди. Бундай қараш фанда айтиш мумкинки, Гумбольдт давридан ҳам маълум (В. Гумбольдт, Г. Фреге, Б. Рассел, А. Черч).

¹ Юқоридаги манба.

² Краткий словарь когнитивных терминов / Е. С. Кубрякова, В. З. Демьянков, Ю. Г. Панкрац, Л. Г. Лузина. — М., 1996.

Когнитив тилшунослик ўз тадқиқот премети ўрнига когнитив концептни қўяди, лингвокультурологик нуқтаи назардан эса концепт лингвокультурологик ёки маданий концепт қабилида текширилади. Юқорида тилга олинган «лисон-одам» диадаси лингвокультурологияда «тил — одам — онг — маданият» конструкциясига алмашинади.

Сўнгги йилларда когнитив концепт ва лингвокультурологик концептни чегаралаш ҳоллари кузатилади. Масалан, Г.Г. Слишкин бу фарқликларни қуйидагича тушунтиради: когнитологияда ҳар бир сўзга алоҳида концепт сифатида қаралади, лингвокультурологияда концепт маданий аҳамиятли бирликларнинг санокли микдори тарзида тушунилади (концепт ўрнида мавҳум моҳиятлар англашилади).

Концептни когнитив томондан текширувчи олимлар унинг юзага келиш ва психологик табиатига ургу берарканлар, бунда ҳис этиш, таассурот, тасаввур, тушунча, фрейм ва унинг турлари, тажрибанинг одам хотирасида сақланишининг механизми ва усуллари, шунингдек, онг бирликларининг ассоциатив тавсифи ва уларнинг инъикосидан ташкил топувчи оламни категориялаштириш масаласини ҳам назардан қочирмайдилар. Фанда бу борада Д.С. Лихачёв, А.П. Бабушкин, З.Д. Попова, И.А. Стернин томонидан яратилган концепциялар маълум.

Лингвокультурологик ёндашув тарафдорлари концептни концептосферанинг мустақил қисми, олам манзарасининг лавҳаси сифатида қабул қиладилар. Бунда алоҳида олинган предмет майдонининг моҳияти аниқланиб, бу майдондаги номланишларнинг детализацияси сингари услубий дифференциация, қиёс, контрастлар, лексик ва фразеологик семантика ва паремиологияда мустақамланганлик (ўрна-тилганлик) ажратилади. Мазкур ёндашув негизда Ю.С. Степанов, А. Вежицкая, С.Х. Ляпин, В.И. Карасик, С.Г. Воркачев сингари таниқли олимларнинг концепциялари қабул қилинган.

Концептни текширган олимлардан, шунингдек, С.А. Аскольдов¹, Д.С. Лихачёвларнинг қарашлари аҳамиятли. Бинобарин, С.А. Аскольдовнинг фикрича, концептни реал предметларнинг муқобили сифатида қабул қилиш нотўғри, у предметга ёки реал ҳаракатларга тегишли муайян қиррага муқобил, ҳатто турли хилдаги фикрий функцияларнинг ўринбосари бўла олади.

Д.С. Лихачёв эса, концепт ва сўз ўргасидаги муносабат оралиғига инсон омилини қўяди: унингча, сўз, унинг маънолари концептлари ўз-ўзидан мавжуд бўлмай, белгиланган инсон идеосфераси (ғоялари олами)да юзага чиқади. Концепт инсон билиш қобилиятининг хусу-

¹ Рус тилшунослигида концепт атамасини тушунчадан фарқли моҳият сифатида, дастлаб С.А. Аскольдов-Алексеев ишлатган. Мазкур атама XX асрнинг 90-йилларига келиб ўз истеъмолининг кенг кўламига эга бўлди.

сиятларига узвий боғлиқ бўлади. Фандаги «концептосфера» атамаси ҳам Д.С. Лихачёв томонидан истеъмолга киритилган.

Концептлар типологияси тўғрисида ган борганда, концептнинг бирламчи маданий шаклланишга эгаллиги ва турмушнинг турли соҳаларида трансляция қилиниши тўғрисидаги қарашларни баён қилган В.И. Карасикнинг назариясига тўхталиш жоиз. У концептларни илмий, бадиий ва кундалик турларига ажратади ҳамда уларнинг уч: образли (маъжозий), тушунчавий ва қадриятли қатламларини ўз ичига олишини қайд этади. Концептнинг образли томони – амалий билимларнинг релевант белгилари. Концептнинг тушунчавий томони реал ёки хаёлий объектлар тўғрисидаги исботли ахборот негизида шаклланади. Бу томон концептнинг асосий шаклланиш омилidir. Концептнинг қадриятли томони ўзида беш турдаги қадриятларнинг зидланишидан таркиб топади. Бу – индивидуал, микрогуруҳли, макрогуруҳли, этник ва умуминсоний қадриятлар зиддияти. Концептдаги ушбу, қадриятларни ифодаловчи қатлам концептни ўзга турдаги ментал бирликлардан фарқлантириб туради. Умумий ҳолда, В.И. Карасик концептларни: *индивидуал, микрогуруҳли, макрогуруҳли, миллий, цивилизациялашган, умуминсоний* турларига бўлади.

З.Д. Попова, И.А. Стернинлар концептлар таркибан: ҳиссий образ, ахборотли мазмун ва интерпретацион кўламдан иборат бўлади, деб айтадилар¹.

Тилшунос олим С.Г. Воркачев эса, концептларнинг антропоцентрик характерига урғу беради ва уларни ментал моҳиятли бирликлар деб атайди. У лингвокультурологик матнлардаги концептни вербалашган маданий маъно (мазмун, моҳият) деб номлайди ва шунга кўра, бундай концептни лингвомаданий концепт (лингвоконцепт) деб атайди. Унинг фарқли белгиси эса, этномаданий жиҳатдан белгиланади².

Концептларни лингвокогнитив жиҳатдан қуйидаги усулларда таҳлил этиш тавсия этилади:

1. Муайян концептни намоён қилувчи калит сўзни, концептнинг лисоний базавий репрезентацияларини (мазкур концептнинг «номи») аниқлаш;

2. Калит сўз семантемасининг таркиби ва таҳлилини ўрганиш (луғатларда берилган изоҳлар, талқинлар таҳлили);

3. Калит сўзнинг концептга тегишлилигини белгиловчи лексик мувофиқлик даражасини таҳлил қилиш;

¹ Антология концептов. Под ред. В.И. Карасика, И.А. Стернина. Том 1. Волгоград: Парадигма, 2005. – 352 с.

² Юқоридаги манба.

4. Сўзнинг кўпмаънолилигини унинг маъно тараққиёти жараёнида ўрганиш: бунда ҳосил бўлувчи янги маънолар текшириладиган концептни босқичма-босқич текшириш имконини беради;

5. Калит сўзнинг лексик-фразеологик кўламини белгилаш;

6. Калит семанинг деривацион кўламини белгилаш ва текшириш;

7. Калит сўзнинг лексик-грамматик кўламини белгилаш;

8. Тажрибавий усулларни қўллаш (психоллингвистикада кузатилгани каби);

9. Паремия ва афоризмларни таҳлил қилиш;

10. Бадиий матнларни концепт касб этган рамзий маънони ўрганиш мақсадида таҳлил қилиш;

11. Оғзаки сўз қўллаш қобилиятини таҳлил қилиш;

12. Концептни белгилар тўплами сифатида таърифлаш (масалан, дарахлар синфи ёки қушлар синфи сифатида)¹.

Концептларни когнитив семантикага ёндашиб текширган олим А.П. Бабушкин концептларнинг қуйидаги таснифини таклиф қилади:

– фикрий суратлар (асосан предметли реалиялар ва мифемалар),

– концептлар-схемалар (кўламини ифодаловчи семалар: *тоғ, ўтлоқ, майса*);

– концептлар-гиперонимлар (архисема сўзлари: ошхона анжомлари – *қозон, чўмич, қошиқ*);

– концептлар-фреймлар (бунда лексема аниқ комплекс вазият билан боғлиқ бўлади: *уй, мактаб, дўкон*);

– концептлар-инсайт²лар (предметнинг конструкцияси, унинг функционал хосланиши тўғрисидаги маълумотларни ташувчи лексемалар: *китоб, қалам, компьютер*);

– концептлар-сценарийлар (ривожланиш, ҳаракат ва динамика семаларини сақловчи сўзлар: *савдо, рақс*);

– калейдоскопик концептлар ёхуд ижтимоий йўналган абстракт номларнинг концептлари (фикрий суратлар, фреймлар, сценарийлар, схемалар ва қатор кечинмаларни ифода этувчи лексемалар: *севги, изтироб, ҳижрон*).

Концептларнинг таснифи борасида З.Д. Попова ва И.А. Стерниннинг қуйидаги тартибини ҳам келтириш ўринли:

– турғунлигига кўра турғун ва нотурғун концептлар;

– кузатилишига кўра: вербал ва яширин концептлар;

– мавҳумлик даражасига кўра: мавҳум ва аниқ концептлар сингари.

¹ Смирнова О.М. К вопросу о методологии описания концептов // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2009, № 3, – 247–253 с.

² Инсайт – айрим муаммоларни ечишни бу тўғрисида узоқ ўйлаб ўтирмаган вақтда шу заҳотиёқ англаб етиш.

Фанда концептни таркибан кўриб чиққан олимлардан Ю.С. Степанов унинг уч қатламдан ташкил топишини айтади. Булар: 1. Асосий, долзарб белги; 2. Тўлдирувчи, «пассив» белгилар; 3. Сўз қобиғида муҳрланган ички форма. Бунда биринчи қатлам барча учун керакли бўлиб, ундан аниқ бир тил (муайян маданиятнинг тилида)да сўзлашувчилар кенг фойдаланадилар. Иккинчи қатлам маълум ижтимоий гуруҳлар учунгина муҳим бўлиб, ундан фойдаланувчиларнинг сони озчиликни ташкил қилади. Концептнинг учинчи — ички формаси, яъни этимологик белгиси тадқиқотчилар учун аҳамият касб этади, холос.

Таниқли тилшунос олима А. Вежбицкая юқорида билдирилган фикрларга ҳамоҳанг тарзда қуйидагиларни белгилайди:

- 1) турли тилларнинг луғат таркиби табиий равишда фарқланади;
- 2) мазкур лисоний фарқликлар турли маданиятларни акс эттиради;
- 3) маданий тафовутлар маданиятларнинг турфалилигини белгилайди.

Концептларни В.И. Карасик қуйидаги схема бўйича тасниф қилади (4-расм):



4-расм. Концептлар таснифи (В.И. Карасик)

В.И. Карасик социолингвистик нуқтаи назардан, уч типдаги маданий концептларни қиёслаш мумкинлигини айтади. Булар: ижтимоий-маданий, этномаданий ва индивидуал-маданий типлардир.

Маданий концептлар икки йирик: параметрик ва нопараметрик (параметрик бўлмаган) гуруҳларга бўлинади.

Параметрик концептлар — маданиятга алоқадор бўлмаган, узида қадриятларни сақламайдиган концептлар. Бундай концептлар: «кенглик», «ёш» (инсонга нисбатан), «вақт», «бушлиқ».

Нопараметрик концептлар ҳам иккига: концепт-регулятивлар ва концептлар-норегулятивлар гуруҳига бўлинади. Концепт-регулятив-

лар «Нима қилмоқ керак? Ўзни қандай тутиш керак?» деган ғояни ўзида ифода этади. Булар: «*меҳнат*», «*қонун*», «*эркинлик*», «*муҳаббат*», «*ўз-ўзини ҳурмат*», «*ҳақиқат*», «*шаън*», «*тартиблилик*» сингарилар¹.

Норегулятив концептларга предметли ва предметли бўлмаган концептлар мансуб. Буларга: «*тоғ*», «*денгиз*», «*дарахт*», «*уй*» каби концептлар киради.

Предметли бўлмаган концептлар қаторига ўз навбатида, воқеавий ва сифатий концептлар мансуб бўлади. Воқеавий концептларга: «*саёҳат*», «*учрашув*» сингари концептларни мансуб қилса бўлади.

Сифатий концептлар сирасига: «*ўзлаштириш*», «*қомат*», «*ранг*» кабиларни киритса бўлади.

Маълум бир лингвوماданиятадаги концептлар квалификацияси (таснифи) хатти-ҳаракатнинг тарихан қадрият сифатида юзага келган маданий доминантлари² ёрдамида изоҳланади. Концептлар мулоқотнинг тегишли соҳасига специфик жиҳатдан «йўналтирилади» ва шунга кўра, услубий бўёқдорлик даражаси ҳам юқоридан ўрта поғонага, ундан қуйи поғонага қараб, қуйидан юқорига қараб ва ҳ. тарзда қалқиб юради.

Концептларнинг табиати ва моҳияти. Ўз моҳияти билан концептлар мавжудликни ифодалайди. Тушунча эса, концептнинг битта қирраси, аспекти, холос.

Концепт ҳеч вақт битта қатламдан иборат бўлмайди. Шу каби, концепт айни вақтнинг ўзида ўзидаги барча таркибий қисмлардан ҳам иборат бўла олмайди. Негаки, бу ҳолда тартибсизлик юзага келади.

Концептларни ғоялар бошқаради ва шакллантиради. Бу эса – уларнинг турғун ва ўзгармас структура эмаслигини исботлайди. Бинобарин, концептларни ғоялар шакллантиради ва концептлар турли ғояларга йўналади ва йўналтиради (ғоялар чатишуви, интеграцияси рўй беради). Натижада, уларнинг табиатида тушунча англантишга доир ўзгарувчи, нотурғун манзара юзага келади. Ҳар бир алоҳида олинган концепт кўламида ўзга концептларга дахлдор микролавҳалар сақланади. Бу лавҳалар қадриятли-маъновий кўламда янги шакл-шамойил касб эта боради. Бу ўринда концепт гўё янгидан «туғилади».

Концептлараро муносабат уйғун ривожланувчи концептлар тизимини ва бунинг асосида концептлар кўламини ташкил этади.

¹ Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб. пособие / Н.Ф. Алефиренко.: Флинта, Наука; Москва; 2010. ISBN 978-5-9765-0813-2, 978-5-02-034839-4. – 99 с.

² И.П. Павлов буйича доминанта – кучли диққат ёки актуал эҳтиёж билан боғлиқ бўлган одам бош миясида юзага келган кучли қўзғалиш учоғи миянинг оптимал қўзғалиш шароити бўлган участкаси (қисми).

Концепт учун чексизлик хосдир, бу жиҳати билан у фикрий актга ўхшайди: учқур ва тез. У ўз характери билан муайян белги билан белгиланмаган, ўз «жисми»га эга бўлмаган таркибий унсур. Ўзига хос идеал бирлик сифатида ўзининг репрезентациясини фразема, сўз бирикмалари ва микротекст мисолида топади. У макон ва замон ўлчамлари (координаталари) дан ҳоли. У лисоний шахс билан бирга интенсив ва динамик тарзда ўсиб, шаклланиб боради. Концепт — предмет эмас, воқелик. Бирор-бир предмет воқелик белгисига айлангандан сўнггина, концептга айланади — зеро, бу воқелик белгиси концептнинг негизини ташкил этувчи, замон ва макон ўлчамларидан йироқ бўлган ғояга айланади.

Бинобарин, муайян нарсанинг образи ҳам, агар у воқеликни эслатиб турса, ғояга айланади ва ўз ҳолича концептни ифодалаши мумкин. Бунга мисол қилиб, ўзбек адабиёти ва халқ оғзаки ижодидаги анор, қизил олма образини келтириш мумкин. А. Қаҳҳор ижодидаги анор образи муайян воқеликка ишора бериши билан конкрет концептни ифодалайди. Қолаверса, адибнинг бутун бир ҳикоянинг сюжетини, шунингдек, асарнинг номини ҳам ушбу образ билан боғлашида ҳам концептуал моҳият мавжуд.

Концептда иккиланувчи табиат мавжуд: бир вақтнинг ўзида абсолют ва қиёсий характердаги концепт фрагментар ва яхлит бирлик сифатида қабул қилинади. Ундаги автореферентлик (юнон. *autos* — *ўзи*, *referens* (*referentis*) — *белги англатиш предмети*) унинг кашф этилувчи бирлик эканини исботлайди.

Концепт дискурсив (лот. *discursus* — *суҳбат*, *мулоқот*) характерли эмас — пропозицияларни шакллантирмайди. Пропозициялар тафаккурнинг категориялар ва тушунчалар билан бир қаторда турувчи бирлигидир. Концептдан фарқли, пропозициялар концептнинг базавий субстрати бўлиши ҳодиса, воқелик билан боғланмаган референцияга эга.

Концептлар инсон онгида «яшайди» ва эҳтимоллар доирасидаги тушунчаларга ишора берибгина қолмасдан, инсониятнинг тарихий, ижтимоий, илмий, насрий ва назмий тажрибасини намоён этади.

Концептларни текширишда аниқ бир маданиятга мансуб бўлган тегишли «таянч сўзлар» инобатга олинади. Бу «калит сўзлар» аниқ лексемалар, умуммиллий тил бирикмалари билан бир қаторда, паралингвистик воситалар ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, ўзбек менталитетида пул концепти «ақча», «моёна», «чўтал», «мулла жиринг» сингари жаргонлар орқали ифода этилади. Маданий жиҳатдан пул концепти моддий неъмат сифатида қаралганида, лисон эгаси томонидан юқоридаги воситалар билан ифодаланади, акс ҳолда, «пул», «маблаг» лексемалари ишга туширилади. Шунингдек, бош бармоқни ўрта бар-

моққа уриштириб, жарангдор товуш ҳосил қилиш билан ҳам пул концептига ишора бериш ўзбек маданиятига хос ҳодиса саналади.

Шунингдек, «ичкилик» сўзига Фарб ва Американинг кўплаб ривожланган давлатларида у қадар салбий муносабат билдирилмайди. Уларнинг мафкурасида қузатилганидек, ҳатто муайян ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик борасида уюштириладиган зиёфатларда ичкиликнинг турли русумли навлари дастурхон беағзи бўлиб хизмат қиладди. Шунингдек, пиво ичимлиги баъзи Европа мамлакатларининг миллий маҳсулоти ва ифтихори ҳисобланади. Бундан фарқли, «ичкилик» сўзи ўзбек халқида кишининг кайфиятини чоғ қилувчи ичимлик сифатида эмас, аксинча, жамият ахлоқий мезонларига тўғри келмайдиган турли ноҳўя оқибатларни келтириб чиқарувчи салбий оттенкали сўз ҳисобланади. Ҳатто, тўй-шолиёнларда ҳам ичкиликни дастурхонга минг бир мулоҳаза билан тортадиган хонадонлар жуда кўп. Қолаверса, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ, раҳбар шахсларнинг маънавиятига даҳддор қирраларда ҳам ичкилик кескин қораланади (сир эмаски, яқин ўн йилликлар орасида пиво ичимлигининг видео ва босма шаклидаги рекламаси кенг оммалашган эди. Бироқ, ўз вақтида қабул қилинган қонун ва бошқа турдаги ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, оммавий маданиятнинг бир кўриниши сифатида тилга олса арзиғулик бу алкоголь ичимлигининг рекламаси тез орада ОАВларнинг барча турларидан олиб ташланди). Бинобарин, Фарб маданиятида ичкилик сўзи билан муайян концептнинг ифода этилишини ўйлаб кўриш керак. Хусусан, концепт вазифасини *ичкилик* сўзи ўтамайди, аксинча, баъзи Европа мамлакатларининг «юзи» бўлган ичкиликнинг номи аслида концепт сифатида таснифланиши керак бўлади. — М.: *пиво* — (швед маданияти учун), *водка* — рус маданияти учун, *виски* — америкаликлар, *саке* — япон маданияти ва ҳ. учун концепт бўла олади.

Концептнинг маданиятга йўналтирилганлиги (йўналганлиги) жиҳатидан келиб чиқиб, унинг (концептнинг) сўз коннотацияси кўламига мансублиги тўғрисидаги қарашларни илк бор Джон Миль тақдим этган. Мазкур қараш ўз изидан Роберт Ладонинг коннотациянинг маданий аҳамияти, Чарлз Фризнинг эса, ижтимоий-маданий аҳамияти ҳақидаги қарашларини юзага чиқарди.

Кейинчалик, Е. Найда сўзнинг маъно кўлаמידан «эмоционал-коннотатив компонент»ни ажратиб олди ва шу заминда когнитив лингвокультурологияда «маданий компонент» атамаси пайдо бўлди. Урни билан қайд этиш лозимки, ушбу «маданий компонент» ҳанузгача қатор илмий изланишларнинг тадқиқот манбаи бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, концептнинг турли тавсифлари унинг қуйидаги инвариант белгиларини ажратиш имкониятини беради:

1. Бу инсон тажрибасининг идеал тасавуридаги минимал бирлик, у сўз ёрдами билан вербаллашади ва политузилмага эгадир;

2. Бу билимларга ишлов бериш, сақлаш ва етказишнинг асосий бирликларидир.

3. Концепт ўзгарувчан чегараларга эга ҳамда муайян функцияларни бажаради.

4. Концепт ижтимоийдир, унинг ассоциатив кулами унинг амалий аҳамиятини шартлайди.

5. Концепт маданиятнинг асосий уясидир.

Шунга кўра, концептлар миллий хосланган бўлади.

Фреймлар. Фрейм — ментал бирликларнинг бир тури бўлиб, ушбу атама илк бор сунъий интеллект тадқиқига бағишланган изланишларда қўлланила бошлади. Кейинчалик, у лингвистика ва когнитологияда инсон хотирасини текшириш борасида истеъмолга киритилди. Ҳозирги замон тилшунослари фреймни концептни шакллантириш усули сифатида ўрганадилар.

Асосан, М. Минский ва В.З. Демьянковларнинг изланишларида ўз изоҳини топган фреймлар назариясида фреймга замонавий тилшуносликнинг амалий-техник масалаларини ҳал қилишга ёрдам берувчи восита сифатида қаралади.

Фрейм ва концептларни фарқлаш лозим. Бу борада В.И. Карасик фреймни инсон хотирасига алоқадор маълумотларни таркиб топтирувчи ва конкретлаштириб боровчи, концептни эса инсон хотирасидаги аниқ бир қадриятни акс эттириш аҳамиятига молик маълумотларни ифодаловчи ментал бирлик сифатида кўрсатади.

Бошқача айтганда, фреймлар типик вазиятларда такрорланувчи кундалик инсоний хатти-ҳаракатлар ва ўз навбатида, шунга монанд кутилажак натижалар, реакциялар эҳтимоли тўғрисидаги тасаввурларнинг инсон хотирасида муҳрланишидир.

II.6 §. «Гештальт» тушунчаси

Когнитив тилшуносликда оламни англаш учун хизмат қилувчи қолиплар ажратилиб, улар ҳақидаги фикрлар хилма-хилдир. Масалан, Ю.Н. Караулов «образ», «гештальт», «рамз», «формула», «схема», «фрейм», «пропозиция», «картина», «диаграмма» атамаларини киритган бўлса, Румельгарт «скрипт», «сценарий», Филмор «когнитив мода», Жонсон Лейрд «ментал модел», Ван Дейк «модел ситуацияси» (шакл вазияти — вазиятдаги шакл — *изоҳ бизниқи*) кабиларни киритиб тадқиқ доирасини бойитишди.

Ушбу структуравий бирликлар қанчалик бир-бирларидан фарқ қилишларига қарамасдан, умумий хусусиятга эга, улар тафаккурда

тупланаётган ва сақланаётган ахборот қисмларини сақловчи «қутича»лардир¹.

Гештальт ҳодисасини атрофлича ўрганган Р. Уфимцев эса немис халқида *гештальт* деб, етук тарихий шахсни аташларини, инглиз тилидаги адабиётларда гештальтни «*pattern*» (*намуна, нақш, қолип*), рус тилида эса, «*структура*», «*конфигурация*» тариқасида таржима қилинишини қайд этади.

Атама илк бор Иоганн Вольфганг Гёте томонидан қўлланилган бўлиб, адиб шеърятдан ташқари, геология, ботаника, зоология билан шугулланганлиги сабабли табиатни ўрганишда у ўзининг синтетик тадқиқот усулини қўлаган. Бу борада у ўзагида *bildung* («қурилиш») тушунчаси мавжуд бўлган гештальтга мурожаат қилган. Гештальт атамаси остида Гёте интуитив ҳис этилувчи образларни назарда тутган. Бу образлар бир-бирига сингиб, динамик гештальтга синтезланади, натижада бу гештальтлар тадқиқотчини табиий ҳодисаларнинг асосий динамик гештальтига олиб чиқади. Гётенинг ўзи ҳам гештальтларнинг ўсиб боровчи, ўзгарувчан характерини битикларида қайд этган.²

Хусусан, гештальтга нисбатан кенгроқ муносабат билдирилган баъзи манбаларда шундай дейилади: «гештальт» олмонча *gestalt* (*образ, структура, яхлит шакл*) сўзидан олинганлигини эътиборга олсак, ушбу тушунча руҳий тузилмалар, образларнинг ўзига хос яхлитликни таъминловчи белги ва хусусиятларининг умумлашмасини англатади. Гештальт назариясининг асосчиларидан бири Макс Вертхаймер (1880 – 1943) ушбу муаммони қуйидагича баён қилган эди: «... мавжуд боғлиқликлар асосида юзага келадиган яхлитлик (умумийлик) аввал алоҳида бўлақлар кўринишидаги элементларнинг кейинги жамланишидан иборат бўлмасдан, балки ушбу яхлитликнинг ички структура(вий) қонуниятлари билан белгиланади».

Демак, воқеликни идрок этиш ва руҳан ҳис этиш яхлитликни «кўриш»дан бошланади. Бизнингча, билиш жараёнида яхлит ва унинг бўлақлари ўртасидаги жонли алоқани эътироф этиш гештальт назарияси тамойиллари ва гаҳлил услубларини инкор қилмайди. Гештальтпсихология ҳам яхлитликнинг бўлақларни идрок этишдаги таъсир ролини алоҳида таъкидлайди ҳамда бўлақларни яхлитлик таркибида бириктирувчи факторларни топиш вазифасини қўяди.

Худди шу нарсани борлиқни идрок этишнинг «гештальт қонуниятлари» ёки «гештальт тамойиллари»да кўриш мумкин. Бу тамойил-

¹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 33-б.

² Уфимцев Р. Хвост ящерики. Метафизика метафоры Калининград, Издательство «Оттокар», 2010 г.

ларининг айримларини эслатмоқчимиз: — «яқинлик тамойили» (principle of proximity): бир-бирига яқин жойлашган элементлар ўзаро боғлиқ ҳолда идрок этилади;

— «ўхшашлик тамойили» (principle of similarity): бир-бирига монанд элементлар ягона бир бўлак ёки қисм сифатида идрок қилинади;

— «ёпиқлик тамойили» (principle of closure): идрок ҳаракати берк (туғалланган) шаклга йўналтирилади;

— «давомийлик тамойили» (principle of continuation): алоҳида элементлар ўртасидаги узилиш кам бўлса, улар яхлитлик сифатида идрок этиладилар.

Воқеликлардаги объектларни яхлитликда холистик¹ идрок этилиши худди шу тамойилларга асосланган. Масалан, турли кўринишдаги уй бинолари суратини солиштирсак, уларнинг барчасида умумий элементлар бор (дераза, эшик, девор, том ва ҳоказо). Биз бу суратларни биринчи кўрганимизда биноларни алоҳида қисмларга ажратмаймиз, аксинча, фақатгина бино сифатида кўрамиз. Бунда яхлитлик идроки, гештальт тамойиллари амал қилади: бинонинг барча қисмлари бир-бирига яқин, боғлиқ («яқинлик тамойили»); бинонинг эшиклари бир хил («ўхшашлик тамойили»); бинонинг барча элементлари бир-бирини давом эттиради, ўзаро алоқада («давомийлик тамойили»). Гештальт тушунчасини тилшуносликда биринчилардан бўлиб тадбиқ этган Ж. Лакофф ҳам уни лисоний, мантиқий, перцептуал (идрокий) ва бошқа турдаги жараёнларни акс эттирувчи структура сифатида таърифловчилар тарафдори. Ҳақиқатан ҳам, гештальт табиатан бир пайтнинг ўзида икки томонга, яъни тафаккур ва лисонга интилувчи мантиқий структурадир. Бу структура яхлит тузилма сифатида матнни мазмуний қисмларга бўлиш ҳамда ушбу мазмун доирасида матн ва қисмларни кенгайтириш имконини беради»².

В.М. Телиянинг қайд этишича, гештальт лингвистикада ҳам, бошқа фанларда ҳам ўзининг умумэтироф этилган таърифига эга эмас. Уни ҳатто концептуал аппаратнинг ўзлаштирилмаган асбоби дейиш ҳам мумкин. Ваҳоланки, тил эгалари фразеологизм сингари образли мотивлашган сўзларни қўллай туриб, уни (гештальтни) ўз-ўзидан мавжуд ҳодиса деб билишади.

¹ *Холизм* (юн. *όλος* — *бутун, яхлит*) — кенг маънода — фалсафа ва фандаги бутун ва қисм масаласига доир позиция, бунда бутунга қисмга нисбатан устувор мақом ажратилади. Тор маънода холизм «яхлитлик фалсафаси» сифатида тушунилади. Уни фанга 1926 йилда Жанубий африкалик файласуф ва сиёсий арбоб Я. Сметс Аристотелнинг «Метафизика»сидаги «бутун қисмларга қараганда каттадир» деган назариясига таянган ҳолда киритган.

² <http://majmua.tdpu.uz/shaxsiyreja.views/majmua/files>. Манбада қуйидаги алабёт келтирилган: Ж. Лакофф, 1981. — 360.

Образли мотивлашган номинацияларни иккиламчи номлар деб атайдилар. Бу иккиламчи номинация эса метафоризация воситасидан фойдаланади. Метафора иккита — аталажак ниятнинг ичига кирувчи объект ва иккиламчи номланиш объектининг аломатларидан иборат аломатлар системасининг ўзаро алоқасини назарда тутади. Бу системалар метафорада фойдаланиб бўлинган ва номинациянинг маъно аңглатувчисига ўхшашларни ташкил этади. Бошқача айтганда, иккиламчи номланишнинг икки тигли: номинациянинг том маънодаги образли асос қисмининг мотивлашиши ҳамда ўзак метафора буй кўрсатувчи ассоциатив-прагматик муносабатлар орқали юзага чиқувчи мотивлашишдан иборат мотивлашишни тилга олиш лозим бўлади.

Гештальт когнитив структуранинг нисбатан аъло даражада ташкил топган ўзига хос кўринишидир, у ўзида ҳиссий ва рационал воқеликни уларнинг бирлиги ва яхлитлиги асосида жамлайди. Бу вазиятни бўлақларга бўлмасдан қабул қилишнинг натижасидир, табиий тил категорияларидан ташқарида жойлашган, бироқ лисоний воситалар кўмагида қайта қурилган абстракциянинг юқори даражаси, бўлинмайдиган, структурланмайдиган билимдир. Гештальт образли, схематик, фреймли, сценарийли ёки бу сатҳларнинг турли комбинацияларидан иборат инсон онгли-нутқий фаолиятига зич бириккан концептуал ахборотнинг барча равон уюшмаларини бириктиради.

Образли мотивлаштирилган номинациялар маъноси икки типдаги фреймли структураларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ташкил топади. Булар — таксономик фрейм (типик тасаввурга таянади) ва компаратив фрейм (гештальтга суянади).

Гештальтпсихологияда идрок қилиш хоссаларининг барчаси — константалар, фигура, фон ўзаро муносабатга киришиб, гештальтни намоён этади.

Гештальтни шакллантириш ва яқунлашда инсоннинг тегишли вазиятга нисбатан ўзини ва ўзининг эҳтиёжини устун қўйиши талаб қилинади.

Гештальт ҳақида гап борганда, хронотоп ҳақида, фактик материалнинг ономастик бирликлари ҳақида сўзлаш керак бўлади. Лисоний феноменнинг шахслар гуруҳларининг номланиши — ШҲН хронотопик хусусияти гештальтга хос бўлган «шу ерда ва ҳозир» тамойилига хос. Хронотопик хусусият — долзарб ҳолатларга мувофиқлик, гештальтпсихологияга кўра эса, фигура ва фон ўртасидаги қандайдир муносабатдир.

Гештальт феномени дискрет ва нодискрет ўртасидаги ўзаро муносабат, гоёнинг образли ифодасини қўллаш, рамзий билимларнинг бирламчилиги аспектларига кўра «очилади».

Гешталът денотат-прототип билан ҳамкорликда категоризация жараёнида иштирок этади ва предметли образ, вазият ёки абстракт билим тариқасида тушунилади.

Куйида гешталтнинг таркибий қисмлари кўрсатилган¹.

Дастлаб бу фрейм, фрейм кўринишларидир. Тилшунос олим А.В. Ходоренко ўз тадқиқотларида гешталт ва фрейм тушунчаларини ажаратади. Олим XX асрнинг биринчи ярмида ўзининг таъсир кўламига эга бўлган гешталтпсихологиядаги тасаввур борасидаги фаразларга тўхталади. Яъни, гешталт-психологларнинг аниқлашича, бизнинг оламни қабул қилишимиз, идрок этишимиз гешталт деб аталувчи яхлит қурилмалар, комплекслар эвазига содир бўлади.

Инсоннинг кўзига ташқи оламдан бор-йўғи турли интенсивликдаги ёруғлик ва ранглар оқими тушади. Лекин кўчада биз турли ранглар чагишмасидан иборат доғларни эмас, турфа гуллар, дарахтлар, одамлар ва машиналарни кўрамиз. Гешталт-психологларнинг ўзи идрок этиш жараёнининг тўғри талқинини бера олмасалар-да, муҳим психологик феноменга диққатни қаратдилар. Бу қарашнинг битта шарҳи шуни ифодалайдики, биз оламни аввалдан мавжуд, аниқ яхлит структураларга мансуб бўлган билимлар натижасида идрок этамиз.

Амалдаги идрок этиш эса инсоннинг миясида аллақачон бор бўлган, янаям умумий билимларнинг фаоллашуви, холос.

Олам тўғрисидаги билимлар туғилгандан бошлаб ҳамда оламни идрок этишнинг туғма замини эвазига шаклланади. Чақалоқ тугилгандан ёруғлик ва зулмат, ҳаракат ва ҳаракатсизлик, иссиқ ва совуқ, тўқлик ва очлик, намлик ва қуруқликни фарқлайди. Ўз умрининг биринчи кунидан ҳис этишнинг ўзаро боғлиқ муайян мажмуаси билан танишади. Уни намликдан, очликдан халос этувчи хилқат билан танишади, кейинчалик уни «она» деб атайди. Бу — энг биринчи гешталтлардан биридир.

Билимлар структураси аниқдан умумийга ва аксинча, умумийдан конкретга қараб шаклланиб боради. Кўпроқ ҳиссий билимлар умумий категорияларнинг аниқ категорияларга қараб шаклланиши натижасида ривожланади.

Сўзга оид билимлар конкретдан умумийга қараб шаклланади. Масалан, бола помидор, бодринг, турпни тановул қилади ва уларнинг номини билади. Аммо, вақт ўтиб уларнинг полиз экинлари, сабзавотлар эканини англайди.

Муайян вазиятни идрок этаётганимизда, олам моделининг мавжуд элементлари ишга тушади ва идрок механизмининг амалга оширади. Бирор-бир сўзни ўқиб, уни қабул қилишимизда бизнинг олам моделимиздаги ҳарфларнинг фаоллашуви асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, гештальт – умумлаштирилган образлар бўлиб, индивиднинг когнитив аппаратида эврилиб, лисоний формани касб этади.

Гештальтнинг рамздан фарқи. Ҳар икки тушунча ўзи бажарадиган вазифага кўра тафовутланади.


Масалан, Ю.М. Лотман рамзга очилажак матннинг уруғи сифатида таъриф беради ва рамзнинг маданият системасидаги вазифаси туғри-сида: «рамз – маданиятнинг хотираси», деб ёзади.

Гештальт – когнитив илмнинг кўҳна атамаси ва тушунчаси. Гештальт қабул қилиш, фикрлашнинг калити. Гештальт – немисча сўз бўлиб, Гёте давридан унинг муҳим аҳамиятига урғу берилади. Адиб бу атамани оламини яхлитлигича қабул қилиш ва ўрганиш мақсадида қўллаган. Агар инсон томонидан тупланган билимларнинг элементар бирлиги белги ёхуд рамз (масалан, матнлар ҳарфлардан, формулалар махсус белги ва рақамлардан ташкил топади) бўлса, бу билимлар рамз ва белгилар комбинацияларига кодланган тарзда, инсондан инсонга ўтиб боради. Бироқ, бу билимларимизнинг ярми, холос. Биз учун яширин бўлган яна шундай бирлик борки, унда билимларни белги ва рамзларга жойлашнинг имкони бўлмаса ҳам, у ҳуяқимиз, фикрлаш жараёнимиз, қабул қилишимизга таъсир кўрсатади. Бу гоифадаги билимлар ҳам инсондан инсонга ўтиб боради. Бу билимларнинг асосий бирлиги – гештальтдир. Маъжозий маънода гештальт – рамз ёки белгининг тескараси.

Ташқи олам манзарасига қараганда, социал тизимдаги ҳолатларни ўрганишимизда ҳар икки бирлик ҳам зарур бўлади. Жадвал, лойиҳада акс эттира оладиганимиз, талқин, тавсиф, тасвир эта оладиганимиз – рамзлар. Рамзий талқин этишнинг имкони кузатилмайдиган, ҳис этиш орқали англайдиганларимиз ва биладиганларимиз эса – гештальт. Ҳаётга кўз очиб, илк бора ҳис этган ва идрок этган тасаввурларимиз ўзида илк тажриба ва билимларимизни ўзида «кўз илғамас» захира сифатида жамлайди. Бу – гештальт. Гештальт ўз навбатида рамзларни шакллантиради.

Оламда дискрет ва узлуксиз буюмлар, ҳодисотлар кўп. Дискрет ҳодисаларни чегаралаш, тасвирлаш, ҳисоблаш, ўлчаш мумкин. Бу белги ёхуд рамзлардир. Узлуксиз нарсалар эса ҳис этилади: гулзордаги анвойи ҳид, бозорнинг шовқини ва ҳнинг мавжудлигини инкор этмаган равишда, уларни айнан тасвирлаш, изоҳлаш мумкин эмас. Бу – гештальт (5-расм).

¹ Ходоренко А.В. Лингвистический гештальт: проблема дефиниции, принципы конструирования. Ученые записки Таврического национального университета им. В. И. Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации». Том 24(63) №1. Часть 1 2011 г. 192–198 с.



5-расм¹. Икки тибли: дискрет (чап томонда) ва узлуксиз (ўнг томонда) билимлар системаси

Масалан, она ҳақидаги илк тасаввурларимиз – гештальт. Ваган тўғрисидаги тасаввурларимиз – гештальт. Оила тўғрисидаги билимларимиз (ҳар кимда шартли) – гештальт.

Рамз ҳам кўп қатламли интерпретацияга эга: совға қилинган гул энг илиқ ва нафис истаклар намоишини билдиради. Бироқ, гулнинг туси ва нави, тури совға қилаётган шахснинг ниятини конкретлаштиради. Бу – рамзнинг конкретлашиб борувчи хусусиятидан далолат.

Ҳар икки – гештальт ва рамз бир-бирини тақозо этади. Лекин бу борада гештальт рамзга нисбатан кенгроқ, яхлитлик хусусияти ёрқин намоеън этиб турувчи атама ҳисобланади.

Рамз мотивлашиш эвазига метафора ва метонимияга яқин келади. Э. Кассирер воқеликнинг рамзий қурилишида метафоранинг ўрнига катта баҳо беради. Метафора мифлардаги муқобилликни тушунтиради, метафора негизда рамз мундарижасидаги конкрет ва абстракт аспектлар боғланган бўлади. Ҳар бир одам ўзига хос тарзда рамзлар тилида сўзлаб, тушуниши мумкин. Бу тилни ўрганиш шарт эмас, дейди Э. Фромм, – унинг тарқалишини алоҳида инсоний жамоалар таъминламайди, чунки рамзлар архетипик хусусиятли бўлиб, бизга онгости даражада узатилади.

Энди гештальт ва фрейм масаласига қайтсак. Фрейм – гештальтнинг қурилмаси, ҳатто бу тушунчани гештальтга нисбатан тор маънода қўллаш ҳам мумкин. Фреймларни слотлар занжири ва улар орасидаги алоқа деб тушуниш мумкин. Алоқаларнинг бундай системаси семантик ёки шартли нейрон тўр бўлиб, унинг қурилиш тамойили гештальт, лисоний бирликлар системасининг қурилиш тамойили эса, лингвистик гештальтдир.

Ўз даврида гештальтларни чуқур ўрганган когнитивист лингвист Дж. Лакофф шундай ёзганди: «Фикрлар, идрок этиш, ҳис-туйғулар,

¹ Уфимцева Р. Албука гештальта, занятие 1: Протосимвол. www.metaphor.ru/eg/approach/school/gestalt_01.xml.

билиш жараёнлари, моторли фаолият ва тил мен *гештальт* деб атай-диган структуралар ёрдамида ташкил топади»¹.

Мавзуни олимнинг бу атама остида назарда тутган жиҳатлар таснифи билан яқунлаймиз:

1. Гештальтлар бир вақтнинг ўзида яхлит ва таҳлил қилинувчандир.

2. Гештальтлар тегишли нуқтаи назарга боғлиқ равишда кўли билан битта усулда жойлашади.

3. Гештальтнинг қисмлари бир неча типли ички муносабатлар асосида ўзаро боғланади. Қисмларнинг гештальт миқёсидаги нисбати гештальт мазмунининг таркибига киради.

4. Гештальт бошқа гештальтлар билан ташқи алоқалар билан боғланган бўлади. У бошқа гештальтнинг қисми ёхуд унинг лойиҳаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Гештальтнинг бошқа гештальтга нисбатан нисбати гештальтнинг умумий хусусияти ҳисобланади. Бу ташқи нисбатлар нуқтаи назарига мувофиқ, турлича бўлиши мумкин.

6. Гештальтнинг иккинчи гештальтга лойиҳа бўлиб хизмат қилиши қисман содир бўлиши мумкин.

7. Ўзга гештальтга унинг қисми сифатида қўшилган гештальт айни вақтда янги хоссаларни касб этиши мумкин.

8. Гештальтнинг бошқа гештальтга нисбатан оппозиция муносабатида бўлиши гештальтнинг хусусиятларидан бири бўлиши мумкин.

9. Гештальтнинг баъзи хусусиятлари базавий хусусият сифатида ажратилиши мумкин. Оппозиция ҳолатидаги гештальтларнинг базавий хусусиятлари бир хилда бўлади.

10. Гештальтлар — лисоний, фикрий, перцептуал, моторик ва ҳжараёнларда қўлланилувчи структуралардир.

11. Жараёнларни ўз ҳолича гештальт ўрнида текшириш мумкин.

12. Гештальтларнинг таҳлилида таҳлил этилаётган моҳиятни (мазмунни) элементар қисмларга бўлиш талаб қилинмайди (мақсад ва нуқтаи назарларнинг турлилиги сабабли).

13. Гештальтлар кесишиши мумкин.

14. Гештальтларда прототипик ва нопрототипик хусусиятлар фарқланиши лозим.

15. Гештальтлар кўпинча аралаш типга мансуб бўлади. Бу гештальтларнинг хусусиятлари бир хил эмаслигини билдиради. Хусусан, сенсор-моторик гештальтлар перцептуал хусусиятлар қаторида моторик хусусиятларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Лингвистик геш-

¹ *George Lakoff*. Linguistic gestalts. «Papes from the Thirteenth Regional Meeting Chicago Linguistic Society» 13, Chicago, 1977.

талътлар ўз ичига грамматик, семантик, фонологик, функционал каби бир неча типли хусусиятларни олади.

Назорат учун саволлар

1. Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси тўғрисидаги фикрларингизни баён этинг.
2. Тил ва этник тегишлилик деганда нималарни тушунасиз?
3. Э. Сепир Б. Уорф, К.Фосслер, Ф.Соссюрнинг илмий фаразлари тилшунослик фанининг ривожига қай даражада таъсир кўрсатди?
4. «Оламнинг манзараси», «оламнинг образи» атамалари қаторида сизга яна қандай атамалар маълум? Мазкур атамалар ўртасидаги фарқни изоҳланг.
5. Концепт ва тушунча ўртасидаги фарқни тушунтиринг.
6. Гештальтга қисқача таъриф бering.

ГЛОССАРИЙ

Лингвокультурама — шаклий жиҳатдан нутқий маъно ва белги яхлитлигидан, мазмуний томондан лисоний маъно ва маданий тушунча бирлигидан иборат бирликлараро комплекс бутунлик. Бироқ сўнги йилларда мазкур атамага конкрет тилнинг этноспецифик, ижтимоий-гуруҳий ҳамда индивидуал таснифлаш ҳамда нутқ эгасини моделлаштиришни назарда тутувчи концептуал ёндашув сифатида кенг ўрин берилмоқда

Артефактлар — (лот. arte сунъий, factus тайёрланган) бу: сунъий ясалган предметлар, вазифалар, одатлар, нутқий фаолиятли тактикалар, этно-маданий-прагматик вазиятлар ва б.

Оламнинг манзараси — оламнинг лисоний моделидан фарқли тарзда, олам ҳақидаги содда, жўн билимлар мажмуидир.

Оламнинг лисоний манзараси — атроф-муҳитга тегишли нарсалар ва ҳодисалар тўғрисидаги тасвирларнинг тил ёрдамида ифода этилиши.

Концепт — менталликнинг сўз ва фразеологизм (ибора) билан ифода этилувчи оператив бирлиги.

Фрейм — гештальтнинг қурилмаси, фреймларни слотлар занжири ва улар орасидаги алоқа деб тушуниш мумкин.

Гештальт — денотат-прототип билан ҳамкорликда категоризация жараёнида иштирок этади ва предметли образ, вазият ёки абстракт билим тариқасида тушунилади.

АДАБИЁТЛАР

1. *Алефиренко Н.Ф.* Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб. Пособие. — М.: Флинта, Наука, 2010.
2. Антология концептов. Под ред. В.И. Карасика, И.А. Стернина. Том 1. Волгоград: Парадигма, 2005. — 352 с.
3. «Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари» модули бўйича ўқув-услубий мажмуа.// Тузувчилар: Д.Э. Лутфуллаева, Д.С. Худойберганова. Тошкент, 2016.
4. *Вежбицкая А.* Язык. Культура. Познание: Пер. с англ. Отв. ред. М.А. Кронгауз, Вступ. ст. Е.В. Паллчевой. — М.: Русские словари, 1996. — 416 с.

5. *Верещагин Е. М., Костомаров В. Г.* Язык и культура. Три лингвострановедческие концепции: лексического фона, рече-поведенческих тактик и сапиентемы / Под редакцией и с послесловием академика Ю. С.
6. *Гумбольдт В. фон Г.* 94 Избранные труды по языкознанию: Пер. с нем. / Общ. ред. Г.В. Рамишвили; Послел. А.В. Гулыги и В.А. Звегинцева. — М.: ОАО ИГ «Прогресс», 2000. — 6–7 с.
7. *Залевская А.А.* Национально-культурная специфика картины мира и различные подходы к ее исследованию // Языковое сознание и образ мира: Сб. ст. / М., 2000.
8. Краткий словарь когнитивных терминов / Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю. Г. Панкрац, Л. Г. Лузина. — М., 1996.
9. *Кўнгулов Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё.* Нутқ маданияти ва услубият асослари. — Т.: Ўқитувчи, 1992.
10. *Маслова В. А.* М 31 Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.
11. *Мечковская Н. Б.* Язык и религия: Пособие для студентов гуманитарных вузов. — М.: Агентство «ФАИР», 1998. Бунда қаранг: Миклухо-Маклай Н.Н. Путешествия. М.: Л.: Изд-во АН СССР, 1940. Т. I. — 243 с.
12. *Йигиталиев У.С.* Олам, тафаккур ва лингвистик муносабатлар интеграциясида ташкил этувчи муаммоси (концептуал таҳлил аспектида). //The scientific world of Kazakhstan. №4 (38) 2011. — 52-б.
13. *Пименова М. В., Кондратьева О. Н.* Концептуальные исследования. Введение: учеб. пособие. — М.: Флинта, Наука. 2011. http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?ap=635285.
14. *Степанова.* — М.: «Индрик», 2005. — 1040 с.
15. *Сафаров Ш.* Когнитив тилшунослик. — Жиззах: Сангзор, 2006.
16. *Смирнова О.М.* К вопросу о методологии описания концептов Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2009, № 3, с. 247–253.
17. *Усмонов Ф.* Тил ва тафаккур муносабати ва тилшуносликда антропоцентризм тамойили хусусида. Илмий хабарнома, АДУ. №2 2015 йил. — 94-б.
18. *Ходоренко А.В.* Лингвистический гештальт: проблема дефиниции, принципы конструирования. Ученые записки Таврического национального университета им. В. И. Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации». Том 24(63) №1. Часть 1 2011 г. — 192–198 с.
19. *Худойберганаева Д.* Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли лугати. Т.: «Турон замин зиё», 2015. — 25-б.
20. *Шибкова Оксана Сергеевна.* Когниолингвистическая концепция категории Качество: диссертация... д-ра филол. наук: 10.02.19. Ставрополь, 2006.
21. *Йўлдошев Мағруфжон.* Бадиий матннинг лисоний таҳлили: Методик қўлланма/М. Йўлдошев, З. Исақов, Ш. Ҳайдаров; масъул муҳаррир Н.М. Маҳмудов. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. 44-бет.
22. *George Lakoff.* Linguistic gestalts. «Papes from the Thirteenth Regional Meeting Chicago Linguistic Society» 13, Chicago, 1977.
23. *Weisgerber Johann Leo.* Muttersprache und geistesbildung. // Вайсгербер Йохан Лео. Родной язык и формирование духа / Пер. с нем., вступ. ст. и коммент. О.А. Радченко. Изд. 2-е, испр. и доп. — М.: Едиториал УРСС, 2004.

ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР

1. http://majmua.tdpu.uz/shaxsiy_reja.views/majmua/files.
2. http://fikr.uz/blog/ICT_for_English_teachers/11331.html.
3. http://www.classes.ru/grammar/155.new-in-linguistics-10/source/worddocuments/_19.htm.
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
5. *Алпатов В.М.* О языковой картине мира японцев. Журнал: Историческая психология и социология истории. Номер 1(1) / 2008. <http://www.socionauki.ru/journal/articles/129637/>.
6. *Арслонов З.* Когнитив лингвистика тўғрисида. http://arslonov.blogspot.com/2012/01/blog-post_12.html.
7. *Ерофеева Л.А.* Метафорические репрезентации доминантных концептов в поэтической картине мира Р.М. Рильке. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. <http://www.allbest.ru/>.
8. *Светоносова Т.А.* Когнитивная лингвистика и лингвокультурология: черты и различия // Филологические науки в МГИМО: сборник науч. трудов. № 27 (42) / МГИМО(У) МИД России; отв. ред. Г.И. Гладков. – М.: МГИМО-Университет, 2007. – 203 с. – ISBN 978-5-9228-0272-7. – С.39-46. <http://mgimo.ru/files/30737/30737.pdf>.
9. *Слобин Д., Грин Дж.* Психоллингвистика. М.: Прогресс, 1976. С. – 203–204.
10. Тил – миллат тимсоли, халқ гурури. Тилшунос олим Бахтиёр Менглиев билан суҳбат. //Хуррият, 2009. Манба: <http://www.kh-davron.uz>. 20/10/2015.
11. *Фисеико И.Е.* Коммуникемы русского языка в аспекте речевого воздействия. Диссертация. Коммуникемы русского языка в аспекте речевого воздействия. Дисс. на соискание ученой степени кан. фил. наук. Ростов-на-Дону – 2005. <http://31f.ru/dissertation/89-dissertaciya-kommunikemy-russkogo-yazyka-v-aspekte-rechevogo->.

III. МАДАНИЯТ ВА УНИНГ ҲРГАНИЛИШИ

III. 1 §. «Маданият» тушунчаси. Маданият — жамият, инсон ижодий кучи ва қобилиятларининг муайян даражаси. Маданиятшуносликда маданиятнинг Ҳрганилиши

РЕЖА:

III. 1 §. «Маданият» тушунчаси. Маданият — жамият, инсон ижодий кучи ва қобилиятларининг муайян даражаси. Маданиятшуносликда маданиятнинг Ҳрганилиши.

III. 2 §. Маданиятнинг Ҳрганилишидаги турли нуқтаи назарлар: тасвирий, қадриятли, фаолиятли, функционистик, герменевтик, меъёрий, маънавий, диалогик, информацияцион, рамзий.

III. 3 §. Маданият ва инсон. Маданият — инсон фаолияти, фикрлар дунёси. Маданият ва тамаддун.

Таянч сўзлар: «Маданият» тушунчасига шарҳ, маданиятнинг Ҳрганилишидаги турли нуқтаи назарлар, маданиятшунослик билан алоқадор соҳалар, тамаддун (цивилизация) ва маданият.

«Маданият» тушунчасига шарҳ. «Маданият» (арабча «маданият» — мадиналик, шаҳарлик таълим-тарбия кўрганлик) — кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва усуллари мажмуи.

Ушбу тушунча илк бор Марк Тулий Цицероннинг «Тускулан қўлёзмалари» (эр. ав. 45 й.) асариди қўлланила бошлаган. Фарбда маданият (культура) атамаси немис юристи Самуэл Пуфендорф (1632—1694) томонидан XVII асрда истеъмолга киритилган бўлиб, француз маърифатнаварлари томонидан оммалаштирилган. Россияда бу атама XIX асрнинг ўрталарига келиб, кенг ифода куламини касб этди.

Маданиятни инсон фаолиятидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайти. Холбуки, маданият — инсон фаолиятининг олами. Ўз даврида М. Хайдеггер ҳам инсон фаолиятининг маданият сифатида шаклланиши ва тушунилишини эътироф этиб, «Маданият — инсондаги етук фазилатларнинг маданийлашуви орқали амалга киритилиши» деган эди.

Э. Сепир «маданият» тушунчаси одатда санъат, фан ва дин тушунчалари билан чегараланиши, бу эса мақсадга мувофиқ эмаслигини баён қилади. Зеро, маданият тушунчаси остида муайян миллатнинг эътиқоди ёки ўз фаолиятининг маҳсулидан ҳам кўра унинг шу маҳсулотга муносабати, шу эътиқоднинг ва маҳсулотнинг миллат ҳаёти-

да тутган ўрни назарда тутилмоғи лозим. Унинг фикрича, жамиятнинг фаолият ва фикрлаш тарзини маданият белгиласа, айнан қандай фикрлашини тил белгилайди. Бу эса тилга нафақат маданиятдан мустақиллик мақомини беради, балки уларнинг ўзаро муносабатига белгиловчилик аҳамиятини ҳам юклайди¹.

Маданият инсон руҳи, қалбининг рамзлар, белгилар воситасидаги ўзгача ифодасидир. Шунга кўра, у инсон ички ва ташқи оламини бириктириш билан бирга ажратади ҳам. М.М. Бахтинга кўра, маданият чегара билмайди. Яъни у инсон қалби ва рамз (белги) лар ўртасидаги ногурғун ҳодиса бўлиб, муайян вақт кесимида у ёки бу худудни ўзига макон қилади.

Маданиятнинг рамзий (белгили) табиатини Э. Кассирер унга (маданиятга) хос бўлган, танқидий муносабатдан ҳоли мажбурий хусусият деб қарайди. Аммо истасак-истамасак, маданиятнинг моҳияти белгилар орқали юзага чиқади, аёнлашади. Буни теран англаган А. Бергсон бундан фарқли ўлароқ, масалага фалсафий ёндашади ва инсондаги маданият билан цивилизациянинг рамзий белгиларига берилиб кетиш эҳтимолини эътиборга олади. М.М. Бахтин эса, бундаги чора ўрнида диалогга катта урғу беради.

Маданиятга юқори баҳо берган В.А. Маслова: «Маданият лисоний шахснинг фикрини ташкиллаштириб шакллантиради ҳамда лисоний категориялар ва концептларни таркиб топтиради» деб ёзади².

Ҳар бир жамият ўз маданият типига эга. Жамиятнинг алмашинуви билан маданият типи ҳам ўзгаради, бироқ бу ҳол маданият тараққиёти узилиб қолганини, эски маданият йўқ бўлиб маданий мерос, ўтмиш қадриятлардан воз кечилганини англамайди. Зотан, ҳар бир янги жамият ўзидан илгариги жамиятнинг маданий ютуқларини зарурий равишда мерос қилиб олади ва уларни ижтимоий муносабатларнинг янги тизимига киритади³.

Таниқли ўзбек олими, академик Э. Юсупов маданият тушунчасини мантиқий гносеологик ва онтологик жиҳатдан тавсифлайди ва унинг ривожланиш қонуниятларини инсоният тарихий тараққиётининг маҳсули тизимида кўриб чиқади: «Маданият, — деб ёзади олим, — бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизимидир».

¹ Усмонов Ф. Тил ва тафаккур муносабати ва тилшуносликда антропоцентризм тамойили хусусида. Илмий хабарнома, АДУ, №2 2015 йил. — 94-б.

² Маслова В.А. М 31 Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.

³ Фалсафа. Энциклопедик лугат. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2010. — 170-б.

Умуман, маданият тушунчасини ўрганган: У. Таджиханов, А. Саидов, М. Абдуллаев, М. Хайруллаев, М. Мирюсупова, О. Мусурмонова, У. Маҳкамов сингари қатор ўзбек олимлари маданиятни ўтмишга, бугунга ва келажакка йўналтирилган ижтимоий ҳодиса ҳисоблаб, унинг инсон ва жамият муносабатини, шахс фаолиятининг сифат кўрсаткичини ва пировард натижада инсоннинг ўзини юксак даражада англашувчи омил бўлиб қолишини қайд этадилар. Шунингдек, маданиятнинг тарихан қурилиш ишлари, савдо-сотик, хунармандчилик, таълим-тарбия марказлари, китоб ёзиш, архитектура, китобхонлик, илмхонлик, ёзув ривожига муҳим омил бўлганлигини таъкидлайдилар.

Маданият ўз-ўзини ташкил эта олмайдиган белгилар тизими бўлиб, у тилга тобедир.

Маданият миллий-маданий онг ҳамда тил кўламининг репрезентанти ҳисобланади. Тил, маданият ва этнос менталликка бевосита алоқадор тушунчалардир. Ментал кўлам, ўз навбатида, индивид, нутқий жамоатнинг когнитив базасини ташкил қилувчи когнитив қурилмалар — структураларнинг омбори саналади. Айнан менталлик асосида нутқнинг туғилиши ва тушунилиши амалга ошади, шунингдек, муайян миллий-лисоний жамоатнинг оламни англашдаги ҳиссиёт ва тасаввурларининг тизими сифатида ҳам изоҳланиши мумкин.

Бугунги кунда *маданият* тушунчаси ва умуман, маданият культурология фани томонидан ўрганилади. Маданиятшунослик, яъни культурология маданият ҳақидаги илмий билимлар интеграциясини мақсад қилувчи комплекс гуманитар фан ҳисобланади.

Культурология (маданиятшунослик) фалсафа, социология, психология, антропология, этнография, санъатшунослик, лингвистика ва бошқа қатор фанларнинг кесишуви натижасида пайдо бўлган. Культурология инсон онгида маданиятнинг мавжуд бўлиш ва тараққий қилиш, маданиятни эгаллаш қонуниятларининг ўзига хослигидан иборат назарий билимлар системасини ўрганувчи таълимотдир.

Культурологиянинг структураси, методологияси ва бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида билдирилган фикрлар ниҳоятда баҳсли бўлиб, айрим олимлар культурологияни мустақил фан соҳасига хос деб ўйлайдилар. Маданиятни культурологиянинг ўрганиш объекти сифатида қарашнинг ўзига хос мураккаб томонлари эса, маданиятга нисбатан турфа таъқин ва ёндашувларнинг кўплигида кузатилади.

Бугунги кунда культурология икки йўналишда ривожланмоқда. Уларнинг биттаси — гуманитар маданиятшунослик бўлиб, маданият ва унинг ички қонуниятлари, структуравий хусусиятларини унинг адабиёт, санъат, тил, мифология, дин, идеология, ахлоқ, фан сингари шакллари мисолида ўрганади.

Социал культууроология маданиятга бошқача ёндашувни таклиф қилади. Индивид ва гуруҳларнинг реал хулқ-атвори ҳамда инсон ҳаётидаги турли соҳаларни маънавий жиҳатдан бошқариш принципларининг ҳаракатлантирувчи мотивини текшириш ушбу ёндашувнинг текшириш предметини ташкил қилади. Бу жиҳат ижтимоий фаолият соҳалари (м.: иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар, сиёсат)да маданий ҳодисаларнинг ижтимоий аҳамиятини белгилаш имконини беради.

Культууроология нафақат маданиятни ўрганеди, балки, инсон фаолиятини маданий алоқадорликда ўрганувчи бошқа соҳаларга тегишли тушунчалар, жиҳатларни ҳам ўрганеди.

Культууроологияда маданиятнинг қуйидаги функциялари белгиланади: 1) адаптацион, 2) коммуникатив, 3) интегратив, 4) ижтимоийлаштириш функцияси, 5) ахборотли.

Культууроологиядан ташқари, *маданият* тушунчаси этномаданият тушунчасига ҳам тааллуқлидир.

Этномаданиятнинг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир халқ дунёни предметни англатувчи тушунчалар тизими орқали идрок этади. Бу тизим социал стереотиплар, когнитив схемалардан иборатдир. Тилшунос олим А.А. Леонтьев одамнинг онги этник томондан шартланган бўлади, шунга кўра, битта халқнинг дунёқарашини қайта кодлаш орқали ўзга халққа кўчириб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Демак, ижтимоий соҳалардаги когнитив тамойилларнинг тобора мустақкамланиб бориши эвазига, культууроологиянинг ўрганиш объекти ўз кўламини кенгайтириб боради. Бу кўлам эса ўз доирасига фанлараро алоқадорликда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни қўймоқда.

Умумий ҳолатда эса, маданият масалалари билан шуғулланувчи фан — маданиятшуносликнинг қуйидаги сегментлар билан алоқадорликда иш кўришини ўрни билан қайд этиш мумкин (6-расм).



6-расм. Маданиятшунослик билан алоқадор соҳалар

III.2 §. Маданиятнинг ўрганилишидаги турли нуқтаи назарлар: тасвирий, қадриятли, фаолиятли, функционалистик, герменевтик, меъёрий, маънавий, диалогик, информацион, рамзий

Инсон фаолиятини ўзида намоён этувчи маданият мудом тараққий этиб турувчи онг маҳсули сифатида, ўзи ҳам такомиллашиб, «маданийлашиб» боради. Худди шу тараққийётни юксак баҳолаган олим В.И. Карасик тил ва маданиятни гуманитар билимларнинг асосий тушунчалари сифатида ажратади ҳамда тилнинг моҳиятини индивидуал ва жамоавий лисоний онгда деб билади. Уларнинг ҳар икки тури тилдаги маданиятни ташувчилардир. Демак, тил муайян ижтимоий, этник гуруҳларни бириктириш ва идентификациялаш хусусиятига эгадир. Шу билан у ўзида умумийлик ва хусусийликка тегишли маданиятни намоён қилади. Бинобарин, *маданият* тушунчаси лингвокультурология учун базавий тушунча ҳисобланади. Тадқиқотчи олим П.С. Гуревич ёзганидек, *маданият* сўзининг изоҳига доир талқинлар юзасидан қиёсий изланишларни олиб борган Л.Е. Кертман бу изоҳларнинг сони 400 дан ортиқ эканлигини, ҳозирга келиб эса уларнинг миқдори тўрт хонали сонлар билан қайд этилаётганини эътироф этади.

Хусусан, *маданият* тушунчаси ўзига хос қуйидаги:

1) **тасвирий** — бу ёндашув маданиятга доир элементларни (м., урф-одатлар, фаолият турлари, эътиқодлар) санаб ўтади, бу ёндашувга кўра, маданият инсон ҳаётини қолган мавжудотлардан одамзотни табиатдан ҳимоя қилиш ҳамда одамларнинг бир-бири билан бўлган муносабатларини тартибга солишдек (З. Фрейд) икки мақсадда ажратувчи ютуқлар ва институтлар тарзида белгиланади. Ушбу ёндашувнинг камчилиги — шак-шубҳасиз, аввалдан маълум бўлган маданият кўринишларининг тўлиқ қайд этилмаганлигидадир;

2) **қадриятли** — маданиятнинг табиатини моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи сифатида талқин этади, инсон объектни қадрият сифатида қабул қилиши учун эса, унда инсон англаб етиши мумкин бўлган муҳим хусусиятлар мавжуд бўлиши лозим. Объектларнинг қадриятий қимматини белгилаш лаёқатига эга бўлиш учун инсон онгида қадрият тўғрисидаги тасаввурлар шаклланган бўлиши керак. Бироқ, реал мавжуд объектларни мукамал намуналар, идеаллар билан таққослаш учун ҳам фаразларнинг бўлиши муҳимлигини унутмаслик даркор. Бу — инсоний фазилатларни ўстириш, тарбиялаш орқали юксак қадриятларни инъико этишдир (М. Хайдеггер, М. Вебер, Г. Францев, Н. Чавчавадзе ва б.).

Мазкур ёндашувнинг камчилиги маданиятга тор муносабатда бўлишда кузатилади. Ваҳоланки, инсоний фаолият турли қиррали-

дир, унинг фақат ижобий жиҳатларини эътиборга олиб, салбий томонларини инобатга олмаслик мумкин эмас;

3) **фаолиятли** — инсон эҳтиёжларини қондиришга хос бўлган усул, фаолиятнинг алоҳида олинган тури сифатида ёндашади, унинг шаклланишида Б. Малиновский, Э. Маркарян, Ю.А. Сорокин, Е.Ф. Тарасовларнинг тадқиқотлари асос бўлиб хизмат қилади;

4) **функционалистик** — маданиятни унинг жамиятда бажарадиган: инфор­мацион, адаптив, коммуникатив, регулятив, меъёрий, баҳоловчи, интегратив, ижтимоийлаштириш ва ҳ. функциясига кўра баҳолайди, аниқлайди. Мазкур ёндашувнинг камчилиги унда кўрсатилган функциялар назариясининг ишлаб чиқилмаганлиги, функцияларнинг тасниф этилмаганлигида кузатилади;

5) **герменевтик** — асосан, матнлар орқали одамлар томонидан идрок этилиб, англанадиган маданият тушунчасининг талқинини ўрганади, бу ёндашув тарафдорлари матнларни маданиятнинг вужуди ўрнида қабул қиладилар. Уларнингча, маданият — матнлар мажмуи, аниқроғи, матнлар мажмуини яратувчи механизмдир (Ю.М. Лотман). Матнларга муаллифнинг ўзига хос жиҳатлари кўмагида яратилган ноёб асар тариқасида ёндашилади. Аммо матнлар ўқувчилар томонидан ҳаммаша бир хилда қабул қилинавермаслиги бу ёндашувда инобатга олинмаган;

6) **меъёрий** — маданиятга одамлар турмушини тартибга солувчи меъёр, норма сифатида ёндашади. У — одамлар турмуш гарзининг дастури (В.Н. Сагатовский). Мазкур ёндашув концепциясини Ю.М. Лотман ва Б.А. Успенскийлар ривожлантириб, маданият сифатида жамиятнинг муайян тақиқ ва кўрсатмаларнинг тизимларида намоён бўлувчи наслий хотирани қайд этадилар;

7) **маънавий** — маданиятга жамиятнинг маънавий ҳаёти, маънавий ижодкорлиги тариқасида ёндашади. Жамиятнинг маънавий ҳаёти — маданиятнинг ўзидир (Л. Кертман). Шунга қарамай, бу ёндашувда маданият тушунчасига торроқ ёндашилган, ҳолбуки, моддий маданият тушунчасининг мавжудлиги бу ёндашувда назардан қочирилган;

8) **диалогик** — бунда маданиятга «маданиятлар диалог» (В. Библер), маданият субъектларининг мулоқот шакли (В. Библер, С.С. Аверинцев, Б. А.Успенский) тарзида ёндашилади. Алоҳида халқ, миллатлар томонидан яратилган этник ва миллий маданиятлар ажратилиб, миллий маданиятлар ичида субмаданиятлар фарқланади. Бу — алоҳида ижтимоий гуруҳ, қатламлар (ёшлар субмаданияти, жинсий олам субмаданияти ва ҳ.) маданиятидир. Шунингдек, метамаданият ҳам мавжуд бўлиб, у турли халқларни бириктиради. Бу маданиятларнинг ҳаммаси ўзаро мулоқотга киришади. Миллий маданият қанчалар ривож топган бўлса, у шунчалик бошқа маданиятлар билан мулоқотга

интилади. Бу алоқалардан маданият бойиш баробарида, стандарт ҳолатга келади;

9) **ахборотли** — ушбу ёндашувга мувофиқ, маданият ахборотни яратиш, сақлаш, фойдаланиш ва узатиш системасидир. Бу — жамият томонидан қўлланиладиган ижтимоий ахборот, яъни одамлар томонидан киритилган мазмун, маъно ва моҳият (Ю.М. Лотман) шифрланган белгилар системаси;

10) **рамзий** — ёндашув бўйича, маданиятда рамзларнинг қўлланилишига урғу берилади. Маданият — «рамзий коинот» (Ю.М. Лотман). Унинг баъзи элементлари алоҳида этник мазмун касб этиб, халқларнинг рамзига айланади.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек менталитети ва жаҳон ҳамжамияти учун ўзбек халқининг том маънодаги юзини ифодаловчи:

а) Самарқанд (Шердор мадрасаси, мадараса пештоқидаги икки шер тасвири, Регистон), Бухоро (Минораи Калон), Хива, Тошкент (Амир Темури ҳайкали, Амир Темури музейи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Алишер Навоий номи Миллий боғдаги Алишер Навоий ҳайкали ва б.), ҳамда алоҳида олинган элементлар:

в) палов, дўппи, хонатлас, қийиқчи, пахта гулли пиёла, Самарқанд нони, Чуст пичоғи... — номлари машҳур. Қайд этиш керакки, бу уринда Самарқанд ва Самарқанд нони ўзаро рамз ва рамзости элементларини ташкил этади десак, муболаға бўлмайди. Чунки, Самарқанд деганда, унинг тасаввурини берувчи рамзлар системасига Самарқанд нонининг ҳам мансублиги ва аксинча, Самарқанд нони деганда, Самарқанд қиёфасини намоён этиб турувчи Регистон майдонининг гавдаланишини унутмаслик лозим.

11) **типологияк** — (М. Мамардашвили, С.С. Аверинцев). Халқлар бир-бири билан тўқнаш келганда, бир-бирларининг хатти-ҳаракатини ўз маданияти мезони билан ўлчаб, қабул қиладилар. Бунда битта халқ вакиллари ўзга халқ маданиятида ўзига хос миллий-маданий белгиларни қолдиради. Бу белги ўзаро мулоқотга, муносабатларга киришаётган маданият вакилларга гўё «ўлчов мезони» бўлиб хизмат қилади.

Фанда бундан ташқари, *антропологик, реалистик, идеалистик, психоаналитик, материалистик, аксиологик, структур* каби ёндашувлар учрайди. Умуман олганда эса, бугунги кунда маданият тушунчаси 500 турдаги ёндашувлар билан изоҳланади.

Таъкидлаш лозимки, бу ёндашувлар тадқиқотчиларнинг маданият тушунчасини қай тарзда ва қандай изоҳлашларидан қатъи назар, инсон турмуш тарзининг негизини ўзида намоён этади ва бу негизнинг асосий моҳияти тилга оид қонуниятларда очила боради. Гарчи, мазкур фан соҳасининг номи лингвокультурология деб аталса-да, бир-

ламчи ҳолатда, тил масалаларини маданият тушунчаси билан уйғун ҳолда текшириш соҳанинг долзарб муаммоларидан бири саналади. Маданий концептларнинг шаклланишида тил қанчалик асосий ўринга эга бўлса, маданият тушунчасининг тилдан кейинги ўринда туришини ҳам англаб етиш қийин бўлмайди. Тилшунос олима Маслованинг таъбирича: «Маданият лисоний қобик ичида яшайди ва ривожланади»¹.

III.3 §. Маданият ва инсон

Маданият — инсон фаолияти, фикрлар дунёси.

Маданият ва тамаддун

Маданият — инсон фаолиятининг маҳсулидир. Сўзсизки, уни инсон фаолиятидан ташқарида тасаввур қилиш мумкин эмас — «...инсон фаолияти маданият сифатида тушунилади ва ташкил топади» (М. Хайдеггер). Зеро, маданият ҳам фаолиятдир, агар ҳаётнинг асосий уч шакли «табиат — жамият — одам»дан иборат бўлса, у (маданият) М.С. Каган таъкидлаганидек — ҳаётнинг тўртинчи шаклидир. Демак, маданият — артефактлар олами (лот. *arte* — *сунғий ва factus* — *тайёрланган*), яъни табиатнинг «эврилган» шакли.

Бироқ маданият шунчаки артефактлар мажмуи эмас, аксинча, инсоний фаолиятда ва фаолият маҳсулида кўринадиган маънолар оламидир. Янги моҳиятни кашф этиш — маънавий-маданий фаолиятнинг (санъат, дин, фан) асосий моҳиятидир. Маънолар олами — инсон онгининг чексиз ва қамровсизлигига исбот. Табиийки, инсон туфайли ташкил топган маданият инсоннинг ўзини фаолият субъекти, усули, моддий ва маънавий материаллар хилма-хиллиги сифатида ўз қамровига олади.

Исталган маданият ўзгариш, атроф-муҳитга кўникиш, сингиб кетишнинг жараёни ва натижасидир. Турли халқлар маданиятларининг ўзаро фарқланиши, биринчи навбатда, оламни моддий-маънавий ўзлаштириш типига кўра, аниқроғи, оламга нисбатан фаол муносабат реакциясига нисбатан содир бўлади.

Субъектнинг оламдаги фаолияти маданият белгилаб берган йўл-йўриқ, кўрсатмаларга биноан амалга ошади. Маданиятнинг ўзи эса нафақат ўзлаштириш усули, балки объектларни ўзлаштириш ва интерпретация қилиш учун танлаб олиш ҳамдир.

Ўзлаштириш актида иккита томон мавжуд. Бу ташқи (экстенсив) ва ички (интенсив) томонлар бўлиб, ташқи томон актнинг тар-

¹ Маслова В.А. М 31 Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.

қилиш соҳасини намоён этади. Давр ўтиб, мазкур соҳа инсоннинг ишлаб чиқариш жараёнига янгидан-янги моддий ресурсларни қўшиш назига кенгайиб боради. Иккинчиси эса, ўзлаштириш усулини ифодлайди. Ушбу соҳадаги ўзгаришлар умумий, байналминал хусусиятга эга, ўзлаштириш усули эса, махсус байналминал бўёқни ифодалайди — у ёки бу халқнинг фаолиятини хулқига доир доминантани акс эттиради. Агар маданиятлар *нимани* ўзлаштираётганимиз (ўзлаштириш объекти), ўзлаштириш натижасида нимани оладиганимиз (маҳсулот), бу ўзлаштиришни *қай тарзда* амалга оширишимиз, шунингдек, объектларни ўзлаштириш ва интерпретация қилиш учун *танлаб олинishi* билан фарқланса, миллий маданиятга ҳам худди шундай шаклланиш тамойили хос, унинг негизда одамнинг биологик ва психологик табиати билан, инсоний социумнинг инвариант хусусиятлари билан шартланган умуминсоний компонентлар ётади. Бироқ уларнинг ўзлаштирилиши ва интерпретацияси ўзининг миллий хоссаларига эга.

Маданиятлар ўзаро бир-бири билан таъсирлашган ҳолда мавжуд бўлади. Шунга кўра, бир халқнинг маданиятида бошқа бир маданиятнинг белгиларини кузатиш мумкин бўлади. Бу белгилар айтиш мумкинки, ўзида аниқ ҳамжамият, миллатнинг ижтимоий таъриба усулларининг специфик тўпланини жамлайди. Маданиятларнинг таъсирлашуви аксар ҳолларда юксак маданиятларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, меъморчилик санъатининг алоҳида олинган услубларини ҳам миллий маданиятнинг бир кўриниши деб олсак, дунёнинг «етти мўъжизаси»дан бири бўлмиш Тоғ-Маҳал туркий халқлар маданиятининг асл ифодаси бўла олади. Ёхуд, кўплаб Шарқ мамлакатларидаги кино, театр санъатларининг асл ватани — Европа, рус маданиятига тааллуқли «*кабардак*»нинг келиб чиқиши туркий тиллардан олинган «*қовурдоқ*»нинг ўзи, ҳатто ўзбекларнинг тан олинган палов таоми ҳам туркий халқлар орасида ўзининг вариантларига эга ва ҳ.

Маданиятлараро муносабатларда битта маданият иккинчи маданият билан тўқнаш келганида, ўзида илгари пайқалмаган, эътиборга олинмаган қирраларни кўради, иккинчи маданият эса биринчи маданиятга ундаги «янги» қирраларни унинг ўзига-да намоён этиб беради: «Биз бегона маданият олдида унинг ўзи ўзига бермаган янги саволларни қўямиз. Биз ундан барча саволларимизга жавоб кутамиз. Бегона маданият эса, бизнинг саволларимизга ўз томонларимизни, янги, чуқур мазмуний кенгликларимизни очган тарзда жавоб беради» (М.М. Бахтин).

Маданият тўғрисида гап кетганда, унинг *цивилизация* атамаси билан қиёсига ҳам тўхталиш лозим.

Цивилизация (лот. *civilis* – *фуқаровий, жамоавий*) атамаси XVII асрда пайдо бўлган. Бу даврда цивилизациялашганлик ёввойиликнинг зиди сифатида қабул қилинган ва деярли маданият сўзига маънодош ҳисобланган. Фақат XIX асрнинг охирига келиб, немис олимлари бу икки сўзни ўзаро фарқлай бошладилар. Бу вақтга келиб, цивилизация сўзи остида жамоавий ишлаб чиқариш орқали қўлга киритилган моддий ва ижтимоий нсъматлар мажмуи тушунила бошланди. Маданият эса, цивилизациянинг маънавий мазмуни дея талқин этилди. Бу икки атаманинг қиёси юзасидан фанда О. Шпенглер, А. Тойнби, Н.А. Бердяев, П. Сорокин ва бошқалар шуғулланганлар.

Хусусан, О. Шпенглер ўзининг «Европанинг заволи» («Закат Европы» – 1918) номли китобида ҳар бир маданиятнинг ўз цивилизацияси мавжуд бўлади, бу цивилизация айни вақтда маданиятнинг ўлими (инқирози)дир, деб ёзаркан, маданият ҳамда цивилизацияни тана ва мўмиёга ўхшатади. Унингча, маданият элитар ва аристократик, цивилизация демократик хусусиятлидир. Маданият миллийдир, цивилизация байналминалдир; маданият культ, миф, дин билан боғлиқдир, цивилизация атеистикдир.

О. Шпенглер Европа цивилизацияси ҳақида ёза туриб, уни Европа эволюциясининг якунловчи босқичи, «Европанинг ботиши» деб атайди.

XX асрнинг йирик тарихчиси А.Тойнби цивилизация деб турли жамият типларини, алоҳида олинган социомаданий оламларни айтади. Америкалик олим С. Хантингтон эса юқори даражадаги маданий ҳамжамиятни, одамларнинг юқори поғонадаги маданий бирлигини цивилизация деб атайди. У 8 та йирик цивилизацияларни – Фарб, конфуцианлик, япон, Ислом, индуистик, православ-славян, Лотин Америка ва Африка цивилизацияларини ажаратади.

О. Шпенглер қаторида цивилизацияни Г. Шпет ҳам ўрганган. У ҳам цивилизацияни маданиятнинг ниҳояси деб ҳисоблайди. Бу борда Н.А. Бердяевнинг: «Маданиятнинг қалби мавжуд, цивилизация эса шунчаки усул ва қуролга эга» деган сўзлари ҳам юқоридаги икки олимнинг қарашларига ҳамоҳанг келади.

Шунингдек, М.К. Мамардашвилининг таъбирича, маданият – шахсий маънавий интилишлар эвазига қўлга киритилади, цивилизация эса шундай нарсаки, ундан фойдаланиш ва уни олиб қўйиш мумкин. Маданият янги нарсаларни яратади, цивилизация – маълумни кўпайтиради, холос.

Д.С. Лихачевнинг фикрича, маданият ўзида абадий нарсаларни, ўлмас қадриятларни, идеал сари интилишни яратади, цивилизацияда эса ижобий тушунчалардан ташқари, иложсизлик, эврилишлар, сохта

йўналишлар мавжуд. Цивилизация ана шундай ҳаёт тарзига мослашадди ва интилади.

Хуллас, маданият икки йўналишда ривожланган:

1) инсоннинг моддий эҳтиёжни қондиришга интилишлари цивилизацияни келтириб чиқарди;

2) инсоннинг маънавий эҳтиёжларни қондиришга интилишлари рамзий характерли маданиятни шакллантирди.

Таъкидлаш лозимки, маданиятнинг манбаи — қўҳна давр миф, маросим, урф, эътиқод ва ҳ.ларидир.

Демак, маданият инсоннинг маънавий ибтидосини ривожлантирувчи усул ва воситаларини яратади, цивилизация эса инсонни мавжудлик воситалари билан таъминлайди ҳамда амалий заруратларни қондиришга йўналтирилган бўлади. Маданият инсон руҳини юксалтиради, ўстиради, цивилизация унинг танаси, жисми учун қулайлик, шинамликни вужудга келтиради.

Культурология учун цивилизациядан кўпроқ, маданиятни текшириш ва ўрганиш муҳимдир.

О. Тоффлерга кўра, маданият қотиб қолган нарса эмас, уни биз ҳар куни янгидан яратамиз. У шиддат билан бўлмаса ҳам, трансформацияланади. Иккита — маънавий ва моддий шаклга бўлинган маданият маданият ва цивилизацияни ҳосил қилган.

XX аср бошларидан маданиятга қадриятлар ва гоёларнинг ўзига хос системаси сифатида ёндашилди. Бу — маданиятнинг асосий қирраларидан биридир. Бу борада маданиятни муайян ижтимоий ҳам-жамиятда ўрнатилган ахлоқ нормалари, аксиология фанининг ўрганиш объекти тизимига менгаш ҳам мумкин. Зотан, меъёр, намуна, идеал ва ҳ.лардан иборат қадриятларни тадқиқ этувчи аксиология фани ҳам ўзига хос қадриятлар системасига эга. Мазкур қадриятний элементлар эса, маданиятнинг ижтимоий онг учун аҳамиятини янада юксалтиради.

Шунинг учун бўлса керак, шахсан биз ўзбеклар учун маданиятнинг: қайтар дунё, иймон, эътиқод, охират, лафз, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, ватан, ота-она, оила сингари тушунчалари сўзсиз қадрият ўрнида қабул қилинади ва улуғланади.

Назорат учун саволлар

1. Бугунги кунда «маданият» тушунчасининг ўрганилишидаги долзарб моҳиятини тушуниринг.
2. Маданиятнинг ўрганилишидаги турли ёндашувлар ва уларнинг тарафдорлари илгари сурган нуқтаи назарлар ҳақида фикрингизни билдиринг.
3. Маданиятнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида нималар дея оласиз? «Маданият — инсон фаолияти, фикрлар дунёси» деганда нимани тушунасиз?
4. Маданият ва тамаддунинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

ГЛОССАРИЙ

Маданият — (ар. маданият — *мадиналик, шаҳарлик таълим-тарбия кўрганлик*) — кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва усуллари мажмуи.

Цивилизация — (лот. *civilis* — *фуқаровий, жамоавий*) жамоавий ишлаб чиқариш орқали қўлга киритилган моддий ва ижтимоий неъматлар мажмуи.

Культурология — инсон онгида маданиятнинг мавжуд бўлиш ва тараққий қилиш, маданиятни эгаллаш қонуниятларининг ўзига хослигидан иборат назарий билимлар системасини ўрганувчи таълимот.

АДАБИЁТЛАР

1. *Владос М.* Введение в культурологию. Отв ред. Е. В. Попов. М., 1996.
2. *Гуревич П. С.* Философия культуры. — М.: Аспект пресс, 1995.
3. *Кармин А. С.* Основы культурологии: морфология культуры. СПб. 1997.
4. *Маслова В. А.* М 31 Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.
5. *Усмонов Ф.* Тил ва тафаккур муносабати ва тилшуносликда антропоцентризм тамойили хусусида. Илмий хабарнома, АДУ, №2 2015 йил. — 94-б.
6. *Фалсафа.* Энциклопедик лугат. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2010. — 170-б.

IV. МЕТАФОРА – МАДАНИЯТНИНГ КЎРСАТКИЧИ

РЕЖА:

IV. 1 §. *Метафора тилдаги универсал ҳодиса.*

IV. 2 §. *Метафораларнинг маданиятдаги роли.*

Таянч сўзлар: *Метафорология тарихи, Ўзбек тилишунослигида метафораларнинг тадқиқ этилиши, Метафора – онг универсалияси, Рамз ва маъно кўчимлари, Метафора образли-мотивлашган сўз, Метафора ва ўхшатиш, Когнитив метафора ва концептуал метафора, метафора ва маданият.*

IV. 1 §. Метафора тилдаги универсал ҳодиса

Метафорология тарихидан. Тилшуносликка метафора риторика санъати орқали кириб келган бўлиб, бу даврларда унга эстетика ва тасвирий (жозибадор) нутқ воситаси сифатида қаралган. «Метафора» атамасининг ўзи эса, илк бор Изократ томонидан «Evagodus» асарига қўлланган (э.а. 383 й.)¹. Бироқ метафорани назарий жиҳатдан текширган антик олимлардан дастлаб, Аристотелнинг номи машҳур (Аристотел, «Поэтика»). Антик давр фалсафасининг тадқиқ даври гуллаб-яшнаган XX асрда метафора тилнинг коммуникатив, номинатив, билиш мақсадларининг ажралмас қисми сифатида талқин қилинди².

Квинтилиан метафорани табиат томонидан инъом этилган деб ҳисоблаган ва «ҳеч бир предмет белгиланмай қолмаслигига таъсир кўрсатади», деган хулосага эга бўлган³. Цицерон метафорага тилда этишмовчи маъноларни шакллантириш усули сифатида қараган ва ўхшашлик асосида амалга ошадиган кўчим «тилдаги сўзнинг тегишли тушунчаси бўлмаганда кузатилади» дейди⁴.

Мумтоз риторикада метафора меъёрдан четлашиш – предмет номининг бошқа предметга кўчиши сифатида тушунтирилган. Ушбу кўчимнинг мақсади лексик лакуна⁵ни тўлдириш (номинатив функция) ёхуд нутқни бойитиш ва риториканинг бош мақсади бўлмиш «ишонтириш» бўлган.

¹ Античные теории языка и стиля. – М. – Л., 1936. С. 217.

² Аристотель. Поэтика. – М., 1984.

³ Античные теории языка и стиля. – М. – Л., 1936.

⁴ Юқоридаги манба.

⁵ *Лакуна* (фран. lacune – бўшлиқ, чуқурлик; Ж.П. Вине ва Ж. Дербелен термини) Мулоқоғ жараёнида муайян маданиятнинг бошқа маданият вакили томонидан тулиқ ёки қисман англашилмайдиган ўзига хос миллий унсур. *Қаранг:* Худойберганава Д. Лингвокультуроология терминларининг қисқача изоҳли лугати. – Т.: «Турон замин зиё», 2015.

Сўнгроқ, метафора муаммоси риторика кўлаמידан ташқарига чиқиб, тилшуносликка ўтди. Шу зайдда метафоранинг қиёсий концепцияси юзага келди. Унга кўра, метафора – одатий номланишнинг тасвирий идрок этилиши. Бунда метафора яширин қиёс сифатида қабул қилинган бўлиб, қиёсий назария метафорик баённи икки қиёс қилинувчи предметга боғлиқ бўлади, деб хулоса қилган.

XIX–XX асрда қиёсий назария Дж. Серль ва М. Блэк томонидан жиддий танқидга учради. Дж. Серль метафорани икки семантик маънонинг вербал, яъни метафорик ифода ва айнан бўлган контекстуал қуршовнинг таъсирлашуви ёки оппозициясига боғлиқ деб таъкидлади¹. М. Блэк эса фанда биринчилардан бўлиб, метафорани «қиёсний ифода этувчи эмас, юзага келтирувчи» сифатида таърифлади².

Бу ҳол кўплаб тадқиқотчиларни семантик алоқадорлик борасидаги изланишларга бошлади. Улар шунингдек, метафора ўхшашликни очмасдан, уни яратади, яъни метафора илгари ҳеч кимнинг хаёлига келмаган икки буюм ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни намоиш этади, деб таъкидладилар.

Метафора тўғрисидаги анъанавий қарашлар метафорани ундаги гоёлар алмашинувига туртки берувчи функцияларни инобатга олмаган ҳолда, шунчаки лисоний бирлик, контекстуал ўсиш деб баҳолади. Ваҳоланки, фикрнинг узи метафорик характерга эга, у қиёс орқали юз очади ва тилда ўз ифодасини топади.

Метафора тушунчаси фанда Аристотел давридан маълум³. Аммо, унинг психоллингвистик табиатини биринчи марта И.М. Сеченов ўрганди ва инсон ҳис-туйғуларининг белгиларга айланиш жараёнини соф физиологик омиллар билан асослади⁴. Мавзунинг мантиқ, хотира, тасаввур, лисонга доир томонлари, шунингдек, Грегори⁵, Г. Лейбниц, Рубинштейн⁶, Шилков⁷, Пиаже⁸, Фейхтвангер⁹, П. Сартр, Шерба, По-

¹ Серль Дж. Метафора // Теория метафоры. – М., 1990.

² Блэк М. Метафора // Теория метафоры. – М., 1990.

³ Аристотель. Поэтика. Аристотель. // А79 – Политика: [Пер. с древнегреч. Жебелев С. А., Гаспаров М. Л.] / Аристотель. – М.: Аст, Хранитель, 2006.; Цицерон (Цицерон. Об ораторе. В Кн. Цицерон М.Т. Три трактата об ораторском искусстве. – М., Ладомир, 1994), Квинтилиан (Квинтилиан. Двенадцать книг риторических наставлений. Пер. с лат. А.Никольский. Часть II. СПб, 1834.

⁴ Сеченов И.М. Избранные философские и психологические произведения. – М., Огиз, 1947.

⁵ Грегори Р.Л. Глаз и мозг. психология зрительного восприятия. – М., Прогресс, 1970.

⁶ Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание (О месте психического во всеобщей связи явлений материального мира). – М., АН СССР, 1957.

⁷ Шилков Ю.М. Гносеологические основы мыслительной деятельности. СПб., Издательство СПбГУ, 1992.

⁸ Пиаже Ж. Избранные психологические труды. – М., Просвещение, 1969.

тебня¹, Виноградов², Ивлев, Г. Фреге³, Ч. Пирс, Витгенштейн⁴, Гумбольдт⁵ ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топди.

Метафорологияга фалсафий ёндашув эса, ўз навбатида (H. Vaihinger [1924]; S. Peppel [1935]; I.A. Richards [1936]; M. Foss [1949]; H. Blumenberg [1957, 1960]; Ph. Wheelright [1962]; W.H. Letherdale [1974]; W. Shibles [1974]; E. Cassirer [1977]; M. Johnson [1981] 1, Дж. Холтон [рус. тарж. — 1981]; К.К. Жоль [рус. тарж. 1984]; С.С. Гусев [1984]; О.М. Бессонова [1985, 1990]; В.В. Петров [1985, 1988]; Г.Г. Кулиев [1987]; J. Derrida [1988]; F. Besien [1989]; X. Ортега-и-Гассет [1991]; М.И. Панов [1991]; Г.С. Баранов [1992, 1994]; Н.В. Позднякова [1995]; М.М. Прохоров [1995]; И.Ф. Саркисян [1995]; В.А. Суровцев ва В.Н. Сиров [1998]; Н.В. Блажевич [1999]; А.М. Еременко [2000]; ва б.)ларнинг жиддий тадқиқотларига замин яратди.

Мавжуд фанлар тилидаги метафораларнинг таҳлилига бағишланган тадқиқотлар (Shi-xu «Linguistics as Metaphor: Analysing the Discursive Ontology of the Object of Linguistics» [2000]) амалга оширилди. Натижада, метафорани ўрганиш фанлараро тизим сарҳадига кириб келди ва секин-аста, фан тилидаги метафораларни текширишга қаратилган эълворли иш қўлаи юзага келди. Булардан: антропологияда [Semantic Anthropology, 1982; ва б.], умумий биологияда [Haraway, 1976; Evolutionary Processes and Metaphors, 1988; Emmeche, 1994; Keller, 1995a, 1995b; Heelan, 1998; ва б.], генетикада [Gelfand, 1993; Ji, 1997; ва б.], химияда [Azimov, 1959; Knight, 1966; Bowen, 1992; Bhushan, Rosenfeld, 1995; ва б.], когнитив фанларда [Gentner, Grudin, 1985; Indurkha, 1987; Way, 1991; Ortony, 1993; McClintock, 1995; Jones, 1995; ва б.], иқтисодиётда [Henderson, 1982; McCloskey, 1986; Khalil, 1998; ва б.], математикада [The Machine as Metaphor and Tool, 1993; Streefland, Heuvel-Panhuizen, van den, 1998; Scott, 2000; ва б.], медицинада [Daugman, 1991; ва б.], фалсафада [Rothbart, 1984, 1990, 1997; Soskice, 1985; Paton, 1992; Paton, Nwana, Shave, Bench-Capon, 1994; ва б.], физикада [Jones, 1982; ва б.], психологияда [Soyland, 1994; ва б.]. Бу ҳолатлар метафорага доимий тарзда қизиқишнинг ва катта эътиборнинг мавжуд бўлиб келганлигини исботлайди.

⁹ Фейхтвангер Л. Собр. соч. в 6 томах. Т. 6, Кн. 1. — М., Художественная литература, 1990.

¹ Потенция А.А. Мысль и язык. Харьков, Мирный труд, 1913.

² Виноградов В.В. История слов. — М., Толк, 1994.

³ Frege G., On Concept and Object. Вкн.: Translation from the Philosophical Writings of Gottlob Frege. Ed. by Peter Geach and Max Black, Basil Blackwell, Oxford, 1980.

⁴ Wittgenstein L., Philosophical Investigation. Trans. by G.E.M. Anscombe, The Macmillan Company, New York, 1953.

⁵ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. М., Прогресс, 1984, Гумбольдт В. Язык и философия культуры. — М., Прогресс, 1985.

XX асрнинг 60-йилларида генератив семантиканинг ривожланиши натижасида, метафоранинг когнитив функцияси, коммуникатив, ҳиссий, волюнгатив (таъсир кўрсатиш функцияси), поэтик ва бошқа қатор хусусиятлари ўрганилди: Дж. Катц, П. Постал, Дж. Лакофф¹.

М. Минскийнинг фреймлар назарияси метафора тўғрисидаги таъсирларни янада ривожлантирди².

Ассоциатив образларга доир ўз фаразларини илгари сурган Ахманова³, А. Вежбицкая⁴, Н.Д. Арутюнова⁵, Апресян⁶, Овсяннико-Куликовский⁷, Крушевский⁸, Мамонтов⁹, Рибо¹⁰, К. Леви-Строс¹¹, Панов, Спенсер, Караулов ўз тадқиқотлари билан мантикий билишнинг антропоцентрик, мифологик, поэтик асосларини ўрганишга кенг йўл очдилар. Шунингдек, метафора назариясига оид қарашлар Дж. Локк¹², Гоббс, Ф. Ницше¹³, Х. Ортега-и-Гассет, М. Блэр¹⁴, Д. Дэвидсон¹⁵, Дж. Сёрлнинг ишларида¹⁶ ҳам ўз ифодасини топган.

¹ Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. В сб.: Язык и моделирование социального взаимодействия. — М., Прогресс, 1987.

² Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного. — В сб.: Новое в зарубежной лингвистике, вып. XXIII

³ Ахманова О.С., Мельчук И.А., Падучева Е.В., Фрумкина Р.М. О точных методах исследования языка. — М., 1962.

⁴ Wierzbicka A., Lexicography and conceptual analysis. Ann Arbor, 1985.

⁵ Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. Вступительная статья к сб.: Теория метафоры, — М., Прогресс, 1990.

⁶ Апресян Ю.Д. Избранные труды. Том I. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. — М., Восточная литература, 1995.

⁷ Овсяннико-Куликовский Д.Н. Очерки науки о языке // Русская мысль, кн. XII, — М., 1896

⁸ Крушевский Н. Очерк науки о языке. Казань, Типография Императорского Университета, 1883.

⁹ Мамонтов А.С. Проблемы восприятия и понимание текста (лингвистический анализ семантики номинативных единиц текста). Дисс. канд. филол. Наук. — М., 1984

¹⁰ Рибо Т. Логика чувств. СПб., 1905, (Леви-Строс) Леви-Строс К. Структура мифов // Вопросы философии, 1970. № 7.

¹¹ Структурная антропология. — М., Наука, 1983, Леви-Строс К. Первобытное мышление. — М., Республика, 1994.

¹² Локк Дж. Опыт о человеческом разумении. В кн: Локк Дж. Собр. соч. в 3 томах. Т. 1, — М., Мысль, 1985.

¹³ Ницше Ф. По ту сторону добра и зла. Кн. 2, Итало-советское издательство СИРИН, 1990.

¹⁴ Блэр М. Метафора. В сб.: Теория метафоры, — М., Прогресс, 1990.

¹⁵ Дэвидсон Д. Что означают метафоры. В сб.: Теория метафоры, — М., Прогресс, 1990.

¹⁶ Serte J.R., Metaphor. В сб.: Pragmatics. Edited by Steven Davis, Oxford University Press, New York, Oxford, 1991.

Метафоранинг лингвистик назарияси аслида, Аристотел даврига мансуб, бинобарин, метафора (юнонча *μεταφορά* — «қўчим» маъносида) атамаси ҳам айнан Аристотел томонидан илмий истеъмолга киритилган.

1930 йилларга келиб, инглиз тилшуноси А.А. Ричардс метафорани ташкил этувчиларни: «мазмун, моҳият» (*tenor*) ва «қобиқ, маъжоз (образ)» (*vehicle*) номлари билан аташни таклиф қилди. А.А. Ричардс ўз қарашларида метафорани тилнинг лисоний комбинациялардан чуқурроқ қатламларда жойлашувчи ва сўзларнинг негизида мавжуд бўлувчи концептуал структураларнинг ўзаро алоқаси жараёнида юзага чиқувчи органик феномени деб таъкидлайди.

Склярёвская Г.Н. XX асрнинг 60–70-йилларида метафоранинг тадқиқиға бағишланган изланишлар уч йўналишда амалга оширилганини таъкидлайди. Булар: номинатив-предметли, формал-мантиқий, психологик-лингвистик йўналишлардир. Шунингдек, Склярёвская Г.Н. ушбу изланишларнинг сўнгги йилларда ўн битта мустақил йўналишни ташкил этганини қуйидагича қайд этади:

- семасиологик йўналиш;
- ономасиологик йўналиш;
- гносеологик йўналиш;
- мантиқий йўналиш;
- лингвистик йўналиш;
- лингво-стилистик йўналиш;
- психолингвистик йўналиш;
- экспрессиологик йўналиш;
- лингвистик-адабий йўналиш;
- лексикологик йўналиш¹;
- лексикографик йўналиш.

Юқоридагиларга кўра, дунё тилшунослигида метафорани ўрганиш ва тадқиқ этиш рус тилшуноси О. Лагутанинг таснифи асосида шундай белгиланади:

1.1. Антик метафорология (Аристотел, Филодем, Феофраст, Цицерон, Квинтилиан);

1.2. Медиевал² метафорология (Исидор Севильский, Беда Достопочтенный, Георгий Хиробоск, Филипп Меланхтон);

1.3. Янги давр метафорологияси.

1.4. XX аср метафорологияси: текшириш объектининг янги қирралари, чегараларининг белгиланиши.

Муаллиф шунингдек, метафорологиянинг қуйидаги турларини ажартади:

¹ Мещерякова Е.Х. О метафоре. <http://itclaim.ru/Library/Books/ITS/wwwbook/ist6/mesharecova/mesharecova.htm>.

² фр. *médiéval* — урта асрга тегишли.

2.1. Фалсафий метафорология: «абადий саволлар».

Ўзбек тилшунослигида метафораларнинг тадқиқ этилиши. Нутқ ҳодисасига оид метафоралар немис тилининг кичик лингвистик энциклопедиясида кўринишга ажратилган. Унда персонификация, символизация, аллегория, синестезиялар берилиб, улар метафоранинг кўриши деб қайд этилган¹.

Тилшунос олим М.М. Миртожиев келтирилган метафора кўринишлари борасида куйидаги фикрларни келтириб ўтади: «Нутқ ҳодисасига оид метафораларнинг бу кўринишларини, моҳиятан қараганда, баъзи ўзгаришлар билан тил ҳодисасига оид метафораларга татбиқ этса бўлади. Бунда нутқнинг соф ўз хусусиятидан келиб чиққан символизация ва аллегорияларни чиқариб ташлашга тўғри келади. Чунки символизация нутқ кечимидаги эллипсис билан боғлиқ содир бўлувчи метафорадир. Аллегория эса нутқ кечимидаги қочирим ва интонация билан боғлиқ ҳолатда юзага чиқади. Шундан келиб чиқиб, тил ҳодисаси бўлган метафоралар оддий метафора, персонификация ва синестезия каби кўринишларга бўлинади»².

Мазкур фикрлар талқини сифатида, М.М. Миртожиев метафораларнинг уч кўринишини тавсифлаб ўтади ҳамда **оддий метафорага** берган таърифича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг ўзаро белги, хусусиятлари оддий қиёсланиши, ўхшатилишига асосланган кўринишидир. Оддий метафоралар от сўз туркумидан бошқа туркумдаги сўзларда ҳам содир бўлади. Масалан, бош отининг «*сабзавотнинг*» «*тановул қилинадиган*» «*юмалоқ ўрами*» ҳосила маъноси шаклий ўхшашликка, битмоқ феълининг «*ўлмоқ*» ҳосила маъноси ҳаракат хусусияти ўхшашлигига, *буш* сифатининг «*банд бўлмаган*» ҳосила маъноси ҳолат белгиси ўхшашлигига асосланиб юзага келган.

Оддий метафораларни деярли қисқарган ўхшатиш деб бўлмайди. Улар асосан от ва феъл туркумига оид сўзларда кузатилади. Яъни, оддий метафоралар ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг бир турдаги ситрқи белгиси, ҳаракат ва ҳолат хусусияти вазифаси кабиларнинг тўғридан-тўғри ўхшатилишига асосланади.

Персонификация метафоранинг ҳосил қилувчи маънонинг жонли референти билан ҳосила маънонинг жонсиз референти ўртасидаги қиёсга, ўхшашликка асосланган кўринишидир. Бу ўхшашлик ҳосила маъно референтига жонли ҳолат бахш этиш орқали юзага чиқади. Мана шу ҳолат персонификация учун асосдир. Персонификация от туркумидан бошқа туркумдаги сўзларда ҳам содир бўлади. Масалан,

¹ *Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси.* – Т.: «Мумтоз сўз», 2010. – 96-бет.

² Юқоридаги манба, – 97-бет.

емоқ феълнинг «ўлдирмоқ» ҳосила маъноси натижа хусусияти, беор сифатининг «кўникма» ҳосила маъноси чидамлик хусусияти ўхшашлигига асосланиб юзага келган ва шунинг натижасида ҳосила маъно референтларида жонли фаолият акс эттирилган. Яъни: *Нимранг беор ток, кулга чидамли бўлади* (Р. Мусамухамедов).

Синестезия метафоранинг шундай кўринишики, унда ҳосила маънонинг маълум сезги билан қабул қилинган референти ҳосил қилувчи маънонинг бошқа сезги билан қабул қилинган референтига қиёс қилинган, ўхшатиш бўлади. Референтлар тамоман бошқа-бошқа сезги билан қабул қилинса ҳам, улар хусусияти киши онгида умумлаштирилади ва бир хил тасаввур этилади. Аслида бу ўхшатиш референтлар ҳеч қандай ўхшашликка ҳам, ҳеч қандай умумийликка ҳам эга эмас. Масалан, *майин* сўзининг генетик маъноси тола ёки у билан боғлиқ буюмнинг белгисини ифода этади. Бу сўзнинг ҳосила маъноси овознинг оҳиста ва ёқимли белигисини ифода қилади. Бунда ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг, умуман, сезгига таъсир этиш хусусиятлари ўзаро ўхшатиш билан шунга кўра, ҳосила маъно юзага келтирилган, синестезия содир бўлган.

Синестезия сифат туркумидан бошқа туркумлардаги сўзларда ҳам содир бўлади. Масалан, от туркумига оид *из*, феъл туркумига оид *илмоқ*, равиш туркумига оид *баралла* сўзларидаги ҳосила маъно юзага келишини кўрсатиш мумкин. *Из* сўзи «транспорт йўли қурилмаси» лексик маъносига эга. У кўриб сезилади. Бунга идрок қилиб сезиладиган тушунча қиёсланган. Улар онгдаги ҳаракат йўналиши бўйича ўхшаш.

Демак, ҳосила маъно юзага келишининг бир кўриниши метафора бўлиб, у ҳосила маъно референтини ҳосил қилувчи маъно референтига қиёслаш, ўхшатиш орқали содир бўлади. У оддий метафора, персонификация, синестезия каби кўринишларга тасниф қилинади. Оддий метафора референтларнинг оддий қиёси, ўхшашлигига асосланса, персонификация жонсиз референтнинг жонли референтга ўхшатилишига; синестезия бир сезгида ҳис қилинган референтни бошқа сезги билан ҳис қилинган референтга белгиларини онгда умумлаштириб қиёсланишига, ўхшатилишига асосланади¹.

Юқорида кўриб ўтилган метафораларнинг барчаси, асосан, оддий метафоралардир².

Ўзбек тилшунос олими Р. Қўнғиров «Метафорани яширин ўхшатиш дейиш ҳам мумкин. Аммо у оддий қиёсдан фарқ қилади. Агар

¹ *Миртожиева М.М.* Ўзбек тили семасиологияси. — Т.: «Мумтоз сўз», 2010.

² Бадиий матннинг лисоний таҳлили: Методик қўлланма / М. Йўлдошев, З. Исақов, Ш. Ҳайдаров; маъсул муҳаррир Н.М. Маҳмудов. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.

оддий қиёс ҳам доим асосий икки аъзодан ташкил топса (яъни нима қиёс қилинади, нима билан қиёс қилинади — қиёс қилинувчи ва қиёс қилинадиган предмет), метафорада фақат иккинчи аъзо — ўхшатиш нарса қолади, ўхшаган нарса туширилади, лекин у контекстан очиқ сезилиб туради, демак, метафорада тасвирланаётган предмет ана шу иккинчи аъзо орқали идрок қилинади»¹ дея таъкидласа, тилшунос М. Йўлдошев: «Тилшуносликда мазмун жиҳатдан метафораларнинг уч тури, яъни одатий метафоралар, синестетик ва жонлантириш метафоралар фарқланади»², дейди.

Синестетик метафоралар. «Бир сезги аъзоси билан билинадиган белгини англатадиган сўзни бошқа сезиш аъзоси билан билинадиган тушунчага нисбатан қўллаш йўли билан юзага келадиган кўча маънолар (улар тилшуносликда синестетик метафоралар деб юритилади)»³.

Синестетик метафоралар таркибидаги сўзлар ўзаро зид, бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин. Бундай гайриодатий бирикмалар «оксюмарон бирикмалар» ҳам деб юритилади (*мас. Яхшидур аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон. Э.В.*).

Ўзбек тилида метафорик кўчимларни компонент таҳлил усулида текширган тилшунос олима Г.К. Қобулжонова метафорани жуда кенг тарқалган ҳодиса эканини таъкидлайди ва уни ҳамма лугавий семантик гуруҳ (ЛСГ)лар учун бир деб бўлмаслигини таъкидлайди. Ном кўчиришда муайян қонуниятлар ҳам мавжуд: турли ЛСГ лар турлича ҳолатлардаги кўчимлар учун хосланган. Масалан, ҳайвон номлари кўпроқ инсон табиатини, ўсимлик номлари ташқи кўринишини ифодалаш учун кўчади.

Ўзбек тилшунослигида метафорани системавий лингвистик жиҳатдан тадқиқ этган Г.К. Қобулжонова метафорани ўрганишнинг фалсафий асосларини қуйидагича белгилайди:

1. Объективлик (ҳар бир нарса уни ўргана бошлагунимизга қадар ҳам, кейин ҳам ўз ҳолича мавжуд).

2. Субстанциаллик (ҳар қандай ўрганиш объекти, жумладан тил бирлиги ўз сифатларининг жамул-жами бўлмиш борлиқ — материя).

3. Зиддиятли ҳодисалар орасида оралиқ ҳолатларнинг мавжуд бўла олиш имконини ҳисобга олиш⁴.

¹ Қўнгиров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. — Тошкент: 1977.

² Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. — Тошкент: 2002, — 73-бет.

³ Махмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. — Тошкент: 2009, 2-нашр, — 80-бет.

⁴ Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражани олиш учун ёзилган диссертация автореферати. — Тошкент, 2000.

Шунингдек, Г.К. Қобулжонова метафора табиати ва унга нисбатин қарашларни уч гуруҳда жамлайди. Булар:

1. Метафора ном кўчишининг (деярли) ҳар қандай усули (Арасту, Э. Кассирер).

2. Метафора қисқарган ўхшатиш (А.А. Потевня ва унинг издошлари).

3. Метафора ном кўчишининг алоҳида бир тури (А. Вежбицкая, Н.Д. Арутюнова ва ўзбек тилшунослари).

Ўзбек тилшунослигида бир гуруҳ олимлар ва тадқиқотчилар жонлантиришни метафоранинг махсус тури сифатида изоҳлайдилар. М. Миртожиев эса жонлантиришни метафоранинг мазмуний бир тури сифатида кўрсатади. М. Йўлдошев метафораларни талқин этишда М. Миртожиев сингари метафоранинг мазмуний тавсифини намоен этувчи: одатий метафоралар, жонлантириш ва синестетик метафораларни қайд этади. Умуман, юқоридаги олимларнинг барчаси жонлантиришни метафора қуршовида изоҳласалар, Л. Джалолова жонлантиришни метафорадан кескин фарқ қилиб, уни мустақил тасвирий восита сифатида талқин этади. Дарҳақиқат, жонлантириш метафорадан фарқли ҳодиса. Л. Джалолова тўғри таъкидлагандек, «унда инсонга хос ҳаракат, ҳис-туйғу, сўзлаш, фикрлаш жонсиз предметларга кўчирилса ҳам, лекин улар орқали инсон тушунилмайди»¹.

Метафора тилдаги универсал ҳодиса. Тилда мавжуд бўлган фразеологизмлар ва метафоралар, уларга бириккан маданий коннотацияларнинг ўзи билим, яъни, когнитив ўзлаштиришни ташкил этади. Шунинг учун фразеологизмлар ва образли-мотивлашган сўзлар, яъни метафоралар маданий белгиларнинг намоёниши ҳисобланади².

Сир эмаски, метафора инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасида мавжуд: унинг фикрлаши, кузатувлари ва умуман, ҳис этиб идрок этиши — барча-барчаси метафорик хусусиятлидир.

Метафора — онг универсалияси.

Метафора — тилнинг универсал ҳодисаси. У — барча тилларга тегишли. Тил ўзида ниманики намоён этиш ва ифода қилиш хусусиятига эга экан, метафора уларнинг барчасига дахлдордир.

Аристотелнинг ўзи бу ҳақда: «Метафора — сўз маъносининг жинсдан турга, турдан жинсга ёхуд турдан турга ёки муқобиллик асосида кўчирилишидир», — дейди³. Мазкур тўрт турдаги метафоралар орасида Аристотел муқобиллик асосида юзага келган метафораларни эъти-

¹ Ҳасанов А.А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида жонлантиришлар лингвопоэтикаси. Научный мир Казахстана. 4 (32) 2010. — 37–38-б.

² Маслова В.А. Лингвокультурология / В.А. Маслова: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. зав. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.

³ Аристотель. Поэтика. — Л., 1927. — 39 с.

борли деб топади. Зеро, унинг (Аристотел) учун муқобиллик — пропорциянинг ўзи: бунда иккинчи сўз биринчисига, худди шундай. учинчи ва тўртинчисига ҳам бирдай тааллуқли бўлаверади. Мисол тариқасида у: «Умрнинг кексалик даври кундузнинг шом палласига тенгдир», дея таъкидлайди. Бу ҳолатда *умр* сўзини учинчи сўз (бунда кексалик даври сўз бирикмаси бўлиб келган) — кундуз билан алмаштириш мумкин (ушбу ҳолатда биринчи метафора: *кундузнинг кексалик даври (шом палласи)* ҳамда *умрнинг шом палласи (кексалик)* сингари метафоралар ясалди)¹.

Аристотелнинг ўзи метафорага нисбатан ихчам, соддалаштирилган ўхшатиш деб қарайди ҳамда бу кўчимларни қўллашда маҳоратли бўлиш лозим, жумладан, «яхши метафораларни яшаш — (предметлар-аро) ўхшашликларни илгашдир», — дея таъкидлайди². Шунга қарамай, бу фикрга қарши тилшунос Айвор А. Ричардс, «ҳар бир лисон эгасида метафораларни қўллашга доир тажриба мавжуд бўлади; Аристотелнинг бу маҳорат ҳаммада ҳам мавжуд бўлавермайди деган фикри нотўғри. Хусусан, инсон нутқий қобилиятни ўзга лисон эгаларининг намунаси остида эгаллаб боради. Табиийки, бунда у бевосита кўчимларни қўллаш тажрибасини ҳам ўзлаштириб боради», деб ёзаркан, метафорага энг улугвор — ҳаётни идора этиш (a command of life) санъати дея баҳо беради³.

Риторика тарихида метафорага нисбатан алоҳида санъат ва эҳтиёткорлик талаб этувчи сўз ўйини, ўзгача таърифлаганда, алоҳида шакл эмас, балки нутқнинг тасвирий воситаси, беазаги қабилда ёндашилган. Бинобарин, антик давр одамида объект ва тасаввур қилинаётган субъект ўртасидаги муносабат ҳақида гўё иккита физик предметнинг ўзаро таъсирланишига монанд тасаввур мавжуд бўлган. Метафора ҳақидаги қарашлар ҳам бундан мустасно эмас: бу турдаги кўчим тўғрисидаги таълимотлар ҳатто, антик давр фалсафий қарашларининг ривожига жиддий таъсир кўрсатди: Афлотуннинг «Теэтете» номли аса-

¹ Протопопова И. Философская аллегория, поэтическая метафора, мантика: сходства и различия.

² Аристотель. Соч. в 4-х тт., т. IV. М., 1983. Шунингдек: Айвор А. Ричардс. Философия риторики. Бунда мақола қуйидаги тўплам сирасида: Кассирер Э., Р. Якобсон, А. Ричардс, М. Блэк, Дж. Серль, А. Вежбицка, А. Ортони, Ж. Лакофф, Н. Гудмен, и др. ТЕОРИЯ МЕТАФОРЫ. МОСКВА: «ПРОГРЕСС», 1990. — с.58. URL.: http://fileshare3200.depositfiles.com/auth_13415932567aa0fa1b3bc3cc9a4042fa-13.206.39.161-2033652370-119224315-guest_FS320-2/153998.doc?

³ Айвор А. Ричардс. Философия риторики. Бунда мақола қуйидаги тўплам сирасида: Кассирер Э., Р. Якобсон, А. Ричардс, М. Блэк, Дж. Серль, А. Вежбицка, А. Ортони, Ж. Лакофф, Н. Гудмен, и др. Теория метафоры. — М.: «Прогресс», 1990. — с.58. URL.: <http://fileshare3200.depositfiles.com/auth-13415932567aa0fa1b3bc3cc9a4042fa-213.206.39.161-2033652370-119224315-guest/FS320-2/153998.doc?>

рида екмбгейпн [ekmageion], яъни мум сурилган тахтача юзасида хат-тот стил (учи ўткир таёқча¹) ёрдамида ҳарфларни акс эттириши ҳақида фикр юритилади.

Когнитология метафорага инсон онгининг яширин имкониятларини юзага чиқаришда кўмак берувчи восита сифатида қарайди. Ҳамда кластерлаш орқали концептуал метафоранинг тизимлиликка ағалигини исботлайди. Холбуки, концептлар орасидаги ўзаро боғлиқ муносабатлар — образли ассоциациялар, сценарий, фреймлар назарияси шундай хулоса чиқаришга изн беради. Ўхшатилаётган предметга нисбатан ўхшатувчининг ўзига хос тушунчалар мажмуининг характери шунга мос метафорик концептни шакллантиради.

Америка тилшунослигида Дж. Лакофф томонидан таклиф этилган назарияга кўра, метафорани талқик этишга когнитив ёндашиш мақсадга мувофиқ. Метафора — соф лингвистик ҳодиса эмас, у оламни концептуаллаштириш омили бўлиш билан бирга, тафаккур далили ҳисобланади.

Рамз ва маъно кўчимлари. Семиотикада «метафора-метонимия» зиддияти (оппозицияси) тил, онг, санъат фаолиятида универсал ҳодиса сифатида эътироф этилади. Хусусан, Якобсон ўзининг 1990 йилда ёзилган «Тилнинг икки аспекти ва афатик бузилишларнинг икки типи» номли мақоласида белгиларнинг турли тизимидаги белгилараро муносабатларнинг икки турини устувор аҳамиятли деб топади: бир томондан бу элементларнинг муносабати ўхшашлик асосида (метафора), иккинчи томондан алоқадорлик асосида (метонимия) кечади.

Бинобарин, метафора ва метонимияни фарқлаш борасида ўз навбатида Пирс ҳам белги-индекслар ҳамда белги-нусхаларни фарқлаш негизида ўхшашлик асосидаги муносабат ва алоқадорлик асосидаги муносабат зиддиятини қўллаган. Соссюр эса, лисоний белгилар орасидаги парадигмагик ва синтагмагик муносабатларни фарқлаган.

Кўринадик, Якобсон концепциясининг ютуғи — олим томонидан ушбу зиддиятнинг умулаштирилгани ва универсаллаштирилганидир. Бунда метафора ва метонимия белгилараро асосий икки хил кўринишли муносабатларнинг қайта номланишидир.

Белгининг гушунча англатиш жараёнининг энг содда шакли — денотатга ишора бериш. Бундай маъно белгининг номи, ағалиши ҳисобланади. Бу ҳолат Фреге учбурчагида ўз аксини топган. Ном объектга тенг эмас. Ном нутқ иштирокчиларига аввалдан маълум қилинган бўлсагина, объектга ишора бериши мумкин. Денотатнинг номи

¹ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун қўлланма. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1983. — 6-б.

белгининг экстенсионал (предметли) маъносидир. Денотат маъноси — белгининг интенционал (мазмуний) маъноси, масалан, номланаётган объектнинг типологик, топологик ва ҳ. хусусиятлари ҳақидаги маълумот. Маъно ўз-ўзидан туғилиб қолмайди, аксинча, у бошқа маънога йўналтирувчи ҳисобланади. Маъно предметлилик ва мазмунни англантишдан ташқари, ҳис-туйғу, эмоциялар, шунингдек, кайфият билан боғланган экспрессивликни ҳам ифодалайди.

Бола лисоний белгилардан фойдаланишни кундалик турмуш тарзи давомида ўрганиб боради. Бола онтогенезида маънолар мураккаб-лашувининг қуйидаги босқичларини кузатиш мумкин:

1. Маъно денотатага «Мана» дея ишора беради. Бунда бола белгининг маъносини тушунади, бироқ, унинг мазмунини талқин қилиб бера олмайди. Бу вақтда номдан дарак кузатилмайди. Онтогенезнинг бу босқичини метафорик тарзда «инсониятнинг болалиги» деб атаса бўлади.

2. Аксарият номлар бир маъноли характерга эга бўлади: бола муайян синфга тегишли объектни атиги битта номга эгадир, деб ҳисоблайди. Бу даврда таснифлаш тамойиллари шаклланмаган бўлиб, белгининг номи воқеалар синфига мансуб бўлмасдан, ягона воқеликка тегишли деб хулоса қилинади. Масалан, икки, икки ярим ёшли бола кўчадаги йўловчиларни умумий ҳолда таснифлай олмайди: «сотувчи», «харидор», «дўхтир», «фаррош», деб эмас, «ака», «опа», «амаки», «бобо» ёки, ўйинчоқ машинани турлар (экскаватор, трактор, бульдозер, енгил машина)га ажратмай, «би-бип», «ди-дит» сингари номлар билан атайди.

3. Нисбатан мураккаб маъно хотирада «бу аввал ҳам бўлган эди» тарзида сақланаётган образга мурожаат қилиш тамойили асосида юзга чиқади. Бу усул параллелизм деб аталади.

Таъкидлаш лозимки, таниқли француз файласуфи Жак Деррида хотирадаги иллюзор белги Фрейдга ёзувдаги белгини эслагиб турганини, бу белги ёзувдаги метафорага йўналтириб турганлигини қайд этади. Бу метафора Фрейд томонидан тушларнинг таҳлилига бағишланган ишларида кўп қўлланган. Бошқача айтганда, Фрейд ўз концепциясида ёзма нутқни шунчаки дидактик ёхуд техник метафора деб талқин қилган¹. Шунингдек, Деррида юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, тушларни ёзма нутққа кўчириш жараёнида Фрейд ўзини ёзув ландшафтларида сайр қилгандек ҳис этганини қайд этаркан, ёзувни кўчирувчи эмас, ўзига хос литография, ўзига хос шакл сифатида изоҳлаганини, уни (иероглификани) метафорик тарзда — лингвистик эмас,

¹ Гурко Е. Деконструкция: тексты и интерпретация. Деррида Ж. Оставь это имя (Постскрипtum), Как избежать разговора: денегации. — Минск: Экономпресс, 2001. — 26 с.

мантиқий тарзда қабул қилганини ёзади ҳамда: «Ёзув метафораси психик аппарат ва психик матннинг ишлаб чиқилиш структурасининг муаммоларини изоҳлашда қўлланилади» дейди. Шу каби, Ф. Нишшенинг ижодини таҳлил қилган файласуф: «Ёзув маънонинг ўз-ўзидан йўқолиши ва ҳосил бўлишидир; метафора-ўзгаларни-шу ерда-ҳозир-иштирок-эттириш-мақсадида (metaphore-pour-autrui-en-vue-d'autrui-ici-bas), метафора ўзгаларнинг шу ерда ва ҳозир иштирок этишлари учун имконият сифатида, метафора ўзини ўзга пайдо бўлиши билан ёки ўзга пайдо бўлиш хавфи туғилганда яширинишга мажбур бўлган Мавжудлик, метафизика сифатида» деб айтади¹. Ўз қарашларида белги (рамз) масаласига тўхталган файласуф метонимияни матннинг мантиқий структураси, фигуратив тили деб, метафорани эса референциал тили деб изоҳлайди ва метонимияни белги (рамз)га, метафорани дискурсга тенглаштиради.

(Эътиборга олиш зарурки, белгилар тизимидан онгли фойдаланиш ҳамда белгилар маъносини идрок этмай уларга мурожаат қилиш ва улардан малака даражасида фойдаланиш ҳолати ҳам кузатилади. Масалан, бир-бир ярим яшар бола қўл телефонини «алё» деб атайди. Унинг телефон экани, алоқа воситаси экани ҳақидаги катталар берган ахборотни у қабул қилмайди. Бироқ, худди шу ёшдаги болага қўл телефонини бериб қўйилса, у телефон аппаратининг ўчирилиб ёқирилиш, менюдан зарур буйруқни танлаб, клиплар, мусиқий тўпلامдан танлаган мусиқасини эшитиб (гарчи бу жараённи нутқий томондан изоҳлашга қодир бўлмаса-да) ўтириши ҳам қўл учрайдиган ҳолатлардан биридир).

4. Содда маъно қисм (белги) бутунга тенг тамойили асосида туғилади. Бу тамойил синекдоха деб номланади ва метонимиянинг бир қўринишларидан биридир.

5. Мураккаб маъно умумлаштириш, яъни узатилаётган хабар деталлар маъносини бош ва иккинчи даражалиларга ажратиш асосидаги образни шакллантириш оқибатида юзага келади.

6. Умумлаштириш учун бир хил умумлаштириш қобилиятига эга бўлган одамларнинг биргаликдаги фаолияти (келишуви) зарур бўлади. Метафора типига кўра, тушунча пайдо бўлганда эса белги келтириб чиқарувчи тассавур денотат билан умумий кирраларга эга бўлади.

7. Белги ўзининг абстракт тушунчасини англаган ҳолда, социумда айланиб юрувчи предметли муқобилига эга бўлиши мумкин.

8. Белгининг қўшимча маънолари ассоциациялар оқибатида ҳосил бўлади. Бундай маънолар коннотатив маънолар деб аталади. Кўп мар-

¹ Юқоридаги манба, — 37-6.

талаб кетма-кет такрорланувчи воқеалар бу маънолар ўртасидаги мустақкам алоқларни юзага келтиради.

9. Давомли коннотациялар объектга эмас, дастлабки объект билан боғланган объектга йўналтиради. Коннотациялар а) умуминсоний, б) гуруҳли, касбий, в) индивидуал бўлиши мумкин.

Рамз – моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмуни. Рамзнинг моҳиятини формал мантиқ доирасида аниқ таърифлаш мумкин эмас. У идрок этувчи субъектнинг фаолиятига мўлжалланган сермаъно тизимдир. Рамзий фаолият инсон онгига хос. Немис файласуфи – неокантчи Кассирер фикрига кўра, «инсон рамзий ҳайвондир»; тил, миф, дин, фан «рамзий шакллар» бўлиб, уларнинг воситасида инсон ўзини қуршаган муҳитни тартибга солади. Рамзнинг маъноси фақат одамлар мулоқоти доирасида амалда мавжуд бўлади. У қанча сермаъно бўлса, шунча бой мазмун касб этади. Рамз структурасининг ўзи айрим ҳодиса орқали дунёнинг яхлит образини тавсифлашга қаратилгандир.

Ўзбек тилшунослигида рамзга метафоранинг бир кўриниши сифатида ёндашиш кузатилади. Масалан, тилшунос олим Ж. Лапасов шундай ёзади: «Рамз грекча шартли белги, рамз демакдир. У метафоранинг бир кўриниши бўлиб, унда ҳаётий бир нарса, тушунча ёки воқеа ифодаси учун шартли равишда кўчма маънода қўлланадиган сўз ёки сўз бирикмасидан фойдаланилади.»¹ Шунингдек, тилшунос олим М. Йўлдошев ҳам шунга ўхшаш фикрни илгари суради ва рамзни қуйидаги тарзда изоҳлайди: «Рамз – бадий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва предметлар ифодаси учун сўзларнинг маълум равишда кўчма маънода ишлатилиши»².


Рамз тушунчасини Ю.С. Степанов илмдан кўпроқ, шеърятга алоқадор деб билади. Бизнингча, бу муносабатда ўзига яраша ҳақиқат мавжуд. Зеро, Ҳ. Олимжон шеърятни тўғрисида ўйлаганимизда, гуллаётган ўрик, Муҳаммад Юсуф тўғрисида фикрлаганимизда, қизгалдоқ, Ойбек шеърятни ҳақида гапирганимизда, наъматак тимсоллари шууримизда гавдаланади. Ю.М. Лотманга кўра, бу тимсоллар, рамзлар – «сюжет гени»дир. Бироқ, буларнинг қаторида яна шундай рамзлар борки, улар тилнинг тараққиёти натижасида шаклланади. Бундай рамзлар мифологик – архетипик табиатга эга. Масалан, Хумой (форс. *Humay*, *turg-i-humay'un-bal* – бахтдан дарак берувчи қуш) – эрон ва араб, шунингдек, Марказий Осиё халқлари мифологиясида – сеҳрли қуш. Хумой мўъжизавий қақнус қушга ҳам менгзалган бўлиб, унинг сояси тушган инсон ҳукмдор бўлиши таъбир қилинган. *Хумой* сўзи-

¹ Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

² Йўлдошев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили: Методик қўлланма. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.

дан таркиб топган форсча Хумоюн исми ҳам «бахтли, саодатли» маъносини англатган. Бугунги кунда ўзбек халқида «елкасига Хумо қунди», «бахт қуши қунди» сингари метафорик ифодалар мавжуд. Шундай қилиб, маданий коннотациялар билан мураккаблашган метафора рамзга айланади. Кўп ҳолларда бу ҳодиса бир неча метафораларнинг бирикуви эвазига содир бўлади. Қайд этиш керакки, бу борада бугунги кунда кам, деярли ўрганилмаган теоморфик метафоралар мазкур метафоризация — рамзлаштириш механизмнинг фаол унсурини ҳисобланади.

Рамз — бир хил қийматли маъноларнинг йиғиндиси (конгломерати) бўлиб, бошқа троплардан шу белгиси билан фарқланади. Рамзнинг бош маъноси абстрактдир, яъни абстракт гоа конкрет мазмунда кодланган бўлиб, бунда аниқ тушунча орқали абстракт моҳиятни ифода этиш мақсад қилинади. Ўз навбатида, конкрет мазмун ҳам абстракт мазмунда кодланади — бу ҳодиса идеал маънони кўрсатиш вазидан юзага чиқади (7-расм):



7-расм. Абстракт ва аниқ мазмуннинг ўзаро алоқадорлиги

Рамзнинг бир неча фарқли белгилари мавжуд. Булар: образлилик, мотивацияланганлик, мазмуннинг мажмуавийлиги, кўпмаънолилик, рамз ифодалаган маънонинг қатъий чегара билан белгиланмаганлиги, рамзнинг универсаллиги ва архетиплиги, рамзнинг архетип ва мифнинг таркибида бўла олишлиги кабилар. Хусусан, К. Леви-Стросс қадим халқларнинг маросим ва анъаналари, илк мифологик қарашларини тотемизм, фетишизм, анимизм мисолида ўргана туриб, рамзларнинг универсал гоа ва образларнинг ифодасида муҳим ўринга эгаллигини аниқлади. Шунга кўра, метафора ва рамз — ўзаро ўхшаш ҳодисалар деб айтишга асос бор.

Шундай қилиб, гуманитар билиш шундай ўзига хос хусусиятга эгаки, субъектив дунёни унинг матнлар, белгилар ва рамзлар, хуллас, тил тарзида амал қилувчи ташқи объектив омилларини таҳлил қилиш орқалигина аниқ билиш мумкин. Тил онг ва маданиятнинг бевосита борлиги бўлиб, ижтимоий фанлар фақат ундан келиб чиқиши мумкин. «Матн», «белги», «маъно», «рамз», «тил» ва «нутқ» каби тушунчаларсиз ижтимоий-гуманитар билим тўғрисида ҳатто сўз юритиш ҳам мумкин эмас.

Бироқ бунда ижтимоий-маданий ҳодисаларни тўла формаллаштириш, шунингдек, буни формал белгилли тизимларнинг қатъий доирасига сигдириш мумкин эмаслигини эътиборга олиш лозим. Бу ҳолда рамз формал белгидан бойроқ ва теранроқдир, чунки икки (ва кўп) маънолилиқ, номуайямлиқ, ноаниқлик ва ҳатто мавҳумликка йўл қўяди.

Метафора образли-мотивлашган сўз. Метафора реал воқелик объектларини билиш, уларнинг номланиши, бадий образларнинг ва янги маъноларнинг ҳосил бўлишида асосий йўллардан бири ҳисобланади.

Метафора когнитив, номинатив, бадий ва маъно ҳосил қилувчи функцияларни бажаради¹. Х. Ортега-и-Гассетнинг сўзларига кўра, «метафора – онгнинг беқийёс қуроли, илмий тафаккур шаклидир... метафора – бу номнинг кўчирилиши»².

«Метафора – нутқнинг сўз қўллашдаги предметлар, ҳодисаларнинг қайсидир синфини билдирадиган ва ўзга синфга мансуб объектни таснифлаш ёки номлаш ёки мазкур объектга у ёки бу муносабатда муқобил бўлган бошқа синф объектларининг номланишини ангалатадиган троп ва механизмидир»³.

Метафоранинг ҳосил бўлишида тўрт компонент иштирок этади. Булар:

- объектларнинг икки категорияси,
- уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Метафора бир синф объектларининг белгиларини ўзи учун муҳим (долзарб) бўлган бошқа синф ёки индивидга кўчиради.

Икки синфга тегишли объектлар ва уларнинг хусусиятлари ўртасидаги алоқадорлик метафорада асосий бўлган иккиланиш (икки хиллилик) белгисини юзага келтиради.

Н.Д. Аругюнованинг фикрича, метафора – «нутқнинг троп ва механизми бўлиб, предметлар, ҳодисаларнинг маълум бир синфини англатувчи ҳамда ўзга синфга мансуб объектни аташ ёки таснифлаш ёки тегишли синфга муқобил бўлган бошқа объектларни номлаш учун қўлланилувчи сўзнинг истъомол таркибида мавжуд бўлади»⁴.

Метафора семантик иккиланувчидир. Метафорада мавжуд бўлган икки кўлам метафорани аниқланаётган белгидан айрича ўрганишга йўл бермайди.

Лисоний метафора моҳиятан, бир томондан таснифловчи, иккинчи томондан номловчи функцияни бажаришга қодир ва объектга унинг

¹ ЛЭС. – М., 1986.

² Ортега-и-Гассет Х. Две главные метафоры // Теория метафоры. – М., 1990.

³ ЛЭС.

⁴ Аругюнова Н. Д. Метафора // ЛЭС. – М., 1990. – 29 с.

номи сифатида бирикувчи ёки объектларга тегишли маълум бир синфнинг лисоний номинациясига айланувчи янги сўзларнинг манбаи ҳисобланади.

Сўнги ҳолатда лисоний метафоризация бир маънонинг иккинчи маъно билан алмашилишига олиб келади. Хусусан, одамга нисбатан ишлатиладиган *бўри*, *тулки*, *шоқол* сингари метафоралар таснифловчи, *самолёт қаноти*, *игнанинг кўзи*, *қозоннинг қулоғи*, *тоғ этаги*, *Мексика қўлтиғи*, *Форс қўлтиғи*, *Гвинея қўлтиғи*, *Бенгалия қўлтиғи*, *Аляска қўлтиғи*, *Игна бурни*, *Яхши умид бурни (Африка жанубида) Гибралтар бўғизи*, *Магеллан бўғизи*, *Беринг бўғизи*, *Ла-маш бўғизи*, *Сингапур бўғизи*¹ сингари метафоралар эса, номинатив функцияни бажаради.

Лисоний метафора тил ривожининг муҳим омилларидан биридир. У: синонимик воситалар ривожи, янги маънолар ва уларнинг нозик қирраларининг ҳосил бўлиши, полисемиянинг вужудга келиши, эмоционал-экспрессив лексиканинг ривожи билан боғлиқ қатор лисоний ҳодисаларнинг негизида мавжуд бўлади. Шунингдек, метафора инсон ички оламига боғлиқ тасаввурларни вербаллаштиришга имкон туғдиради. Бу ўринда Н.Д. Арутюнова: «метафорасиз «ботиний оламлар» (инсон ички дунёси) лексикаси ҳам мавжуд бўлмас эди», дея қайд этади².

Метафора бутун кундалик ҳаётимизда мавжуд бўлган ҳодиса сифатида нафақат тилда, балки ҳаракат ва фикрлаш жараёнида намоён бўлади.

Метафора сабаб, илмий фикрларнинг шиддат билан тараққий этиб бориши эвазига когнитив фан шаклланди³.

Тилшунос Ю.С. Степанов метафорага тилнинг фундаментал хусусияти дея баҳо беради⁴.

Оламини билишнинг бош мезонларидан бири — метафора, зеро, эгалланган билимнинг репрезентациялашувида энг мақбул ва самарадор воситанинг ҳам айнан метафора эканлигига шубҳа йўқ. Бу эса замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан метафорани билиш жараёнидаги асосий ментал оперция деб ҳисоблашга изн беради. Жумладан, метафоралар англатиши керак бўлган моҳият фикрлашнинг таҳ-

¹ Космогоник мифологиянинг топишмоқ ва жавобларига муҳрланган маъжозийлик дунё тилларини метафораларнинг деярли универсал серияси билан таъминлади: инсон танаси аъзоларининг номи рельеф қисмларини белгилаш қобилиятини ривожлантирди. *Қаранг:* Мечковская Н.Б. Язык и религия: Пособие для студентов гуманитарных вузов. — М.: Агентство «ФАИР», 1998. — 64 с.

² *Арутюнова Н.Д.* Метафора и дискурс // Теория метафоры. — М., 1990. 5–11 с.

³ *Арутюнова Н.Д.* Метафора в языке чувств // Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. — М., 1999. — 385–402 с.

⁴ *Степанов Ю.С.* В трехмерном пространстве языка. — М., 1995.

лилий имкониятидан келиб чиққан ҳолда, бир хилдаги натижаларни беравермайди. Бироқ когнитив ва «атомистик» семантикани ўрганган тилшунос олим А.Н. Баранов метафоранинг ички шаклдаги тасвири-ни унинг мақсад ва ҳосил бўлиш ўрнининг таҳлилий шарҳига тенглаштирмақ мумкин эмас, деб ҳисобларкан, «метафора тушунча шаклидаги ягона образ, бошқа булакларга бўлинмайдиган яхлит гештальт бўлиши лозим», — дея таъкидлайди¹.

Метафорани сўзловчининг лисоний-ментал фаолияти билан чегаралаш қийин, табиийки, инсоннинг метафороген фаолияти уни Ердаги қолган мавжудотлардан фарқлантириб турувчи ҳодисадир. Метафоранинг ўзи эса аллақачон поэтик-риторик кўламдан чиқиб кетган бўлиб, ҳозирда ландшафт унсурлари, дизайн предметлари, ижтимоий-тарихий воқеалар, бадиий стиллар ва воситалар, ахборот технологиялари ривожининг йўналиши ва ҳ. сифатида қабул қилинади.

Метафоранинг икки турини фарқлаш лозим: лингвистик метафора ва хусусий муаллиф метафоралари. Лингвистик метафоралар тил тараққиёти билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. «Бундай метафоралар асосан, аташ, номлаш вазифасини бажарганлиги учун, уларда услубий бўёқ, экспрессивлик, бинобарин, улар ифодалаган нутқ предметига нисбатан субъектив муносабат акс этмайди». Фақатгина маълум бир сўзнинг маъно доираси кенгайди ҳамда янги тушунчаларни аташ учун хизмат қилади.

Шу сингари, яқин даврларга қадар тил ҳодисаси бўлиб ҳисобланган метафора Европа тилларига оид баъзи адабиётларда, юзага келтирган ўхшатиш белгисига кўра, бир неча кўринишга ажратилади. Бу ҳол немис тилига бағишланган адабиётларда кўпроқ учрайди. Метафоралар бу асосда тасниф қилинса, улар шунча кўп кўринишга ажратиладики, унинг саногини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мазкур асос билан уни турли кўринишга ажратиб кўрсатган адабиётлар аниқ бир хил миқдор белгилай олмаганлар. Бу асос тасниф учун эмас, ҳосила юзага келиш сабабини тадқиқ этиш учун татбиқ қилиниши жоиз.

Метафоралар ва функционал-семантик синонимия. В.А. Звезгинцевнинг эмоционал-экспрессив элементлар борасидаги қарашларига ёндош ҳолда, ўзбек тилшунос олими Х. Шамсиддиновнинг фикрларини келтириш ўринли. Ҳолбуки, ўзбек тилидаги функционал синонимларни тадқиқ этган Х. Шамсиддинов уларнинг табиатига изоҳ беравкан, функционал маънони белгилашда нарса, ҳодиса, белги, ҳолат, ҳаракатга ном берилишида маълум бир денотатнинг номи бўлган

¹ Махмараимова Ш.Т. Геоморфик метафорада ментал хосликлар. Ученый XXI века/ 2015. № 5–6 (6–7). — 28–32-б.

сўзнинг ўз номига эга бўлмаган янги бир денотатга ном бериш учун жалб қилиниши билан ўз номига эга бўлган денотатни ифода мақсадига кўра қайта номланишини фарқлаш зарурлигини уқтиради. Ўз номига эга бўлмаган денотатни номлашга хизмат қилишидан англашилган маъно лексик маъно сифатида тушунилиши лозим. Ўз номига эга денотатни ифода мақсадига кўра қайта номлашдан юзага келган маъно функционал маъно сифатида тан олиниши керак. Айни шу маъно билан бошқа бир сўзга синонимик муносабатнинг пайдо бўлиши эса функционал-семантик синонимия сифатида баҳоланиб, функционал маъно билан сўзнинг синонимлиги, ўз навбатида, функционал-семантик синоним ҳисобланиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, нолисоний ном кўчиши ҳодисаси саналган метафора, метонимия, синекдоха ҳамда лисоний ҳодиса ҳисобланган эллипсис таъсирида юзага келган номланишлар маҳсули бўлган маънолар ҳам сўзларнинг лексик-семантик маъноси эмас, функционал-семантик маънолари сифатида кўрилиши керак.

Кўпинча, луғатларда берилган сўз изоҳидан сўзнинг кўчма маъносига йўналиш берувчи жиҳатни белгилаб бўлмайди. Ном кўчишига йўналиш берувчи жиҳат сўз англатган денотатнинг турли белги-хусусиятларининг инсон тасавурида, хотирасида мавжуд у ёки бу белгининг ижобий ёки салбий баҳоси билан инсон онгида барқарорлашганлиги билан боғлиқ бўлади. Ном кўчаётганда, ана шу тасавурлар фаоллашади, натижада денотатнинг муҳим бўлган жиҳатлари билан боғлиқ тасавурлар нейтраллашади ёки иккинчи планга ўтади¹. Тилшунос олимнинг бу ўринда келтирган таъкидлари ўринли: «синонимларда уларни бирлаштириб турадиган бир хил маъно бўлиши билан бирга, ўзаро фарқлаб турадиган белгилар ҳам мавжуд»². Ҳ. Шамсиддинов ўз фикрини адабиётларда синонимларга берилган таърифлар билан далиллайди: «фақат бир туркумга оид сўзларгина ўзаро синонимик муносабатда бўла олади»; «икки ёки ундан ортиқ сўзнинг синонимлигини белгилашда лексик маъно билан контекстда реаллашадиган маъносини фарқлаш керак бўлади. Синонимлик лексик маънонинг бир хиллигига кўра бўлади. Лексик маъно билан контекстда реаллашадиган маъно асосида синонимлик ҳосил бўлмайди»³. Синонимлар луғатидаги **айёр, муғомбир, ҳийлагар, қув, устомон, маккор,**

¹ Шамсиддинов Ҳ. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати (уқув қўлланма). – Тошкент: «Университет», 2008 йил, – 6–8-бет.

² Юқоридаги манба, – 4-6.

³ Шамсиддинов Ҳ. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати (уқув қўлланма). – Т.: «Университет», 2008 йил. Муаллиф келирган ҳаволалар ушбу манбаларда: Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: «Фан», 1981. – 314-б.; Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1957. – 528-б.

доғули, мўлтонни, қилвир(и), шайтон, тулки, туллак, қирриқ, хирпа, мастондан иборат синонимик қатордан Х. Шамсиддинов томонидан мўлтонни, шайтон, тулки, туллак, мастон сўзларини лексик синонимлар қаторидан чиқариш таклифи берилади. Бунга олимнинг юқоридаги сўзларнинг айёр сўзига синоним бўлиши учун, аввало, у каби сифат сўз туркумига мансуб бўлган сўз бўлиши лозимлиги таъкидланади. Қолаверса, улардаги **айёр** семаси кейинги, функционал маънонинг таъсирида юзага келган. Қолган сўзлар эса ўзининг асосий маънолари билан синонимик муносабат ташкил этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, нолисоний ном кўчиши ҳодисаси саналган метафора, метонимия, синекдоха ҳамда лисоний ҳодиса ҳисобланган эллипсис таъсирида юзага келган номланишлар маҳсули бўлган маънолар ҳам сўзларнинг лексик-семантик маъноси эмас, функционал-семантик маънолари сифатида кўрилиши керак.

Сўзларнинг сўз функционал-семантик синонимларининг салмоқли қисми метафорик кўчиш асосида амалга ошади. Кўпинча, луғатларда берилган сўз изоҳидан сўзнинг кўчма маъносига йўналиш берувчи жиҳатни белгилаб бўлмайди. Ном кўчишига йўналиш берувчи жиҳат сўз англатган денотатнинг турли белги-хусусиятларининг инсон тасавурида, хотирасида мавжуд у ёки бу белгининг ижобий ёки салбий баҳоси билан инсон онгида барқарорлашганлиги билан боғлиқ бўлади. Ном кўчаётганда, ана шу тасавурлар нейтраллашади ёки иккинчи планга ўтади. Эшак сўзининг **аҳмоқ, қайсар** маъноларида қўлланишида шу ҳолатни кузатиш мумкин. Аслида эшак итоаткор, ювош маҳлуқлиги билан ижобий баҳоланиши ҳам мумкин. Лекин бу жиҳатлар бундай қўлланишда ўз қимматини йўқотади. Шу билан бирга, ижтимоий онгда мавжуд унинг ҳайвонлиги билан боғлиқ тасавур бутунлай аҳамиятини йўқотмайди. Айни шу бутунлай аҳамиятини йўқотмаган тасавур инсон билан зиддият вужудга келтириб, метафоранинг таъсирчанлигини, эмоционал-экспрессивлигини белгилайди.

Лекин бундай самара барча метафораларда ҳам бирдай кечмайди. Масалан, жўжа сўзининг метафорик қўлланишида бирмунча бошқа ҳолат кузатилади. Бунда инсоннинг ўз боласини жўжа орқали аташига йўналиш берувчи жиҳатлар мавжуд. Маълумки, барча жонли мавжудотлар насл учун қайғуради. Товуқ эса ўз феъл-атвори билан инсонга энг таниш паррандалардан. Унинг жўжаларга бўлган жонбозлиги, меҳрибонлиги, жўжаларнинг эса онасига боғланиб қолганлиги мазкур сўзнинг бола ўрнида қўлланилишига имконият яратган. Бу ҳолатда жўжа сўзи билан боғлиқ парранда тасавури умуман нейтраллашиб кетади. Жўжаларнинг ҳимоясиз жонзот эканлиги фаоллашади. Жўжа сўзининг ўзида товуқнинг боласи семаси мавжуд. Бола сўзига

унинг синоним сифатида йўналиш берган сема ҳам шу. Жўжа сўзининг фарзанд сўзига функционал-семантик синоним бўлмаслигининг ўз сабаби бор: фарзанд ёш жиҳатдан чегараланмаган. Боланинг маъноси гўдаклик билан боғлиқ. Мисоллар: Ёмон оғрияпти, болам. Шу бир бало бўлиб, ўлиб-нетиб қолмайда. Хотин у ёқда касал, жўжаларнинг ҳоли нима кечади? (С. Аҳмад. Ҳукм) Нечтадан ёш жўжаларимиз бор... биз ўзимиз оч-яланғоч ўта берамиз: ёш бола уни билмайди: «нон» дейди, «ош» дейди... (Чўлпон. Кеча ва кундуз)¹.

Метафора ва ўхшатиш. Тилшунос олим, профессор Н. Маҳмудов тилнинг тасвирий воситалари тўғрисида шундай дейди: «халқнинг тийнати ва табиатини, руҳияти ва менталитетини тилдан айри ҳолда тасаввур қилиб ҳам, гадқиқ этиб ҳам бўлмайди. Тилдаги бирликларда айниқса, образли сўз, ибора-ифодаларда халқнинг ментал ўзига хослиги муайян тарзда инъикосини топади. Зотан, бундай образли ифодалар халқнинг теран дунёқараши, образли нигоҳи, идроки ва тафаккури маҳсули ўлароқ дунёга келган.

Мутахассислар ҳақли равишда таъкидлаганидек, «халқнинг маданияти ва менталитети ҳақидаги маълумотларнинг энг қимматли манбаси фразеологизмлар, метафоралар, рамзлар ва шу кабилардир, уларда асотирлар, афсоналар, урф-одатлар гўёки консервацияланган ҳолатда сақланган бўлади». Бошқача айтганда, халқнинг бениҳоя бой тарихий-маданий, этник-маънавий тажрибалари, яъни унинг ўзигагина хос «оламнинг лисоний манзараси» (Л. Вейсгербер) тил воситасида шакллангани каби, мазкур тажрибаларнинг барчаси айнан халқнинг тилида ўз ифодасини топади, шу тилда яшайди ва мунтазам равишда авлоддан-авлодга ўтиб келади».

Ўз даврида Цицерон ҳам метафоралар тўғрисида жонли ўхшатишни қўллаб, шундай ёзганди: «Кўчма маъноли сўзларни (метафораларни) қўллаш нутққа «уни юлдузларга буркаган мисоли» ёрқинлик ва жило бахш этади»². Д. Дэвидсон эса метафорани тилнинг уйқуси, орзусига қиёс этади.


Ўхшатиш, метафора каби ҳодисалар тилшуносликда компаратив троплар деб ҳам юритилади. Бунда, албатта, ўхшатишининг асосида ҳам, метафоранинг асосида ҳам қиёслаш-ўхшатиш усули ётгани эътироф этилади. Аслида метафора ҳам ўхшатиш, фақат у — яширин ёки қисқарган ўхшатишдир. Буни ўз вақтида Аристотел жуда аниқ ва содда қилиб кўрсатиб берган. Унинг фикрича, ўхшатиш ҳам метафорадир, чунки улар ўртасида арзимаган фарқ мавжуд, холос. Масалан,

¹ Шамсиддинов Ҳ. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати (ўқув қўлланма). — Тошкент: «Университет», 2008 йил.

² Цицерон М.Т. Три трактата об ораторском искусстве / МТ. Цицерон [под ред. М.Л. Гаспарова]. — М.: Науч.-изд. центр «Ладомир», 1994.

шердай ташланди тарзидаги ифодада ўхшатиш бор, агар ифода шер ташланди тарзида ўзгартирилса, метафора юзага келади. Баъзи тадқиқотчилар «метафора-ўхшатиш» терминини ҳам қўллайдиларки, бунда улар ўртасидаги умумий жиҳатлар эътироф этилади¹, уларнинг заминидаги асосий омил ўзининг аниқ ифодасини топади. Ўхшатишга жуда яқин ҳодиса бўлган метафораларнинг ҳам турғун ва эркин турлари фарқланади. Турғун метафораларга нисбатан В.В. Виноградов «узуал метафоралар» терминини қўллаган.

Фанда метафорани ўхшатишнинг ҳамда зидлантиришнинг қисқартирилган шакли деган қарашлар маълум² (8-расм).



8-расм. Метафора сөдир бўлишининг содда механизми

Метафора ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг энг фаоли ҳисобланади. У, тилшуносликда қайд этилишича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланган кўринишидир. Шунга қарамай, айрим мутахассислар, юқорида келтирилганидай, «метафора — ўхшатишнинг қисқарган шакли» — деган изоҳни илгари сурадилар³. Метафора билан ўхшатиш конструкциянинг ўзаро фарқи ҳақида тилшуносларимиз ўзларининг фикрларини айтиб ўтишган. Уларда асосан куйидаги фарқлар санаб ўтилади: 1. Ўхшатишда сўзлар ўз маъноси билан иштирок этади. Метафорада сўзлар доимо кучма маънода бўлади.

2. Ўхшатишда икки компонент — ўхшатиловчи объект ва ўхшовчи образ қиёсланади. Метафора эса бир компонентли бўлади.

¹ Тилнинг ижтимоий моҳияти (бадий ва публицистик матнларда тил birlikларининг ижтимоий ҳосланиши). Услубий қўлланма. Тузувчи: Б. Йўлдошев. — Самарқанд: СамДУ нашри, 2012.

² Теория метафоры: Сборник: Пер. с англ., фр., нем., исп., польск. яз. / Вступ. ст. и сост. Н.Д. Арутюновой; Общ. ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной. — М.: Прогресс, 1990. — 512 с. — 18 с.

³ Миртожиев. М.М. Ўзбек тили семасиологияси. — Т.: «Мумтоз сўз», 2010. — 94–95-бет.

3. Ҳшатишларда кенгайиш имконияти кўп, бир гап ҳатто абзац даражасида кенгайиши мумкин. Метафоралар эса сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлади. Ҳшатишда махсус кўрсаткичлар бўлади: -дек, -дай, -симон, -ларча, каби, сингари, Ҳшамоқ ва бошқалар. Метафораларда бундай кўрсаткичлар бўлмайди (5-жадвал).

5-жадвал

МЕТАФОРА

ҲШАТИШ

МЕТАФОРА

ҲШАТИШ

Бир-бирига Ҳшаш икки буюм ўртасидаги Ҳшатиш бўлиб, буюмнинг номи Ҳшатилаётган буюмнинг номи билан алмаштирилади. Битта буюмнинг номи ўзиники бўлмай, ўзга буюмнинг номига ишора қилади.



Бир-бирига Ҳшаш икки буюм ўртасидаги Ҳшатиш бўлиб, Ҳшатилаётган буюмнинг номига монанд ном келтирилади, бу уринда бевосита, *мисоли, мисли, гўё, гўёки, каби* Ҳшатувчилари, *жуналиш келишиги + Ҳшаб, жуналиш келишиги + монад* бирикмалари, *-дай, -дек, -симон* сингари Ҳшатиш формантлари иштирок этади. Мазмунан ва шаклан айнан ўзга предметга қиёс этилади.

Ўқувчига манзарани тасвирлаб кўрсатади.



Ўқувчига манзарани мисоллар кўмагида тасвирлаб кўрсатади.

Мен буни сизга миллион марта айтганман. Шунчалар очманки, ҳатто бутун бир оғни ямлаб ютишим мумкин.



У боладек йиғларди. Ҳёт бир қути конфетга Ҳшайди. У арига Ҳшаб тиним билмайди.

Когнитив метафора ва концептуал метафора. XX асрда Дж. Лакоффнинг концептуал метафора назарияси ҳамда когнитив парадигманинг эътироф этилишига қадар, «когнитив» ва «концептуал» метафора атамалари рус тилшунослигига XX асрнинг 80-йилларида киритилди.

Бу атаманинг кириб келишида хориж олимларининг «когнитив тилшуносликнинг биринчи босқичи» (тахминан 1960–1980 йиллар) деб ном олган йўналиш доирасида амалга оширган тадқиқотларининг таржима қилиниши сабаб туғдирди.

Бу йўналишнинг етакчи вакиллари қаламига мансуб асарлар «Метафора назарияси»¹ тўпламига киритилган.

Когнитив семантиканинг ғоялари ўз даврида Н. Хомскийнинг структур тилшунослик борасидаги қарашлари таъсирида ривожланиб келаётган Америка тилшунослик мактаби учун туб бурилиш ясади.

Рус тилшунослигининг когнитив йўналиши ҳамда Америка ва Европа когнитив тилшунослиги ўртасида фарқликлар йўқ эмас.

Калифорнияда, айнан Беркли ва Сан Диегода яшаб фаолият юритган тилшунос олимларнинг тадқиқотларида юз очган когнитив тилшунослик, бирламчи когнитив механизм сифатида инсон тафаккури ва тажрибасини структуравий тартибга солувчи метафорага ишора беради. Шунингдек, метафорага тил ва нутқда ўзининг ёрқин ифодасини топувчи, фикрий жараён, хулқ, илмий билишни белгилувчи унсур сифатида қаралади.

XX аср охирида метафора дастлаб кўринганидан фарқли, мураккаб ва муҳимроқ ҳодиса сифатида тан олина бошлади. У, Маслованинг таъбирича, тил, маданият, фан, турмуш ва бутун оламга синга бошлади².

Когнитив тилшуносликнинг ривожини билан когнитив/концептуал метафораларнинг долзарблиги — аҳамияти ошди. Когнитив метафора оламини концептуаллаштириш шакллариининг биридир, бу янги тушунчаларни ифодаловчи ва шакллантирувчи когнитив жараён бўлиб, унингсиз янги билимларни эгаллаш мумкин эмас.

Ортега -и-Гассетнинг фикрича, метафора фикр қуролидир, у ёрдамида биз ўзимиздаги концептуал қўламнинг энг чекка ҳудудларига ета оламыз³.

Метафоранинг туғилиши тил эгаларининг фақат тилда вербаллашадиган концептуал тизими, уларнинг олам тўғрисидаги стандарт тасаввурлари, баҳолаш тизими билан боғлиқ. Демак, метафора — хулосалаш илмининг, фаразларни илгари суришнинг ўзига хос моделидир.

¹ *Кульчицкая Л.В.* Понятия «когнитивная» и «концептуальная» метафора В отечественной лингвистике раннекогнитивного периода. Вестник бурятского государственного университета 11/2012. — 86-6.

² *Маслова В.А.* Лингвокультурология / В.А. Маслова: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. зав. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.

³ *Ортега-и-Гассет Х.* Две великие метафоры / Х. Ортега-и-Гассет // Теория метафоры [вступ. ст. и сост. Н.Д. Арутюновой; общ. ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной]. — М.: Прогресс, 1990.

Н.Д. Арутюнова буйича, метафора — конкрет предметнинг ёки ҳодисанинг индивидуаллиги (ўзига хослиги)ни сезиш, ҳис этиш ва унинг бетакрорлигини узатишдир¹.

Метафора — икки ашё, нарса ўртасидаги аналогияни ҳосил қилишнинг чуқур кириб борувчи яширин жараёнидир, у шундай стратегияки, унинг ёрдамида таниш вазият ёки тушуниб етилган моҳият бошқа нотаниш вазиятнинг устига уни тушуниб этиш мақсадида юкланади. Бу — ўзга нарсага ўхшаган бир нарсани кўриш усулидир, бевосита, нязиятлараро ассоциацияланувчи тушунчаларнинг бутун бир комплекси орқали кўчишдир.

Метафоризацияга йўл — конкретдан мавҳумга, моддийдан маънавий-руҳийга қараб ташланади. Метафора мавҳум нарсани тушунишни енгиллаштиради, у фикрлаш ва оламни билишнинг универсал қуроли ҳисобланади. Концептуаллаштириш асосида метафоризациянинг антропометрик тамойили ётади.

Метафора идеал ҳодиса сифатида, когнитив тилшуносликда «концептуал метафора» ва «когнитив метафора» деган номни олган. Яъни, метафорага бундай ном бериш унинг нейрон ёхуд концептуал даражадаги воқелик эканини белгилаш билан изоҳланади. Бундай ёндашув бош миянинг икки даражали фаолиятига тегишлидир.

Когнитив метафора механизм сифатида нейрон алоқаларнинг фаоллашуви даражаси (нейропсихология тилидаги нейрофизиологик фаоллик даражаси)да кечувчи жараёнлар билан алоқадор бўлса, концептуал метафора инсон тафаккурининг тушуниш, мулоҳаза қилиш, хулоса қилиш даражасига тегишли бўлади. Когнитив метафоранинг локуси бош миянинг нейрофизиологик субстрати ҳисобланади. Концептуал метафоранинг локуси эса, ақлий фаолият ва тушунчавий фикрлаш жараёнидир.

Концептуал метафора тил ва нутқда лингвистик метафора орқали инъико этилади. Лингвистик метафоралар (метафорик ифодалар)га кўра, фикрий жараёндаги метафора ва когнитив метафорик жараёнлар тўғрисида билвосита хулоса қилиш мумкин.

Метафора дастлаб фикрий жараёнда туғилади, сўнгра, амалий, яъни нутқий фаолиятга кўчади.

Америка тилшунослик мактаби ва унинг хориждаги ғоядошлари когнитив ва концептуал метафораларга шу зайлда шарҳ беради. Ушбу атамалар Н.Д. Арутюнова, В.Н. Телия, Е.О. Опарина, сўнгра О.Ю. Буйнова ишларида учрайди.

Жумладан, Н.Д. Арутюновада когнитив метафора лисоний метафоранинг: номинатив (номнинг кўчиши), образли идентификация-

¹ Арутюнова Н.Д. Вступительная статья /Н.Д. Арутюнова//Теория метафоры. — М.: Прогресс, 1990.

ловчи (дескриптив маънонинг предикатга ўтиши), генерализацияланувчи (генерализирующая) сингари метафоралар қаторида функционал тип сифатида намоён бўлишини таъкидлайди¹. Когнитив метафоранинг асосий вазифаси — янги маъно ҳосил қилиш. Бу жиҳатдан, Н.Д. Аругюнова когнитив метафоранинг қуйидаги жиҳатини таъкидлайди: 1) белги англатувчи сўзлар предикат маъносининг метафоризацияси; 2) метафорик кўчим давомида янги маъно ва тушунчаларнинг ҳосил бўлиши; 3) билиш қуролининг роли (гносеологик роля). Шундай қилиб, биринчидан, когнитив метафора янги маъноларнинг ҳосил бўлиши билан кечувчи предикат сўзлар қўламидаги метафорик кўчимдир; иккинчидан, когнитив метафора юқоридаги кўчимнинг натижасидир (бунда когнитив метафора янги мазмун билан иккиламчи тўлдирилган эски белги сифатида тушунилади).

В.Н. Телиянинг ҳам қарашлари Н.Д. Аругюнованинг фикрлари билан ҳамоҳанг бўлиб, у ҳам когнитив метафорани лисоний метафора деб ҳисоблайди. Хусусан, В.Н. Телия метафоралар бажарадиган вазифалар қаторига: идентификацияловчи (ёки индикатив), предикатив, баҳоловчи, эмотив (баҳоловчи-экспрессив) ва образли каби турларни киритади. Олима буларнинг баъзи бирлари янги маънони ҳосил қилиб, когнитив вазифани намоён қилади, деб ҳисоблайди ва уларни когнитив деб атайди².

Шундай қилиб, тилшуносликда метафоранинг когнитив функциясига янги маънони ҳосил қилиш сифатида, тушунча (ёхуд концепт) тариқасида ёндшиш натижасида, фанда икки ассоциатив алоқадаги атамалар пайдо бўлди: «метафоранинг когнитив функцияси» (ўхшашлик асосидаги кўчим) → «когнитив метафора» (илмий метафора) → «концептуал метафора».

Демак, XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида «когнитив метафора» ва «концептуал метафора» атамалари жаҳон тилшунослигида синоним сўзлар сифатида қўлланилди. Дж. Лакофф ва унинг издошлари учун когнитив метафора нейрон алоқаларнинг фаоллашув механизми (бош мия фаолиятининг нейрофизиологик даражаси)дир, концептуал метафора эса тушунчавий қўламлар алоқадорлиги (тушунчавий фикрлаш жараёни)дир.

Тилшуносликнинг янги йўналишлари равақ топа бошлаган XX асрда метафора, умумий ҳолатда бириктирувчи феноменга айланди ва унинг тадқиқи когнитив фаннинг бош мақсадларидан бирини

¹ Аругюнова Н.Д. Функциональные типы языковой метафоры // Известия АН СССР. Сер. Литература и языкознание. 1978. — Т. 37. — №4. — С. 333–343.

² Телия В.Н. Метафоризация и ее роль в создании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке: Язык и языковая картина мира. — М.: Наука, 1988. — С. 173–204.

акс эгтиради. Бу даврда билдирилган фикрлар, қарашлар муайян назарий асосга эга бўлмаса-да, олимлар орасида Э. Маккормакнинг «Метафоранинг когнитив назарияси» номли тадқиқи бу борадаги изланишларнинг суратига яхшигина тўртки бўлди.

Ўз муносабатларида Э. Маккормак метафорага билиш омили, билиш жараёни сифатида ёндашди. Унингча, инсон онги томонидан аниқ ташкилий операциялар йўли билан нисбатан таққос этилмайди-ган семантик концептларнинг қиёсланиши метафоранинг юзага келишида асосий сабаб бўлиб хизмат қилади. Бир томондан, тушунарлиликни таъминлаш учун метафора ўзининг семантик референтлари ўртасидаги ўхшашликни эҳтимол қилади, иккинчи томондан эса икки референт ўртасидаги ноўхшашликни таъминлайдики, бу билан метафора ўзидаги янги маъно ҳосил қилиш қобилиятини исботлайди.

Бевосита кўриб, кузатиб бўлмайдиغان объектларга нисбатан ҳиссий-ўзлаштирилувчи белгиларни йўллаш орқали когнитив метафора гносеологик (билиш) функциясини бажаради. У қабул қилиниши физик предметлар ва кузатиладиган ҳодисаларнинг белгиларига муқобил бўлган мавҳум моҳиятни тавсифловчи иккинчи даражали предикат-сифатлар, феъллар кўламини шакллантиради. Бундайин когнитив метафоралар семантик нозик дифференцияланган туйғулар тилини яратади ва айни вақтда семантик яқинлик тенденциясини намоён қилади. Масалан, *севги оташи, ишқ олови* сингари.

Когнитив метафора, таркибан предмет белгисининг жараён, вазият, далил, гоё, концепциялар назарияси ва бошқа абстракт тушунчаларга кўчимида мавжуд бўлади ва тилга изчиллик, сабаб, мақсадга йўналганлик, хулосалаш, шартланганлик каби мантиқий предикатларни узатади. Бу борада тушунчаларнинг турли тизимлари ўртасида аналог яратувчи ва нисбатан кўп қўлланиладиган калит (таянч) метафоралар ҳам кузатилади. Калит метафоралар воқеликнинг битта аргумент образини унинг лавҳаси (фрагменти)га кўчиради.

Метафора – олам тўғрисидаги фикрий фаолиятнинг вербаллашган усули. Бу масала билан XX асрнинг 70–80-йилларида А. Хили, Р. Харрис, А. Ортони, Р. Рейнолде каби олимлар шуғулландилар. Бу борадаги аниқ хулосалар Дж. Лакофф ва М. Джонсоннинг изланишларида кузатилади¹.

Ҳар бир тил эгаси ўз нутқида метафораларни, яъни лисоний образларни вужудга келтиради. Зеро, тил когнитив жараёнларни юзага келтирувчи асосий омил сифатида, инсоннинг бошқа турдаги фаолиятдан фарқли равишда, онг, қабул қилиш, хотира, масалалар ечими, тафаккурни ўзида намоён этади.

¹ Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. – М., 1990.

Турғун метафорик конструкцияларнинг аксиологик мақоми тил эгаларининг онгига мухрланган бўлади. Бу мақом окказионал метафорик қўлланилиш ҳолатида метафорик конструкциянинг асосини ташкил этувчи лисоний бирликнинг мақомига мувофиқ актуаллашадди (долзарб аҳамият касб этади). Метафорик синтагманинг семантик маъноси чизиқли структурага эга эмас, бошқача айтганда, метафорик бирликнинг ахборот потенциали уни ташкил этувчи компонентлар маъноларининг йигиндисига тенг бўлмасдан, тил эгаларининг хотираларида ўрнашган сигнификатли-миқдорий семантик қайта шаклланишларнинг асосида ажратиб олинади.

Метафорик конструкциянинг асосий ахборотли мундарижаси унга жойлаштирилган предикатли белгининг маъносига тенг бўлади ва коннотатив маъноларнинг бутун бир мажмуаси билан мураккаблашади.

Тил эгаси онгида предикат маънога тенглаштирилган коннотатив образлар белгилардан битгаси ёки бир қатор тавсифларни тасвирий ойдинлаштириш ёхуд идентификацияга йўналтирилади. Биринчи ҳолатда гап таркибидаги коннотативнинг фаолияти предикатив функция билан аниқланади, яъни коннотат таркибига жойлаштирилган ахборот белгининг маъносини очиб берувчи структур компонент сифатида юзага чиқади: *куз > хазон > сариқ > олтин куз*.

Предикатив даражадаги коннотатларга реал воқелик образларини номлашга мўлжалланмаган образлар тегишли бўлади: *тоғ, уммон, осмон*. Уларнинг гапдаги вазифаси предикат маънолардан бирорғасининг намоиши билан чегараланади: *тоғ — улкан, уммон — маҳобатли, осмон — мовий*.

Агар коннотатив образ тил эгасининг онгида бир эмас, бир неча предикатив тавсифлар билан қиёсланса (*тоғ — улкан, маҳобатли, мовий*), метафорик белгининг маъноси ҳар бир алоҳида олинган вазиятда контекстга кўра аниқланади (бирок, предикатив белгининг имплицитли ифодасига мос келувчи сигнификатив функцияга кўра, коннотатив акс этгиришда лексеманинг нисбатан турғун метафорик маънони ифода этиши ҳам — ҳақиқат).

Коннотатив образ аддитив маънолар мажмуасининг манбаи сифатида, бирорта ҳам предикатив тавсифга тўғридан-тўғри тегишли бўлмаган ҳолда эса, коннотативнинг номинатив-предикатив функцияси ҳақида гапиришга тўғри келади. Номинатив функцияда ишлатилган коннотатив образга тааллуқли предикатив белги маънолари нутқий вазият ва нутқ субъектиининг индивидуал хусусиятига кўра ўзгариши мумкин. Коннотативнинг тил тизимидаги иштироки номинатив ёки предикатив функционал маънолардан бирортасининг доирасида кечади¹.

¹ Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. — М., 1976; Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. События. Факт. — М., 1988.

Агар битта предикатив белгини долзарблаштиришга мўлжалланган коннотатив образ номинатив функцияда келса, у билан уйғунлашаётган (ассоциациялашаётган) метафорик тавсифлар майдони одатда, ўзига квантитатив метафорани ҳосил қилувчи белгининг бирламчи маъносини киритади. Аммо кўп ҳолларда бир коннотатнинг ўзи предикатив ва предикатив-номинатив функцияда турли метафорик тушунчаларни англатиши мумкин.

Қайд этиш керакки, тил тизимида реал воқелик объектларининг структур компонентлари ёки алоҳида олинган қисмларини метафорик номлашда потенциал ишлатилиши мумкин бўлган предикатив планли коннотатлар иштирок этади: «*пар*» (булут); «*тулпор*» (машина).

Гапдаги бу турдаги коннотатив образлар генитив метафорик бирикмаларнинг ясалиши учун асос бўлиб хизмат қилади: *қонли шафақ*, *изғирин аччиғи* ва Ҳ. Коннотатнинг номинатив функцияда ишлатилишида метафорик кўчимларнинг маъноси тил эгаларининг онгида сақланиб қолган коннотатив образ ва нутқ субъектининг интенционал қарори (установкаси)га кўра аниқланади.

Коннотатнинг ёрқин ифодаланган субъектив баҳоси мавжуд бўлмаганда (масалан, *оқ халатли кишилар* — врачлар сингари ажралмас бирикмаларда), метафорик конструкциянинг маъноси услубий функциялар билан чегараланади. Гапдаги бу турдаги метафорик бирикмалар бетараф лисоний бирикларнинг синонимик вариантлари сифатида намоён бўлади ёки нутқ адресатига қўшимча эстетик таъсир кўрсатиш учун қўлланилади.

Метафорик маънолар тизими реал ҳақиқатни эмоционал-экспрессив акс эттиришга йўналтирилади. Исталган (квантитатив ёки сигнификатив) метафорик кўчим гиперболизацияга, шу кўчим ёрдамида долзарблашаётган белгининг юқори даражадаги ифодасига мойил бўлади. Бу айниқса, потенциал-ситуатив тасаввурдаги белгини очиб берувчи метафорик бирикмаларда кўпроқ намоён бўлади. Кўргазмали-иллюстратив шаклдаги метафорик конструкциялар белгининг юзага чиқишига доир экстремал эҳтимолли вазиятларни ёки ўзгалар томонидан бу белгига нисбатан реакциясини тасвирлайди. Объектив реаллик билан тўқнашувга жавобан инсон онгида содир бўлувчи психик жараёнларнинг акс эттирилиши иккиламчи номинация воситалари тизимининг асосий функционал маъноси ҳисобланади.

Белгини метафорик конструкциялар воситасида интенсификациялаш имконияти борлиқ ҳақидаги тасаввурларнинг субъектив табиатига ишора беради ва шу орқали норма (меъёр)нинг воқеликни акс эттиришнинг нисбатан нейтрал (бетараф) усули экани тўғрисидаги масалани кўндаланг қилади. Норма ва идеал метафорик тасаввурга тегишли одатий ва асосий тушунчалардир.

Инсонни ўраб турган объектлар ва ҳодисалар миқдорий ва сифатий тавсифларга эга бўлиб, бу тавсифлар тегишли структуранинг узвий қисми сифатида инсон онги томонидан акс эттирилади. Белгиларнинг акс эттирилиш даражаси нисбатан фаол қўлланувчи маънога — объектлар синфига умумий ҳолда тааллуқли бўлган умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида муҳрланади.

Дж. Лакофф қуйидаги қарашларни инкор этади:

— исталган предметни метафорасиз, ўз маъносида тушуниш мумкин;

— метафора энг кўп ишлатиладиган соҳа — шеъриятдир;

— метафоралар фақатгина нутқий ифодалардир;

— метафорик ифодалар ўз моҳияти билан ҳаққоний эмас. Фақат том маънодаги тил ҳаққоний бўлиши мумкин¹.

Дж. Лакофф ва М. Джонсон кундалик нутқдан мисоллар келтириб, юқоридаги қарашларга қарши қуйидаги хулосаларни илгари сурдилар:

— Метафора — бизнинг мавҳум тушунчаларни тушунишимиз ва мушоҳада қилишимиз учун ёрдамлашувчи муҳим механизм.

— Табиатан метафора — нутқий эмас, балки концептуал ҳодиса.

— Метафорик тушунча метафорик бўлмаган тушунчага, яъни бизнинг сенсомотор тажрибамизга асосланади.

— Умум томонидан қабул қилинган концептуал метафораларнинг тизими асосан англомаган, автоматик характерли бўлиб, сезиларли куч сарфланмай қўлланилади.

— Метафора мантиқий ўхшашликдан кўра кўпроқ, тажриба билан мувофиқликка асосланади. «Манба-ҳудуд» ва «манба-нишон» уз-узича бир-бири билан боғланмаган.

— Метафоралар тизими тилнинг луғат таркиби ҳамда грамматикасида катта ўрин эгаллайди.

— Шеъриятдаги метафора — кўпроқ, биздаги умумқабул қилинган метафорик тафаккур тизимининг кенгайишидир².

Мазкур назарияга кўра, метафора нафақат нутқ орқали, балки жест ва маданий ҳаракатлар ёрдамида ҳам ифода этилиши мумкин. Шу жиҳатдан, метафораларнинг тадқиқи тил ва маданият ўртасидаги алоқадорликка доир бажарилаётган тадқиқотларга ривож бериши мумкин.

Замонавий когнитив тилшунослик метафорани нутқни безовчи троп сифатида эмас, фикрлаш шакли сифатида қабул қилади. Коммуникатив фаолиятда метафора — адресатнинг тафаккури, туйғулари,

¹ Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. — М., 1990.

² Лакофф Д., Джонсон М. Юқоридаги асар.

иродасига таъсир курсатишнинг кучли омили. Шундайин, олим учун метафорик образлар таҳлили — ментал жараёнларни ўрганиш ва индивидуал, жамоавий ва миллий ўзликни тушуниб етиш усули ҳисобланади.

Дж. Лакоффнинг назариясига кўра, инсоннинг тажриба туплаш учун метафорани ишга солиши — инсон тафаккурининг муҳим галабасидир¹. Ҳатто рационал тафаккур ҳам маълум даражада метафорик моделларга таянади. Зеро, Дж. Лакоффнинг ўзи ҳам метафоранинг тафаккур маҳсули эканига ишора бериб шундай дейди: «...Метафорани фаолият деб тушуниш ўрнига, унга алоҳида олинган нутққа (бирор-бир ёзувчи ёхуд адибга) тегишли бўлган қандайдир бир сўз, фикр баён қилишнинг, айниқса, баландпарвоз фикрни ифодалашнинг усули сифатида қаралади. Шунинг учун кўплаб одамлар метафорасиз ҳам фикрни ифодалаш мумкин дея ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, бу метафоралар пассив, ҳаракатсиз ондан ташқари, бутун кундалик ҳаётга «сингиб кетган», уни ишғол қилган бўлиб, бизнинг ҳар икки — фикрлаш ва фаолият курсатишдан иборат одатдаги концептуал системамиз метафоралар табиатининг асосини ташкил этади²».

Олим Р. Якобсон эса, метафора ва метонимия ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар борасида фикрларини билдираркан, ҳар бир метонимияда метафоранинг, ҳар бир метафорада метонимиянинг изи борлигини қайд қилади. Яъни, улар ўзларининг грамматик таркиби билан ажратилади. Метафоранинг асосида алмаштириш ва номлаш, метонимия негизида эса, боғланишли нутқ (матн) қурилиши, предикатив алоқалар ётади³.

Шундай қилиб, когнитив метафора инсон онги ривожининг муҳим омили ҳисобланади. Метафорани туғри талқин этиш учун, унинг куйидаги характерли хусусиятларига эътибор қаратиш керак.

1. Когнитив метафора систем (тизимли) характерга эга (Дж. Лакофф ва М. Джонсон).

2. Когнитив метафора турли алоқадорликдаги концептларни англаб етишга имкон туғдиради.

3. Когнитив метафора баъзи концептларни эталон бўлиб хизмат қилувчи концептларга таянган ҳолда, тушуниб етишга кўмаклашади.

Бошқача айтганда, когнитив метафора ўрганилмаган объектни шаклланган тушунчалар тизимининг аналогияси (ўхшашлиги)га кўра концептуаллаштиришни таъминлайди.

¹ Лакофф Д. Когнитивная семантика // Язык и интеллект. — М., 1995.

² Lakoff, George. Metaphors we live by / George Lakoff and Mark Johnson. p. cm. Originally published: Chicago: University of Chicago Press, 1980.

³ Якобсон Р. Работы по поэтике. — М.: Прогресс, 1989. — 195 с.

Ўхшатиш (simile) ва метафора ўзаро синекдоха ва метонимия ўртасидаги алоқадорликка муқобил бўлган тизимли муносабатга киришади. Биргина фарқ шундаки, синекдоха ва метонимия учун асосий қурол сезги органлари томонидан ҳис этиладиган предметли олам бўлса, гетероген ўхшатиш (метафора) учун белгили вербал (эмоционал) ахборотни қайта ишлаш оқибатида ҳосил бўладиган фикрий ассоциациялар восита ҳисобланади.



9-расм. Когниция ва маъно кўчимлари (содда шаклда)

Моҳиятнинг кўрув образлари ёрдамида кодланиши мураккаб кўптармоқли қурилишга эга бўлган ва субъектнинг воқеликка доир сертармоқ моделлар кўринишидаги тажрибасини умумлаштирувчи хотирага мурожаат қилади. Ёрдамчи субъектнинг танлови аниқ вазият, асосий субъект, яъни унга тегишли предикатив белгилар билан шартланади.

Бунда сўнгилари ўз моҳиятига кўра, метафорик кўчимнинг белгиланган «катализаторлар»и ҳисобланади, чунки ассоциатив алоқанинг юзага келиши асосий субъектнинг ҳеч бўлмаганда, битта предикатив белги тил эгаларининг онгида ёрдамчи субъектнинг характер хусусиятлари мухрланган қўламга тушгандагина рўй беради.

Метафорик номлашда ишлатиладиган ассоциатив-образли воситалар тизими гапда турли мақомга, хусусан, предикат мақомига эга бўлиши мумкин. Метафорик маънони таъминлаш учун шакллантириладиган синтактик позиция танлови нутқ субъекти томонидан метафорик образнинг функционал юки ва ундаги маъно ифодасининг контекстуал талабларига кўра белгиланади.

Метафорик предикация предикат ўрнида субъектга тўғридан-тўғри алоқадор бўлмай, тил эгаси онгида тилик образ маъносидаги тегишли предикатив хусусиятни ташувчи ёрдамчи субъектга билвосита боғланган лексема қўлланилганда юзага чиқади.

Метафорик кўчимнинг турли кўринишлари сингари, метафорик предикация воқеликнинг субъектив-муаллиф тасаввури негизида ҳосил бўлади ва айни вақтда, тилда мавжуд бўлган типларга оид ҳамда базавий маънолар доирасидан четга чиқмайди. Метафорик кўчим адресатга мўлжалланган (қаратилган) бўлади, шунинг учун метафорани қўллаётганда, нутқ субъекти унинг потенциал ва реал тингловчиси бўлмиш шахснинг хотирасидаги кўргазмали-ҳиссий образларни ишга солган ҳолда метафорик қобик остида нутқ эгаси кўзлаган маънони тушуниб етишига амин бўлиши шарт.

Метафорик предикацияда бош субъект сифатида абстракт-мавҳум маъноли лексемалар иштирок этади. Метафорик предикат эвристик функцияга ҳам эга.

Генитив метафораларнинг қурилмалари зарурий талаб сифатида, ўзида асосий ва ёрдамчи субъектларни жамлайди. Генитив метафоралар объектив кўрсаткичларни субъектив тасаввур нуқтаи назаридан баҳолашга қаратилади. Шу сабабдан, «улар бошқа қурилмаларга нисбатан тасвирланаётган фактларга кўра «яхши/ёмон» шкала асосидаги аксиологик баҳолаш позицияни кам даражада ифода этади»¹.

Атрибутив ва адвербиал-атрибутив метафорик қурилмалар метафорик кўчимнинг турли кўринишларини келтириб чиқаришда фаол иштирок этади. Бунда уларнинг структураси метафорик маъноларнинг турли оттенкаларини намойиш қилишга қаратилади. Мазкур метафорик қурилмалар орасида атрибутив бирикмалар гуруҳи қўлланилиш даражасига кўра сезиларли тарзда ажралиб туради. Уларнинг ўзигини метафорик маънони акс эттирувчи сифатлар, равишлар ва отнинг турланган шакллари ташкил қилади: *оқ олтин, кумуш тола* (сочга нисбатан)².

Атрибутив конструкцияларнинг иккинчи гуруҳини метафорик маъноли равишдош ва равишдош оборотли бирикмалар ташкил қилади: *думини қисиб қолмоқ*. Субстантив бирикмалардан иборат учинчи гуруҳга сифатдош ва сифатдош оборотли қурилмалар киради: *ўқиган йигит*. Сўнгги гуруҳдаги атрибутив қурилмаларнинг ўзига хос хусусияти белгини ташувчи ахборотнинг реал предметга ишора қилиши, атрибутив маъноли лексеманинг эса, метафорик маънода қўлланилишида кузатилади.

¹ Глазунова О.И. Логика метафорических преобразований. СПб., 2000.

² Глазунова О.И. Юқоридаги асар.

Метафорик қурилмаларнинг иккинчи турини атрибутив конструкциялар ташкил этади. Бунда конструкциядаги ёрдамчи субъект метафорик маънода келувчи ва аниқланаётган сўз ўрнида келувчи от орқали, асосий (референция субъекти) субъект эса, нисбий сифат билан (*баҳорий кайфият, самовий кўлам*) ифодаланади. Метафора тил эгаларининг концептуал, уларнинг олам ҳақидаги стандарт тасаввурлари, оламда ўз-ўзича мавжуд бўлувчи ва фақатгина тилда вербаллашувчи баҳолаш тизими билан боғлиқ тарзда юзага келади. Демак, метафора – ишлаб чиқилувчи билимни ва фаразларни илгари суриш модели.

Метафоранинг ҳосил бўлиш механизми қуйидагича: турли мантикий синфга тегишли ҳамда умумий белги ва хусусиятлари тенг бўлган иккита ҳар хил предмет олинади. Масалан, *ёшлик шиддати* (ёшлик даврининг бетиним, шиддатли экани билан шиддатнинг ёшликка хос хусусияти), *кескир сўз* (кескирликда сўз каби чуқур ботиш ҳамда сўзнинг яхши-ёмонлигидан унинг дилга ботиши) сингари.

Метафора категориал, таксономик (классификацион) хато натижасида келиб чиқади. Метафорани ҳосил қилаётган инсон (кўпроқ шоир) гуё сифат ва хусусиятлар, мантикий синфлар ва уларнинг субстициялари (Уриндошлари) оламида яшайди. У яхлиг маънолар ва шу маъноларни келтириб чиқарувчи воқеалар кўламида бўлади.

Когнитив метафора – концептуал метафора (*cognitive/conceptual metaphor*), концептуаллаштириш шаклларида бири, янги тушунчаларни шакллантиради ва ифода этади, янги билимни ҳосил қилувчи когнитив жараён. Одатда метафора алоҳида олинган объектларга тегишли бўлмасдан, мураккаб фикрий кўламлар (ҳиссий ва ижтимоий тажриба ҳудудлари)га мансуб бўлади. Билиш жараёнида ушбу мураккаб, бевосита яширин фикрий кўламлар метафора орқали нисбатан оддий ёки аниқ кузатилувчи фикрий кўламлар (инсон кечинмалари, ҳиссиётлари олов, оташ, гулхан билан, сиёсий-иқтисодий соҳалар спорт мусобақалари, ўйин билан таққос қилинади). Бунда битта фикрий кўлам бир неча метафоралар билан ифодаланиши мумкин.

Метафораларнинг қуйидаги типлари ажратилади:

1. *Структур* (*structural*) метафоралар алоҳида олинган ҳудудларни уларга ўзга ҳудудларни кўчириш эвазига концептуаллаштиради.

2. *Онтологик* (*ontological*) метафоралар мавҳум (абстракт) моҳиятлар (сущности)ни уларнинг фазодаги чегарасини аниқлаштириш орқали катетерлайди.

3. «*Алоқа канали – ахборотни узатиш*» *метафораси* (*conduit metaphor*) коммуникация жараёнини маънолар ҳаракати сифатида ифода этади.

4. *Ориентацион* (orientational) метафоралар бир неча ҳудудларни ташкиллаштиради ва уларга улар учун умумий бўлган концептуаллаштириш тизимини топширади; улар асосан, фазодаги ориентация («юқорига-пастга», «ташқи-ички», «чуқур-саёз» сингари зидланишли типли) билан боғлиқ бўлади. Масалан, ўзбек тилида ўзига бино қўйган, кибрилли одамларга нисбатан «осмон», камсуқум, камтарин ёхуд иззатнафси топталган одамларга нисбатан «кетмоннинг тагидан чиққан», «ер билан битта» каби, аслзодага нисбатан «оқсуяк», оддий қатлам нақилига нисбатан «қора» (ўтмишда), шунингдек, осмонга нисбатан «кўк», тупроққа нисбатан «қора» метафоралари ишлатилади.

5. «*Контейнер*» метафора (container metaphor) аниқ лисоний бирликларни тўлдирувчи маъноларни ифода қилади.

6. «*Конструкциялаш*» метафораси (blockbuilding metaphor) йирик ҳажмли нутқий асарларнинг маъносини нисбатан майда маънолардан иборат конструкция сифатида тақдим қилади.

Метафора билан бир қаторда, шунингдек, перифразани қўювчи тилшуносларимиздан А. Ҳожиев «дала маликаси»ни перифраза ҳодисасига киритган бўлса, Р. Қўнгуоров «*нўлат от*», «*зангори кема*», «*зангори олов*» кабиларни кенгайган метафора деб изоҳлайди. Сўзларнинг сўз функционал-семантик синонимлари нарса-ҳодиса, уларнинг белгиси, ҳолати, миқдори, ҳаракатидаги ўзаро ўхшашликлар асосида, яъни хаёл ва хотира тасаввурларининг уйғунлашуви асосида номи мавжуд денотатни бошқа бир денотатнинг номи сифатида банд сўз билан аташ (метафора), бутун билан қисмларнинг алоқадорлиги асосида бутунни қисм номи билан аташ ёки аксинча (метонимия), ўз номига эга бўлган денотатни бутун бир бирикманинг қисқаруvidан қолган сўз орқали номлаш (эллипсис) таъсирида юзага келади¹.

IV. 2 §. Метафораларнинг маданиятдаги роли

Метафора, шунингдек, фразеологизмларнинг маъно кўлами ва уларга бириккан маданий коннотациялар ўзида билимни ифода этади. Шунга кўра, метафоралар маданий белгиларнинг экспонентлари ҳисобланади.

XX аср охирига келиб, метафора фан оламида илгари кузатилмаганидек, лисон, илм-фан, бутун олам сирасига сингишган бирлик сифатида эътироф этила бошлади.

Бу вақтда метафоралар онг универсалиялари деб топилди. Ҳозирги замон психологияси эса, оламни кўришнинг метафорик тавсифида инсон генезиси ва инсоний маданиятни асос қилади.

¹ Шамсиддинов Ҳ. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати (ўқув қўлланма). – Т.: «Университет», 2008 йил. – 6–8-бст.

Метафора — барча тилларда кузатиладиган универсал ҳодиса. Унинг универсаллиги вақт ва фазо, тил структураси ва унинг функциясида юзага чиқади.

Метафорага мос илмий атамалар мавжуд. Булар: «ички форма», «маданий коннотация», «тирик сув» ва ҳ.

Олимлар метафорани дунёни тушунишга кўмак берувчи фундаментал туйғу деб номлайдилар.

Метафора табиатан антропометриkdir, метафорик фикрлаш эса, homo sapiensнинг энг ёрқин қирраларидан биридир. Метафора — инсоннинг ўз-ўзини англаш воситаси. Метафора мавҳумни осон ва оддий тушуниб етишга ёрдам беради. Метафорик кўчимнинг асосида аниқдан мавҳумга, моддийдан маънавийга қараб йўл ётади.

Таъкидлаш зарурки, метафоралар мифологемалар, архетиплар ва ҳ.ларда миллий-хусусий равишда юзага келади. Хусусан, метафораларнинг юзага келишида мифларнинг жуда катта ўрни бор.

Маълумки, кўҳна даврлардан буён мифлар мазмунан халқ оғзаки ижодини озиқлантириб келади. Мифларнинг халқ оғзаки ижодидан илгарироқ мавжуд бўлганлиги инобатга олган ҳолда қайд этиш керакки, архаик мифларнинг изи фольклорда кўнам сақланиб қолмаган. Аксинча, улар мазмунан доимий равишда эврилиб, ўзгариб, ўз комбинациялари, компонентларини ўзгартириб турган. Қабилалар миграцияси — чатишуви асносида эса, бу ҳолат янада эврилган қиёфани касб эта борган. Мифологик метаморфозалар метафораларга айланиб, натижада метафоралар тафаккурнинг константалари сифатида тил, фразеология ва халқ ижодиётини бойитиб борган¹.

Хусусан, Шарқда, айнан эса, Марказий Осиёда аёл васфига ташбеҳ ўрнида қўлланилувчи *пари* метафораси ҳам ўзининг хос чегарасидан чиқиб, умумтентал тафаккур ва идрок кўламида яшаб келмоқда. Чунончи, қўҳна Эрондаги мифологик қарашлар маҳсули бўлмиш *пари* демономорфик образининг этимологиясида бир вақтнинг ўзида зооморфик, антропоморфик чизгилар кузатилади: «Авесто»да *пари-пайрика* — аёл жинсига мансуб жонзот, «Бундахишна»да *сичқон-пари*, «Ясна»да *кўршакпалак*, «Видевдат» (II 9)да *ёвуз руҳ* шаклида ифода қилинган. Туркий халқлар фольклори ва этнографиясига асосан форс маданияти (эронийлар, тожик, помирликлар, афгонлар ва б.)дан ўтиб келган *пари* образига нисбатан ижобий маънода: *чиройли қуш*, *кундуз*, *оқ* ва *сарик илон* сифатида ёндашилган бўлса, *парини ёвуз руҳ* сифатида талқин этувчилар уни *заҳарли илон*, *қурбақа*, *тошбақа* ҳамда *йўлбарс* сингари йиртқич жониворлар кўринишида тасаввур қилиш-

¹ Мечковская Н.Б. Язык и религия: Пособие для студентов гуманитарных вузов. — М.: Агентство «ФАИР», 1998. С. — 64.

ган. Ҳатто, халқ оғзаки ижодида сув париси, Илон пари сингари маъжозларга бағишланган эпик асарлар ҳам мавжуд бўлиб, мазкур мифологик образ Фарб, асосан славян халқлари этнографиясида ҳам учрайди: *Учинчи кун ошиқбеқарор Келиб дилбар соҳилга яқин, Паривашни кутди у такрор, Эманзорга тушгунча салқин. (На третий день отшельник страстный Близ очарованных берегов Сидел и девы ждал прекрасной, А тень ложилась средь дубров. (Пушкин))*. Шунингдек, помирликларнинг ақидаларига кўра, деҳқонлар ҳосилдорликни пари билан боғлашган; шу жиҳатдан Шарқ эртаклари ва мумтоз адабиётдаги «кулса, оғзидан гул, йиғласа, кўзидан дур ёғилади» сингари ўхшатишлар пайдо бўлган: *Кулса гул, йиғласа дур қизим бор, тангрига шукур (Ҳасан Карвонли); Кулса, гул ёғиларди оғзидан, йиғласа — дур! (Исажон Султон)*.

ПАРИ

Шарқ, асосан, форс-тожик, туркий мумтоз адабиётга сўфийлик таъсири остида кириб келган (фараз муаллифники) *пари* теоморфик метафорасининг маъно кўлами туркий халқлар мифологиясида мавжуд бўлиб келган: дев, аждаҳо, алвасти, Ёсуман (Ялмоғиз) кампир сингари антропо-демонморфик образлардан кескин фарқ қилади. Ундаги асосан ижобий эмоционал-экспрессив бўёқ ҳам аслида *пари*-даги аёл семасининг мазкур образ этимологияси билан зич ассоциацияга киришганлигидан юзага чиққан, холбуки, *пари* ва аёл тушунчалари ўзаро гўзал, тенгсиз, сирли маъно кўламида уйғунлаша олади.

Ҳатто, Шарқ мумтоз лирикасидан фарқли равишда, XXI аср модерн адабиётида учрайдиган *пари* метафораси (гарчи ҳамма вақт ҳам туркий халқлар этномаданиятини ифодаламаса-да) контекстуал жиҳатдан реал аёл, маҳбуба тушунчаларига ишора беради: *О, сен шоирга шеърлар ёздирган пари, Даъватим очиқ таклифсиз кел. Утқир қанотларинг сенинг ёмғирларда ивिसа, чойинг, ҳозир хоҳласанг қаҳванг. Қорларда совқотсанг, музлаб қолса қанотларинг, Шаробим илиқ, уйим иссиқ (Ешим Агаюлу)*. Бу эса, парининг доминантаси ўз этимологиясидаги зоо-антропоморфик шаклдан аниқ антропоморфик қиёфага қараб силжиб улгурганлигини тасдиқлайди. Шу сабабли ҳам, Шарқ (айнан Марказий Осиё) мумтоз адабиётида *парининг* юқори частотали иштирокини изоҳлаш осон кечади.

Бинобарин, бадий анъаналарга кўра, аёл жинсига мансуб зотнинг асосан ижобий хислатларини талқин этишда қўлланиладиган *пари* метафораси тавсиф этилаётган объектнинг Зароастризм даври қадар тилга олиниб келинган зоо-антропо-теоморфик образнинг афсонавий даражада идеаллаштирилган қиёфасига ишора беради: *Улки, топилмас башар жинсида ваҳ гафлат кўрунг, Ким пари хайлида мен*

девоначи зор истадим (Алишер Навоий); Келмади сентек жаҳонда дилбари айёрае, Насли одам ичра йўқ мундоқ пари рухсорое (Лутфий); Бу шаклу шамойил била худ ҳуру парисен Ким жинси башар ичра бу миқдор топилмас. (Бобур)

Шу каби, лирик қаҳрамоннинг ўз маҳбубаси ҳуснидан илҳомланиб, унинг жамолини парига менгзаши ҳам туркий мумтоз лирикасининг ўзига хос анъаналаридан бири бўлиб қолмасдан, сўзловчининг тасаввурот оламида ўзи интилган етук образни кўриш иштиёқидан далолат беради: *Гар пари десам сени, маъзур тут, Чин кўзум инсонидин пинҳонисен. (Лутфий); Пари бу ҳусн бирла кўрса юзунгни, бўлур телба (Бобур).*

Эътиборлиси шундаки, Фарб мумтоз лирикасида ҳам мазкур метафоранинг таъсири остида битилган мисралар мавжуд. Аммо, бу ҳолатда ҳам *пари* метафораси айнан Осийё колоритини таъминлаш мақсадида келтирилганлиги аёнлашади: *Дил қўшигин басталар пари, Най сасидек майин, дилрабо. Оғушига олса ул барно, Кетар дилдан ғам, ҳижрон нари. (Голос раздастся пери, Тихий, как флейта Гассана. В крепких объятиях стана Нет ни тревог, ни потери (С. Есенин)).*

Пари том маънода Шарқ халқлари мифологиясида мавжуд бўлиб келган этномаданий унсурдир: у билан боғлиқ махсус маросимларнинг бугунги кунгача ўтказилиб келиниши бунга ишора.

Аммо *парининг* дискурсив моҳиятдан келиб чиқиб, унинг семантикасидаги доминантасидан *аёл* коннотати қадар тараққий этиб борувчи, Шарқ дунёқараши ва қадриятлари маҳсули бўлмиш *соҳибжамол аёл* семасининг мустақил концептга айланиб улгургани — ҳақиқий лингвомаданий феномендир. Чунончи, қурғоқчилик ва қаҳатчилик рамзи ҳам бўлиб келган *пари* ўрта асрларга келиб, ўз семантикасининг катта қисмини ижобий оттенкали семаларга бўшатиб берди. Масалан, бу даврда форс-тожик шеъриятида парига нисбатан ижобий ёндашиш кузатилади; *пари* кўзга кўринмасдир, пайдо бўлганда эса ўз жамоли ва ҳусни билан ҳайратда қолдиради (шу жиҳати билан *пари* Фарб адабиётига кирганлигини эътироф этиш керак):

Ул парирӯ ногаҳон гар чиқса уйдан ёсаниб (Бобур).

Ёки,

*Бу шаклу шамойил била худ ҳуру пари сен
Ким, жинси башар ичра бу миқдор топилмас.*

У ақлдан оздириш билан бир қаторда эзгуликларга ҳам қодир: Таққослаймиз:

*Юз ямонлиғ кўриб андин телба бўлдинг, эй кўнгил,
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна.*

*Тош урар афтол мени, уйда фориг ул парий,
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.*

Парининг ўрни билан турли дискурс, нутқий вазиятларда кульминацион нуқтага замин ярата олиш хусусияти унда бир вақтнинг ўзида зооморф ва антропоморф чизгиларнинг уйғунлашганлигини кўрсатади. Зооморф чизгилар мазкур метафоранинг этимологиясидаги мифологик образларга ишора берса, ундаги антропоморф белгилар когницияда кечган прогрессив эврилишлар орқали шаклланган ассоциациялардир. Яъни *пари* билан ифодаланган хос бераҳмлиқ (*Ул парининг тигидин қўрқутма мени, эй рақиб...* (Бобур) инсонийликка хос эмас; бу бераҳмлиқ сабаби бўлмиш эътиборсизлик, мурувватсизликнинг боиси эса — андиша, ҳаё. *Парининг* тиги — унинг ҳадсиз гўзаллиги: у ошиққа айтарли ҳеч нарсани ваъда қилмаслиги мумкин. Худди шу оқибатсизлик ошиқ учун ҳалокатнинг ўзи. Шунинг учундир: лирик қахрамон кечинмаларини юқори пафос билан акс эттириш мақсадида, *парига* мурожаат қилиш кези келса, туркий мумтоз адабиётда анъана тусини олади.

Аёлга нисбатан Шарқона эҳтиром туфайли шаклланган қарашларга кўра, у — келажак авлодни дунёга келтирувчи ва оилавий фаровонликни таъминловчи зотдир ҳамда унга бўлган мурожаатлар, муносабатларда бу жиҳат инобатга олинади. Гарчи, ўзининг ижобий коннотати билан Шарқ аёлининг тимсолини бутунича ифодалай олмаса-да, *пари* метафорасини бемалол лингвокультурема деб аташ мумкин, зотан бунини ундаги юқори референтлик даражаси ҳам исботлайди. Сўзловчи ва адресат ўртасидаги *пари* ҳақидаги когнитив билимлар, тушунчалар умумий ва аввалдан тайёр характерли бўлиб, бу референтлик негизи мулоқотнинг ҳар икки (ва ундан ортиқ) иштирокчиларидаги нутқий умумментал хосликларга бориб тақалади. Шу боисдан ҳам, мумтоз адабиёт ва умуман, адабиётнинг синхрон ва диахрон кесимида ўрганилувчи, мутолаа қилинувчи манбаларида учрайдиган *пари* метафорасининг концептуал моҳияти тингловчи, ўқувчи томонидан осон илғанади. Бу ҳолат *парининг* ўзига хос яхлит гештальтга эгаллигини тақрор исботлайди¹.

ДЕВОНА

Маълумки, кўҳна даврлардан буён мифлар мазмунан халқ оғзаки ижодини озиқлантириб келади. Мифлар халқ оғзаки ижодидан илгарироқ мавжуд бўлган ҳамда архаик мифларнинг изи фольклорда кўпам сақланиб қолмаган. Аксинча, улар мазмунан доимий равишда эврилиб, ўзгариб, ўз комбинациялари, компонентларини ўзгартириб тур-

¹ Махмараимова Ш.Т. Теоморфик метафорада ментал хосликлар Ученый XXI века. 2015. № 7–8 (8–9) – 28–32-б.

ган. Қабилалар миграцияси — чатишуви асносида эса, бу ҳолат янада эврилган қиёфани касб эта борган. Мифологик метаморфозалар метафораларга айланиб, натижада метафоралар тафаккурнинг константалари сифатида тил, фразеология ва халқ ижодиётини бойитиб борган.

Фикримизга далил ўрнида яқин йиллар ичида илк бора текшири-лаётган теоморфик метафоралар, хусусан, *девона* теоморф метафораси борасида сўзлашга тўғри келади.

Девона — ўзбек (*девона*), туркман, тожик, татар, озарбайжон (*диване*), бошқир (*диуана*), қирғиз (*дубана, дувана, думана*), қозоқ (*дуана*), қорақалпоқ (*дийуана*) мифологиясида мавжуд образ (суфийларга қиёсланган) саналиб, сўзнинг ўзи форс-тожикча девона, дев чалган маъносини англатган. Ўрта аср Хитой манбаларида маълум қилини-шича, ўрта асрларнинг бошларида *девона* деб шаманларни аташган. Исломгача бўлган давр мифологиясида эса ажойиб кўмакчи сифати-даги қаҳрамон: никоҳларни мустақкамловчи, фарзандларнинг (мас. паҳлавон Алпомишнинг) туғилишига сабаб кўрсатувчи, қаҳрамоннинг йўлидаги мушкулотларни даф этувчи образ.

Девонанинг дискурсив талқини кенг бўлиб, асосан қуйидаги се-мантик қирраларни намоён этади:

1. а) севги изтиробидан ғайритабiiй ҳолатга тушиш: *Ҳа, аслида у шунчаки ишқ нағмаси эмас, ҳақиқий оишқ ноласи, куйган кўнгил охи-зори экан. Бечора девона, шўрига шўрва тўкилган дарвеш!.. Қамчибек Кенжа, Палаҳмон тошлари; Парвона келди, султона келди, девона кел-ди, қурбона келди. Қўшиқдан; Парирухсора сендек дилрабони кўройин деб мени девона келдим. Лутфий; Муҳтожман сенга, мен бир девона, Кўнглим остона сенга муҳтожман. Қўшиқдан. 1. форсий изофа шак-лида Назарига илганда, оишқи девоналигини сариқ чақага олганда нима қилади? Қамчибек Кенжа, Палаҳмон тошлари; Қийнама, кел энди, махваш, бир ғариб ғамхонаман, Бир шоири девонаман. Қўшиқдан.*

б) ақлдан озини маъносида: феълли конструкция шаклида¹: *Шунча-лик ўзини ерга урди, югурди, чапак чалди, наъра тортди, кўкракларига мушти билан урди, салаларини ерга отиб юбордики, аниқ девона бўлди деб ўйладим. Абдурауф Фитрат, Ҳинд сайёҳининг қиссаси; в)салбий; ҳақорат, айбситиш, нописандлик маъносида: Икки-учта девона киши-лар бўлмағур гапларни одамлар қулоғига қуймоқдалар. — Сиз табиблик-дан беҳабар бўлсангиз, касалингизни шамоллашдан эмаслигини қаердан биласиз?.. Булар девона ҳам сўзламайдиган гаплардир. Мен: Тўғри, ме-*

¹ Академик Ш. Раҳматуллаев муаллифлигидаги Ўзбек тилининг изоҳли фра-зеологик луғатидаги (— Т.: Ўқитувчи, 1978.) бирликлар қаторида бундай ибора келтирилмаган. Шундай булса-да, *девона* бўлмокни грамматик жиҳатдан феълли қурилма, лексик жиҳатдан фразема деб олсак бўлади.

нинг айтганларим эмас, балки сизнинг гапларингиз девонага хос. Абдурауф Фитрат, Ҳинд сайёҳининг қиссаси. **1. сифатловчи-сифатланмиш шаклида:** *Наҳот мен бугун қатл этиладиган анави сайёқ девона йигитга ўхшасам?* Михаил Булгаков, Уста ва Маргарита; **г) руҳий хаста одамга нисбатан:** *Девона Умидага ҳайратланиб бир қаради-да, сўнг индамай ўрнидан туриб, ҳужраси томон юрди.* Тоҳир Малик, Девона; **д) ичкилик оқибатида ғайритабиий ҳолатга тушиш:** *Ичганда ақлдан бегона бўлма, Эс қўйиб, жаҳлга ҳамхона бўлма. Истасанг қизил май ҳалол бўлишин, Ҳеч кимни ранжитма, девона бўлма.* Абусаид Кўчимов, Сафар; **е) ноодатий феъл-атвор эгаси, ҳолатга нисбатан:** *Бу ердаги одамлар — ерли халқ вакиллари ҳам, Европдан келганлар ҳам уни девона деб билишган, девоналик уларга ҳам бегона эмасди.* Сомерсет Моэм, Руҳоний. *Индамай руҳимга эргашиб олдим, Девона хаёлим гилмон санадим.* Абдували Кутбиддин. *Бу девона Тошканднинг барчасига маълум; беклардан, бойлардан; қисқаси, шаҳарнинг катта-кичигидан ўзига ихлосмандлар ортдирган ва кубларнинг тарафидан қилган кароматлари ривоят этилган бир мажнун эди.* Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу ерда хашак устида қишу ёз бир девона ётади. Соқоллари ўсган, кийимлари жулдур бир кекса девона. Ойбек. Ёзувчилар — девона халқ, улар билан ҳойнаҳой юзлаштирамас, юзлаштира ҳозиргига қадардек арбоблар билан юзлаштира керак.* Абдулҳамид Исмоил, Жинлар базми. *Отлашган сифат + кўмакчи орқали ифодаланган сабаб ҳоли ўрнида: Девоналигим туфайли орзу қиламан: Энг оқилу мен — барчадан устун бўлсам!* Фаридуддин Ағтор, Рубоёёт; **ж) ёт, бегона, ўзга, ақлдан оздирувчи маъносид:** *Бегона тупроқ — девона тупроқ. Ўзбек мақоли; з) қайишиш, қисман куйишиш маъносид:* *Девонанинг ишини худо ўнгар.* Ўзбек мақоли; **и) лақаб, тахаллус маъносид:** **1. изоҳловчи-изоҳланмиш конструкцияли шаклда:** *Оч қоринга саримсоқ еб, кўкчой ичишдан зериккан кишилар чойхонага Қовоқ девонанинг кириши билан унга сўз қота қолдилар: — Келинг-келинг, девона!* Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳасан-девона билан Қорабой-жинни Эски-Шаҳар кўчаларининг антиқа одамлари эди.* Абдулҳамид Исмоил, Жинлар базми ва ҳ.

Келтирилган мисоллар девона теоморф метафорасининг ўз семантик кўламидаги *ғайритабиат* доминантаси эвазига антропологик парадигма (антропоқўлам, ҳиссиётлар кўлами, физиологик кўлам, вербал кўлам ва ҳ.)ли *девона* мустақил концептга ишора қилаётгани ва бу билан ҳақиқий когнитив функцияни бажараётганини исботламоқда. Кўринадики, бундайин теоморфик метафоралар ўз-ўзидан когнитив метафоралар бўлиб, ўзининг концептуал моҳияти билан лингвокультуремалар ҳамдир.

Хуллас, метафорага қуйидаги хусусиятлар хос: у оламни билиш ва англашнинг қуролидир. Миллий маданий дунёқараш негизида шакл-

ланувчи метафора фундаментал маданий қадриятларни ўзида акс эттиради. Ҳолбуки, В.Н. Телиянинг фикрича, метафора инсоннинг олами қабул қилиш призмасини ўзида намоян этади.

Инсоннинг идроки аксар ҳолларда метафорик тарзда кечади. Бу жараён бевосита миллий-ментал ўзига хосликлар эвазига содир бўлиб, маданиятнинг энг юксак ва типик кўринишлари айнан метафорик ифодаларда юзага чиқади. Зеро, битта вазиятга нисбатан турли маданият вакилларининг таъсири бирламчи метафора орқали ифода этилади.

Назорат учун саволлар

1. *Метафорология тарихи ҳақида нималарни биласиз?*
2. *Ўзбек тилишунослигида метафораларнинг тадқиқ этилиши ҳақида гапиринг.*
3. *Рамзнинг маъно кўчимларидан фарқи нимада?*
4. *Метафора ва ўхшатишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?*
5. *Метафоранинг маданиятда тутган ўрни тўғрисидаги фикрларингизни баён қилинг.*

ГЛОССАРИЙ

Когнитив метафора ҳодиса, вазият, далил, фикр, гоё, концепция назарияси ва ўзга мавҳум тушунчаларга кўчган белгида мавжуд бўлиб, тилга узвийлик, сабаблилик, мақсадга йўналганлик, ҳулосалаш, шартланганлик сингари мантиқий предикатлар узатади.

Метафора – (юнонча метафора – «кўчим» маъносига) атамаси Аристотел томонидан илмий истеъмолга киритилган бўлиб, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланган кўринишидир. Когнитив жиҳатдан метафора икки ашё, нарса ўртасидаги аналогияни ҳосил қилишнинг чуқур кириб боровчи яширин жараёнидир.

Оддий метафора – ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг ўзаро белги, хусусиятларининг оддий қиёсланиши, ўхшатилишига асосланган кўриниши.

Персоификация – метафоранинг ҳосил қилувчи маънонинг жонли референти билан ҳосила маънонинг жонсиз референти ўртасидаги қиёсга, ўхшашликка асосланган кўриниши.

Рамз – моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмуни.

Синестезия – метафоранинг бир кўриниши, унда ҳосила маънонинг маълум сезги билан қабул қилинган референти ҳосил қилувчи маънонинг бошқа сезги билан қабул қилинган референтига қиёс қилинган, ўхшатиш бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Античные теории языка и стиля. – М.: – Л., 1936.
2. Апресян Ю.Д. Избранные труды. Том I. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. – М., Восточная литература, 1995.
3. Аристотел. Поэтика. Аристотел. // А79–Политика: [Пер. С древнегреч. Жебелев С. А., Гаспаров – М. Л.] / Аристотел. – М.: Аст. Хранитель, 2006.

4. Арутюнова Н.Д. Функциональные типы языковой метафоры // Известия АН СССР. Сер. Литература и языкознание. — 1978. — Т. 37. — №4. — 333–343 с.
5. Арутюнова Н. Д. Метафора // ЛЭС. — М., 1990. — 29 с.
6. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. Вступительная статья к сб.: Теория метафоры, — М., Прогресс, 1990.
7. Арутюнова Н. Д. Метафора в языке чувств // Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. — М., 1999. С. — 385–402.
8. Арутюнова Н. Д. Предложение и его смысл. — М., 1976; Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. События. Факт. — М., 1988.
9. Ахманова О.С., Мельчук И.А., Падучева Е.В., Фрумкина Р.М. О точных методах исследования языка. — М., 1962.
10. Блэк М. Метафора // Теория метафоры. — М., 1990.
11. Блэр М. Метафора. В сб.: Теория метафоры, — М., Прогресс, 1990.
12. Виноградов В.В. История слов. — М., Толк, 1994.
13. Грегори Р.Л. Глаз и мозг, психология зрительного восприятия. — М., Прогресс, 1970.
14. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. — М., Прогресс, 1984, Гумбольдт В. Язык и философия культуры. — М., Прогресс, 1985.
15. Гурко Е. Деконструкция: тексты и интерпретация. Деррида Ж. Оставь это имя (Постскрипtum), Как избежать разговора: денегации. — Минск: Экономпресс, 2001. — 320 с.
16. Дэвидсон Д. Что означают метафоры. В сб.: Теория метафоры, — М., Прогресс, 1990.
17. Ёулдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. — Тошкент: 2002.
18. Крушевский Н. Очерк науки о языке. Казань, Типография Императорского Университета, 1883.
19. Кульчицкая Л.В. Понятия «когнитивная» и «концептуальная» метафора В отечественной лингвистике раннекогнитивного периода. Вестник бурятского государственного университета 11/2012.
20. Қўниров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. — Тошкент: 1977.
21. Лакофф Д. Когнитивная семантика // Язык и интеллект. — М., 1995.
22. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. В сб.: Язык и моделирование социального взаимодействия. — М., Прогресс, 1987.
23. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. — Т.: Ўқитувчи, 1995.
24. Локк Дж. Опыт о человеческом разумении. В кн: Локк Дж. Собр. соч. в 3 томах. Т. 1, — М., Мысль, 1985.
25. ЛЭС. — М., 1986.
26. Мамонтов А.С. Проблемы восприятия и понимание текста (лингвистический анализ семантики номинативных единиц текста). Дисс. канд. филол. Наук. — М., 1984
27. Маслова В.А. Лингвокультурология / В.А. Маслова: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. зав. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.
28. Махмараимова Ш.Т. Теоморфик метафорада ментал хосликлар. Ученый XXI века/ 2015.№ 5–6 (6–7). — 28–32-б.
29. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нугқ маданияти. — Тошкент: 2009, 2-нашр.
30. Мечковская Н. Б. Язык и религия: Пособие для студентов гуманитарных вузов. — М.: Агентство «ФАИР». 1998.

31. *Мещеракова Е.Х.* О метафоре. <http://itclaim.ru/Library/Books/ITS/wwwbook/ist6/mesharecova/mesharecova.htm>.

32. *Минский М.* Остроумие и логика когнитивного бессознательного. — В сб.: Новое в зарубежной лингвистике, вып. XXIII.

33. *Миртожиев М.М.* Ўзбек тили семасиологияси. — Т.: «Мумтоз суз», 2010.

34. *Ницше Ф.* По ту сторону добра и зла. Кн. 2, Итало-советское издательство СИРИН, 1990.

35. *Овсянико-Куликовский Д.Н.* Очерки науки о языке // Русская мысль, кн. XII, — М., 1896.

36. *Ортега-и-Гассет Х.* Две великие метафоры / Х. Ортега-и-Гассет // Теория метафоры [вступ, ст. и сост. Н.Д. Арутюновой; общ. ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной]. — М.: Прогресс, 1990.

37. *Пиаже Ж.* Избранные психологические труды. — М., Просвещение, 1969.

38. *Потебня А.А.* Мысль и язык. Харьков, Мирный труд, 1913.

39. *Протопопова И.* Философская аллегория, поэтическая метафора, мантика: сходства и различия.

40. *Рибо Т.* Логика чувств. СПб., 1905, (Леви-Строс) Леви-Строс К. Структура мифов // Вопросы философии, 1970. № 7.

41. *Рубинштейн С.Л.* Бытие и сознание (О месте психического во всеобщей связи явлений материального мира). М., АН СССР, 1957.

42. *Серль Дж.* Метафора // Теория метафоры. М., 1990.

43. *Сеченов И.М.* Избранные философские и психологические произведения. — М., Огиз, 1947.

44. *Степанов Ю. С.* В трехмерном пространстве языка. — М., 1995.

45. Структурная антропология. — М., Наука, 1983, Леви-Строс К. Первобытное мышление. — М., Республика, 1994.

46. *Телия В.Н.* Метафоризация и ее роль в создании языковой картины мира / Роль человеческого фактора в языке: Язык и языковая картина мира. — М.: Наука, 1988. — 173–204 с.

47. Теория метафоры: Сборник: Пер. с англ., фр., нем., исп., польск. яз. / Вступ. ст. и сост. Н. Д. Арутюновой; Общ. ред. Н. Д. Арутюновой и М.А. Журиной. — М.: Прогресс, 1990. — 512 с. 18 с.

48. Тилнинг ижтимоий моҳияти (бадий ва публицистик матнларда тил бирликларининг ижтимоий ҳосланиши). Услубий қўлланма. Тузувчи: Б.Йўлдошев. — Самарқанд: СамДУ нашри, 2012.

49. *Фейхтвангер Л.* Собр. соч. в 6 томах. Т. 6, Кн. 1. М., Художественная литература, 1990.

50. *Ҳасанов А.А.* Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида жонлантиришлар лингвопоэтикаси. Научный мир Казахстана. 4 (32) 2010. — 37–38-б.

51. *Цицерон М.Т.* Три трактата об ораторском искусстве / МТ. Цицерон [под ред. М.Л. Гаспарова]. — М.: Науч.-изд. центр «Ладомир», 1994.

52. *Шамсиддинов Ҳ.* Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати (ўқув қўлланма). — Т.: Университет, 2008.

53. *Шилков Ю.М.* Гносеологические основы мыслительной деятельности. СПб., Издательство СПбГУ, 1992.

54. *Шомақсудов А., Расулов И., Қўнгулов Р., Рустамов Ҳ.* Ўзбек тили стилис-

тикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун қўлланма. — Т.: Уқитувчи, 1983.

55. *Якобсон Р.* Работы по поэтике. — М.: Прогресс, 1989.

56. *Қобулжоновна Г.* Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражаини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2000.

57. *Йўлдошев М.* Бадиий матннинг лисоний таҳлили: Методик қўлланма. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.

58. *Frege G., On Concept and Object.* Вкн.: Translation from the Philosophical Writings of Gottlob.

59. *Lakoff, George.* Metaphors we live by / George Lakoff and Mark Johnson. p. см. Originally published: Chicago : University of Chicago Press, 1980.

60. *Serle J.R., Metaphor.* В сб.: Pragmatics. Edited by Steven Davis, Oxford University Press, New York, Oxford, 1991.

HAZOPAT TYPJIAPY YЧУН ТOПШИРИҚЛАР

ТОПШИРИҚ (тест)¹

Мураккаблик даражаси 1

1. Ушбу фикрнинг муаллифини топинг: «Концепт — гўё инсон онгидаги маданиятнинг йиғиндисидир, у орқали маданият инсоннинг ментал оламига кириб боради. Бошқа томондан, оддий, «маданий қадриятларни яратмайдиган» одам концепт орқали маданиятга кириб боради, баъзи ҳолларда эса, ҳатто унинг ўзи маданиятга даҳл қилади.

- А) М. Хайдеггер
- Б) В.А. Маслова
- В) Ю.С. Степанов
- Г) А. Вежбицкая

2. Инсон онги ва у билан боғлиқ тафаккур, ундаги ментал жараёнлар ва ҳолатларни урганувчи фандаги йўналиш

- А) когнитивизм
- Б) концептуал таҳлил
- В) дискурс назарияси
- Г) коммуникатив синтаксис

3. Инсон руҳиятида аке этган ҳамда олам манзарасининг, инсон миясининг концептуал системаси, ментал лексикон хотирасининг таркибий оператив бирлиги деб га айтилади (Е.С. Кубрякова)

- А) белги
- Б) маъно
- В) концепт
- Г) тушунча

¹ Учебно-методический комплекс по модулю Лингвокультурология. Составитель: к.ф.н., доц. Феоктистова А.Б. — Москва, 2013.

4. Тилшуносликнинг тил ривожини ва тараққиётидаги лисоний, маданий, маънавий, миллий факторларнинг ўзаро таъсирини ўрганувчи соҳаси

- А) структур лингвистика
- Б) этнолингвистика
- В) компаративистика
- Г) социоллингвистика

5. Тилни халқ маданиятининг феномени сифатида ўрганувчи соҳа

- А) адабиётшунослик
- Б) лингвофалсафа
- В) герменевтика
- Г) лингвокультурология

6. Лингвокультурологиядаги антропоцентрик йўналганлик (ориентация) ... билан белгиланади.

- А) социум қатлами
- Б) концептуал қатлам
- В) синтактик қатлам
- Г) мазмун қатлами

7. Лингвокультурологиянинг ўраниш объекти

- А) концептлар ва лингвоконцептлар
- Б) морфемика ва морфология
- В) сўз ясалиш қатлами
- Г) лексик-семантик қатлам

8. Лингвокультурологиянинг ўраниш предмети

- А) этноснинг олам лисоний манзараси
- Б) халқнинг олам лисоний манзараси
- В) анъаналар, шунингдек, анъаналарнинг мавжуд эмаслиги
- Г) муаллифнинг олам лисоний манзараси

9. С.А. Аскольдов-Алексеев, Ю.С. Степанов, Д.С. Лихачев матн назарияси-га доир ...ни ишлаб чиққанлар

- А) концептуал ёндашув
- Б) диалектик ёндашув
- В) комплекс ёндашув
- Г) умумий таҳлил

10. Мулоқотда ифодавий-регулятив функцияни бажарётган одамнинг кўрув орқали қабул қилинаётган ҳаракатлари (поза, жестлар, мимика, юриш, қадам ташлаш) — ... воситалар

- А) вербал
- Б) кинесик
- В) паралингвистик
- Г) лингвистик

11. Сўхбатдошининг мулоқотга тайёрлигини кўрсатувчи новербал сигналлар:

- А) ёпиқ поза
- Б) очиқ поза
- В) кўз қорачигининг кичрайиши
- Г) тананинг бурилиши ва оёқ қафтларининг сиз томонга йўналиши

12. Эквивалентсиз лисоний бирликлар (Е.М. Верещагин ва В.Г. Костомаров) — тегишли маданият учун специфик ҳодисаларнинг белгиланишидир.

- А) Реалиялар
- Б) Образлар
- В) Концептлар
- Г) Урф-одатлар

13. *Этнос аъзоларининг ўз жамоавий бирлиги ва ўзга муқобил жамоалардан фарқларни англаши*

- А) Маданий фон
- Б) Этник ўзликни англаш
- В) Маданий ўзига хослик
- Г) Этник маданият

14. *Турли халқларни бирлаштириб турувчи метамаданиятнинг белгиси __ бўлиши мумкин.*

- А) куйлаш
- Б) таълим
- В) диний маданият
- Г) оила

15. __ нинг лингвистик назариясига кўра, у ёки бу халқнинг маданияти муайян лисоний континуумда қўлланилувчи тилнинг таъсирида шаклланади.

- А) Сепир-Уорф
- Б) Ю.С. Степанов
- В) Е.М. Верещагин ва В.Г. Костомаров
- Г) В.А. Маслова

16. *Европадаги этнолингвистик йўналишнинг асослари __ га бориб тақалади.*

- А) Панини
- Б) Аристотел
- В) Платон
- Г) В. Гумбольдт

ТОПШИРИҚ (тест) **Мураккаблик даражаси – 2**

1. *Келтирилган шарҳлар тўғрими?*

А) Антропология – инсон ва унинг маданияти, унинг хатти-ҳаракати, меъёрларнинг ўрнатилиши, инсоннинг ижтимоий-маданий муносабатларга киришуви билан боғлиқ бўлган табу, маданият ҳодисаси ҳисобланган мифология ҳақидаги илқ фанларнинг биридир.

В) Когнитив антропология асосида маданиятга нисбатан – инсоннинг билиш қобилиятига доир специфик усул сифатида талқин этилувчи рамзлар системаси, оламнинг ментал таркиби ва ташкил этилиши тарзидаги ёндашувлар ётади.

2. *Келтирилган шарҳлар тўғрими?*

А) Инглиз ва Америка анъаналарида тамаддун ўзгача талқин этилади.

В) XX асрнинг йирик тарихчиси ва файласуфи В. фон Гумбольдт жамиятнинг турли тилларини, яъни исталган социомаданий оламни цивилизация деб атайди.

3. *Келтирилган шарҳлар тўғрими?*

А) Когнитив антропология тарафдорларининг фикрича, тилда маданиятнинг моҳиятини ташкил этувчи ва инсон тафаккурининг асосида ётувчи барча когнитив категориялар мужжасам.

Б) Бу категориялар инсонга имманент (ички томондан, моҳиятан, табиатан) мансуб эмас, улар одамнинг маданиятни касб этиш жараёнида шаклланади.

4. Келтирилган шарҳлар тўғрими?

А) В.А. Маслованинг хулосасига кўра, этнолингвистика ва социоллингвистика — турли фанлардир.

Б) В.Н. Телия эса, лингвокультурология тил ва маданиятнинг синхрон таъсирлашувини ўрганади: у жонли коммуникатив жараёнлар ва ундаги ишлатиладиган нутқий ифодалар билан халқнинг синхрон тарзда ҳаракатланувчи менталитети ўртасидаги ўзаро алоқани тадқиқ этади, деб ҳисоблайди.

5. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Барча олимлар томонидан маданиятнинг тилдан устун эканлиги эътироф этилади.

Б) Маданиятлар бир-биридан ажратилган ҳолда мавжуддир.

6. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Ахборотли ёндашув маданиятда рамзларнинг ишлатилишига катта аҳамият беради.

Б) Тил — «рамзий коинот»дир (Ю.М. Лотман).

7. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Маданиятга ахборотли ёндашувни М. Мамардашвили, С.С. Аверинцевлар таклиф қилганлар.

Б) Маданиятга маънавий ёндашувни М. Мамардашвили, С.С. Аверинцевлар таклиф қилганлар.

8. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Маданият — социал-ижтимоий билишнинг фундаментал тушунчаларидан биридир.

Б) Маданият атамаси XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фанга киририлган.

9. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Лингвокультурология лингвистиканинг лингвистика ва культурология гўкнашуви натижасида шаклланган ҳамда тилда ўз ифодасини топган халқ маданиятининг юзага чиқишини ўрганувчи соҳасидир.

Б) Замоनावий этнолингвистиканинг марказида тил системасининг муайян моддий ва маданий-тарихий мажмуалар билан қиёсан олинувчи элементларигина жойлашади.

10. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганади.

Б) Лингвистик фанлар орасидаги энг кўп «маданият ташувчи» (В.А. Маслова) фанлар: социал диалектология, этнолингвистика, стилистика, лексика, фразеология, семантика, таржима назарияси ва б.

11. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Лингвокультурология — белгилар ҳақидаги фан.

Б) Лингвокультурология — сўзлар ҳақидаги фан.

12. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Лингвокультурология тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида XX асрнинг 90- йилларида шаклланди.

Б) Агар маданиятшунослик инсоннинг табиат, жамият, тарих, санъат ва бошқа ижтимоий-маданий турмуш соҳаларига нисбатан ўз-ўзини англашини, тилшу-

нослик эса олам лисоний манзарасининг ментал моделлари сифатида тилда муҳрланувчи дунёқарашни ўрганса, лингвокультурология предмет сифатида тил ва маданиятга узаро муносабатларда ўрганади.

13. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Лингвокультурологияга Платон асос солган.

Б) Лингвокультурологияга Аристотел асос солган.

14. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Адабиётларда маданиятга берилган дастлабки таъриф Э. Тайлорга тегишли.

Б) Э. Тайлор маданиятга одам томонидан жамият аъзоси сифатида эгалланган билимлар, эътиқодлар, санъатлар, қонунлар, ахлоқ, урф-одатлар ва ўзга қобилият ва одатлар мажмуи деб тушунган.

15. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Диалогик ёндашувда маданият — «маданиятлар диалоги» (В. Библер), маданият субъектларининг узаро мулоқотидир (В. Библер, С.С. Аверинцев, Б.А. Успенский).

Б) Алоҳида миллат ва халқлар томонидан юзага келтириладиган этник ва миллий маданият турлари ажратилади. Миллий маданиятлар таркибида субмаданиятлар ажратилади.

16. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Маънавий ёндашувга кўра, маданият — «маданиятлар диалоги» (В. Библер) — унинг субъектларининг узаро мулоқотидир (В. Библер, С.С. Аверинцев, Б.А. Успенский).

Б) Алоҳида миллат ва халқлар томонидан юзага келтириладиган этник ва миллий маданият турлари ажратилади. Миллий маданиятлар таркибида субмаданиятлар ажратилмайди.

17. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Маънавий ёндашувга кўра, маданият — жамият томонидан қўлланилувчи шифрланган ижтимоий ахборотларни яратиш, сақлаш, қўллаш ва узатиш системаси, яъни инсонлар орқали жойлаштирилган мазмун, маъно, моҳиятга муносабатларни белгилар системаси (Ю.М. Лотман).

Б) Бу ахборотни компьютерга хос ахборотлар таъминоти билан қиёс қилиш мумкинмас.

18. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Ахборотли ёндашувда маданият — «маданиятлар диалоги»дир.

Б) Лингвокультурология фан сифатида XVIII асрда пайдо бўлган.

19. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Меъёрий ёндашувда маданият — одамларнинг ҳаётини тартибга солиб турувчи меъёр ва қоидаларнинг мажмуи, турмуш тарзининг дастурул-амалидир (В.Н. Сагатовский).

Б) Бу концепцияларни, шунингдек, Ю.М. Лотман ва Б.А. Успенскийлар ривожлантирган. Улар маданият деб жамоага авлодлардан мерос бўлган маълум таққик ва кўрсатмаларнинг системасида аке этувчи хотирани тушунадилар

20. Келтирилган изоҳлар тўғрими?

А) Тасвирий ёндашувда урф-одатлар, фаолият турлари, кадриятлар, идеаллар ва ҳдан иборат маданиятнинг юзага чиқиш элементлари эъгиروف этилади.

Б) Тасвирий ёндашувда маданият — инсонни табиатдан муҳофаза қилиш ва инсонлараро муносабатларни гартибга солишдан иборат икки мақсадни ифода этувчи ютуқлар ва институтлар мажмуи (З. Фрейд).

21. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Систем-структур парадигмада эътибор предмет, буюм, номга қаратилган эди. Шу сабабли, маъкур парадигманинг марказида сўз туради.

Б) Антропоцентрик парадигманинг диққат марказида тилдаги одам ва одамдаги тил масаласининг таҳлили туради.

22. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Қадриятий ёндашувда маданият инсонлар томонидан яратиладиган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи сифатида талқин этилади.

Б) Объектнинг қадриятий қийматга эга бўлиши учун, унда инсонга хос фазилат ва хусусиятлар акс этиши лозим.

23. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Маънавий ёндашув тарафдорлари маданиятни жамиятнинг маънавий ҳаёти, гоёлар мажмуи, маънавий ижодкорликнинг турли маҳсулотлари сифатида талқин этадилар.

Б) Маданият жамият маънавий ҳаётининг ўзгинасидир (Л. Кертман).

24. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Ахборотли ёндашув тарафдорлари маданиятни жамиятнинг маънавий ҳаёти, гоёлар оқими ва маънавий ижодкорликнинг турли маҳсулотлари сифатида таърифлайдилар.

Б) Жамиятнинг маънавий ҳаёти маданиятнинг ўзи эмас (Л. Кертман).

25. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Немис файласуфи В. фон Гумбольдт ўзининг 1918 йилда чоп этилган «Европа кунботари» номли асарида ҳар бир маданиятнинг ўз цивилизацияси — айна вақтда маданиятнинг ўлими мавжуд, деб ёзади.

Б) В. фон Гумбольдт шундай ёзади: «Маданият ва цивилизация бу — маънавийнинг тирик танаси ва унинг мўйёси».

26. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) М.К. Мамардашвилининг фикрича, маданият фақатгина шахсий маънавий интилишлар эвазига қўлга киритилади, цивилизациядан фойдаланиш эса, ҳатто уни тортиб олиши ҳам мумкин.

Б) М.К. Мамардашвилининг фикрича, маданият янгилик яратмайди, шунчаки маълумни кўпайтиради.

27. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) П.С. Гуревичнинг фикрича, бугунги кунда «маданият» сўзига берилган таърифларнинг миқдори тўрт хонали сонни ташкил этади.

Б) Маданиятга берилган таърифлар мавжуд ҳодисага бўлган қизиқишдан кўра, кўпроқ ҳозирги замон культурология фанининг методологик муаммоларига тааллуқлидир.

28. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Америкалик тадқиқотчи С. Хантингтон цивилизацияни жамият ва одамларнинг юқори даражадаги маданияти сифатида баҳолайди.

Б) А. Тойнби 8 та йирик: гарбий, конфуцийлик, япон, Ислон, индуист, православ-славян, Латин Америка ва Африка цивилизациясини ажратади.

29. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Цивилизация атамаси (лот. *civilis* — фуқаровий, жамоавий) XII асрда юзага чиққан.

Б) Бу даврда тараққий этганлик ёввойиик сифатида қабул қилинган, яъни бу ҳолат амалда омилиқ билан синоним ҳисобланган.

30. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Лингвокультуроология нутқий фаолиятда муайян урф-одатлар билан боғлиқ ҳолда юзага чиқувчи хатти-ҳаракатлар, турли тил вакилларининг вербал ва новербал вазиятдаги фарқликлари, нутқий маданият, «оламнинг рангин манзараси», маданиятлараро муносабатларда акс этган матн лақуналари, турли халқлар нутқий хатти-ҳаракатларининг асосий хусусияти бўлмиш икки тиллилик ва кўп тиллиликни ва бларни ўрганувчи этнопсихолингвистика билан ўзаро зич муносабатдадир.

Б) «Маданият» сўзининг келиб чиқиши лотинча «ишлов бермоқ, тарбияламоқ, эътироф этмоқ, ҳурмат қилмоқ» маъносини берувчи лотинча «*colere*»га боғлиқ тақалади.

31. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Анъанага кўра, тилшуносликда иккита асосий: қиёсий-тарихий ва систем-структур парадигмалари ажратилади.

Б) Қиёсий-тарихий парадигма лингвистикадаги биринчи парадигма ҳисобланади.

32. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Анъанага кўра, тилшуносликда учта асосий: қиёсий-тарихий, систем-структур ва ниҳоят, антропоцентриқ парадигмалари ажратилади.

Б) Қиёсий-тарихий парадигма лингвистикадаги биринчи парадигма ҳисобланади.

33. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Анъанага кўра, тилшуносликда учта асосий: қиёсий-тарихий, систем-структур ва ниҳоят, антропоцентриқ парадигмалари ажратилади.

Б) Э. Бенвенист бир неча ўн йиллар илгари шундай ёзган эди: «Тил хусусиятлари шунчалик ўзига хоски, бевосита, ундаги бир эмас, ҳар бири яхлит лингвистикага асос солишга сабаб туғдирадиган бир неча структуралар ҳақида гапириш мумкин.

34. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Анъанага кўра, тилшуносликда тўртта асосий: қиёсий-тарихий, систем-структур, антропоцентриқ ва ниҳоят, маданий парадигмалари ажратилади.

Б) Қиёсий-тарихий парадигма лингвистикадаги иккинчи парадигма ҳисобланади.

35. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Тилнинг мураккаб табиатини тасвирлаш мақсадида, Ю.С. Степанов уни бир неча образлар кўринишида таърифлади. Негаки, бу образлар яқка ҳолда тилнинг барча қирраларини тўлиғича акс эттира олмайди.

Б) Тил — биринчидан, халқ фаолиятининг натижаси, иккинчидан, ижодкор шахслар ва тилни меъёрга солувчиларнинг (қоида ва меъёрларни ишлаб чиқувчи давлат, институтлар) фаолияти натижасидир.

36. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Этник ўзига хослик ҳар жиҳатдан: одамларнинг ишлаши, ҳордиқ олиши, ейиш-ичиши, турли вазиятларда қандай гаплашиши ва ҳ.ларда кўринади.

Б) Масалан, ўзбекларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – бағрикенглик, жамоавийликдир, шунга кўра уларни ўзаро муносабатлардаги меҳмондўстлик, илиқлик, қийналганларга мурувват кўрсатиш фазилати ажратиб туради.

37. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Тил ва маданият ўзаро бир-бирига зид қўйилади.

Б) Барча олимлар тилни маданиятдан устун қўядилар.

38. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Антропоцентрик парадигма биринчи ўринга инсонни қўяди, тил эса унинг асосий хусусияти, таркибий элементи ҳисобланади.

Б) Одам сингари инсоний интеллектни ҳам тилдан ҳамда нутқни амалга ошириш ва уни қабул қилиш имкониятидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди.

39. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) И. А. Бодуэн де Куртэненинг сўзлари а кўра, «тил нутқий жамиятни ташкил этувчи индивидларнинг фақатгина мияси, руҳи, психикасида индивидуал тарзда мавжуд бўлади».

Б) Тил – мураккаб ҳодиса.

40. *Келтирилган изоҳлар тўғрими?*

А) Тил – инсоний жамиятда вужудга келган система ва антисистемадир ҳамда ушбу фаолият ва фаолиятнинг маҳсули ҳам, руҳ ва материя ҳам, стихияли тараққий этувчи объект ва тартибга солинган ўз-ўзини бошқарувчи ҳодиса ҳамдир, у эркин ва ижод қилинган ва ҳали кўп ўлчамли воқелиқдир.

Б) Тилни ўз мураккаблигига кўра қарама-қарши тарафлама таснифларканмиз, унинг моҳиятини кашф этамиз.

41. *Келтирилган шарҳлар тўғрими?*

А) В.Н. Телия нафақат том маънодаги миллий характерли, балки умуминсоний маданий ахборот, масалан, турли маданиятларга тегишли универсалиялар лингвокультурологиянинг объектидир, деб ҳисоблайди.

Б) Лингвомамлакатшунослик ва лингвокультурология шуниси билан фарқланадики, лингвомамлакатшунослик тилда акс этган миллий реалияларни ўрганади.

42. *Келтирилган шарҳлар тўғрими?*

А) Маданиятга тегишли бўлган тургунлик хусусияти унга нисбатан ягона ва инкор этиб бўлмайдиган таърифни ишлаб чиқишга тўсқинлик кўрсатади.

Б) Маданиятга тегишли бўлган чегараланганлик хусусияти унга нисбатан ягона ва инкор этиб бўлмайдиган таърифни ишлаб чиқишга тўсқинлик кўрсатади.

ТОПШИРИҚ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛ *Мураккаблик даражаси 3*

Топпириқнинг мазмун-моҳияти

Оламнинг лисоний манзарасини реконструкция қилишнинг энг кўп тарқалган усулларида бири абстракт маъноли сўзларнинг «ҳиссий қабул қилинувчи», «конкрет образ»ни намоён этувчи ва оламнинг содда манзарасида

мазкур мавҳум тушунчага қиёс қилинувчи ҳамда тилда муайян синфга тегишли сўз бирикмаларининг бўлишини таъминловчи метафорик уйғунлашувининг таҳлили ҳисобланади. Хусусан, ўзбек тилидаги девона бўлмоқ бирикмаси ақлдан озиш ва нотабий хатти-ҳаракатларга ишора беради: бу ҳолат онгимизда Шарқ мумтоз адабиёти, ментал-маданий қадриятлар, анъаналар, афсона ва ривоятлар ҳамда ҳ. негизида шаклланиб, асосан ишқий изтироблар қурбони рамзи бўлган Мажнун образини гавдалантиради. Бу усул биринчи марта Дж. Лакофф ва М. Джонсоннинг «Биз бирга яшаётган метафоралар» (*Метафоры, которыми мы живем-1980*) китоби, Н.Д. Арутюнованинг «Гам ва унинг маъноси» (1976) китоби, В.А. Успенскийнинг «Абстракт отларнинг ашёвий коннотациялари ҳақида» номли мақоласида (1979) қўлланган. Хусусан, Дж. Лакофф ва М. Джонсоннинг «Биз бирга яшаётган метафоралар» китобида кундалик нутқда асос вазифасини ўтовчи метафора тўғрисида айтилади. Бунда инглиз тилидаги тургун бирикмалар таҳлили негизида «биз бирга яшаётган метафоралар» аниқланди (яъни, баҳс — уруш, севги — саёҳат, қувонч — чўққи, гам — туб). Булар нутқимизда ҳамиша мавжуд, бироқ уларни ҳамиша ҳам пайқайвермаймиз. Сўнги йилларда бу усул концептуал таҳлилнинг асосий усулларида бири бўлиб қолди.

Эслатма. Топпшириқ ўзбек ва жаҳон тилшунослигида мавжуд назариялар, концепциялар тўғрисида илмий маълумотга эга бўлишни талаб қилади. Шунингдек, топпшириқни бажариш жараёнида турли тил (таснифи, ички мантиқ ва ҳ.га кўра турлича булган) материалларини бир-бирига қиёсан урганишнинг имконияти мавжуд.

Тавсия этиладиган топпшириқ мавзулари

1-топпшириқ

Ҳазрат Алишер Навоий асарларининг концептуал таҳлилин амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

2-топпшириқ

Зулфия шеърятининг концептуал таҳлилин амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

3-топпшириқ

Ўткир Ҳошимов асарларининг концептуал таҳлилин амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

4-топпшириқ

Муҳаммад Юсуф шеърятининг концептуал таҳлилин амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

5-топпшириқ

Шукур Холмирзаев асарларининг концептуал таҳлилин амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

6-топпшириқ

Усмон Азим шеърятининг концептуал таҳлилин амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

7-топпшириқ

Абдулла Қаҳҳор асарларининг концептуал таҳлилин амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

8-топшириқ

Эркин Воҳидов шеъриятининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

9-топшириқ

Пиримқул Қодиров асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

10-топшириқ

Абдулла Орипов асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

11-топшириқ

Эркин Аъзам асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

12-топшириқ

Ғафур Ғулом асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

13-топшириқ

Сирождиддин Сайид шеъриятининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

14-топшириқ

Одил Ёқубов асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

15-топшириқ

Сайид Аҳмад асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

16-топшириқ

Абдулла Қодирий асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

17-топшириқ

Худойберди Тухтабоев асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

18-топшириқ

Ўлмас Умарбеков асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

19-топшириқ

Тоғай Мурод асарларининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

20-топшириқ

Анвар Обиджон шеъриятининг концептуал таҳлилини амалга ошириш, нутқий материал хусусиятларини характерлаш.

ТОПШИРИҚ (эссе) Мураккаблик даражаси 2

Топшириқ мазмуни ва ишни бажаришга нисбатан қўйиладиган талаблар

Эссе – қисқа матн бўлиб, унда матн муаллифи берилган мавзу юзасидан ўз тасаввурларини 1–3 саҳифалик ҳажмда баён қилади. Матннинг тили оригинал фикрлар, образли–тасвирий ифодаларга бой булиши лозим.

Эссе учун тавсия этиладиган мавзулар:

Постмодернизм ва антропологик парадигма.

Тил ва маданият қиёси.

Антропологик парадигма: шаклланиш тарихи ва тараққиёт истиқболи.

Оламнинг лисоний манзарасини ўрганиш масаласи.

Тавсия этиладиган адабиётлар

43. Демьянков В.З. Доминирующие лингвистические теории в конце XX века // Язык и наука конца 20 века. — М.: Институт языкознания РАН, 1995.
44. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл: Логико-семантические проблемы. — М., 1976.
45. Арутюнова Н.Д. К проблеме функциональных типов лексического значения // Аспекты семантических исследований. — М., 1980.
46. Арутюнова Н.Д. Практическое рассуждение и язык // Сущность, развитие и функции языка. — М., 1987.
47. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. — М., 1998.
48. Бенвенист Э. О субъективности в языке // Бенвенист Э. Общая лингвистика. — М., 1974.
49. Бенвенист Э. Уровни лингвистического анализа // Новое в лингвистике. Вып.4. — М., 1965.
50. Бенвенист Э. Синтаксические основы именного сложения // Бенвенист Э. Общая лингвистика. — М., 1974.
51. Бодуэн де Куртенэ И.А. 1871 — Некоторые общие замечания о языковедении и науке // Бодуэн де Куртенэ И.А. Избр. труды по общему языкознанию. — М., 1963.
52. Бюлер К. Теория языка: Репрезентативная функция языка / Пер. с нем. — М., 1993.
53. Гумбольдт В. фон 1830/35 — О различии строения человеческих языков и его влиянии на духовное развитие человечества / Пер. с нем. // Гумбольдт В. фон. Избр. труды по языкознанию. — М., 1984.
54. Демьянков В.З. 1989 — Интерпретация, понимание и лингвистические аспекты их моделирования на ЭВМ. — М., 1989.
55. Демьянков В.З. 1994 — Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания, 1994. № 4. 17—33 с.
56. Ельмслев Л. Прологомсны к теории языка // Новое в лингвистике. Вып.1. — М., 1960.
57. Звегинцев В.А. 1965 — Новые черты современного языкознания // Новое в лингвистике. Вып.4. — М., 1965.
58. Кацнельсон С. 1972 — Типология языка и речевое мышление. Л., 1972.
59. Кондильяк Э.Б. де 1780 — Логика, или начала искусства мыслить // Кондильяк Э.В. де. Сочинения в трех томах. Т.3. — М., 1983. 183—270 с.
60. Курилович Е. 1962 — Очерки по лингвистике: Сборник статей. — М., 1962.
61. Потебня А.А. 1862 — Мысль и язык. // Потебня А.А. Эстетика и поэтика. — М., 1976.
62. Соссюр Ф. де 1916 — Курс общей лингвистики / Пер. с франц. // Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию / Пер. с франц. — М., 1977.

63. Степанов Ю.С. 1985 – В трехмерном пространстве языка: Семиотические проблемы лингвистики, философии, искусства. – М., 1985.

64. Фортунатов Ф.Ф. Сравнительное языковедение: Общий курс // Фортунатов Ф.Ф. Избр. труды. Т.1. – М., 1956.

ТОПШИРИҚ (лойиха) Мураккаблик даражаси 3

Тошшириқнинг мазмуни

Лойиха методи муаммони деталлаштирган ҳолда ишлаб чиқиш ва тарбиявий, ривожлантирувчи мақсад йўлида, уни, танланган мавзуга доир муаммони тегишли тарзда расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш билан амалга оширилади.

Лойихавий таълим педагогика амалиётида 300 йилдан ортиқ қўлланилиб келмоқда. Немис педагоги М. Кноллинг тадқиқотида кўра, «лойиха» тушунчасининг пайдо бўлиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ. XVIII аср охирида муҳандислик касблари пайдо бўлиши натижасида ўқув лойихаси дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцарияда, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида қўлланила бошланган.

– Лойихалар усули «ўқитиш усули» дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида «эркин тарбия» гоялари юзага келди.

– Лойиха атамаси ижтимоий фанлар соҳасига техника соҳасидан ўтган бўлиб, «Лойиха (лотинча – *projectus* – таржимада *олдинга ташланган*) – аниқ қоидаларга мувофиқ у ёки бу соҳа ҳолатини қайта қуришнинг асосий гоясини англатади.

– Таълим маъносидаги лойихалаштириш ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

✓ **Ўқув лойихавий фаолиятни ташкиллаштириш – Тайёргарлик босқичи:** лойихага киришни, лойиха фаолиятини ташкил этиш ва режалаштириш – *аудитория* иши.

✓ **Лойихани бажариш босқичи – аудиториядан ташқари иш.**

✓ **Якуловчи босқич:** лойиха тақдироти, талабалар маҳсулоти ва лойиха фаолиятининг баҳолалини, лойиха фаолияти рефлексияси – *аудитория* иши.

Лойиха фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

1. Гуруҳ сардорини танланг.
2. Диққат билан лойиха топшириғи билан танишинг.
3. Маълумотнома тузилишини аниқланг.
4. Иштирокчилар ўртасида лойихани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдиротга ва ҳисоботга тайёрлаш бўйича вазифалар ва фаолият турларини тақсимланг.
5. Иш режасини тузинг.

Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси

Иштирокчилар исми ва шарифи	Вазифа, фаолият тури	Иш мазмун	Тайёр маҳсул тури	Бажариш муддати

6. Натижаларни маълумотнома кўринишида материалларни расмийлаштиринг (1-та талаба).

7. Ҳисоботни тайёрлаш йуриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг (2-та талаба).

8. Лойиҳани Microsoft Power Point бўйича тайёрлаш йуриқномасидан фойдаланиб, тақдимотга тайёрланг (2-та талаба).

9. Лойиҳа тақдимотида гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг. Оғзаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қоидаларига риоя қилинг, оғзаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

Лойиҳа иши тўғрисида ҳисоботнинг тузилиши

- Титул варағи.
- Лойиҳа мавзусининг долзарблиғи.
- Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.
- Лойиҳанинг иш режаси (жадвал).
- Бажарувчиларни кўрсатган ҳолда маълумотнома тузилишининг қисқа баёни.
- Лойиҳа сифати, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўлларини баҳолаш.

Визуал тақдимот тузилиши

- Лойиҳа мавзуси. Бажарувчилар.
- Лойиҳа мавзусининг долзарблиғи.
- Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.
- Лойиҳанинг иш режаси (жадвал).
- Лойиҳага масъуллар: маълумотнома:
 - титул варағи;
 - аннотация;
 - мундарижа.
- Лойиҳа сифати, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўлларини баҳолаш.

Бунда адабиётлар, тегишли манбалар билан ишлашга катта аҳамият берилади. Бу ўз навбатида қўйилаётган масалани тизимли ва атрофлича ўрганиб чиқиш ва аниқ ечимнинг вариантини топиш имконини беради. Лойиҳа методи бир неча босқичда бажарилади.

Намуна

I. Тошвирик: **МЕТАФОРА – МАДАНИЯТНИНГ КУРСАТКИЧИ** мавзусида лойиҳа ишнинг тақдимоти ташкил этилди.

II. Тошвирик: **«МЕТАФОРА – МАДАНИЯТНИНГ КУРСАТКИЧИ»** мавзусида талабалар орасида илмий семинар ташкил этиш ва ўтказиш.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. *Арутюнова Н.Д.* Предложение и его смысл: Логико-семантические проблемы. – М., 1976.
2. *Арутюнова Н.Д.* К проблеме функциональных типов лексического значения // *Аспекты семантических исследований.* – М., 1980.
3. *Арутюнова Н.Д.* Язык и мир человека. – М., 1998.
4. *Бюлер К.* Теория языка: Репрезентативная функция языка / Пер. с нем. – М., 1993.
5. *Гумбольдт В. фон 1830/35* – О различии строения человеческих языков и его влиянии на духовное развитие человечества / Пер. с нем. // *Гумбольдт В. фон. Избр. труды по языкознанию.* – М., 1984.
6. *Демьянков В.З.* 1989 – Интерпретация, понимание и лингвистические аспекты их моделирования на ЭВМ. – М., 1989.
7. *Демьянков В.З.* 1994 – Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // *Вопросы языкознания, 1994. № 4.* – 17–33 с.
8. *Звегинцев В.А.* 1965 – Новые черты современного языкознания // *Новое в лингвистике. Вып. 4.* – М., 1965.
9. *Потебня А.А.* 1862 – Мысль и язык. // *Потебня А.А. Эстетика и поэтика.* – М., 1976.

МУНДАРИЖА

I. ТИЛ, МАДАНИЯТ ВА ИНСОН

I.1 §. Тилшуносликда «парадигма» тушунчаси. Тилшуносликда парадигмаларнинг ўзгариши масаласи. Парадигмаларнинг қиссий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик турлари	7
I.2 §. Билимларнинг янги антропоцентрик парадигмаси ва унинг лингво-культурологиядаги ўрни.....	16
I.3 §. Лингвокультурологиянинг бошқа фанлар орасидаги мақоми. Лингвокультурологиянинг этнолингвистика, социоллингвистика ва этнопсихоллингвистика билан чамбарчас боғлиқлиги	20

II. ТИЛ ВА МАДАНИЯТ

II.1 §. Тил ва маданиятнинг узаро алоқаси. Маданият ҳақидаги тасаввурларнинг тилда намоён бўлиш усуллари	34
II.2 §. Фанда «тил-маданият» масаласининг ўрганилиши: В. фон Гумбольдтнинг «тил-маданият» ҳақидаги лингвистик таълимоти	43
II.3 §. Э. Селир, Б. Уорф, К. Фосслер, Ф. де Соссюрларнинг тил ва маданиятнинг узаро алоқадорлиги хусусидаги қарашлари	50
II.4 §. Оламнинг лисоний манзараси	55
II.5 §. Оламнинг концептуал манзараси	62
II.6 §. Гештальт тушунчаси	82

III. МАДАНИЯТ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

III.1 §. «Маданият» тушунчаси. Маданият — жамият, инсон ижодий кучи ва қобилиятларининг муайян даражаси. Маданиятшуносликда маданиятнинг ўрганилиши	93
III.2 §. Маданиятнинг ўрганилишидаги турли нуқтаи назарлар: тасвирий, қадриятли, фаолиятли, функционистик, герменевтик, меъёрий, маънавий, диалогик, информацияцион, рамзий	97
III.3 §. Маданият ва инсон. Маданият — инсон фаолияти, фикрлар дунёси. Маданият ва тамаддун	100

IV. МЕТАФОРА — МАДАНИЯТНИНГ КЎРСАТКИЧИ

IV.1. §. Метафора тилдаги универсал ҳодиса	105
IV.2. §. Метафораларнинг маданиятдаги роли	139
НАЗОРАТ ТУРЛАРИ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР	149